

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Н. САНАЕВ, Р. НАРЗИЕВ

# АУДИТ

*Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш дарслик  
сифатида тавсия этган*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2001

Т а қ р и з ч и л а р:  
иқтисод фанлари номзоди *Б. Ҳасанов*,  
иқтисод фанлари номзоди *Т. Кудратов*,  
иқтисод фанлари номзоди *З. Маматов*

©«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Баш таҳририяти, 2001 йил

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни кўлга киритгандан кейинги 10 йил давомида иқтисодий мустақиллик сари эволюцион йўл билан бозор муносабатларига босқичма-босқич, туб иқтисодий ислоҳотлар асосида ўтмоқда.

Бунда энг асосий масала бозор иқтисодиётининг объектив қонун ва категориялари талабларидан келиб чиқсан ҳолда жаҳон мамлакатларидаги учёт, назорат ишларининг интеграциялашувига эришиш асосида чет эл инвестициялари учун зарур ҳукукий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш борасида ҳукукий база яратилмоқда. Шунингдек, жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда улардан ижодий фойдаланилмоқда. Бу борада мамлакатимизда иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари аниқ белгиланиб, иқтисодиётни ва хўжалик субъектлари иқтисодиётини эркинлаштиришда катта ишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, миллий валютамизни конвертация қилиш, хўжалик субъектларининг тўғридан-тўғри чет эл компаниялари билан иқтисодий алоқаларга кириши учун ҳам кенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳусусан, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига лизинг муносабатларини жорий қилиш тўғрисидаги қарори бу соҳадаги муҳим иш ҳисобланади.

Туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия учёти ва иқтисодий назоратнинг назарий, ташкилий ва амалий жиҳатлари бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда кўриб чиқилиши лозим. Унинг назарий, амалий, ҳукукий жиҳатлари билан биргаликда иқтисодий назоратни амалга оширадиган аудиторларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам туб иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми эканлиги кўзга ташланмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида бутунги кунда халқ хўжалиги бошқарув органларининг турларига, функционал вазифаларига қараб назоратлар: давлат органдари ва мулкдорлик жиҳатларидан нодавлат хўжалик субъектлари назоратига бўлинади. Бундай назорат тур-

ларининг келиб чиқишига сабаб, биринчидан, турли-ча мулк шаклларининг вужудга келиши бўлса, иккин-чидан, республикамизнинг чет эл компаниялари, ин-весторлар билан иқтисодий алоқаларда бўлиши, учин-чидан, мамлакатимизнинг жаҳонга юз тутиши муносабати билан ривожланган давлатларнинг назорат таж-рибаларини ҳисобга олган ҳолда, республикамизда ҳам юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш муам-молари вужудга келмоқда.

Табиийки, булар эса ўз навбатида бугунги кун та-лабига жавоб берадиган аудиторлик назоратини, фао-лиягини уюштиришни тақозо қилмоқда.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан 1992 йил 9 декабрда Аудит ва аудиторлик фаолиятини ривожлан-тириш борасида ниҳоят 2000 йил 26 майда Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонунлар-нинг ҳаётга тадбиқ қилиниши борасида Республика Ва-зирлар Маҳкамасининг 1993, 1994 ва ниҳоят 2000 йил-нинг 22 сентябрида 365-сонли қарори ҳамда унга илова-лар сифатида бир неча Низомлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи йўриқнома ҳужжатлар сифатида қаралиши лозим.

Қабул қилинган қарорлар кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlашни ислоҳ қилиш тадбирларига, дастурларига дахлдорлиги билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам аудиторлик тўғрисида дарслик ва амалий ўқув қўллан-малар яратиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифала-ридан бири бўлиб қолмоқда. Аммо бу соҳада ҳозирча мукаммал дарсликлар, хусусан, кейинги меъёрий ҳуж-жатлар асосида яратилмаган.

Маълумки, ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида аудитор деб ном олган киши қонуний профессионал ма-лакали ходим сифатида қуйидаги кафолатларга эгадир:

1. Аудиторлик текширувни ўтказиш билан мижоз-га (клиентга) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлардаги аҳборот маълумотларнинг тўғрилиги, бугун ва кела-жакда фаолият кўрсатишига мулк эгасига ўз хulosса ҳамда таклифлари билан кафолат бериши лозим.

2. Аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик субъек-ти билан унинг тижорат сирларини сақлаган ҳолда, аудит текшируви ўтказилган корхона билан ўзаро иқтисодий алоқага кирувчи бошқа хўжалик субъектларига ҳам, маз-кур корхонанинг иқтисодий, молиявий аҳволи, тўлов қобилиятини ўз хulosаси билан кафолатлайди.

3. Хўжалик субъекти сифатида фаолиятни давом этириши мумкинлиги ҳақида давлат, банк ва назорат ҳамда молиявий бошқарув органларига ўз аудиторлик хulosаси билан кафолат беради.

4. Мамлакатимиздаги тўртингчи ҳокимият ҳисобланган матбуот органларига ҳам аудит текшируви ўтказилган корхонадан берилган аудиторлик хulosаси билан баланс ва молиявий аҳволи тўғрисидаги тегишли эълонлар учун ҳам кафолат ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, янги таҳрирдаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга муровфиқ аудиторларга жуда катта масъулият юклатилган. Бундай масъулиятни бажариш учун аудитор ўта малакали, бухгалтерия ҳисоби, солиқса тортиш, солиқсиз бошқа тўловлар учун ҳамда молиявий таҳлил сингари шу соҳага дахлдор фанлар тўғрисида маълум даражадаги билимларга эга бўлиши зарур.

Ўқувчиларга тақдим қилинаётган ушбу дарслик иккинчи марта қайта нашрга тайёрланди. Қайта нашр жараёнида ижтимоий ҳастимиздаги аудит соҳасига тегишли меъёрий ҳужжатларда илгари сурилган янги йўналишлар, бу соҳада эришилган ютуқлар ҳисобга олинди. Дарсликда аудит, аудиторлик фаолиятининг умумий жиҳатлари, жумладан, агросаноат мажмуи тармоқ корхоналарига кўпроқ эътибор қаратилган.

«Ташқи ва ички аудит» фани олдин ўрганилган умумий иқтисодий назария, технологик ҳисоб-китоб, молия ва иқтисод фанларининг давомий якунидир. У бўла жак мутахассиснинг бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик операцияларининг имконияти, оқибати ва жавобгарлиги борасидаги малакасини оширишга қаратилган. Шу билан биргаликда, бу фан корхонани таъсис этишида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳисобот, молия, таҳлилнинг услубий томонларини ўргатишни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, корхона ривожланишига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, корхонанинг рақобатбардошлилик даражасини ошириш, хўжалик фаолияти сирини сақлаш каби услубий томонлари ана шулар жумласидандир. Булардан ташқари мазкур фан корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, мавжуд барча ресурслардан фойдаланиш, самарадорликка эришиш йўлларини аниқлаш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятига баҳо бериш каби масалалар ечимини

ҳам ўргатади. Шунга қўшимча равищда, хусусийлаштириш, қимматбаҳо қофозлар бозорининг вужудга келиши, корхона қонуний статусининг яратилиши, корхонадаги барча фаолиятлар мазмунининг тўла ўзгариши, уларнинг молиявий маблағлар айланма даражасини аниқ белгилаб олиш, корхона тутатилган шароитда баланси, тўлов қобилиятини таҳлил қилиш, улар юзасидан бир неча ечимларни топиш ва улар ичидан энг мақбулини танлаб олишдек масалаларни қамраб олади. Умуман олганда менежерлар, маркетинглар олдида турган муаммолар ечимини ўрганишда бу курс қўл келади. Чунки, мулкка нисбатан эгалик ҳиссининг пайдо бўлиши ҳам аудит фаолиятини билишни талаб қиласди ҳамда юқори ташкилотларга бериладиган ҳисоботларни аудит текширувидан ўтказиш мажбурият тусига киради. Шу жиҳатдан аудит хизматига катта зарурият пайдо бўлади.

Дарсликда аудит фанининг назарий ва амалий жиҳатлари, аудиторлар учун уни ўтказиш услублари кўрсатиб берилади.

Аудит курси бозор муносабатлари шаротида инвесторлар (сармоядорлар) учун корхонанинг молиявий аҳволини ҳисобот қилиш ва унинг реаллигини, ҳисоботларнинг текшириш услубларини, тўлов қобилиятини аниқлаш, корхона тутатилиши, рентабеллик даражаси, маблағларнинг айланма миқдори, жорий активлар тўғрисида ахборот берувчи восита ролини ўйнаши мумкин.

Бозор муносабатлари жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ечиш, менежерлар фаолиятини юқори савияга кўтариш учун ҳам мазкур фанни чукур ўрганиш зарурияти туғилмоқда. Айниқса, ички ва ташқи аудитларнинг мақсад ва вазифасини белгилаш, аудиторлар хulosасига мувофиқ хўжаликнинг бутун фаолиятини янада такомиллаштириш борасида ҳам «аудит» курси иқтисодчи мутахассисларга қўл келади.

Тижоратга асосланган ва мустақил аудит текшируванинг ташкил қилиниши бозор иқтисодиёти шароитида мустақил республикамиз фуқароларининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилгандир.

Ҳозиргача бу соҳада кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мос равищда дарсликлар яратилмаган. Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти ва аудиторларни тайёрлашга, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш, қолаверса ҳаётдаги тезкорлик асосида юз берётган ўзгаришлар ҳам жаҳон аудиторлик фаолияти меъёрий ҳуж-

жатларига интеграциялаш жабҳаларни қамраб олган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида янги дарслерлик яратилишини тақозо қилмоқда. Ушбу дарслерлик Республикасида эълон қилинган маҳсус адабиётларни, илмий мақолаларни маълум даражада ўз ичига олади. Албатта, ушбу иш аудит ҳақида тайёрланган дастлабки иккинчи дарслерлик бўлганинги сабабли, унда маълум камчиликлар бўлиши табиий. Улар ҳақида фикр-мулоҳазалар берилса муаллифлар хурсанд бўлур эди.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётiga ўтиши муносабати билан иқтисодий тизим, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ҳалқаро андозалар талаби даражасида ташкил қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шу сабабли ҳам янгидан ташкил қилинган мулкчиликнинг нодавлат шаклига асосланган агросаноат мажмуига кирувчи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлайдиган ҳўжаликларда аудитни ташкил қилиш ва ўтказишни ҳётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Республикамиздаги мавжуд ҳўжалик субъектлари қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда аудиторлик текширувларидан ўтказилади. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш аудиторлик фирмаларининг аудиторлари томонидан ўтказилади. Ҳўш, аудитор ким? Бугунги кунда аудитор Ўзбекистон Республикаси қонунларини чуқур ўзлаштирган, иқтисодиёт назарияси, бухгалтерия ҳисоби, молия, пул муомалалари, солиқ сиёсати, иқтисодий таҳдил, статистика, ишлаб чиқариш технологияси ва ҳўжалик ҳуқуқи фанларини чуқур эгаллаган кишидир. Аудитор мутахассисларнинг олдига қўйилган қўйидаги талабларни а) ахлоқ-одоб; б) маҳсус билим; в) ишчанлик; г) объективлик (холислик); д) мустақил фикрга эга бўлиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Агросаноат мажмуига кирувчи ҳўжаликлар айниқса, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кооператив (ширкат ҳўжаликлари), фермер, деҳқон ҳўжаликлари 1998 йилдан бошлаб оила пуррати асосида, ўзларининг пай улушлари билан ҳўжаликнинг молиявий фаолиятига таъсир этадиган даврда ҳўжаликларда аудитни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ҳўжаликнинг молиявий фаолиятига, молиявий ҳисботига аудитор томонидан баҳо берилиши айни муддаодир.

Ҳозирча Агросаноат мажмуи (АСМ)га кирувчи ҳўжа-

ликлар таъминот, хизмат кўрсатувчи, харидор ташкилот ва корхоналар билан шартномалар асосида ишлайди. Маълумки, хўжаликлар, корхоналар ўртасида таъминотчи, иш бажарувчи, харидор ташкилотлар билан шартнома тузищда асосий хужжат бўлиб хўжаликнинг молиявий ҳисобот маълумотлари асос бўлиб хизмат қиласди. Молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини фақат аудиторлик хulosалари тасдиқлади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин илгариги иқтисодий тизим ўрнига жаҳон андозаларига мос демократик-хукуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида хукуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-хукуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси кўйилди. Шунингдек, давлат мулкига асосланган мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизини яратиш масаласи устувор йўналиш сифатида қабул қилинди.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг хукуқий негизини яратишдан иборатdir. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик — зарур ҳукуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

Республикамизда турли хил мулк шаклларининг вужудга келиши натижасида эндиликда олдинги давлат корхоналари ва хўжаликлари ўрнига ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятлари, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар шаклидаги турли хил хўжалик юритувчи хўжалиқ субъектлари эгалламоқда. Кўп укладли мулкка асосланган хўжаликларнинг вужудга келиши улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тегишли қонунлар асосида амалга оширишни тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий масала ҳалқ хўжалигини тубдан, янги асосда ислоҳ қилиш деб белгиланди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида биз ҳукumat асосларини яратишда ўзимизга хос ёндашувларни: қонун хужжатларни ишлаб чиқариш ва

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Ўзбекистон», 1995, 29-бет.

қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтиридик»<sup>1</sup>.

Хукуматимизнинг республикамида бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шароитлари, тегишли қонун ва қаорлар асосида кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантиришининг ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтириш деб белгиланганлиги сабабли, бу соҳада ўз самарасини йўқотган, фойдаланиш даражаси паст бўлган давлат мулкини хусусийлаштириш, яъни давлат мулкини ўзининг ҳақиқий эгалари бўлган корхона ва хўжаликдаги ишлаётган ходимларга ҳисса шаклида бўлиб бериш бозор иқтисодиётига ўтишнинг шартларидан бири қилиб танланди.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида эндилиқда завод, фабрика, колхоз, совхоз ўрнида минглаб кичик корхоналар, фирмалар, фермер, деҳқон хўжаликлари, ширкат, жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, ижара корхоналари, қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Бундай хўжалик субъектларининг вужудга келиши халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши билан бир қаторда янгидан ташкил қилинган хўжалик субъектларига ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, хуқуқий асослари ва мулкни ҳимоя қилиш кабилар асосан давлат томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилса, хўжаликнинг структураси, бошқариш тизими, хўжалик ташкил қилишдаги молиявий манбалар, таъминот, ишлаб-чиқариш, реализация жараёнлари, хўжаликлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, хўжалик корхоналарининг олган даромад ва харажатларини режалаштириш, шунингдек, тақсимлаш жамоа аъзолари ҳиссадорлар ихтиёри билан тузилган Низом асосида қонунга мувофиқ амалга оширилади. Ҳар қандай хўжалик субъекти ҳисобланган корхонанинг хўжалик фаoliyatini амалга ошириш баъзида қўйидаги шаклда вужудга келади:

- ташкил қилиш усулига қараб (жамоа, ҳиссадорлик, хусусий);
- молиявий манбасига қараб (ҳисса, хусусий, қарз ҳисобига);
- иқтисодий алоқасига қараб (таъминот, ишлаб чиқариш, реализация);
- харажатлар ва даромадлар (тўғри ва эгри);

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», 32-бет.

— даромадга қараб (асосий, ёрдамчи, кўшимча фолиятдан);

— молиявий натижаларни тақсимлашга қараб (асосий, ёрдамчи).

Юқоридаги шакллардан кўриниб турибдики, хўжалик субъектларининг катта-кичиклиги, молиялаштириш манбаи, молиявий натижаси, ишлаб чиқариш технологиясидан қатъий назар ҳар бирида қуидаги жараён амалга оширилади:

- таъминот жараёни;
- ишлаб чиқариш жараёни;
- реализация жараёни.

Бу жараёнларни амалга ошириш учун эса ҳар бир хўжалик бошқа корхона, хўжалик муассаси ва ташкилотлар билан алоқада бўлади.

Корхона таъминоти учун зарур бўлган материаларни, асосий воситаларни, номоддий активларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан ёки таъминот ташкилотлар орқали сотиб олиш жараёнида иқтисодий мулоқотда бўлади. Бунинг учун эса олдиндан шартнома тузилади, ҳар иккала томон ўзлари учун тегишли мажбуриятларни олади ҳамда шартномада томонларнинг мажбуриятлари аниқ кўrsатилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан, айниқса, корхона ва хўжаликларнинг мустақил бўлиши тўғридан-тўғри корхоналар ва хўжаликлар ўргасида иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиши, шартнома тузувчилар ўртасида бир-бирининг иқтисодий аҳволи, молиявий ҳолати тўғрисида кафолат берувчи молиявий ҳисобот орқали амалга оширилса, ўз навбатида молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатта зарурият туғилмоқда. Бундай ҳужжат бўлиб аудиторлик ташкилотларининг берган хулосаси ҳисобланади.

Бугунги кунда хўжалик субъектлардаги ластлабки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи жаҳондаги меъёрларга интеграциялашмоқда. Жумладан, 1995 йил 27 январда қабул қилинган «Маҳсулот (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш харажатларнинг таркиби, молиявий натижаларининг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ хўжалик субъектларда тўрт фаолият бўйича: 1. Асосий. 2. Давр харажатлари ва даромадлари. 3. Молиявий. 4. Фавқулодда фаолиятлар бўйича даромадлар, харажатлар ва молиявий натижалар кўrsаткичлари олиниши кўrsатилиши лозимdir. Аудиторлар ушбу

**Низомга мувофиқ хулоса ва таклифларини тузишлари лозим.**

Соҳибқирон Амир Темур давлатни бошқаришда ҳисоб ва аудитдан кенг фойдаланган, «Темур тузуклари»да ёзилишича, «Тиょл (ином) қилиб берилган ҳар бир мамлакатта иккитадан вазир тайинлансанылар. Бири вилоятдан йигилган молларни ёзиб, раият аҳволини текшириб туришни, мол-мулк эгаси фуқарога жабр зулм етказиб, уларнинг ҳолини хароб этмасин. У вилоятдан йигилган бутун мол ашёларни кирим дафтарига ёзиш лозим. Иккинчи вазир эса (даромаднинг) харж этилган қисмини чиқум дафтарига ёзсин ва (йигилган моллардан) сипоҳларнинг маошига тақсим қилинсин. Қайси амирга туюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинаш. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинаш. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолиша қолдирилсанылар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса ул вилоядта холис (давлат)га ўтказиб уч йилгача ўша жигардорга улифа берилмасин!»<sup>1</sup>.

Ўрга Осиё республикаларида, хусусан, Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатларда ҳам аудит қадимдан қўлланилган. Айниқса савдогарлар ўтасида олинган даромадни тақсимлашда холис кишидан фойдаланилган. Шартномага мувофиқ даромадларнинг тақсимланишини холис киши гувоҳлигига бўлиб олганлар.

Аудитнинг вужудга келиши асосан мулкчиликнинг ривожланиши, шунингдек, корхона ва хўжалик субъектларининг иқтисодий муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 320 дан ортиқ аудиторлик фирмалари ташкил қилинган. 1996—1997 йилларда мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги хўжалик субъектларининг кўпчилиги аудит текширувидан ихтиёрий равища ўтган. Мулк эгалари хўжаликни бошқаришда иқтисодий муносабатларни бозор талабига замонавий хўжалик бошқариш усууларидан фойдаланишини афзаллигини тўғри тушунмоқдалар. Чунки, аудитор олдинги ревизор (тафтишчи) эмас, балки хўжалик субъектлари томонидан ёлланган, хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятидаги камчиликларни аниқлаб, уларни қонунга мос тегишли норматив ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш, даромад ва харажатларнинг самарали, хўжалик учун энг қулагай, тўғри вариантиларини ташлашда ёрдам берадиган ташкилотdir.

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: 1991, 77-бет.

## **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АУДИТ ВА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ**

**Аудит ва аудиторлик фаолиятининг бозор иқтисодиёти шаронтида зарурлиги.**

Ўзбекистон Республикасида аудитни ташкил қилиш, аудиторлик фаолияти ва уни амалга оширувчи органлар ҳақидаги мөъёрий (норматив) актлар.

**Аудит ва аудиторлик фирмалари, уларнинг функционал фаолиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга асосланган босқичма-босқич, ўзига хос иқтисодиёт йўлига ўтган. Бунда илғор мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ва айни пайтда ушбу фаолиятни тарихий шарт-шароитлар билан уйғунлашган ҳолда ташкил қилиш талаб этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакат иқтисодиётида янги муаммолар юзага келади. Республикаиздаги бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларининг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодиётни эркинлаштириш мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиқсан ҳолда бир қанча янги малакали мутахассисларга, назарий ва амалий курсларга, фанларга эҳтиёж туғилади. Шулардан энг муҳими — аудит фани ва аудиторлик касбидир. Ушбу соҳада гарб мамлакатларида катта тажриба тўпланган. Удастлаб Буюк Британияда пайдо бўлган.

Мазкур фан тарихига назар ташласак, у XVIII асрда вужудга келганлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ахборотларни тасдиқлаш, корхоналарнинг молиявий аҳволи, балансини мустақил назорат қилишни таъминлаш зарурияти вужудга келади.

Иқтисодий жиҳатдан мураккаб янги шароитда корхоналар фаолиятини тижорат асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш, корхона ҳақидаги ахборотлардан фойдаланувчилар учун, уларнинг объектив мустақил

бўлишини таъминлайдиган аудиторлик текширувани зарурият қилиб қўяди. Бу эса бизнинг республикамиздаги ҳалқ хўжалик тармоқларининг бошланғич звеноси — хўжалик субъектлари учун янгилик ҳисобланади. Бозор қонунлари қатъий бўлиб, у товар ишлаб чиқарув ишлар ўргасидаги рақобатга асосланганлиги сабабли, тўртинчи ҳокимият, яъни матбуот унга объектив маълумотлар берувчи аудиторлик хизмати эҳтиёжини вужудга келтирса, иккинчи томондан, реклама воситаси бўлиб хизмат қиласди. Бундай шароитда, бир томондан, аудиторлик фаолият бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларининг камлиги, иккинчи томондан эса аудиторлик касбига бўлган эҳтиёжни қондириш учун қисқа муддатли курслар ташкил қилиниши зарур бўлиб қолмоқда.

Бу ерда 1844 йилда аудиторлик ҳақида бир қанча қонун, йўриқнома-хатлар, қоидалар юзага келган эди. Аудиторлик фаолиятининг вужудга келиши биринчи навбатда ишбилармонлар, инвесторлар, акциядорлик жамиятлари аъзоларининг эҳтиёжи учун зарурдир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқариш ҳақида, шунга боғлиқ бухгалтерия ҳисботи борасидаги маълумотлардан фойдаланувчилар учун мустақил аудиторлик фаолияти жуда ҳам муҳим. Шу боис мазкур фаолият аудиторлар олдига муҳим талабларни қўяди. Жумладан, улардан малакали, тажрибали, инсофли, тўғри сўз бўлишликни талаб қиласди.

Аудиторлик фаолияти шу давргача қуйидаги муҳим уч босқични босиб ўтганигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: а) тасдиқловчи аудит; б) системали мўлжалга олувчи аудит (системали тахминий яхши натижаларга эришишга ундовчи аудиторлик фаолияти); в) таваккал, тахминий яхши, келгусида иқтисодий самарани таъминлашга қаратилган аудит. Булар ҳақида кейинги саҳифаларда қисқача тавсифнома берилади.

Аудитнинг зарурлиги қуйидаги 4 та асосий иқтисодий шарт-шароитга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

1) бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ўз иш якунлари бўйича нообъектив ахборотларнинг тақдим қилиниши мумкинлиги;

2) корхонанинг кундалик хўжалик юритиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ечимининг йўналиши шу ахборотларга асосланиши;

3) кўрсатилган ахборот маълумотларининг аниқ,

ишончли эканлигини биладиган мутахассисларга бўлган талабнинг кескин ошиши;

4) кўп ҳолатларда қонунга ва бошқа ҳуқуқий меъёрий хужжатларга мувофиқ ахборотлар сифатини, шунингдек, улардан фойдаланиш имкониятининг чекланганигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Шундай қилиб аудиторлик фаолияти — бу тадбиркорликка асосланган мустақил эксперт мутахассислар хизмати ҳисобланади. У корхоналар фаолиятини яхшилаш учун дастлабки зарурат бўлиб, корхоналар томонидан молиялаштирилиб, буюртма бериладиган хизмат фаолиятидир.

Бугунги кунда аудиторлик фаолияти дунёдаги кўпгина мамлакатларда юқори савияга кўтарилиган. Маълумотларга кўра ҳозирда 4,2 минг аудиторлик фирмалари дунёнинг 147 мамлакатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Аудиторлик фирмаларининг кўпчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги миллий трансатция кўмита фикрига кўра бир неча давлатларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, аудиторлик фирмаси «Экс-зид» 179 та мамлакатда, «Прайс-Ўатерхауз» — 110, «Артур-Андерсен» 100 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатмоқда.

Собиқ Иттифоқ республикалари ичida Ўзбекистонда биринчилар қаторида аудиторлик фаолияти тўғрисидағи норматив актлар мажмуи вужудга келтирилди:

1. «Аудиторлик фаолияти ҳақида»ги қонун 1992 йил 9 декабрда қабул қилинди. Мазкур қонун 5 бўлим ва 16 моддадан иборат.

2. «Аудиторлик фаолиятини кучга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил деқабрда қарор қабул қилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 3 майда «Корхоналарда молиявий назорат ва уни хўжаликлар ҳаётига жорий қилишда аудиторлик молия назоратининг шакллари» ҳақида 198-сонли қарор қабул қилди. Мазкур қарор 5 та банддан иборат бўлиб аудиторликнинг қонунга мувофиқ ташкил қилиниши, аудиторлик фаолиятини шартнома асосида пуллик шаклда вужудга келтириш ва бошқа масалаларни қамраб олади. Унда барча корхоналар аудиторлик фаолияти билан қамраб олиниши, шунингдек, аудиторлик ҳақида вақтингчалик Низомнинг тасдиқланиши кўрсатилган.

4. Аудиторлик фирмаси ва Аудиторлик ҳақида вақтингчалик Низом ишлаб чиқилган. У VIII бўлим ва 22

та банддан иборат ҳолда тасдиқланган (№ 198, 3 май, 1993 йил).

5. Аудиторларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом 1993 йил 3 майда тасдиқланган. У VII қисм ва 34 банддан иборат.

6. Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат қайдномасидан ўтказиш ҳақидаги қарор 3 банддан иборат бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 283-сонли қарори билан 1993 йил 17 майда тасдиқланган.

7. «Аудиторлик ва аудиторлик фирмаларини давлат қайдномасидан ўтказиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. У 7 банддан иборат бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги 293-сонли қарори билан тасдиқланган.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (41-сон, 10 июнь 1993 йил) «Ўзбекистон ҳудудида аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга маҳсус лицензия бериш тартиби ҳақидаги Низом» 10 та банддан иборат бўлиб унга маҳсус лицензия намунаси ҳам илова қилинган.

9. «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қиливчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» фармон («Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 9 август).

10. Банк тизимида аудитолик фаолиятини ташкил қилиш амалиётини ҳам мисол келтириш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган норматив актларнинг айримлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим кўрамиз.

«Аудиторлик фаолияти ҳақида»ги қонуннинг биринчи бўлими «Умумий аҳвол» деб аталиб, 1-моддасида «Аудит» тушунчасининг моҳияти очиб берилган. Шунингдек, аудиторлик фаолиятининг турлари ҳам ёритилади. 2-моддасида аудиторлик фаолиятига лицензия бериш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиш тартиби кўрсатилган. 6-моддасида эса аудиторлик хуласаси, унда бухгалтерия принципларига риоя қилиш ва тасдиқлаш қоидаси, 7-моддада унинг республика ҳудудида қандай тартибга солиниши кўрсатилган.

II қисм 5 та моддадан иборат бўлиб, 8-моддада аудитор ва аудитор фирмасининг ҳуқуқлари белгилаб берилган. Шунингдек, ҳўжалик субъекти сифатида шартномалар тузишни текшириш услуги ва шаклларини мустақил танлаш, текшириш даврида тегишли кишилардан тушунтириш олиш ҳуқуқлари кўрсатилган. Бун-

дан ташқари корхона лицензиясини бекор қилиш ҳақида суд органларига шикоят қилиш тартиби ҳам изоҳланган. 9-моддада аудиторнинг мажбуриятлари, раҳбарларга қонун ва норматив актларнинг тузилиши ҳақида ахборот бериш корхона сирини сақлаш ўз фаолиятини саббисиз тўхтатмаслик, йигилиш чақиришни талаб қилиш каби ҳаракат қоидалари кўрсатилган. 10-моддада эса аудитни тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида гап юритилган. 11-моддада аудиторга зарур иш шартшароитлари яратилиши кўрсатилган. 12-моддада эса унинг жавобгарлик масаласи аниқ белгилаб берилган.

III бўлимнинг 2-моддасида аудиторларга ҳақ тўлаш тартиби, 13-моддада аудиторлик ташкилотларининг ихтиёрийлик асосида ташкил қилиниши, уларга ҳақ аудиторлик текшируви ўтказилаётган мижоз томонидан келишилган баҳоларда тўланиши қайд этилган.

IV бўлимнинг 2-модда 15 бандида молиявий ҳисобот маълумотларини матбуотда эълон қилиш, 16-моддада эса уни эълон қилиш тартиби кўрсатилган.

V бўлим маҳсус ҳолатлар, деб аталиб унинг 17-моддаси аудиторлик фаолиятини тақиқлашга ва 18-моддаси низолар ечимини ҳал этишга қаратилган.

Аудиторлик фирмалари ва аудиторларнинг функционал фаолияtlари юқорида кўрсатилган қонун ва норматив актларда аниқ белгилаб берилганлигини кўриб ўтдик. Шундай бўлса-да, уларнинг фаолият турларига тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **Аудиторлик фаолияти ҳақидаги хукуқий-меъёрий хужжатларга шарҳлар**

Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб бизнинг республикамида аудиторлик фаолиятига тегишли хукуқий-меъёрий базалар яратилди.

Республикамида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги илк Қонун 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган эди. Аммо бугунги кунга келиб бу қонун шиддат билан тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти тадабларига тўлиқ жавоб бераолмай қолди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўтган давр ичида тўплланган тажрибаларни ва аудиторлик фаолиятини тартибга соловчи хукуқий-меъёрий хужжатлардаги камчиликларни эътиборга олиб, 2000 йил 26 майда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги таҳrirда қабул қилди. Янги қабул қилинган Қонун 29 моддадан ибо-

рат бўлиб, аудиторлик фаолиятига кўплаб янгиликларни олиб кирди. Жумладан, мазкур Қонунда биринчи марта аудитор ёрдамчиси, аудитор малака сертификати, мажбурий аудиторлик текшируви, ташабbus тарзидаги аудиторлик текшируви каби янги тушунчаларга ҳуқуқий тавсиф берилган. Бундан ташқари янги таҳрирга Қонунда аудиторлик ҳисоботи, аудиторлик хуносаси ҳам давр талабига мос равишда етарли даражада кенг ёритиб берилган.

Қонунда аудиторлик фаолияти тушунчасига аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувлари ни ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ қасбий хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти деб таъриф берилган. Аудиторлик ташкилоти эса Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган мустақил юридик шахс бўлиб, аудиторлик ташкилоти Устав капиталининг камидаги 51 фоизи бир ёки бир неча аудиторга тегишли бўлиши лозим, яъни республикамиздаги аудиторлик ташкилотлари хусусий мулк шаклидаги ташкилот сифатида фаолият кўрсатиши биринчи марта қонунда мустаҳкамлаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарори билан аудиторлик ташкилотларининг устав капиталининг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баравари миқдорида бўлиши лозимлиги белгилаб кўйилди.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капитали таъсисчи ёки таъсисчилардан тушган маблағ ҳисобига ташкил қилинади ва шу устав капитали асосида субъектнинг мол-мулки шаклантирилади. Аудиторлик ташкилотларининг устав капитал миқдорининг республика ҳукумати томонидан бундай катта миқдорда белгиланишининг боиси аудиторлик ташкилотларининг хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тасдиқлаб хуносалар беришида маъсулиятини ошириш ва аудиторлик ташкилотлари берган нотўғри хуносалардан фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг аудиторлик ташкилоти мол-мулки ҳисобидан қопланишини таъминлашдир.

Республикадаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, шунингдек, бошқа давлат ва хўжалик бош-

қарув органлари томонидан аудиторлик ташкилотлари тузилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги, мустақил аудиторлик текширувни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида аудиторлик ташкилотига ёки аудиторларга исталган шаклларда таъсир ўтказиш қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам ҳукукий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Янги таҳтиргани қонунда аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги икки аудитордан кам бўлмаслиги, аудиторлик ташкилотининг раҳбари фақат аудитор бўлиши, ташкилотнинг қонуний хужжатларида назарда тутилган устав капитали бўлиши, аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши, Республика Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияси бўлиши, ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги сургута полиси мавжуд бўлиши тўғрисидаги шартлар ҳам қўйилган бўлиб, бу шартлар аудиторлик ташкилотининг юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишни бошлишининг асослари ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳўжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот хужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш текширув ўтказётганда ҳўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ хужжатларни тўлиқ олиш ушбу хужжатларда ҳисобга олинган мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ва мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш, текширув давомида юзага келган масалалар буйича моддий жавобгар шахслардан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар, текширув учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олиш, ҳўжалик юритувчи субъектдан учинчи шахслар томонидан ёзма рашида тасдиқланган ахборотларни олиш, ишончли аудиторлик холосаси тузиш учун зарур бўлган барча ахборот ҳўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик ўтказишида иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибларда жалб этиш ҳукуқларига эгадир.

Шу билан бирга аудиторлик ташкилоти фақат аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш, бу фаолиятни

амалга ошираётганида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, буюртмачининг талабига биноан лицензиясини аудиторнинг текширувани амалга ошириш жараённида олинган ахборотларнинг махфийлигига риоя қилиш, аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик ишларининг қонунийлиги бузилиши фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини акс эттириш мажбуриятларига ҳам эга. Агар хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари субъектга зарар етказганлиги фактлари аниқланса, аудитор бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига ёки мулкдорига маълум қилиши ҳамда бу тўғрисида аудиторлик ҳисоботига тегишли қайдни киритиши, зарур ҳолларда аудиторлик текшируви натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларida белгиланган тартибларда қатнашчиларнинг ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Аудитор сифатида фаолият кўрсатишни бошлаш учун ҳам аниқ шартлар қўйилган. Жумладан, фақат аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсгина аудитор бўла олади. Бундан ташқари аудитор аудиторлик текшируви ўтказишга жалб қилиниши учун бирон-бир аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлиши ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома тузган бўлиши лозим. Аудитор аудиторлик текширувани сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор эттанлиги ёки бошқа хатти-ҳаракатлари билан аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

Аудитор малака сертификатига эга бўлмаган жисмоний шахс янги қонунга мувофиқ аудитор ёрдамчиси ҳисобланади ва у аудиторлик ҳисоботига, аудиторлик хulosасига, аудиторнинг эксперт хulosасига, аудиторлик текшируви ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатларга имзо чекиш ҳукуқига эга бўлмайди. У аудиторнинг топшириғига биноан аудиторлик текшируvida иштирок этиб, аудиторга ёрдам қиласди. Текширувни амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан ҳам тадбиқ қилинади. Аудиторнинг ёрдамчиси зарур маълумотларни ва тақлифларини ўз имзоси билан аудиторга тақдим қиласди.

Янги таҳрирдаги Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябр-

да 977-рақам билан рўйхатга олинган «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, аудитор малака сертификати жисмоний шахсга, башарти у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса ёки у билан аудиторлик ташкилоти фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, аудиторлик текширувани амалга ошириш хукуқини бериши кўрсатилган бўлиб, мазкур Низомда аудитор малака сертификатини бериш, сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартиблари белгиланган. Аудитор малака сертификати олиш учун даъвогар аудиторларнинг республика жамоат ташкилоти билан келишилган ҳолда қабул қилинган маҳсус ўкув дастури асосида ўқиган бўлиши, белгиланган тартибларда Республика Молия вазирлигига Низомда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда сертификат олиш учун имтиҳонлар топшириш учун ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аудитор малака сертификати 5 йил муддатга берилади.

Қонунда биринчи марта аудиторлик текширувининг моҳияти кўрсатиб берилди, яъни аудиторлик текшируви, молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш қонуний эканлиги алоҳида таъкиллаб қўйилди.

Аудиторлик текширувлари мажбурий ва ташабbus тарзидаги шаклларда ўтказилади. Қонунда ҳар йили бир марта мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам аниқ кўрсатилган бўлиб, булар жумласига акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар, маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар, устувондидан давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар киради.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект бўлади ва у аудиторлик

ташкилотини танлашда мустақил мулк эгаси ёки қатнашчилар, акциядорлар умумий йиғилиши билан келишиб иш кўради.

Мажбурий аудиторлик текшируванин ўтказишдан бош тортувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан республиканинг ушбу соҳадаги амалиётида биринчи марта қонуний тарзда жарималар белгиланди, қонунинг 10-моддасига мувофиқ, мажбурий аудиторлик текшируванин ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ундиришга ва унинг раҳбарини қонун хўжжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 22 сентябрда қабул қилган «Аудиторлик фолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисидаги»ги 365-сонли қарори билан «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишида бўйин товлаганилиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомни ҳам тасдиқлади. Ушбу Низомга кўра ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги ва аудиторлик хulosаси мавжуд эмаслиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади. Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик текшируви тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик хulosасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим қилади. Низомда ундириладиган жариманинг табақалаштирилган тартиби ҳам белгиланган, жумладан, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача бир йиллик ялпи тушумга эга бўлган субъектга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан 15 минг бараваригача бўлган бир йиллик ялпи тушумга эга бўлган субъектга энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 минг бараваридан юқори бир йиллик ялпи тушумга эга бўлган субъектга энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима солинади.

Аудиторлик ҳисоботлари ва хulosаларининг ҳақоний ва бирламчи хўжжатларга мувофиқ бўлиши хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботларидан фойда-

ланувчилар учун, шунингдек давлат бошқарув ва назорат органлари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам қасдан соҳта аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хуносаси тузилганлиги аудиторлик фаолияти билан шуғулланиши ҳукуқини берувчи лицензиянинг амал қилишни туттишига ва айбдор шахсларнинг қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига олиб келиши ҳам қонунда қатъий белгиланган.

Бундан ташқари аудиторлик текширувининг ҳақ-қоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида қонунда текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари билан, бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлган, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатлари бўлган шахсларга айнан шу хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текшируви ўтказиш таъқиқланиши, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарувি органларининг, шунингдек, хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахсларига, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ходимига ҳам аудиторлик текшируви ўтказиш таъқиқланиши, бир-бирига нисбатан мулдор, қатнашчи, акциядор, кредитор, сугурталовчи бўлган ҳолларда аудиторлик ташкилоти ёки аудиторлик шу хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиши, аудиторлик текшируви ўз ичига олган даврда профессионал хизматлар кўрсатиб келган хўжалик субъектида ҳам айнан шу аудиторлик ташкилоти ва аудитор аудиторлик текшируви ўтказиши манқилиниши алоҳида таъкидланган.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқини берувчи лицензия фақат аудиторлик ташкилотларига берилади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли Қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомига мувофиқ лицензиялар Республика Молия вазирлиги томонидан берилади ва лицензия олиш учун даъвогар мазкур вазирликка таъсис ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, камида икки аудиторнинг малака сертификатларининг тасдиқланган нусхаларини, солиқ тўловчи сифатида аудиторлик ташкилотига идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги солиқ органининг мълумот-

номасини, аризани кўриб чиқиш учун йигим тўлангаңлигини тасдиқловчи банкнинг тўлов ҳужжатини илова қилган ҳолда аризани тақдим қилиш лозим. Ариза 15 кун муддатда кўриб чиқилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилган санасидан бошлаб 5 йил муддатга берилади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган янги таҳирдаги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори, шу қарор билан тасдиқланган Низомларда лицензиянинг амал қилишини тугатиш, лицензияни бекор қилиш, аудитор маълака сертификатининг амал қилишини тугатиш, малақа сертификатини бекор қилиш асослари ҳам батафсил санаб ўтилган.

Ҳар бир қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат маълум бир соҳанинг ривожланиши ва тараққиёти учун хизмат қилиш ҳамда соҳани мумкин қадар тўлиқ тартибга солиши шарт. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда аудиторлик фаолияти борасида қабул қилинган янги таҳирдаги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу қарор билан тасдиқланган Низомлар республика иқтисодиётининг асоси бўлган ҳалқ ҳўжалигининг тармоқлари ва уларнинг бошланғич звеноси ҳисобланган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти, рақобатлар кураши шароитида барқарор ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Фикримизча, бу қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ қилишда кўпгина тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан:

1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига баҳо беришда мол-мулкнинг сақланишида табиий камайиш меъёрларини ишлаб чиқиш.

2. Маҳсулотларни қайта ишлаш, ишлаб чиқаришда илмий ва амалий асосланган меъёрларни тавсия қилиш.

3. Хом ашёлардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш меъёрларини яратиш.

4. Қишлоқ ҳўжалигига қиймат қонуни талабларидан келиб чиқсан ҳолда асосий, ёндош ва қўшимча маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш.

5. Меъёрий ва жамият, иқтисодиёт тан олган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва аудиторларга тавсия қилиш кабилар.

Биз санаб ўтган бу масалалар ҳаётда ва иқтисодиётда ўз ечимини кутаётганлигига қарамай, юқорида зикр

этиб ўтилган ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар бугунги кун талаби билан яратилган, кенг жорий қилиниши лозим бўлган қоидалар, тартиблар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидир.

Бу меърий ҳужжатлар республикамида аудит фанини ривожлантиришга, жаҳон аудит фани принципларига интеграциялашуви жараёнига қўшилган ҳисса бўлиб хизмат қиласи.

### **Жаҳон аудиторлик фаолиятлари бўйича стандартларга шарҳлар**

· Аудиторлик фаолиятида меърий ҳужжатлар сифатида аудитнинг жаҳон стандартлари (андозаларини) ишлаш борасида ҳам маълум даражада уринишлар бўлганингини қайд қилиш лозим бўлади.

1948 йилда Америка қасамиётчи бухгалтерлар институти томонидан «Умумлаштирилган аудит стандартлари» ишлаб чиқилди. Шу каби мамлакатда тафтишчилар институти томонидан «Ички тафтишчиларнинг мажбуриятлари» эълон қилинди.

1976 йилларда маълумотга электрон ишлов бериш аудитлар ассоциацияси ташкил қилиниб, 1987 йилда «Ахборот тизими бўйича умумий қабул қилинган аудит стандартлари» ишлаб чиқилди.

Дунёнинг кўпчилик давлатларида миллий узатув аудитор-консультант фирма ваколотхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳалқаро аудиторлик меърлари (МНА—улар 29 та) ва уларга мос келадиган ишлар меърлари (МНАСР—тўртта)дан кенг фойдаланадилар. Бутун дунёда аудиторлар фаолиятида умумий стандартлари ишланишга Америка қасамётчи бухгалтерлар институти (AICPA) катта таъсир ва ташаббус кўрсатиб келади. Маскур стандартлар З га бўлинади: умумий, аудит объекtlари иш стандартлари ва хulosा стандартлари. Шу бўйича аудиторнинг З та стандартлари умумий қоида сифатида кўлланилиб келинади, жумладан: аудиторлик текширувнинг амалга оширувчи кишилар малакали ва техник услубий тайёр бўлиши шарт; аудитор текширув жараёнида албатта мустақил ва объектив бўлиши; аудит текширувида ва хulosা ёзишда аудитор малака аниқлигини ўзида мужассамлаштирилган бўлиши зарур. Аудиторнинг «умумий этика» кодекслари мавжуд бўлиб, улар маълум қоида ва тушунтиришлар, меър сифатида модда-модда қилиб меърлаштирил-

ган: № 101 «Мустақил бўлиш» № 202 Аудит стандартлари, № 203 Банк белгиланган лимитдан ошмаслиги лозим услубий стандартлар, № 301 Мижоз ҳақида конфиденциал ахборотлар, № 302 Тўлов ва рағбатлантиришлар, № 501 Дискредиторлик ҳаракатлари, № 502 Реклама ва бошқа шаклдаги ҳаракатлар, № 503 Комиссион йигинлар, № 504 Ноўрин ҳаракатлар ва ниҳоят № 505 Ҳаракат шакллари ва фаолият турларининг номлари.

Аудитнинг ривожлантирилиши Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида бўлиб, бугунги кунда 10 та аудит стандартлари ишлаб чиқилди, уларнинг ҳам меъёрий ҳужжатлар жумласига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Аудит стандартлари:** № 3 Ўзбекистон республикасининг миллий аудит стандарти «Аудитни режалаштириш», № 4 «Мижозларнинг фаолияти (бизнес) билан танишиш», № 5 «Аудитор ишларининг сифатини назорат», № 6 «Аудитни ҳужжатлаштириш», № 9 «Аудиторлик таваккалчилиги ва муҳимлик», № 10 «Молиявий ҳисоботдаги кўрсаткичларга мазмун ахборотлари», № 13 «Аудиторнинг аналитик жараёнлари», № 14 «Аудитор таъловлари», № 16 «Аудитор томонида экспертларнинг ишларидан фойдаланиш» кабилардир. Бу стандартларнинг тартиб рақами билан тушмаслигига сабаб республикамида ҳалқаро аудит стандартларининг тажрибалар асосида бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, рақамлари тушмаган стандартлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилади.

## АУДИТ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДЛАРИ

**Аудит фанининг обьекти ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келиш заруряятлари.**

Аудит фанининг предметини ўрганишда юридик шахслар доирасидаги текшириш обьектларининг хусусиятлари.

**Аудит фанининг предмети.**

**Аудит фанининг ўрганиш методлари.**

Республикамиз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда иқтисодиётни босқичма-босқич эркинлаштириш асосида бозор иқтисодиётига ўтмоқда. Бугунги иқтисодий қийинчиликларни енгib ўтиш барқарор ривожланишини таъминлаш учун бунга боғлиқ барча омилларни

тўғри баҳолаш, иқтисодий назоратнинг янги шаклларини чукур таҳлилий услубларини жорий этиш заруритини келтириб чиқармоқда.

Бундай шароитда аудиторлик фаолиятини халқаро назарий ҳуқуқий ва амалий талаблар даражасига кўтариш муҳим ҳисобланади. Бу, албатта, жуда мураккаб масала. У қуйидаги муаммо ва масалаларни ўз ичига олади: аудит назарияси ва фаолиятини ташкил қилиш; унинг услубий томонлари, уни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ўз-ўзини молиялашга, ўз харажатларини ўз даромадлари билан қоплашга асосланади. Аудит фани предмети ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг ўрганиш обьектларининг икки жиҳатига эътибор қилиш даркор: 1) халқ ҳўжалигининг бошлангич бўғини ҳисобланган корхоналар; 2) аудит текширувни ўтказиш жараёнига қараб ҳўжалик жараёнлари, маблағлар ва уларнинг манбалари текширувдан ўтказилади. Бундан ташқари корхоналарнинг юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатлари, технологик ишлари, ҳўжаликни юритиш ишлари, шартнома муносабатлари, режа тузилиши, шунингдек унинг таркибий қисмлари ҳам аудит обьектларини ташкил қиласи.

Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти асосидаги товар ишлаб чиқарувчилар рақобат қурашида мағлубиятга учрамай, барқарор фаолият кўрсатиб мулкдор бўлади.

### Аудит фанининг муаммолари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига мос равищда олий ўқув юртларида «Аудит» фани ўқитилмоқда. Аммо бу бизнинг тизимимизда янги фан ҳисобланади, шу муносабат билан уни ўргатиш, аудиторларни тайёрлашда ҳаёт томонидан янги-янги ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар пайдо бўлмоқда, жумладан, фанинг ўрганиш обьектлари ва предметлари, методлари кабилардир.

Бозор иқтисодиётига амал қилаётган мамлакатда аудит фани ўрганилади. Бунинг учун ўрганилиши лозим бўлган аудит фани қамраб олган обьектлар тўғрисида маълум фикрга эга бўлиши зарур. Шу нуқти на зардан обьектларни жамият ижтимоий тузилиши ва

иқтисодий ривожланишини ҳисобга олиб, қуйидаги жараёнларни объект деб ҳисоблаш мумкин:

1. Тайёрлов жараёни, яъни табиий ресурслардан инсонлар ўз эҳтиёжларига мослаштириб олишлари. Бунда кейинги объект ишлаб чиқариш жараёнини барпо этиш учун шароит яратиб олинади.

2. Ишлаб чиқариш жараёни. Бу жараённи ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари: меҳнат воситалари ва предмёларининг қўшилуви, ҳаракатга кириш жараёни тушунилади. Бунинг натижасида ҳаёт эҳтиёжини қондирадиган бирон-бир маҳсулот (озик-овқат, кийим-кечак ва ҳоказ) ишлаб чиқарилади.

3. Тақсимот жараёни. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар маълум бир қоидаларга мувофиқ тақсимланади. Масалан, пахта-ғалла, шолига давлат буюртмаси бўлади. Буни албатта етказиб бериш керак. Чунки ҳозирги ўтиш шароитида айниқса, пахта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

4. Айирбошлиш жараёни. Бунда товарлар, товарларга ёки унинг қийматига тенгглаштирилган эквивалентларга алмаштирилади. Чунки бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг ҳаёт фаолияти учун фақат етиштирган маҳсулотнинг ўзигина кифоя қилмайди.

5. Сотиш жараёни.

6. Истеъмол жараёнлари тўғрисида ҳам шуларни давом эттириш мумкин.

Агарда мулкка эгалик қилиш нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, аудит текширувининг объектлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Юридик шахслар.

2. Жисмоний шахслар.

Хўжаликнинг субъектлари доирасида аудитнинг объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хўжалик маблағларида уларнинг таркибий қисмлари.

2. Таъсис кунидан бошлаб хўжалик маблағларининг вужудга келиши ва уларнинг жойланиши бўйича мулький муносабатлардир.

3. Хўжалик жараёнлари ва технология интизомига риоя қилишнинг ахволи.

4. Молиявий натижалар ва ҳисоб-китобларнинг ахволи.

5. Корхоналарнинг иқтисодий молиявий кўрсаткичларининг таҳдили ва уларнинг оптималлигини кўриб чиқиш.

**6. Халқаро ва айрим олинган бир мамлакатга ёки корхона доирасида хўжалик қурилиши, хўжалик юритиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётий ўрнини белгилаш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш аҳволи.**

Ушбу келтирилганлардан хulosса қиладиган бўлсак, аудит текшируви шу санаб ўтилган объектларни қамраб олиб ўтказилади. Давр тараққий этиши билан бу объектлар қисқариши ёки уларнинг сафига янгилари кўшилиши мумкин. Албатта, бу ишлаб чиқариш жараёни, хўжалик юритиш шакллари ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Аудит фани предмети ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлиши учун унинг ўрганиш объектларининг икки муҳим жиҳатига алоҳида эътибор берши керак:

**1. Халқ хўжалигининг бош бўғини ҳисобланган турли мулк шаклларига асосланган корхоналар.** Бу дегани турли мулк шаклларидаги корхоналарни бир хил усул, бир хил йўналиш, текширув билан аудит текширувни амалга ошириб бўлмайди.

**2. Аудит текширувни ўтказиш жараёнiga қараб хўжалик жараёнлари, маблағлар ва уларнинг манбалари.** Бундан ташқари корхоналарнинг юридик кучга эга бўлган норматив актлари, технологик ишлари, хўжалик юритиш ишлари, шартнома муносабатлари, режа тузилиши, шунингдек, унинг таркибий қисмлари ҳам аудитнинг объективини ташкил қиласди.

Аудит фанининг предмети халқаро бозор муносабатларидаги объектив ривожланиши қонунларига айрим олинган бир мамлакатда ёки тармоқларда ёки тармоқлар доирасидаги корхоналарда ёки корхоналар доирасида ишлаб чиқариш бўлинмаларида хўжалик қурилиш, хўжалик юритиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини текшириш, улар юзасидан маълум хulosса ва таклифларни беришдан иборатdir. Ана шу ишлар амалга ошган тақдирда корхоналарнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ва самара олишига кенг имкониятлар туғилади.

Тор маънода аудитнинг предмети юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик иқтисодий ишлаб чиқариш ва самара олиш юзасидан юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг фаолиятига баҳо беришдан иборатdir.

Аудиторлик фаолияти, бир томондан (мижозлар манфаати юзасидан), ҳудудлар тармоқлар ва тармоқлар доирасидаги авансланган капиталнинг кенгайган

такрор ишлаб чиқариш жараёнида айланишининг иқти-  
содий таҳлилига самарадорлигини оширишга қаратил-  
ган бўлса, бошқа томондан эса товар ишлаб чиқарув-  
чиларнинг молиявий ҳолати тўғрисида ишончли объек-  
тив маълумотларни ўрганишга хулоса чиқариб тавсия-  
лар беришга қаратилган.

Аудит фанининг предмети мақсад ва вазифалари-  
дан келиб чиқади, жумладан, мавжуд ресурслардан  
унумли фойдаланиш ҳамда корхона тармоқ фаолият-  
ларининг самарадорлигини ошириш асосида рақобат-  
бардошлини таъминлашдир.

Аудит фанининг предмети товар-пул муносабатла-  
ри ҳукмрон бўлган бозор иқтисодиёти шароитида амал  
қилинадиган ҳўжалик юритиш механизми бўйича норматив  
актларга амал қилиниш жиҳатидан хулоса бе-  
ришдан иборат. Яъни, шу норматив актлар бозор иқти-  
содиёти шароитини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда тузила-  
ди ва юритилиши назарда тутилади. Ана шуларни юри-  
таётган мутахассислар ишни тўғри амалга ошираяпти-  
ми ёки шу жараёнда қандай камчиликларга йўл қўймоқ-  
далар? Фан предметининг моҳияти ана шу жиҳатлар  
 билан ҳам боғлиқдир. Аудиторлар аввало ўз фаолиятла-  
рини аудитнинг объектив хўжалик субъектлари доира-  
сида амалга оширади. Ҳўжалик субъектлари турли мулк  
шаклига асосланган ижара акционерлик жамиятлари,  
қўшма корхоналар ҳиссадорлик корхоналаридан ибо-  
рат. (Хозирги шароитда ана шулар самара бермоқда.)

Бир сўз билан айтилганда, фанининг предмети фан-  
нинг таҳлилини ва улар юзасидан корхонанинг иқти-  
содий самарадорлигини оширишга қаратилган ёзма ху-  
лоса демакдир.

Аудиторлик фанининг предметини ўрганишда унинг  
методологияси мавжуд. Ушбу методология аввало таби-  
ат ва жамият тараққиётининг ривожланишини ўрга-  
нувчи фан сифатида диалектик материализм тамойил-  
ларига асосланади. Бу дегани мавжуд моддий бойликлар  
ва моддий бойликларни бошқарувчи шахсларнинг  
конкретлигини инобатта олади. Яъни моддий бойликларга  
бир неча киши жавоб бермайди, унга масъул  
кишилар аниқ тайинланган бўлади.

Аудиторлик иқтисодий назария фанининг абстрак-  
ция методидан фойдаланиш асосида ўрганилади. Абст-  
ракция — фикр-мулоҳазани мавҳумлаштириш деган  
маънони англашади.

Булардан ташқари аудит фанининг ўзига хос ўрга-

ниш услублари мавжуддир. Жумладан, таҳлил, нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш, текширувчининг ҳақиқий ва ҳужжатли текширувидан фойдаланиш, лаборатория таҳдилларидан фойдаланиш, иқтисодий кўрсаткичларни гурӯхлаш асосида таҳлил жадвалларидан фойдаланиш, ҳисоблаш услуби ва аудит текширувчи жараёнида ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш. Аудит текширувчидаги фақат ҳужжатли текширувдан ташқари, ҳақиқий (инвентаризация) текширишдан ҳам фойдаланиш керак. Аудит фанининг назарий жиҳатларини эътиборга оладиган бўлсак, фанининг предметини ўрганишда аудит методологияси ва аудиторлик мезонларини билиш мұхимдир. Бунда аудитнинг мақсади ҳамда аудиторлик мезонларнинг асосий тамойилларини билиш зарур.

Бухгалтерия ҳисоб-китоби ва молиявий ҳисоботларга оид маълумотларнинг аниқлик даражасини ўрганиш, унинг ҳаёт воқеаларига қанчалик мос келишини таққослаш лозим. Аудит ўтказишни инвентаризация ва норматив актларнинг хўжалик операцияларига мос келишини текширишдан бошлаш, таҳлил фанларнинг услубларидан фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда республикамизнинг агросаноат мажмуида республика «Агротаҳлил» компанияси ва 14 вилоятда унинг филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 450 дан ортиқ аудиторлар муваффақият билан соҳа ҳусусиятларини ҳисобга олиб ишламоқдалар. Улар бозор иқтисодистининг рақобатлар курашида, фикримизча, маълум даражада иқтисодий самара олиш имкониятларини яратмоқдалар. Бу даврда агросаноат мажмуюи корхоналарига 402,3 минг сўмлик самара олиш имкониятини яратдилар.

Албатта, бу билан боғлиқ айрим муаммолар келиб чиқмоқда, жумладан, мулклардан самарасиз фойдаланиш, айрим ҳолларда учраб турадиган ўғирлик, қўшиб ёзиш, ҳар хил тартибда йўқотувларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиши сабабларини юридик, жисмоний шахслар масъуллиги нуқтаи назаридан баҳолаш. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида зарур омиллар юзасидан аудиторлик фирмаларнинг статистик таҳлил маълумотларини ҳисбот щаклида ташкил қилиш мақсадга мувоғиқ бўлади. Унда корхона номи, ҳисбот даври маблаглари ва манбалари туркумланиши асосида қиймат бирликларда ташкил қилиниши тўғри бўлади.

Бу эса, биринчидан, аудиторлик фаолиятни такомиллаштириш, истиқболли методологик ишланмаларни ишлаш учун зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида аудиторлик фаолиятларига баҳо бериш имкониятини яратади. Аудит фанининг обьектини иккита гуруҳга бўлиб улар ҳақида сўз юритиш лозим.

1) Аввало ҳалқ хўжалиги тизимидағи обьектларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки аудитор дунёқараш кенг бўлиши, бозор иқтисодиётининг бизга боғлиқ бўлмаган қонун ва категорияларини билиши, Ватан олдидаги бурчини аниқ ва тўғри англамоғи лозим. Шу жиҳатдан аудитор қўйидагиларни билиши керак деб ҳисоблаймиз: а) тармоқнинг ва унинг корхоналарининг салмоғи (бозор ва ишлаб чиқаришдаги ўрни); б) давлат бюджети билан тармоқлар, корхоналар ўртасидаги иқтисодий, ўзаро муносабатлари. Масалан, «Солиқ кодекси» ва бошқа норматив ҳужжатларни эътиборга олиш; в) товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг давлат ва ҳалқаро стандартларга мос келишини ўрганиш; г) ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий этиш (масалан, агросаноат интеграцияси жараённида); д) тармоқлараро иқтисодий муносабатларни ўрганиш; е) ҳалқ хўжалигига товарлар тақсимоти, алмашуви, реализацияси ҳамда истеъмол жараёнларини ўрганиш уларнинг сотилиши асосида эканлигини ҳис қилиш (ишлаб чиқариш истеъмоли, шахсий истеъмол).

2) Юридик субъектлар доирасида аудит обьектларини билиш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки, корхоналар ҳалқ хўжалигининг бошлангич таркибий қисми ҳиосбланади. Уларнинг молиявий натижаларидан мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги мустаҳкамланади. Аудиторлик ишининг асосий қисми ҳам шундай бошланади ҳамда тўпланади.

Юридик субъектларда қўйидаги аудит фани обьектларини санаб ўтиш тўғри бўлади:

- а) бозор иқтисодиёти жараённида таъсис норматив ҳужжатлари;
- б) корхонада мавжуд бўлган ресурслар ва улардан камхаржли фойдаланиш;
- в) корхоналардаги хўжалик жараёнлари;
- г) молиявий натижага ва молиявий аҳвол;
- д) корхоналарнинг горизонтал ва вертикал иқтисодий муносабатлари ва ҳоказолар.

Демак, корхоналар (турларидан қатъи назар) субъ-

ект ҳисобланса, унинг доирасида бухгалтерия ҳисобини юритиш, аудитнинг субъект доирасидаги обьектлари саналади.

Аудит фани ҳам бевосита бир қанча фанлар билан боғлиқ. Улар қуйидагилар: бухгалтерия ҳисоби, тармоқлар иқтисоди, тармоқлар молияси, иқтисод назарияси ва статистика.

1. Субъект сифатида корхоналар фаолиятларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

2. Аудиторлик фирмалар ходимларини услубий кўргазмалар, норматив ҳужжатлар билан таъминлаш, малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш, хўжалик субъектларига маслаҳат хизмати кўрсатиш.

Фирмаларни ташкил этиш ихтиёрий бўлиб, тегишли ҳукуқ органларидан, Ўзбекистон Молия вазирлигининг бошқармалари томонидан лицензия олиш фаолиятларини бошқариш.

2000 йилнинг 22 сентябридаги 365-сонли қарорга мувофиқ, бу вазифани бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Рўйхатдан ўтказиш эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Республика миқёсида нодавлат ташкилот сифатида республика аудитор палатаси ташкил қилингандигини қайд қилиш лозим. Аммо унинг функционал вазифа ва таклифлари ҳукуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида аниқланган эмас.

Аудиторлик фирмалари, якка тартибдаги аудиторномидаги ўзларини устави асосида мустақил ҳолда хўжалик субъектлари билан тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида ташкил қиласи ва юридик шахс ҳисобланади.

Албатта, аудит фани бошқа фанлар, жумладан, бухгалтерия ҳисоби, молия, технология ва юридик фанлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўзда тутиш лозим бўлади.

## **АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ. АУДИТ ВА АУДИТОРЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ТИПЛАРИ**

**Аудитнинг моҳияти ва мазмуни.**

**Аудитнинг турлари ва типлари.**

**Аудиторлар тўғрисида тавсифнома, уларнинг турлари ва типлари.**

«Аудит» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинадиган бўлса, «Эшитаман» деган

маънони билдиради. Юқорида аудиторлик фаолияти, аудитор, аудиторлик текшируви, умуман, унинг тарихий заруррият сифатида келиб чиқиши тўғрисида билиб олдик. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ижтимоий ҳаётда «аудит» фалсафий, иқтисодий тушунча (категория) шаклида бўлиб, у бугунги кунда алоҳида олинган фан даражасига кўтарилиганини эътироф этиш лозим бўлади.

Аудит — алоҳида тушунча, ёки фан сифатида қабул қилиниб, унинг моҳияти ва мазмуни бор. Аудитнинг моҳияти — бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, халқаро ҳамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий хужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, маҳсус тизим асосида қанчалик амал қилинишини текшириш асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборатдир. Аудит тушунчасини умумий деб, сиёсий демократик ва иқтисодий ривожланиш, ёки тармоқлар, хўжалик субъектларининг аҳволи, ривожланиши тўғрисида ҳам фикрлаш асосида фойдаланиш мумкин.

Аудитор—жисмоний шахс. У бухгалтерия ва унга боғлиқ фанлар тармоқ технология соҳасидаги малакали мутахасис бўлиб, мустақил фикрлаш, текширув юзасидан объектив хулоса ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожланишга таклифлар бера оладиган, ўз манфаатини жамият манфаатидан юқори қўймайдиган ходим тушунилиши мақсадга мувофиқдир. Профессор Ю. М. Йткин аудиторларни «корхоналар врачи» деб баҳолайди. Ушбу фикрда жон бор, чунки бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар рақобатлар курашида «касалланади, инқирозга учрайди». Ана шу вақтда уларнинг барқарор ривожланиши учун аудит хизматига эҳтиёж сезилади.

Аудиторлик фаолияти — аудитор касб қонуний статусга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахснинг аудиторлик текшируви ўтказилиши ҳамда консалтантг маслаҳат беришга қаратилган тадбиркорлик ҳаракатидир. Аудиторлик фаолиятида аудит текширув ёки аудит консалтантг тушунчалари ҳам фойда бўлади. Булар ҳақида дарслик иловаларида кўрсатилади. Аммо, шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, консалтантнг хизмати аудитор иштирокисиз ёки аудитор иштирокида бўлиши лозим.

Аудиторлик фаолияти иштирок этувчилар муносабати

батлари жиҳатидан ўрганиладиган бўлса: 1. Иккала юридик шахс, яъни аудиторлик текшируви ёки консалтант хизматига буюртмачи, бошқа томондан эса уни шартнома асосида маълум хизмат ҳақи ҳисобига бажарувчи корхоналар ўртасидаги; 2. Аудитор билан аудиторлик фирмаси ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлардан ташкил топади. Бунда аудитор текшируви ва консалтант хизмат кўрсатишида юридик шахс аудиторлик фирма вакили сифатида текширилаётган обьектда иш тутади. Агарда аудиторлик фаолиятида иштирок этаётган юридик ва жисмоний шахслар нуқтаи назардан қаралган бўлса, унда аудит текширув обьекти ва субъекти тушунчаларини фарқлаш лозим.

Аудитор текширув обьектида тармоқ ёки хўжалик операциялари олиниши мумкин. Аудиторлик текширувнинг субъектлари деганда шу обьект доирасида мансабдор ёки ҳисобдор мутассади ходимлар ёки айrim ходим ҳам бўлиши мумкин.

Аудит фанига тегишли адабиётларга мурожаат қилинганда фанни ўрганувчилар кўйидаги тушунчаларга: аудитнинг турлари, аудитнинг типлари кабиларга дуч келадилар.

Албатта, савол туғилади: қайси бир тушунча мазмун жиҳатдан катта: аудитнинг турлари тушунчасими ёки аудит тип тушунчасими? Тип тушунчаси тур тушунчаси доирасида тушунилса бизнингча тўғри бўлади.

Аудит турларини аудит текширишлар уларнинг қўлланилаётган услублари, аудит текширувининг тарихий ривожланиш белгиларига қараб туркумлаш мумкинлигини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Аудит текширувни амалга оширувчилар нуқтаи-назаридан ички ва ташки аудитга бўлинади. Корхона штат бирлигига руйхатида турувчи ходим томонидан аудит текшируви ўtkазилишга ички аудит деб аталади. Ташки аудит эса, корхона хати ва шартнома асосида бошқа юридик шахс, яъни аудиторлик фирмаси ходими аудитор, ёки аудиторлар гурӯхи томонидан ўтказилади.

Аудит текширувлари тарихий босиб ўтган йўлига қараб учга, яъни: 1) тасдиқловчи аудит; 2) система тизимига солинган аудит; 3) таваккалчилик, истиқболга ундовчи аудитларга бўлинади.

Бугун бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичда республикамизда тасдиқловчи аудит кенг қўлланмоқда. Бунда муҳим масала хўжалик субъектларининг Республикализ Молия вазирлиги тасдиқлаган

ҳисобот-ахборот маълумотларни тасдиқлаш билан ишлатилиб турипти.

Система тизимиға солинган аудит эса, жаҳон аудиторлар тажрибаси, аудит аъзолари (стандартлари) асосида маълум тартиб, технологияга риоя қилиб текшириш ўтказишидир.

Таваккалчиликка асосланган, истиқболли аудит эса аудитор томонидан барча турдаги таҳлиллар асосида ўтказилиб корхонанинг бозор иқтиосиёти шароитида барқарор ривожланишига тегишли кўп варианти ҳаётга тадбиқ қилинганида 90% самара олишга ишонч бўлган таклифлар ва тавсиялар қилиб ўтказиладиган аудитдир.

Аудит ўтказиш манбалардан фойдаланишга қараб ҳақиқий ва хужжатли аудит текширувига бўлиниши мумкин. Максус адабиётларда аудитнинг типлари ҳақида ҳам қатор фикрлар мавжуд. Жумладан: 1) операцион аудит; 2) мос келиш ёки мос келмаслик аудити; 3) молиявий аудит. Операцион аудит хўжалик субъектида амалга оширилаётган хўжалик операцияларнинг меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги жиҳатидан текшириш ва хулоса беришдир.

Мос келиш аудити — бу бухгалтерия ҳисоби, иш юритиш, технология, ахборотларда амал қилаётган қонун, қоида, стандарт, технологияларга таққослагандан мос келиши жиҳатидан ўрганиб чиқишидир. Бу асосан аудитнинг текширув мақсадидан келиб чиқади. Мос келмаса хулоса ёзилмайди. Молиявий аудит — бу молиявий ҳисботларнинг ахборот маълумотлари ҳақида хулоса ва таклифлар беришдан иборат. Бу асосан мижоз, ҳокимиятлар, мулкдорларга кафолат бериши нуқтаси назаридан муҳим ҳисобланади.

Аудитор тўғрисидаги тушунча ҳақида олдинги мавзулардан маълум бўлганлиги сабабли аудиторларнинг турлари ва типлари ҳақида фикр юритишими мумкин. Аудитнинг турлари ҳам ташқи ва ички аудитор бўлиши мумкин.

Аудитор малака касбига қараб бухгалтер-аудитор, солиқчи аудитор (солиқ инспектори), молиячи, технологик-мутахассис аудиторлар ва бошқа назорат органдаридаги хўжалик субъектларининг турли соҳаларини текширувчи мутахассислар бўлиши мумкин. Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, бухгалтер-аудиторлар раҳбарлик қилган аудиторлик текширув хуласасига, бошқа касбдаги мутахассис аудитор, текширувнинг мақсадига қараб, ёрдамчи аудитор бўлиши кўрсатиб қўйади.

**Йилган.** Аудиторларнинг типлари деган тушунча ҳақида тўхтайдиган бўлсак унда қўйидагиларни тип деб аташимиизга тўғри келади:

1. Бош аудиторлик хизматининг ходимлари, учёт ходимлари.

2. Солиқ ва солиқсиз тўловлар бўйича инспекторлари.

### **Корхоналарда аудит ўтказиш жараёнлари**

Таҳлилий жараёнлар аудитнинг муҳим бир услубларидан бўлиб, кетма-кет молиявий қадам ташлашни тақозо қиласди. Бунда асосий иш молиявий ва молиявий бўлмаган муносбаатларни ўрганишдан бошланади. Таҳлилий жараён қўйидаги тартибда иш олиб боришни тақозо қиласди:

- а) аудит текширувига тайёргарлик, эксперт кўрсаткичлар таҳлили;
- б) мақсадни белгилаш;
- в) текстни режалаштириш;
- г) текстни ўтказиш;
- д) натижаларни таҳлил этиш ва хулоса.

Мақсадни белгилашда асосий вазифа корхонадаги бизнес-режаларнинг мавжудлиги ва улар билан танишишни амалга ошириши билан боғлиқ. Бизнес-режалашнинг реаллигини белгилашда асосий эътибор корхонанинг фаолият кўрсатиш қобилиятини белгилашдан бошланади. Корхонанинг фаолият кўрсатиш қобилиятини белгилашда аввало унинг молиявий тўлов қобилияти ҳисобга олинади. Шунингдек, корхонанинг узоқ муддатли капитали билан ўз капиталининг нисбати қайси ҳолатда эканлиги ўрганилади. Шундан сўнг корхонанинг фойда нормаси таҳлил қилинади. Таҳлилий жараёнларда молиявий ҳисоботларнинг тахминий эҳтимол хатосини топишга катта эътибор берилади. Эҳтимоллик хатосини топишда «одатдан ташқари тебраниш» терминидан кенг фойдаланилади. Аудиторлар тест элементларнинг сонини камайтириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Таҳлилий жараёнларда аудитор учун вақтни танлаш ҳам муҳимдир. Мақсадни аниқлашда аввало умумий режа, кейин эса аниқ режа белгиланади. Аниқ режани белгилашда асосий эътибор тестларни режалашга қаратилади. У қўйидаги учта вазифани ўз ичига олади:

1. Мос келадиган аудит танлаш.

## 2. Вақт танлаш.

### 3. «Одатдан ташқари тебраниш».

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолиятинг функционал равишда мавжуд бўлишини таҳлил қилиш аудиторлар учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, корхонанинг жорий мажбуриятларни ўз вақтида амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминлаши унинг рақобатбардошлигини кўрсатувчи асосий омилдир. Корхонанинг жорий давр мобайнидаги молиявий мустаҳкамлигини билиш учун мавжуд хўжалик операциялар маблағларини, маблағлар манбанин кўрсатувчи умумий молиявий коэффициентларни ҳисоблаш асосий вазифалардан биридир. Қуидагилар миллй умумлаштирувчи коэффициентлар ҳисобланади: а) молиявий сарфларни қоплаш; б) қисқа муддатли қарзларни тугатиш кoeffициенти; в) абсолют миқдорда маблағларни қоплаш. Бу коэффициентлар жуда катта иқтисодий мазмунга эга бўлиб, корхонанинг балансидаги маълумотлар олиб кўрсатилади:

$$1) \text{ Қоплаш} = \frac{\text{жорий активлар}}{\text{жорий мажбуриятлар}}$$

Жорий активлар баланснинг 2-қисми бўлиб, жорий даврдаги хўжалик мавжуд маблағларининг униши лозим бўлган дебитор қарзларни ўз ичига олади. Жорий мажбуриятлар баланснинг пассив қисми ҳисобланади ва у жорий тўланиши лозим бўлган кредиторлик қарзларни ўз ичига олади

$$2) \text{ Қисқа муддатли} = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{бозор қийматига эга} + \text{қимматбаҳо қофозлар} + \text{реал дебиторлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$
$$\text{қарзларни тугатиш} \quad \text{коэффициенти}$$
$$3) \text{ Абсолют тугатиш} = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{қимматбаҳо} + \text{қофозлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}}$$
$$\text{коэффициенти}$$

Шундай қилиб, корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги яшаш қобилиятини ўрганиш ва тегишли хулоса бериши учун, унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиб бериш учун корхона фаолиятининг аудиторлар томонидан чуқур ўрганилиши ҳаётий зарурият-

га айланиб қолди. Чунки бозорнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳаракат талабига кўра вужудга келади. Демак, рақобат доимо корхона эгасининг аудиторлар хизматига муҳтожлигини оширади.

Қисқа мuddатли тўловларнинг коэффициентини ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дебиторлик қарзларни тугатишда корхонадаги мавжуд пуллар ва маблағларнинг айланма тезлигидан, қимматбаҳо қоғозлардан фойдаланиш мумкин. Қисқа мuddатли қарзларни тугатиш коэффициенти кўйидагича:

$$\text{а) Дебитор қарзларнинг ўртача айланма коэффициенти} = \frac{\text{маҳсулот сотиш ҳажми}}{\text{ўртача дебитор қарзлар}}$$

$$\text{б) Маҳсулот (хизмат, иш)-ларни сотишдан келадиган ўртача тўлов кунлари сони} = \frac{\text{ўртача бир кунлик дебиторлар (сўм)} \times 360}{\text{сотилган маҳсулот миқдори (сўм)}}$$

а) мазкур коэффициент корхоналар нақд активларининг тўланиш имкониятини кўрсатади;

б) коэффициент иш билан бирга корхонадаги айланма товарлар миқдорининг нақд шаклда айланишини кўрсатади;

$$\text{в) моддий товар бойликларнинг ўртача айланниш коэффициенти} = \frac{\text{сотилган маҳсулот қиймати}}{\text{моддий товар қийматининг ўртача ҳажми.}}$$

Коэффициент моддий товар қийматини ҳисобга олиш тартиби муҳим аҳамиятга эга ва уларнинг ўзгариш тартибини ифодалашга қўйидаги методлардан фойдаланилади.

**ФИФО** — хўжаликдаги моддий-товар қийматликларнинг ҳисобот даврида арифметик ўртача баҳолар билан харажатга чиқарилишини кўрсатади.

**ЛИФО** — хўжаликдаги моддий-товар қийматликларнинг хронологик тартибда баҳо белгиланиб харажатга чиқарилишини кўрсатади.

$$\text{г) ўртача юк жўнатиш кунлар сони} = \frac{\text{моддий товар бойликлар заҳи-расининг ўртача қиймати} \times 360}{\text{сотилган маҳсулот қиймати}}$$

$$\text{д) ўртача товар заҳи-раларининг нақд пулга} = \frac{\text{ўртача тўлаш кунлар сони} + \text{ўртача юк жўнатиш кунлари}}{\text{айланиш кунлар сони}}$$

Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан құдрати ёки инқизрөзға юз тутаётгандыкни олдиндан билиш учун узоқ муддатли қарорлар ва дивидентларнинг ўз вақтида түпланишини ҳисобга олиб бориш аудитор учун ҳам, корхона учун ҳам хулоса чиқаришда мұхым омил ҳисобланади. Бу ҳол қуйидаги күрсаткичларни анықлады:

1. Акционер ҳиссасининг қарзларга нисбати	=	<u>Барча мажбуриятлар</u>
2 Мавжуд материал активларнинг акционерлар ҳиссасига нисбати	=	<u>Акция капитали—номоддий актив</u>
3. Оддий акционерлик коэффициенти	=	<u>Акция капитали</u>
4. Оддий ва имтиёзли акцияларга тұлов коэффициенти	=	<u>Хұжалик операцияларидан олинган даромад</u>
		<u>Оддий дивиденд суммаси</u>
		<u>Хұжалик операциясидан олинган даромад</u>
		<u>Оддий акцияларга дивиденд</u>
		<u>имтиёзли акция</u>
		<u>+ 1-солиқ ставкаси</u>

Корхона молиявий жиҳатдан етарли фаолият күрсатиши учун унинг қуйидаги самарадорлик күрсаткичларни ҳисоблаш зарурияты туғилади:

1) Самарадорлик коэффициенти	=	<u>сотилған маңсулот ҳажми</u>
2) Моддий активларнинг рентабеллік даражаси	=	<u>айланма моддий активлар хұжалик операцияларидан олинган даромад</u>
3) Умумий мулкнинг рентабеллік даражаси	=	<u>айланма моддий активлар дивиденд тұланғанға қадар барча даромадлар суммасидан — олинган солиқлар</u>
4) Барча акция капиталининг даромадлілік даражаси	=	<u>барча мулклар суммаси</u>
		<u>солиқ олингунча — имтиёзли акциялар учун даромад дивиденд суммаси солиқ ставкаси</u>
		<u>умумий акция капитали</u>

$$5) \text{ Акциянинг ўртача учёт} = \frac{\text{умумий акция қиймати}}{\text{умумий акция сони}}$$

### **Аудиторлар хуросаси**

Янги таҳрирда аудиторлик фаолияти ҳақидаги қонунга мувофиқ аудиторлик текширишнинг ҳисоботи ва хуросалар тўғрисида аниқ фикрлар ва таркибий ўзгаришлар кўрсатилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўтказиладиган аудиторлик текширишлари корхона келажаги учун фойдали.

Корхона ҳисоботларидан фойдаланувчилар учун — энг муҳим ахборот воситаси — бу аудиторнинг хуросасидир. Аудиторнинг хуросаси корхонанинг маълум бир даврдаги ишлаб чиқариш, социал-иқтисодий ривожланиши, молиявий аҳволи ҳақидаги таҳлил ва шу таҳлил натижасидан иборат.

Юқорида аудитор мезони ва аудиторлик, улар объектларидаги мезонлар кўриб чиқилди. Хусусан:

а) аудитор хуросасининг корхонада тузилган молия ҳисоботлари ва олиб борилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳамда тамоилиларга қай тартибда риоя қилиниши;

б) корхонадаги олдинги давр ҳисоботи асосий жорий ҳисоботнинг мазмун жиҳатидан кетма-кетлик тамоилиларига риоя қилиниши;

в) аудиторнинг хуросасида молия ҳисоботида талаб қилинмайдиган айрим фикр-мулоҳазаларнинг мавжудлиги;

г) умумий ҳисбот баён қилинади.

Шундай қилиб, аудиторлик текширув давомида аудиторларнинг икки хил турдаги хуросаси бўлиши мумкин:

1. Аудиторнинг тушунтиришисиз чиқарилган хуросалар.

2. Maxsus изоҳ талаб қилинадиган хуроса.

Аудиторнинг хуросаси корхона учун ҳам, аудиторли текширишни ўтказган аудитор учун ҳам муҳим ҳужжат бўлиб, унга қонуний жавобгарлик киритилган.

Ривожланган мамлакатларда аудитор томонидан икки турдаги хуросалар ёзилиб борилди. Жумладан, биринчи ҳолатда хуросалар изоҳсиз ёзилган бўлиб, корхона ҳисоботидан фойдаланувчилар учун энг ишончли ахборот воситасидир. Бундай хуросалар умумий аудиторлик хуросасининг 90 foизини ташкил қиласиди, қол-

ган 10 фоизи эса тушунтиришлар билан ёзилган хуло-салар ёки бўлмаса аудитор томонидан изоҳланмаган бўлиши мумкин.

Ҳар бир аудиторнинг хуносасида кўйидаги 5 та тамойилга амал қилиниши лозим:

а) корхона ҳисоботларида барча зарур ҳужжатлар тўлдирилган бўлиши шарт. Улар қўйидагиларни ўз ичига олади: Баланс, фойда ва заарлар ҳисоботи, жамгарма фойда, пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ҳисоботлар;

б) аудитор ўз хуносасида кўйидаги уч тамойилга риоя қилиши шарт: 1. Мутахассислик. 2. Мустақиллик. 3. Малакали қасб текширув маҳорати;

в) аудитор хуносалари объектив равишда қўйидаги уч мезонни ўзида акс эттириши лозим:

1. Аудитнинг режали бўлиши, ички хўжалик аудитининг аҳволи ва ахборотларнинг етарли бўлиши.

2. Корхонадаги молиявий ҳисобот, уларнинг норматив актларга мос келиши;

3. Шароитлардан келиб чиқсан ҳолда, молиявий ва бошқа ҳисоботларда тушунтириш талаб қилинмайдиган масалаларни ошкор қилиш кўзда тутилмаслиги лозим. Бунда корхонанинг тижорат сирларини сақлаш назарда тутилади. Аудиторлик хуносалари ўзининг маҳсус матн таркибига эга. Бу матн таркиби қўйидагича:

а) ҳисобот номи;

б) корхонанинг ва аудиторлик фирмасининг манзили;

в) кириш абзаци;

г) соҳа абзаци;

д) фикрлар абзаци;

е) бухгалтерия фирмаси;

ж) хуроса санаси.

Аудиторлар хуносасини ёзишда юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қўйидагилар ҳам кўрсатилиди:  
а) Мустақил аудитор фирмаси; б) кимга ёзилганлиги;  
в) кириш қисми; г) аудиторлик жараёнидаги ишончлилик даражаси; д) ишончлилик даражасига кафолат;  
е) фирма стандартларига мос келиши; ж) хуроса ёзилган вақт.

Аудиторлик текшириш даврида айрим камчиликлар бўйича аудитор хуносаларида маълум бир четланишларга йўл қўйилиши мумкин. Яъни, хуроса қилишда шу камчиликларни тушунтиришлар билан баён этиш, ёки фикр-мулоҳазаларни бошқачароқ ёзиш мумкин.

Ўзгартирилган тушунча ва хulosалар қуидагича акс этиши мумкин бўлади:

а) ҳисоботларда унча катта бўлмаган ноаниқликларнинг мавжудлиги;

б) бухгалтерия учётидаги кетма-кетлик ва логикада маълум бузилишлар бўлмаслиги;

в) корхонада бухгалтерия учёти бўйича асосий та-мойиллардан четланиш;

г) аудиторлик фаолияти давомида алоҳида муҳитнинг юзага келиши олдин текшириш ўтказган аудиторлар хulosасига боғлиқ даражасини ўрганиш.

Корхоналар фаолиятини текшириш пайтида қуидаги чекланишлар бўлиши мумкин:

1) Аудиторлик текшириш обьектлари соҳасининг чекланганлиги.

2) Молиявий ҳисобот умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларига мос келмаган ҳолда тузилган бўлиши мумкин.

3) Аудитор мустақиллиги чекланган бўлиши мумкин.

Ушбу уч ҳолатни эътиборга олган ҳолда аудиторлар етти қисмдан иборат аудиторлик хulosасини ёзадилар.

Аудитор кўриб ўтилган учта шарт учун изоҳ талаб қилинмайдиган хulosаларга келиш мумкин.

Изоҳ талаб қилинмайдиган хulosалар кафолатли ишончга эга бўлиб, корхона учун ва корхонанинг ҳисоботидан фойдаланувчилар учун муҳим ахборот восита-си ҳисобланади. Бундай аудиторлик хulosаларида корхонанинг рақобатлар кураши даврида фаолият кўрса-тиши кафолатланган бўлади. Аммо, тушунтиришлар та-лаб қиласиган аудиторлик хulosалари ҳам ёзилиши мумкин. Бундай хulosаларни мазмун ва услугуга кўра тўрт хилга бўлиш мумкин:

а) салбий хulosса ёзилган бўлиши мумкин;

б) ҳисоботларни таҳлил қилган ҳолда аудитор ўз фикрларини ёзмаслиги мумкин;

в) ҳиосбот маълумотларини чуқур таҳлил қилган ҳолда аудитор ўз хulosасининг айрим бандларида маълум тушунтиришлар баён этиши мумкин;

г) аудитор корхона фаолиятини аудит текшируви-дан ўтказишни рад қилиш мумкин.

Молиявий аудит бўйича аудитор хulosasi турли хил шаклларда баён этилиши мумкин.

Тортишувсиз, шартсиз хulosса, текширилаётган корхонанинг молиявий хужжатлари ҳисоб ва назорат прин-

циплари асосида тўғри юритилаётганлигига, мазмунан қонунчиликка зид келмаслигига аудитор томондан тўлиқ ишонч ҳосил қилингандагина берилади. Баъзи ҳолларда маълум чекланишлар сабабли аудитор тортишувсиз хулоса бера олмаслиги мумкин. Бунга уч хил вазият сабаб бўлади: 1) Ишончсизлик; 2) Норозилик; 3) Хулоса бермаслик.

### **Аудиторнинг ҳисоботлари**

Аудит текшируви аудитор томонидан ҳисобот тайёрлаш билан тугалланади. Бу ҳисоботлар бир неча хил номланиши мумкин:

1. Мижоз корхона бошқарувига ва аудиторлик фирма бошқарувига хат.

2. Аудит текширув натижаси хати, камчиликлар тўғрисида хат.

Мазкур ҳисоботларнинг асосий мақсади учёт ёзувларида, учёт ва назорат тизимида мавжуд бўлган ва катта хатоликларга олиб келиши мумкин бўлган камчиликларни кўрсатиб ўтиш (изоҳ бериш), консультатив маслаҳатлар бериш, келгуси аудит текширувларида нималарга кўпроқ эътибор бериш лозимлигини баён этиш.

Ҳисоботда қайд этилган барча муаммолар тушунарли бўлиши учун қисқа, аниқ баён этилиши зарур. Ноаниқликларга йўл кўймаслиги учун ҳисоботни мутахассислар иштирокида мұҳомма қилиш тавсия этилади. Аудитор фаолияти текширилган субъект ходимларига ҳисоботдаги камчиликлар тўғрисида тушунтириш бериш лозим. Корхона маъмурияти ҳисоботда кўтарилиган муаммолар бўйича белгиланган тадбирларни баён этган ҳолда жавоб тайёрлаши зарур.

Текширув давомида аниқланиб ҳисоботга қўшиладиган далиллар назорат, хукукий ва хўжалик туркумланишига эга бўлиш мумкин. Назорат туркумланиш молия-хўжалик фаолиятида моддий-товар бойликлар ва пул маблагларининг мавжудлигини, улар ҳаракатини баҳолайди. Аудитор моддий бойликларнинг сақланишини кўриб чиқади. Уларнинг тўлиқ даромадга олинмаслиги ҳақида, ҳисоб ва ҳисоботнинг белгиланган қоидалар асосида юритилмаслиги тўғрисида хукм чиқаришга ҳақли. Лекин у аниқланган камчиликлар сабабини ёки бу далилларнинг қандай мақсадларга содир этилганлиги тўғрисида ўз фикрини билдириши шарт эмас.

Хукуқий туркумларини тергов органлари томонидан аниқланган далилларни хукуқий жиҳатдан баҳолаш, хўжалик йўналиши текширилаётган корхона мутахассислари ёки ходимлари фаолиятига баҳо бериш қарорлар қабул қилиш хукуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Аудит ҳисботини расмийлаштиришга бир қатор талаблар қўйилади. Ҳисботда текширилаётган молиявий ҳисбот манзилгоҳи аудит стандартлар тўғрисида маълумотлар ҳамда аудитор хуросаси бўлиши зарур.

Янги қонунга мувофиқ ҳисботлар кенг бўлиб, ундан сўнг хуоса ёзилиши ва ҳисбот ҳам аудит текшируви ўтказилган мижозга берилиши мумкин.

### **Аудиторлик ҳисботининг намунаси**

**компания учун аудит йиллик ҳисбот**

*Мен (биз) 1995-молиявий йил учун компаниянинг йиллик ҳисботини, бухгалтерия счёtlарини ва компания маълумоти фаолиятини текширдим. Текширув умумқабул қилинган аудиторлик стандартлари асосида ўтказилди.*

*Йиллик ҳисбот компаниюлар тўғрисида қонун асосида тузилди (ссудалар, активлар тўғрисида қонунчиликда белгиланганидек алоҳида ҳисботлар тақдим этилди).*

*Мен (биз) хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисботни ва баланс ҳисботини тасдиқлашни, Ди-ректорлар кенгаши аъзоларини 1995 (молиявий) йил учун жавобгарликдан соқит қилишни тавсия қиласман.*

Сана.

**Аудиторнинг исми-шарифи, имзо**

### **Аудит мақсадини белгилаш**

Аудитни шартли равишда уч турга бўлиш мумкин.

1. **Операциявий аудит.** Бу аудитда барча хўжалик операциялари ва жараёнлари тўлиқ ўрганилиб уларнинг иш самарадорлигига ва унумдорлигига бўлган таъсири ўрганилади. Жумладан, кўчмас мулк ёки янги ташкил этилган мулк текширувдан ўтказилганда унинг хўжалик фаолиятига таъсири ўрганилади. Мана шундай тартибда унумдорлик ва самарадорлик кўрсаткичлари, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда молиявий тизимга риоя қилиш-

нинг бухгалтерия принципларига мос келиши нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқилади.

**2. Мос келиш ёки келмаслик аудит.** Бу хилдаги текширища аудитнинг мамлакат миқёсидаги қонунларга, шунингдек, барча норматив актларга мос келиши ёки келмаслик сабаблари ўрганилади. Масалан, корхона фаолиятини аудит текширишдан ўтказиша унинг корхона Низомига ёки мавжуд йўриқномаларга мос бўлишини текширувдан ўтказиш.

**3. Молиявий ҳисоботларни аудит қилиш.** Бундай текширув молия ва бухгалтерия ходимлари томонидан ўтказилиб, асосан корхонанинг тўлов қобилияти, молиявий натижаларнинг, реализация жараёнларининг ҳисоботларда қанчалик даражада акс эттирилганлиги текширилади.

Аудитни ўтказувчи ходимлар, яъни аудиторлар ҳам маълум турларга бўлинади. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Аудитни халқаро бухгалтерия учёти тамойиллари асосида ўтказиб корхона самарадорлигини аниқ кўрсатиб берувчи аудитор — бухгалтерлар.

2. Давлат бюджети билан корхона ўргасидаги молиявий ҳисоб-китобларни текширувчи солиқ инспекторлари ҳам аудитор бўлиши мумкин.

3. Ҳар бир хўжаликда ёки корхонада аудиторлик фаолиятини кенг ташкил қилувчи ва амалга оширувчи ички аудиторлар.

4. Аудит текшируви вақтида ўта мураккаб масалалар бўйича маслаҳат берувчи бухгалтерлар.

Мажбуриятларни яхши ўрганган аудитор ён мажбуриятни ёқловчи шахс билан ҳам маслаҳатлашиши мумкин. Худди шундай, молиявий ҳисоботларни ёқловчи шахс билан ҳам маслаҳатлашиш фойдадан холи эмас.

Аудит тури	Оддий тури	Мисол
1. Операцион аудит	Ички х-к аудитлари	Ҳисоб маркази бўлганилиги, унинг самарадорлиги ва амалда ҳандайлиги
2. Мос келиш ёки келмаслик аудити	Ички х-к аудити ёки фирма аудитори	Максимал жорий талабларга жавоб берishi
3. Молиявий ҳисоботлар аудити	Аудиторлик фирмаси	1 йиллик молиявий ҳисоботларни аудит текширувидан ўтказиш

## **Аудит текшируванин үтказишида халқаро аудиторлик мезонлари**

Үтказилаётган аудит текширувлари самарали бўлиши учун маълум бир мезонлар мавжуд. Буни қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

### **Аудитнинг умумий тартибда қабул қилинган стандартлари**

Аудиторнинг умумий малакаси, ҳулқи ва ўзини тута билиши	Объектда аудит текшируванини бажариш	Натижалар ҳақида маълумотлар
1. Етарли тайёргарлик ва тажриба	1. Назоратни тўғри режалаштириш	1. Ҳисоботларнинг бухгал. принципларига мос келиши ва тасдиқланиши
2. Мустақил йўналишга эга бўлиш	2. Ички аудит назоратни тушиниш дарајаси	2. Барча ҳисоботдаги масалаларниң аниқлиги
3. Зарур мутахассислик малакасига эътибор	3. Ўзила ҳукукий ва колатнинг мавжудлиги	3. Ахборотларнинг етарли даражада ечилиши
		4. Молиявий ҳисоботлар ҳақида тўла хulosasi

Аудитнинг тўғри ташкил этилиши, режалаштириш ва бошқа кўрсаткичларнинг бухгалтерия принципларига мос келиши мақсадни тўғри белгилаб олишни тақозо қиласди. Аудитнинг умумий мақсадини белгилашда қўйидаги босқичларга эътибор бериш лозим:

1. Молиявий ҳисобот.
  2. Молиявий ҳисоботларнинг элементлари.
  3. Бошқарув органлари томонидан тақсимланган элементлар.
  4. Аудит асосий мақсади, элементлари.
  5. Аудитнинг аниқ мақсади, элементлари.
- Аудитнинг умумий мақсадини белгилашда аудиторнинг жавобгарялигини, этикасини ва мижознинг жавобгарлигини эътиборга олиш керак бўлади.

## **АУДИТ ЎТКАЗИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

**Аудит текшируванинг моҳияти ва мазмуни.**

**Аудит текшируванинг мақсад ва вазифалари.**

**Аудит текширув ўтказишнинг босқичлари ҳамда турлари.**

**Аудит андозаларининг асосий тамойиллари ва мақсадлари. Ҳалқаро аудит андозалари.**

**Ички хўжалик аудитининг андозалари.**

**Аудит ва тафтишнинг асосий фарқлари.**

Аудит текшируванинг моҳияти олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, Э. Л. Аренс, Ж. Лаббек аудитининг моҳияти тўғрисида сўз юритиб, уни қўйидагича таърифлайдилар: «Аудит — мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малакасига эга бўлган киши томонидан амалга оширилади ва хўжалик тизимидағи рақамлар ифодасига тушадиган ахборот йиғади, баҳо беради, мамлакатдаги тартиб қоидаларига асосланиб, ўз хulosасини ёзib беради».

Шу билан бирга, муаллифлар рақамлар ёдамида ифодаланадиган мезон кўрсаткичларини ҳам кўрсатиб ўтади. Жумладан, хўжалик тизими ва текшириш даврини, маълумотларни тўплаш ва баҳолаш, аудиторларнинг мустақиллиги, аудит текшируванинг натижаларини маълум қилиш. Булар аудитининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Россиялик олимлар А. Д. Шеремет ва Суещлар аудитининг моҳиятини Россия Федерациясининг аудиторлик қонунларидан келиб чиқиб таҳдил қиласидилар. Унда аудит ишбилармонлик фаолият кўрсатилган бўлиб, бухгалтерия учётини ташкил қилиш, юргизиш андозаларга мос эканлиги, шунингдек аудит — бу субъектлар молиявий аҳволини, баланснинг актив ва пассив томонларини текшириб, хулоса ёзив бериш ва баҳолаш каби ишлар эканлигини қайд этади. Бизнингча, Э. Л. Аренс ва Ж. Лоббекларнинг фикри ҳақиқатга яқин кўринади. Кўпчилик олимлар таъкидлаганидек, аудит — бу корхоналарнинг фаолиятидаги «касалликлар»га ташхис қўйиш ва уни тутатиш юзасидан «рецепт» (таклиф) беришдан иборат бўлиши керак. Аудиторлик хулоаси ва ундаги таклифлар аввало корхона эгаларига, унинг тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчиларга ҳамда бошқа органларга керак бўлади.

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг маълум қоида ва тартиби мавжуд. Жумладан, хўжалик субъектлари томонидан аудиторлар эркин танланиши, аудитор билан мижоз ўртасидаги муносабатлар шартномага асосланиши, аудиторнинг мижозга хulosса ёзишга рози бўлмаслиги, аудиторлик текширувни амалга оширувчи аудитор билан текширилаётган корхона раҳбарлари шахсий муносабат асосида иш юритмаслиги лозим.

Аудиторлик текшируvida объектив ва ишончли ахборот воситалардан фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар билан таъминлаш мухим шарт ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти даврида корхоналар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар саналади. Шу боис бухгалтерия учётида акс эттириладиган маълумотлар, молиявий натижалар, тўлов қобилияти кўпчилик юридик шахслар ва ходимларни қизиқтириши табиий. Бундай маълумотлар айниқса, шерикчилик асосида ишлайдиган корхоналар учун кўпроқ зарур бўлади. Бу хил кўрсаткич тавсифномалар қўйида кенг ifода этилган.

Бизга маълумки, бу тавсифнома маълумотлари биринчи навбатда корхона раҳбарлари, мутахассисларга фойдаланиш учун берилади. Бозор иқтисодиёти даврида улар ўзаро шерикчилик асосида ишлайдиган аудитор ва аудиторлик фирмалари, молиявий маслаҳат масалалари билан биржалар, диллерлар, юридик ташкилотлар, хўжалик фаолиятини тартибга солиб турувчи органлар, ахборот-матбуот агентликлари, савдо-ишлаб чиқарувчи агентликлар, касаба уюшмалари, илмийтадқиқот ташкилотлари ва жамоатчилик учун ҳам зарурдир. Кўрсатиб ўтилган муносабат аудиторлик методологияси жиҳатидан аудитнинг умумий мақсад ва вазифаларини алоҳида белгилаб олинишини тақозо қилади. Бундан келиб чиқалигандан хulosса шундан иборатки, аудит технологияси бўйича ҳар бир аудит текшируви, маслаҳатчи иши учун алоҳида алоҳида мақсад ва вазифалар белгиланиши лозим. Бу мавзуда биз юқорида кўрсатилгандек мақсад ва вазифаларни белгилаб оламиз ва тушунчалар берамиз.

Аудиторлик фаолиятининг самарали бўлиши, биринчи навбатда аудитор ва аудиторлик фирмалари учун, қолаверса, рақобатчилик шароитида мижозлар учун ҳамда жамият ва давлат бошқарув органлари учун ривожланиш гаровидир.

Аудитнинг мақсади — мамлакатдаги қонунчилик,

**Шерикчилик асосида шилайдиган корхоналар фойдаланиши учун  
ахборот маълумотлари тавсифомаси**

<b>Ўзаро шерикчилик гурӯҳлари</b>	<b>Корхонанинг бирлаштирган хўжалик субъекти фаолиятига ҳиссаси</b>	<b>Қайтим талаб</b>	<b>Таҳлил қилиш предметлари</b>
1. Маммурият	Бошқарув ишини билиши	Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа рағбатлантиришлар	Барча ахборот маълумотлари бошқарувчиларга берилади
2. Хизмат кўрсатувчи ходимлар	Меҳнат тақсимоти асосида бажариладиган ишлар	Меҳнат ҳақи ва ижтимоий шароит	Молиявий натижалар
3. Мол етказиб берувчилар	Моддий бойлик ресурсларни етказиш	Шартнома баҳолари	Молиявий аҳвол
4. Харидор ва мижозлар	Маҳсулот ва хизмат	Шартнома баҳолари	Молиявий аҳвол
5. Мулкдорлар	Корхонанинг ўз капитали	Дивидентлар	Молиявий натижа ва молиявий аҳвол
6. Қарз берувчилар	Қарзга олинган капитал	Фоизлар	Тугатиш баланс кўрсаткичлари
7. Давлат органдари ва бюджетдан ташқари жамғармалар	Жамият ривожи учун зарур маблағлар	Солиқлар ва бошқа бадаллар	Молиявий натижа ва уларнинг йиғиндиси

аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар асосида ҳамда шартномалар доирасида маълум бир иқтисодий, хўжалик муаммоларини ечишга қартилган. Албатта, аудит билан аудиторлик фаолиятининг мақсади бир хил эмаслигини пайқаб олиш қишин эмас.

Аудиторлик фаолиятининг мақсади тушунчаси бошқача бўлиб, у хўжалик субъектларининг бухгалтерия учёти, ҳисоботнинг ишончли бўлишини, амалга оширилаётган хўжалик, молия операцияларининг норматив ҳужжатларга мос келишини текширишдан иборат.

Молия ҳисоботлари қуйидаги мақсадларда текширилади:

— молия ҳисоботдаги маълумот кўрсаткичларини тасдиқлаш ва ундаги мавжуд камчиликларни очиб ташлаш;

— бухгалтерия учёти ва ҳисоботлари давридаги харжат, даромад ва молиявий натижаларнинг аниқ, объектив акс эттирилишини кўрсатиб бериш;

— хўжалик субъектида бухгалтерия учётининг мавжуд қонун ва норматив ҳужжатларга мос равища юритилиши, ҳисоботлар тузилишини назорат қилиш, корхонага тегишли капитал активларига, тўлов мажбуриятларига методологик баҳо бериш;

— қарзга олинган маблағлардан самарали фойдаланиш, ишга солинмаётган захираларни аниқлаш.

Кўрсатиб ўтилган мақсадларни амалга оширишда аудиторлар вазифаларини белгилаб олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан, хўжалик субъекти ҳисоботида барча актив ва пассивларнинг тўла акс эттирилиши масаласи ўз аксини топиши лозим:

— ҳисобот тузишда барча ҳужжатлардан фойдаланиш (қишлоқ хўжалик корхоналарида таннарх ҳисоблаш услублари асосида қилинганлиги);

— корхонанинг ҳисоб рақамидаги мулкларни баҳолаш услубларининг қанчалик тўғрилигини текшириш.

Бунда аудитор солиқ ва солиқсиз тўловлар учун корхона фойдасининг солиқса тортиладиган базаси тўғри аниқланганини алоҳида текшириши, шунингдек, куйидаги масалаларни аниқлаштириши лозим:

— хўжалик субъектида устав капиталини тўлдириш бўйича қарорларнинг тўла бажарилишини;

— синтетик ва аналитик учёт балансидаги актив ҳамда пассивлар бирлигини;

— дебитор ва кредитор қарзларнинг тўла акс эттирилишини.

Аудиторлар дебиторлик ва кредиторлик қарзларини муддатли ва муддати ўтган қарзлар ва мамлакат ичидаги ва ташқаридаги дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлари нуқтаи назаридан кўриши лозим.

Аудитор ўз хulosасини ёзишга тайёргарлик пайтида куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қиласи:

— хўжалик операцияларининг корхонада учёт сиёсатига мувофиқ акс эттирилиши, мулкларни баҳолашнинг тўғри ташкил қилинганлигини;

— ҳисоботда даромад ва харожатлар қамраб олинганлиги;

- жорий йил харажатларининг даврлар ва иқтисодий мазмундан келиб чекланганлиги;
  - анализик учёт айланма қайдномалари ҳар ойнинг биринчи санасида тузилганлиги.
- Аудитор хулоса ёзища алоҳида эътибор бериш лозим бўлган масалалар:
- ҳисоботнинг фойдаланишга яроқлилиги (моддий-товар умумий қийматининг корхона эҳтиёжидан келиб чиқиши);
  - ҳисоботнинг асосли эканлиги (моддий-товар қийматининг ҳисобот ва балансда тўла акс эттирилиши);
  - ҳисоботнинг тугалланганлиги (моддий товар қиймати заҳираларининг тўғри ҳисобланганлиги балансда кўрсатилганлиги, балансга ўзгартиришлар киритилганлиги);
  - ҳисоботни баҳолаш, моддий-товар қиймати қолдигининг сумма ва миқдор жиҳатидан балансга мос келиши;
  - ҳисоботда хўжалик маблағларининг тўғри туркумланганлиги (моддий-товар қиматликларнинг счётларда тўғри акс эттирилиши);
  - ҳисоботда тақсимот ишларининг тўғри бажарилганлиги (моддий-товар қийматининг сотиб олиниши ёки сотилиши даврлар бўйича ҳисоботда тўғри тақсимлаб кўрсатилганлиги);
  - ҳисобот тузища белгиланган тартиб ва қоидага риоя қилинганлиги (моддий-товар қийматлари йифиндининг бош дафтардаги суммага мос келиши);
  - ҳисоботда барча масалаларнинг тўлиқ берилганлиги (моддий-товар қийматининг методик жиҳатдан тўғри баҳоланиши ва ҳисботларда акс эттирилиши).

Аудиторлар аудит текшируви жараёнида хўжалик субъектларига назарий ва амалий масалаларни ечиш бўйича қўйидагича ёрдам кўрсатиши зарур:

- хўжалик операцияларининг қонунийлигини, бухгалтерия ҳисботларининг тўғри юритилганлигини текшириш;
- бухгалтерия учётини ташкил қилишга;
- бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия учётининг тўғри тузилишига;
- солиқ ва солиқсиз тўловларнинг режалаштирилиши ва ҳисобланишига амалий ёрдам бериш;
- учёт ва назорат молиялаштиришнинг долзарб масалалари бўйича маслаҳат хизмати кўрсатади;
- хўжалик фаолиятини таҳдил этиш ва баҳолаш;

— таъсис ҳужжатларнинг малакали асосда тузилишига қўмаклашиш;

— келажақда хўжалик юритишда ишончли шерикларни топиш;

— ахборот маълумотларини мижозларга ўз вақтида етказиш ва ҳоказо.

Аудит текширувани ўтказишда уни амалга ошириш босқичларини билиш катта аҳамиятга эга.

Аввало, аудит текшируви бўйича иш ҳажмини, яъни кўламини белгилаб олиш зарур. Бунда аудитор фаолияти ҳақидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, мижозлар билан тузилган шартнома шартлари эътиборга олинади. Мазкур иш бухгалтерия учёти, ички хўжалик назорати, корхонанинг хўжалик ишлаб чиқариш ва молия фаолиятини ўз ичига олади ва текшириш обьектлари ҳақида етарлича маълумотлар олиб ўрганиш, хулоса ёзиш муддатини белгилаш билан режалаштирилади.

Иккинчи босқич аудит ишлари режасини тузиш ҳисобланади. Яъни тахминий таҳлиллар асосида қилинадиган ишларни баҳолаш, бу ишга жалб қилинадиган мутахассислар рўйхатини тузиш, текширувни бажариш муддатини аниқлаш зарур. Аммо шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ишга мутахассис жалб қилинса ҳам аудиторнинг масъулияти тўла сақланиб қолинади.

Учинчи босқич корхонадаги бухгалтерия учёти тизими ва ички хўжалик назоратини баҳолашдан иборат. Асосий эътибор хатоларнинг бўлмаслигига, молия ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилигига қаратилиди.

Тўртингчи босқич барча маълумотларни тўплаш, аудиторлик текширув якунларини тасдиқлашдан иборат. Бешинчи босқичда тасдиқланган маълумотларни тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш лозим. Ниҳоят охирги босқич, бу аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса ёзиш ва ҳисобот тузишдан иборат. Бунда аудитор хуласасининг амалдаги қонунчилик ва тартибга соловчи норматив ҳужжатларга мослиги баён этилади, ёки хулоса ёзмасликка қонуний асос кўрсатилади.

Аудит текширувани ўтказишда бажариладиган ишлар ҳажмини белгилаб олиш масаласи муҳим ҳисобланди. Масалан, агарда молиявий ҳисоботни аудит текширувидан ўтказиш мақсад қилиб олинган бўлса, молия ҳисоботидаги барча маблағлар, уларнинг манбала-

ри, дебитор, кредитор қарзлар, молиявий натижалар, даромад ва айланма маблағларни (энг камида 5 фоизи, иқтисодий нисбий кўрсаткичларнинг камида 3—5 йиллик маълумотлари) текшириш ишлари белгила билинади. Бунда корхонанинг авансланган капитали, қимматбаҳо қозозларнинг дивиденд суммалари бўйича барча зарур маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш назарда тутилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда аудит текшируванинг турларини фарқлай билиш зарур. Аудит турларига қуидагиларни санаб ўтиш лозим:

- а) ички аудит текшируви;
- б) ташқи аудит текшируви.

Ички хўжалик аудит функционал амалга оширилишига қараб бошқарув ёки ишлаб чиқариш аудитига бўлинади. Бундан ташқари, хўжалик фаолияти аудити, норматив хужжатлар талабига мос келувчи аудит, молиявий ва маҳсус аудит, мажбурий аудит ва ташаббус билан амалга ошириладиган аудитларни санаб ўтиш мумкин.

Мажбурий аудит давлат бошқарув органлари буйрги билан амалга оширилади. Шунингдек, дастлабки ва келишилган аудитлар мавжуд. Дастлабки аудит мизжоз билан келишилган ҳолда ўтказилади, қайта ўтказиладиган аудитлар ҳам бўлади.

Аудитнинг ривожланиш босқичларининг қуидаги хиллари мавжуд:

- а) тасдиқловчи аудит;
- б) тизимили-мўлжалланган аудит, яъни ички назоратнинг самарадорлигини аниқлашга қаратилган текширув;
- в) таваккалчиликка асосланган аудит, яъни аудит текшируви.

Таваккалчиликка асосланган аудит текшируви қуидагicha:

- 1) Бухгалтерия ҳисоб-китоб хизмати аудиторлари (асосан энг катта бошқарув назоратчилари).
- 2) Солик инспекторлари, давлат бюджети бўйича текширувни амалга оширувчи малакали мутахассислар.
- 3) Ички хўжалик аудиторлари.
- 4) Қасамёд қилган бухгалтерлар (улар аудиторлик фирмалари томонидан молия ҳисоботларини текшириб, аудит қиласиди).

Аудит мазмунан қуидаги йўналишларга эга:  
банк аудити;

ижтимоий суғурта аудити;

биржа аудити;

бюджетдан ташқари жамғармалар аудити;

инвестиция муаммолари аудити.

Аудиторлик андозалари аудит талабларига мувофиқ ташкил топган сифат кўрсаткичларга жавоб беради.

Фикримизча, ташқи ва ички аудитлар фарқини кенглигича ёзиш маъқулдир (55-бетдаги жадвалга қаралсин).

Аудит андозаларининг асосий тамойиллари қўйидагича:

— аудиторлик текширувининг сифатли бўлишини таъминлаш;

— аудиторлик фаолиятига илмий-тадқиқотчилик натижаларини жорий қилиш;

— аудиторлик маълумотларидан фойдаланувчиларга аудиторлик текширув жараёнларини тушунтириш;

— аудиторлик касбини оммалаштириш;

— мижозлар билан малака асосида музокаралар олиб бориш;

— аудиторлик текширув жараёнларида элементар алоқасини таъминлаш ва ҳоказо.

Халқаро аудиторлик андозалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

— молиявий ҳисобот текшириш ҳажми ва мақсадларини белгилаш;

— аудит ўтказиш бўйича розилик хатларини олиш.

Аудит ўтказишнинг асосий тамойилларида ишга масъулият билан қараш, объектив, мустақил билиш, ваколатлилик, корхона сирини ошкор қилмаслик, зарур малакага эга бўлиш, аудиторлар текширув натижаларидан фойдаланиш, уларни режалаштириш, хужжатлаштириш, аудитор учун маълумотлар олишнинг учёт тизимини, ички хўжалик назоратини текшириш ва хуносас ёзиш;

— аудитни режалаштириш;

— бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш;

— корхонадаги бухгалтерия ҳисоби тизимлари ва ички хўжалик назоратини баҳолаш;

— аудит сифатини назорат қилиш;

— аудит текширув маълумотларини олиш;

— хужжатлаштириш;

— ички хўжалик аудиторлар текширув ишларидан фойдаланиш ва уни баҳолаш;

**Ички ва ташқи аудитларнинг тасвиғ жиҳатидан фарқланиши**

Омиллар	Ички хўжалик аудити	Ташқи аудит
Қўйилган вазифалар	Текширувни инг ҳажми, мақсади корхона бошқаруви томонидан қўйилади	Мижоз билан аудитор ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланади
Аудит текширув объектлари	Айрим функционал вазифаларни ечиш, улар юзасидан текширув ва тадбирларнинг ахборот тизимини белгилаб олиш	Асосан учёт ва ҳисобот тизимлари қай тарзда эканлигини кўриш
Мақсад	Корхона раҳбари томонидан белгиланади	Аудит ҳақидаги қонун ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабига мувофиқ белгиланади
Фойдаланиш қуроллари (манбалари)	Аудитор томонидан таҳлаб олинади	Умумий қабул қилинган аудиторлик андозалари билан белгиланади
Фаолият турлари	Бажариш фаолияти	Ишбилармонлик фаолияти
Ишнинг уюштирилиши	Корхона раҳбари томонидан қўйилган топшириқ бажарилади	Қабул қилинган андоза ва қоидалар асосида аудитор томонидан белгилаб олинади
Муносабатлар	Раҳбар томонидан уюштирилади	Тенг шериклик асосида мустақил белгиланади
Субъект	Корхонада ишлайдиган моддий, мансабдор шахс	Махсус малакага эга бўлган ваколатли ишбилармон
Малака	Корхона раҳбари томонидан унинг қарашига мувофиқ аниқланади	Давлат органлари томонидан тартибга солинади
Хақ тўлаш	Штат жадвали бўйича	Шартнома бўйича
Жавобгарлик	Раҳбар олдида ўз мансаб мажбуриятларини бажариш	Қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқ мижоз олдидаги мажбурияти
Услублар	Аудит ўтказиш технологияси асосида бўлади, фақат аниқлик даражаси бўйича фарқланади	Бошқа юридик шахслар билан боғлаб текшириш
Ҳисоботлар	Раҳбарга ҳисобот беради	Ахборот агентликларида зълон қилиш, мижозга ўз хуносасини етказиш

- хатоларни ва қўшиб ёзишни аниқлаш;
- таҳлилий текширув;
- аудиторлик хулоса ва ҳисоботларни тузиш ва ҳоказо. Уларнинг умумий сони 29 та.

Ички хўжалик аудиторлик стандартлари:

- розилик бўйича аудит мақсадини белгилаш;
- бизнес-режа ва ишларга шарҳ бериш;
- корхонадаги бизнес таваккалчиликни баҳолаш;
- ички аудитни баҳолаш, унинг стратегик йўналишларини белгилаш;
- аудиторлик текширув стратегиясини белгилаш;
- ички хўжалик аудиторлик хизматининг самара-дорлигини белгилаш.

#### Аудит ва тафтиш ўртасидаги фарқлар

Муҳим белгилар	Аудит	Тафтиш
Мақсадлар	Хўжалик юритишида аниқланган камчиликларни сугурталии баҳолашни ва мълум даражада шунга боғлиқ хўжалик операциялари якунларини ўрганиш	Корхонада аниқланган, ўзаро боғлиқ камчиликларни бартараф этиш
Хукуқчилик	Фуқаролар ҳукуқни хўжалик шартномалари асосида билиш	Маъмурият ҳукуқи конунлар, йўриқномалар асосида юқори ташкилотларнинг буйруқлари ва давлат органларининг фармойишларига мувоғиқ амалга ошириш
Илмий билиш имконияти ва манбалари, восита тъминоти	Мижознинг молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончли эканлигини текшириш	Амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлигини аниқлаш ва ходимлар томонидан ўтирилик ёки ўзлаштиришларга йўл кўйилмаётганлигининг йўқлигини аниқлаш
Объективлик	Мижознинг тўлов қобилиятига боғланган ҳолда, молиявий ахволнинг ёмонлашуви сабабларини билиш	Корхонада учёт сисёсатининг бузилишини ўрганиш
Бошқарув функцияси	Маъмурият билан	Алоқалар вертикал

	иҳтиёрийлик ва горизонтал алоқалар	бўлиб, корхона маъмуриятини тайинланиши ва огоҳлантирилиши
Хизматга ҳақ тўлаш принципи	Аудиторлик хизматига эҳтиёж сезиб, уни чақирган мижоз ҳақ тўлади	Давлат ёки бошқа органлар мулки бўлса, юқори органлар тўлади
Амалий топшириқлар	Мижоз янги пул жалб қилувчи пассивларни (инвестор кредитор) топиб тўлов қобилиятини оширади, чора-тадбирлар кўради.	Ҳўжалик тизими бўйича мулклар ўз активлари сакланишини таъминлайди, ўғирлик ва талон-торожнинг олдини олиш чораларини кўради.
Харажат ва натижаларнинг етарли бўлиши	Етарли даражада молиявий натижага эришиш учун ақлидрок билан маблагларни сарфлаш ва сарфлар нисбатини кўриш	Етказилган зарарлар сабабини аниқлаш, ҳар бир айбдор бўйича зарарни белгилаш
Натижалар	Аудиторлик хуносаси ва мижозга бериладиган таклифлар	Тафтиш далолатномаси, ташкилий хуносалар, зарарларнинг ундирилишини назорат қилиш

1) Умумий қоидалар; 2) Асосий тушунча ва уларнинг белгилари; 3) Стандарт моҳияти; 4) Амалий иловалар.

Аудиторлик фаолияти ҳақидаги қонунда аудит идораларда мавжуд бўлган тафтиш ўрнини босмайди деб кўрсатилган.

Тафтиш давлат иқтисодий ҳаётидаги асосий бошқарув функцияси ҳисобланади. Аммо барча дарслик ва қўлланмаларда аудит текшириш тафтиш ўрнини босмаслиги алоҳида таъкидланди. Шунинг билан биргаликда аудит тафтишнинг умумий томонлари ҳамда улар ўртасидаги фарқлар тўла кўрсатиб берилган.

## АУДИТНИНГ УМУМИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Аудит текширувининг бошлангич босқичи.**

**Аудит текширувининг стратегияси.**

**Аудит текшириш технологияси.**

**Қалбакилик ва хатолар.**

**Аудит текширувининг тутгалланиши.**

Аудиторлик фаолиятида таваккалчиликни камайтириш учун маълум бир мижозни танлаш лозим. Акс ҳолда аудиторнинг обруйи тушади, корхонада маънавий ва моддий қийинчилклар юзага келиши мумкин.

Мижоз танлашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- тармоқ тавсифномасига;
- аудиторлик текширув натижаларидан қанчалик фойдаланиши;
- раҳбарларнинг малакаси;
- аудиторлар иш кўлами мураккаблиги, аудиторлик таваккалчилиги;
- аудиторлар алмаштирилган бўлса, унинг сабаблари;
- олдинги аудиторнинг хуросалари;
- солиқ инспекцияси билан мижозлар муносабати;
- турли ташкилотлардан олинган тавсиялар;
- бухгалтерия учётининг аҳволи;
- ички хўжалик аудиторлик фаолияти.

Аудитор ва мижоз билан муносабатлар расмий ва норасмий бўлади. Мижоз ва аудитор ўртасидаги ўзаро шартнома мазмунининг тартиби ҳамда йўналиши:

- а) шартнома шартларини белгилаш;
- б) ҳуқуқ ва мажбуриятлар;
- в) шартномани бекор қилиш тартиби;
- г) ишни топшириш;
- д) шартнома бўйича ҳисоб-қитоблар;
- е) қўшимча белгиларни аниқлаш;
- ё) банк реквизитлари ва манзилгоҳ;
- ж) томонларнинг манзилгоҳи.

Аудиторлик хизматини баҳолаш тартиби: 1) аккорд-мукофот; 2) вақтбай; 3) ишбай; 4) натижа бўйича тўлов; 5) комбинациялашган тўлов.

#### Аудитор билан мижоз ўртасидаги ёзма мажбуриятлар шакли

т/р	Бажариладиган вазифалар	Ким бажаради	Қачон
1.	Аудит объектлари		
2.	Аудиторнинг жавобгарлиги		
3.	Мижоз томонидан зарур маълумотларнинг берилиши		
4.	Норматив ҳужжатларни ўрганиш		
5.	Аудит хуросал		
6.	Хатоларни аниқлаш		
7.	Таваккалчилик		
8.	Аудиторнинг сир сақлаши		

9.	Ёзма ахборотлар бериш		
10.	Ёзма мажбуриятларнинг мижоз томонидан тасдиқланиши		
11.	Бошқа кўшимча ишлар		

Бу аудитор билан мижоз жавобгарлигини ифодаловчи ҳужжатлардир. Аммо шуни қайд қилиш керакки, агар мижоз билан аудитор ўртасида тушунмовчилик, ноаниқликлар пайдо бўлса, ўзаро келишиб қайта тузилиши лозим.

Умумий аудитор текширувларини режалаштириш, аудиторлар молия ҳисботлари учун 2 ҳафта муддат берилади.

Режалаштиришда асосан қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- а) мижоз фаолияти тўғрисида маълумот йигиши;
- б) ички аудитнинг баҳоланиши ва таваккалчилиги;
- в) аудиторлик текширувининг моҳиятини чукур очиб бериш, молиявий ишлаб чиқариш.

Аудиторнинг икки хил ёзма режаси бўлиши лозим:

- а) тахминий иш ҳажмини;
- б) тахминий иш режаси.

Ахборотларни йигишида эътибор қилинадиган омиллар:

- а) ахборотлар маълумотлари;
- б) бино ва асосий участкаларни кўриш;
- в) ташки ва ички ҳисботларнинг матбуотда эълон қилиниши.

Айниқса, ички ва ташки аудит бўйича умумий саволлар, мулкчилик, акция фаолиятининг асосий стратегияси, директор кенгаши ва бошқарув, хўжалик операциялари, молия, маркетинг масалаларига кенг ўрин берилади.

Корхона фаолиятининг шарти қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Корхона фаолиятини чуқур тушуниш, бошқарув ходимларининг ёлғон ахборот беришдаги таваккалчилигини ўрганиш.
2. Корхона фаолиятига таҳлилий тарзда нарх бериш, жорий молиявий ҳолат таҳлили.
3. Корхона ҳисоб сиёсатини тушунтириш.
4. Моддий-товар бойлик, иқтисодий ҳодисанинг моҳиятини баҳолаш (аудит айрим ижтимоий ҳодисаларнинг четланиш даражаси ва молия кўрсаткичларининг тавсифини бериши мумкин).

Ташқи ва ички аудитта таъсир қилувчи омиллар. Ташқи омиллар: а) макроиктисодиёт омиллари: асосий фаолият (ўсиш, пасайиш); халқаро савдо, тариф ва тўсиқлар; солиқда тортишнинг ўзгариши; ташқи назорат тизими; давлат сиёсатининг ўзгариши; барқарорлик, компаниянинг фоиз ставкалари; истеъмолчи харидорнинг тутатилиши, қимматбаҳо қофозларнинг таъсири; б) тармоқ омиллари: тартибга солиш соҳаси (кутилган қонун, экология ва бошқалар); иқтисодий шартшароитлар (тармоқ қисқариши, рақобат, бозорнинг товарга тўлиши); в) меҳнат омили: меҳнат шароитлари, ишсизлик даражаси, малака.

Ички омиллар: уларнинг умумий томонлари (корхона тарихи, бизнес таркиби, ишлаб чиқариш фаолият турлари, бизнеснинг тез ривожланиши, тури хил келишмовчиликлар, раҳбарнинг корхона ҳақидаги, ривожланиш тенденцияси борасидаги фикрлари, раҳбарнинг фамхўрлиги, аудитдан кутилган натижалар); мулкчилик (ўз капитали, акциялар ва уларнинг курси); корхонанинг асосий фаолият стратегияси (сотиб олиш ресаси, ишлаб чиқаришдаги ўзгариш, капитал сарфлар, режалаштириладиган бозор, солиқ).

Бошқарув кенгашларида: мустақиллик даражаси, кенгаш фаолияти, ходимларни ўзи бажара олмайдиган ишларга мажбуrlаш каби масалалар кўриб чиқлади.

Хўжалик операциялари (асосий маҳсулотлардан фойдаланувчи мижозлар) маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи ва услублари, ишлаб чиқариш қувватининг жойланиши, назорат даражаси, таннарх омиллари, мол етказиб берувчилардан кредит олиш, ишлаб чиқариш қуввати, ишлаб чиқариш даврини ўз ичига олади ва алоҳида ўрганилади.

Шунингдек:

— молия (пул келиш манбалари, инвестиция, фойда, банк операциялари лизингидан фойдаланиш, тўловлар кафолати);

— маркетинг (асосий харидор ва бозор, сотувчи, харидор, молиявий аҳвол, мижоз рақобатчилари, бозор барқарорлиги, реклама, таваккалчилик);

— ходимлар (танлаш, иш ҳақи, кўнимсизлик, олдинга силжиши) масалалари ҳам кўриб чиқлади.

Аудитнинг моддий моҳиятини баҳолаш:

1. Индектив ёндашув, ҳар бир кўрсаткич ва кейинчалик умумийликка бориш.

2. Дедуктив ёндашув, аввало умумий хатолар аниқланиб, кейинчалик хусусийликка ўтиш.

Аудиторлик таваккалчиликкнинг икки услуги мавжуд: а) баҳолаш; б) миқдорлардан фойдаланиш;

Ар=ЧрхКрхПр,

Ар — аудитор таваккалчилиги;

Чр — аниқ таваккал, ички учёт, назорат;

Кр — ички аудитор назоратининг самараасизлиги;

Пр — тестлаштиришнинг самараасизлиги.

Ички назорат тизимини баҳолаш қўйидагилар асосида бўлади: учёт тизимининг самарадорлиги, ҳақиқий ва ҳужжатли назорат.

Шартномалар ўзининг таркибий қисми жиҳатидан одатда етти қисмдан иборат бўлади: а) шартноманинг предмети; б) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; в) шартноманинг бекор қилинишида томонларнинг жавобгарлиги; г) ишнинг топширилиши; д) шартнома бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиш тартиби; е) қўшимча шартлар, ж) шартнома тузувчиларнинг манзилгоҳи ва тасдиғи. (шартнома илова қилинади).

### **Аудиторнинг мижоз олдидаги ёзма мажбуриятлари**

Шартнома қўшимча ҳужжат бўлиб, аудиторнинг муружаат қылган корхона маъмуриятига текшириш ўтказиш юзасидан ёзма розилик хатидир. Бу ҳужжат аудитор томонидан мижозга юборилади ва мижоз томонидан тасдиқланади.

Хатда корхонадаги бухгалтерия учётининг амалдаги норматив актларга мослиги, объективлиги, аниқлиги ва ишончлигининг мазмун жиҳатидан назорати тест саволларига жавоб бериш кўрсатилади:

а) аудит қамраб оладиган обьектлар ва унинг ҳажмлари (бухгалтерия, молиявий ҳисоботлари, мазмунни, бажариш муддати);

б) мижоз томонидан бериладиган маълумотлар учун жавобгарлик;

в) аудит текширувининг чегаралари (қонун ва бошқа норматив — ҳужжатлар асосида);

г) аудитор хулосасининг ҳамда ҳисботининг турлари, умумлаштириш тартиби;

д) ички назоратдаги хатолар, камчиликларнинг таваккалчилик йўллари билан аниқланмай қолиши;

е) аудитни ўтказиша бухгалтерия учёти ва бошқа жиҳатлардан маълумотлар олишга имконият берилиши;

ж) аудиторнинг корхона тижорат сирини сақлаш мажбуриятлари ва бошқалар (режа, ёзма ахборот, аудит ўтказиш муддатини тасдиқлаш).

Аудит текширув стратегиясида маълумотларни электрон машиналарда ишлашга катта эътибор берилади.

Шунингдек, ишчи эксперталардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади (масалан, асосий воситаларни баҳолаш).

Аудиторлик дастурлаш аудитини ўтказиша катта рол ўйнайди.

1. Дастурлаш қўйидаги омилларни ўз ичига олади:
- а) аудиторларнинг иш графиги;

#### Ички назорат тизимининг асосий воситалари

Соҳалар	Назорат ричагларининг асосий саволлари
Сотиш, қарздорлар ва пулнинг келиши	Товарларни жўнатиш эҳтимоли; Счёт-фактурасиз жўнатиш Пул тўламаса ҳам жўнатиш Счёт-фактурасидаги хато ва камчиликлар Счётларда қайд қиласдан сотиш Нотўғри ёзувлар (мижоз ёки кредит қарздор- лар билан) Банкка топширмасдан пул олиш Умумий сотиш ҳажмининг кўпайиши Санкцияланмаган тартибга сотиш Нотўғри ҳисоблаш Регистрларда ёзувларсиз пайдо бўлган дебетор қарзлар Қарзсиз ҳам бўлиши мумкинми? Тўловлар (бажариш мумкинми?) Бухгалтерия проводкаларининг нотўғрилиги Асосий воситаларни сотиш ва олиш эҳтимоли Нақд пулни ўзлаштириши мумкинми?
Харид кредиторлари ва тўлов	Бажарилмаган ишларга ҳақ тўлашнинг мум- кинлиги Мукофот ва раъбатлантиришнинг қонунсизли- ги Солиқларнинг нотўғри тўланиши Нотўғри ижтимоий сугурта
Иш ҳақи ва пул маблағларининг кирими	

	Тўловларни нотўгри амалга оширув ҳоллари Тўлов ведомостлари ёки ведомостлар тўловлари Бошқа хатолар Моддий товар қийматликларининг йўқолиши Ўғирлик ва йўқотувларни нотўгри ҳужжатлаштириш Тугалланмаган ишларни кўрсатиш Ишлаб чиқариш сарфлари устидан етарли назорат бўлмаслиги
Ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш	Журналлардаги нотўгри ёзувлар Ёрдамчи китоб, дафтарлардаги нотўгри ёзувлар Бухгалтерия регистрларидағи хатолар Бошқарувчилар назорати

б) аудитни амалга оширишда амалга ошириладиган ишларнинг аниқ белгиланиши (бажариладиган ҳар бир иш ёзилади);

в) аудит бўйича ишнинг назорати (шерик, ассистент, ёрдамчи, менежер, катта ва кичик ходим назорат қилинади);

г) текширув операциялари тести;

д) аналитик жараён тартибидаги ишлар.

#### II. Аудитор танлови:

а) олдинги тажрибага асосланиб баҳолаш;

б) статистик методлар асосида эҳтимоллик услубларидан фойдаланиш.

III. Аудитор иш сифати устидан ўрнатиладиган назоратнинг икки йўналиши:

а) аудитор текшируви устидан назорат;

б) умумий сифат назоратлари.

IV. Аудиторлик ахборотлари ва уларнинг тасдиқлаши:

V. Аудитни ҳужжатлаштиришда аудиторнинг иш папкаси бўлиши лозим. Уни кўпинча «досье» дейилади ва жорий ҳамда маҳсус бўлади.

VI. Аудит текширувининг услублари: ҳақиқий назорат, тасдиқлаш, ҳужжатли текширув, сўров, юзлаштириш, тергов кабилар.

VII. Аналитик ишлар, коэффициент таққословлар, баланслаш методи, регрессия таҳлил.

VIII. Корхона ҳаракатини баҳолаш.

## **АУДИТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

**Аудитни режалаштириш.**

**Аудитни тахминий режалаштириш.**

**Умумий ахборот маълумотларни йигиши.**

**Мижознинг юридик мажбуриятлари ҳақида маълумотларни олиш тартиби.**

Аудитни режалаштириш халқаро стандарт бўйича амалга оширилади. Агарда аудит учун асистент бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олсак, назорат учун ҳам ишнинг режали бўлиши талаб қилинади. Режалаштириш қўйидаги учта сабабга кўра амалга оширилади:

а) маълумки, сифатли аудит учун аудитор етарли маълумотларга, аудит мақсадга эришиши ҳуқуқий мажбуриятларни максимум қилиши, яхши малакага эга бўлиши керак;

б) аудит бундай текширишларни ўтказиш учун маълум вақт сарфланишини аниқлаб, рақобатда банкрот бўлмаслиги, яхши тасаввурга эга бўлиши зарур;

в) мижозлар билан белгиланган тартибда алоқада бўлишини таъминлаш, интизом ёки шартномалар бўзилиши юзасидан дъяво билдириши учун ҳам режалаштириш лозим.

Тажрибалар режалаштириш беш хил бўлишини кўрсатиб келмоқда:

1) Тахминий режалаштириш.

2) Умумий зарур ахборотларни йигиши.

3) Мижознинг юридик мажбуриятлари кўлами ҳақида ахборот йигиши.

4) Мизождаги ички аудит тизими ва унинг таваккалчилигига баҳо бериш.

5) Мижоз бизнеси ва ички аудит соҳасидаги таваккалчилигини баҳолаш.

Бу масаланинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Тахминий режа қўйидагиларни ўз ичига олади: аудитни бошлаш ёки уни мижозга доимий етказишини тавсия қилиш, мижознинг аудит учун буюртма беришни асослаш (сабабини аниқлаш), уни бажарувчи ходимларни белгилаш, аудитор мажбуриятларини аниқлаш ва ёзма мажбуриятларни белгилаш:

а) мижоздан аудитни бошлаш учун розилик олиши ёки бўлмаса, ҳисботни аудит давом эттириш. Бу соҳада рақобатда бўлиши, мижозлар билан алоқаси, юридик ва малака жавобгарлиги, гонорар, аудиторнинг тавсифи ва бошқалар (кўпроқ бухгалтер касби). Бунга

янгі мижозни ўрганиш олдинги ўринга күчади, аввало фирма ҳақида маълумотларга эга бўлиши, унинг кўлланилиши ҳақида таклиф бера олиш ва ҳоказо:

б) сир сақлаш. Корхоналардаги технология ва тижорат маҳфий сирларини маҳфий тутиш.

Эски мижозлар ҳар йили ёки доимий ҳолда ҳисоботларни аудит қилишини давом эттиришнинг зарурлиги:

а) мижознинг (аудиторнинг) ўзини тута билиши ҳақидаги талабларнинг асосланиши, бунда икки омил катта аҳамиятта эгадир: 1) молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар эҳтимоли; 2) ундан фойдаланишнинг аҳволига нисбатан муносабати;

б) аудит учун ходим танлаш. Аудитнинг самарали бўлиши ва зарур стандартларига жавоб бериши ходим танлашга боғлиқдир. У тегишли малакага эга бўлиши керак;

в) аудитор томонидан ёзма мажбурият тузилиши лозим. Бу — мижоз билан тузиладиган шартнома саналари. Унинг шартлари ёзма маълум қилинади. Мазкур масала мижоз билан аудитор ўртасидаги битим демакдир.

Мижознинг фаолият тармоғи, бизнеси ҳақида маълумотларга эга бўлиш лозим, жумладан, умумий маълумотларни олишда қўйидагиларга эътибор бериши зарур:

а) мижознинг қайси тармоққа мансублиги ва бизнес-режаси, интерперивати, адабиётлар хусусиятлари, жамғармалари, маркетинг масалалари ва ҳоказо;

б) мижоз жойлашган биноларни куриш (саволлар топиш, жавоб олиш);

в) компаниянинг сиёсатини кўриб чиқиш (кредит, молия, ички аудит тизимларга эга бўлиши ҳақида);

г) идентификация: ўзаро боғлиқ томонлар (корхона, орган ва ташкилотлар алоқаси);

д) ходимларга талаб ва унинг қондирилиши.

### **Аудиторлик ахборотлари ва уларни тасдиқлаш**

Аудитор томонидан корхона фаолияти ҳақида, хатолар, унинг раҳбари, ходимлари тўғрисида ахборот йиғиши аудиторлик текшируви бошлангунга қадар амалга оширилади. Шу ахборотларнинг катта қисми ҳужжатлар бўлиб, бу улардан олинган нусхалардир. Шу боис ҳам улар аудитор учун тасдиқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

**Аудиторлик тасдиқлаш** — бу йигилган ахборотлар аудитор текшируванин якунлашнинг қонуний асоси ҳисобланади.

Аудиторлик тасдиқлаш икки хил бўлиши мумкин:

а) релевант ва етарли даражада тасдиқлаш;

б) релевант тасдиқлаш — бу бирон-бир муҳим муаммонинг ечимидағи ўта қимматли ахборот ҳисобланади. Етарли даражада тасдиқлаш эса ҳар бир конкрет ҳолатда воқеаларни баҳолаш учун асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари аудиторнинг ахборотлар олиш жиҳатидан тасдиғи мавжуд бўлиб, у ички, ташқи ва аралаш бўлиши мумкин.

Аудитор ахборотларни йигиш даврида қуйидаги тадбирлардан фойдаланса бўлади:

а) мижознинг ҳисоб-китобларини арифметик текшириш;

б) кузатиш ёки чуқур инвентаризацияда қатнашиш;

в) хўжалик операцияларининг счётларда акс эттирилишининг реаллиги, уларнинг учинчи томондан тасдиқланиши;

г) оғзаки сўраш, натижа бўйича ёзма тақдимнома олиши;

д) ҳужжатларни текшириш;

е) таҳлилий ишларни амалга ошириш тадбирлари, яъни барча иқтисодий кўрсаткичларнинг боғланиш даражасини ўрганиш (масалан, ҳисоботдаги кўрсаткичлари, баланс, моддаларнинг боғланиб тасдиқланиши).

### **Аудиторлик текшириш услублари**

Аудиторлик текшируванин ўтказишнинг асосий услубларига қўйидагиларни киритиш мумкин: а) ҳақиқий текшириш; б) текшириш якунларини ҳужжатлар билан тасдиқлаш; в) кузатиш; г) сўров; д) механик жиҳатдан аниқлигини текшириш; е) таҳлилий тестларни белгилаш ва бажариш; ж) ахборотларни узлуксиз элементар бўйича қараб чиқиш); з) изланиш; к) маҳсус текшириш (мальум мутахассисларнинг иштирокида текшириш); л) юзлаштириб текшириш.

Аудиторлик текшируванин ўтказишда ташкилий жиҳатдан ҳам услублар бўлиши мумкин: а) аралаш текшириш, б) таңлаб текшириш; в) аналитик текшириш; г) комбинациялашган текшириш. Аналитик текширув тўғрисида шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу тушунча ҳалқаро аудиторлик андозаларида ишла-

тилса-да, у иқтисодий таҳлилни баён қилиш ва ривожланиш тенденциясини белгилашдан иборат.

Аналитик тадбирда қуйидаги услублардан фойдаланилади: а) фоизли таққослаш; б) коэффициентли таҳлил; в) балансли услуг; г) регрессивли таҳлил.

Айрим ҳолларда аудиторлик текширув даври давомида корхона банкрот бўлиб қолиш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам аудитор корхонанинг яшаш қобилиятини алоҳида ўрганиши лозим. Бунда корхонадаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, сифати, сотилиши, фойдаланишлик даражаси, меҳнат унумдорлиги, тутатилиш баланси, хуллас олганда — харажат — фойда — ҳажм динамик таҳлил қилиниши лозим. Бунда банкротлик сабабларини ўрганиш алоҳида ўрин тутади.

Баҳолашда қуйидаги саволларга жавоб топиш зарур:

- а) корхонанинг молия аҳволи қай ҳолатда?
- б) банкротлик ҳолати аниқми?
- в) банкротлик ҳолати юз берса, ундан чиқиш имконияти борми?
- г) бу масалаларни аудиторлик хуносасида қандай акс эттириш мумкин?

Бундай шароитда актив ва пассив аудиторлик текширувлари бўлиши мумкин.

Аудитор молия ва бошқа ҳисоботларни текширганда, уларда акс эттирилган кўрсаткичлар ҳақиқатта тўғри келмаслиги мумкин. Бу масалада масъулият тўла аудиторга юклатилади. Аудиторлар уни аниқлагач эса, масъул ходим ва корхона раҳбари жавобгар ҳисобланади. Бу тушунчаларнинг моҳиятини тушуниш ҳам катта аҳамиятга эга.

Қалбакилик — бу ҳисоб ва ҳисоботлардаги маълумотлар корхонанинг масъул кишилари, раҳбари томонидан атайлаб ўзgartириб кўрсатилиши, бухгалтерия учётини юритиш қонун-қоидаларига риоя этилмайди акс эттирилмаслиги, учёт регистрларида уларнинг ўзgartирилиши ёки балансдаги активларнинг нотўғри баҳоланиши демакдир.

Хўжалик операцияларини билмасдан ҳужжатларда, счётларда, бухгалтерия регистрларида арифметик, техник гурухлаш жиҳатидан нотўғри кўрсатилса, бу хато саналади. Бундай ҳолат молия ва бошқа ҳисоботларда ҳам бўлиши мумкин.

Қалбакиликни қўйидагича туркумлаш мумкин: а) амалдаги қонунчилиқдан четланиш; б) учётни ташкил қилишда, методологиясида норматив ҳужжатлардан четланиш; ва) корхона мулкини баҳолашда, корхона учёт сиёсатида нотўғри иш юритиш; г) харажат ва даромадларни нотўғри акс эттириш; д) ишлаб чиқариш ҳаражатларини, фойда ёки заарларни жавобгарлик жиҳатидан жой-жойига олиб бормаслик, бошқа манбалар билан қоплаш; г) синтетик ва аналитик счёт маълумотлари ҳақиқий қолдиқларининг реал бўлмаслиги ва ҳоказо.

Бунда учёт манипуляцияси деган тушунча мавжуд. Унга кўра учёт маълумотларини корректировка қилиш ёки уларни нотўғри акс эттириш демакдир. (Бухгалтерия операцияларини йўқотиш («сторон» қилиш) йўли билан хўжалик операция ва суммаларни йўқотиш).

Бухгалтерия ҳужжатлари ва ёзувларни қалбакилаштириш — бу бухгалтерия ҳужжатларини нотўғри тузиб, нотўғри маълумотлар бериш демакдир.

Учётда бир хил бўлмаган ёзувларга йўл қўйиш — молиявий ва бошқа ҳисботларда, учёт тизимидағи, ахборотлардаги кўрсаткичларда ижтимоий ҳодиса, кўрсаткичларни тўла кўрсатмаслик, дегани.

Одатдан ташқари хўжалик операцияси — маълум даражада бир марталик ёки ҳисоб-китоблардаги хўжалик операциялари ортиқча ёки жуда ошириб кўрсатилишидир. Бунда аудитор қалбакилик ва хатоларни аниқлагач, корхона раҳбари ва масъул ходимлардан уларнинг сабабларини аниқ олиши лозим. Сўнгра эса уларнинг фараз нуқтаи-назаридан ёки ҳисоб-китоб йули билан молия ҳисботларга таъсирини аниқлаши, хулоса оқибатини акс эттириши керак. Қалбакилик аниқланса, бу тўғрида аудитор корхона раҳбарига ва аудиторлик ташкилотига маълум қилиши лозим.

Қалбакиликка олиб келувчи ҳодиса ёки шарт-шартномаларни қўйидагича туркумлаш мумкин: а) бошқарув аппаратининг тўла бўлмаслиги ваколатга (касбга) эга эмаслиги (ходим етишмаслиги, назорат бўлмаслиги); б) корхона фаолияти доирасида одатдан ташқари ҳолат юз бериши (кризис, банкрот), ҳисбот тузишда бухгалтерияда тифизлик вужудга келиши; в) одатдан ташқари операциялар (одатдан ташқари шартномалар билан боғлиқ хўжалик операцияларининг ҳужжатда кўрсатилган хизмат ва ишларга мос келмаслиги); г) зарур аудиторлик исботловчи муаммоларини олиш

нуқтаи назардан (бир хил ёзувларда иш юритмаслик, одатдан ташқари регистрларда тузатишлар, ҳўжалик операцияларининг тасдиқловчи ҳужжатларнинг бўлмаслиги ва ҳоказо).

Қалбакиликни аниқлаш учун аудитор қуидаги ишларни бажариши лозим: а) қалбакилик мақсадини; б) раҳбар ва ходимларнинг маънавий жиҳатдан принципларини; в) раҳбарнинг қалбакичиликка муносабати; г) қалбакичиликнинг айрим белгиларини аниқлаш; д) танлаб ёки тўлиқ текшириш.

Хатолар ҳам туркумланади: а) ҳисоб-китобни юритищдаги тўловлар: 1) учётнинг бўлмаслиги; 2) билмасдан хатога йўл қўйиш; б) такрорланувчи хатолар: 1) бухгалтерия учётини билмасдан амалга ошириш; 2) солиқ тўловларини тушунмай тўлаш.

## **АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ЖИДДИЙЛИК ВА АУДИТДА ТАВАККАЛЧИЛИК**

**Корхонада аудит ўтказишида таҳлилий жараёнлар.**

**Аудитнинг жиддийлиги ҳақида тушувча.**

**Жиддийлик ҳақида тахминий мулоҳазани тузиш.**

**Жиддийлик ҳақида сегментлар бўйича тахминий мулоҳазанинг ўтказилиши (йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар).**

**Умуман таваккалчиллик ва аудитда қўлланиладиган таваккалчиллик.**

**Ички ҳўжалик фаолиятида аудиторлик таваккалчиллиги.**

**Назорат ва аудит давомида аниқланмаган таваккалчилликлар.**

**Сегментларга нисбатан аудиторлик таваккалчиллиги моделини қўллаш.**

**Корхонада аудит ўтказишида таҳлилий жараёнлар қуидагиларни ўз ичига олади: а) мақсадни қўйиш; б) тестни режалаштириш; в) тест ўтказиш; г) натижалар таҳдили ва хулоса чиқариш.**

**Мақсаднинг ичida бизнес-режа билан танишиш.**

**Корхонанинг яшовчанлик қобилиятига баҳо бериш, узоқ муддатли капитал билан ўз капитали нисбатининг пайдо бўлиш нормаси.**

**Молиявий ҳисоботдаги тахминан эҳтимоллик хатосини топиш; «одатдан ташқари тебраниш».**

**Аудитор тест деталлари (элементлари сонининг ка-**

майиши, счётдаги қоида вақтни танлиш; вақтни мұхим танлаш, суғурта түлови, олдинги тур).

Мақсадни аниқлаш: умумий ва аниқ режа. Тестни режалаشتыриш: 1) одатдан ташқари тебранишни аниқлаш; 2) вақтими танлаш; 3) мос келадиган аудитни танлаш. Мижоз ва тармоқ маълумотларини таққослаш.

Масалан	Мижоз		Тармоқ	
Товар айланмаси	19.X...	19.X...	19.X...	— 19.X...
Корхона ялти салмоги фоиз	3,4	3,5	3,9	3,4
	26,3	26,4	27,3	26,2

Мижоз маълумотларини жорий ва ўтган даврга таққослаш: 1) балансни таққослаш. 2) Ўтган ва жорий баланс моддаларини таққослаш. 3) Нисбий кўрсаткич ҳисобини ўрганиш.

Мижознинг молиявий натижаларини таққослаш.

### Аудитнинг умумий мақсади

Аудитнинг умумий мақсади деганда энг аввало молиявий ҳисоботнинг объективлиги, молиявий ахволнинг тўлиқ акс этиши, корхона фаолиятида баҳо, пул маблағлари ҳаракатининг принципларига амал қилиниши нуқтаи назаридан ўрганилиши тушунилади.

Аудитор ўз текширишларини қуйидагича амалга ошириши лозим, унинг босқичлари:

Молиявий ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг элементлари.

Бошқарувнинг тасдиқланган элементлари.

Аудит асосий мақсадининг элементлари.

Аудит аниқ мақсадининг элементлари.

Молиявий ҳисоботнинг аҳамияти. Аудитор унинг тўғри бўлиши учун жавобгар ҳисобланади, ҳисоботдан фойдаланувчиларни хабардор қилиши лозим. Бунда энг мұхими — маъмурият жавобгарлиги алоҳида ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда бозор иқтисодиётида ишлаётган фирманинг аудитор фирмалар билан алоқаси (1-абзаз), унинг жавобгарлиги кўрсатилади, кўрсаткичлар олинади. Амалий машғулотларда фирма маъмуритининг жавобгарлиги алоҳида кўрсатилиши лозим.

Аудиторнинг жавобгарлиги. Ҳисоботларда иккى хилдаги ноаниқлик бор: а) хато; б) меъёрдан, андозадан фарқи, молиявий ҳисобдан фарқи; активларнинг но-

тўғри сақланиши ва бошқалар (масалан, нақд пулни даромад қилмаслик).

Мулкнинг ўзлаштирилиши: қонунсиз ҳаракатлар. Қонунсиз ҳаракатга олиб келувчи маълумотларни йиғиш, сабабларини аниқлаш. Агар қонунсиз ҳаракат келиб чиқса: 1) маъмурият билан маслаҳатлашиш; 2) ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашиш; 3) қўшимча материаллар йиғиш зарур.

Аудиторлар учун икки тушунча: а) жиддийлик; б) таваккалчилик муҳим. Улар аудит ўтказиш давомида икки босқичли бўлиб, режалаштиришда катта аҳамиятга эга. Уларнинг аудит фикр-холосасини тушунтириш, бунда жумлалар андоза бўлмаган ҳолда қўйидагича ҳал этилади.

### **Тахминий режалаштириш**

Умумий маълумот йиғиш. Мижознинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳақида ахборот йиғиш. Аудитда жиддийлик, таваккалчилик, бизнес таваккалчилиги ва назорат таваккалчилигига баҳо бериш. Ички хўжалик назорат тизими билан танишиш ва назорат таваккалчилигага баҳо бериш.

Аудитнинг умумий режасини ишлаш ва аудит дастури.

Юқорида кўрсатилган молия ҳисоботларини жиддийлик нуқтаи назаридан тўғри деб кўрайлик. Аммо бу ҳисоботлардан фойдаланувчиларга кафолат бермайди, бунинг учун эса таваккалчилик зарур ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан, молиявий ҳисобот ундан фойдаланувчилар учун жиддий молиявий ахборотдир. Аммо, битта аудиторнинг бу ҳақдаги холосасини мутлоқ тўғри деб бўлмайди.

Жиддийлик малакали аудиторнинг холосасида тўлиқ акс этмаганда тахминлар туғилади. Айниқса, гап ундағи жиддий хатолар ҳақида борганда. Аудитор бу хато ва тузатишини мижозга кўрсатиши лозим. Шу сабабли аудитор жиддийлик мезонидан кенг фойдаланишни билиши лозим. Жиддийлик мезонидан фойдаланишда қўйидаги кетма-кетликка риоя қилиш лозим.

1-қадам. Жиддийлик ҳақида тахминий мулоҳаза. Тестларни режалаштриш.

2-қадам. Жиддийликнинг сегментлари ҳақида тахминий мулоҳазанинг қўлланилиши.

3-қадам. Сегментлардаги хатоларга умумий баҳо бериш.

**4-қадам. Хатоларнинг йиғма баҳоси.**

**5-қадам. Йиғинди баҳо билан жиддийликдаги тахминий баҳони таққослаш.**

Назорат ва амалиётда жиддийликни қўллаш малака жиҳатидан катта қийинчиликларга учрайди. Айниқса, ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг бу юзасидан бир қарорга келиши қийин иш ҳисобланади.

Аудит жараёнининг бошланишида аудитор ҳисоботидаги жиддийликни кўриш зарурлигини белгилаб олади. Бунда сон жиҳатидан белгилаб олиш катта аҳамиятга эга, у аудиторнинг тахминий муроҷазаси деб белгиланаиди.

**Жиддийлик ҳақидаги тахминий муроҷазани тузиш.**

Сегментга нисбатан жиддийлик тахминий муроҷазасининг муҳокамаси. Сегментдаги умумий хатоларни баҳолаш; йиғинди хатолар баҳоси.

Йиғинди баҳо билан жиддийликнинг тахминий баҳосини таққослаш; жиддийликка таъсир қилувчи омиллар: а) жиддийлик — мутлоқ эмас, балки нисбий миқдордир; бунда хатолар миқдори фирманинг йирик ёки кичиклигига қаралади; б) жиддийликни баҳолаш учун базис — режанинг зарурлиги; солиқ олгунча соф фойда ечими учун зарур воситадир. Айланма маблағлар, мулкка нисбатан қисқа мурдатли тўлов мажбуриятлари; мулк эгаларининг ҳиссаси.

Жиддийликка таъсир қилувчи сифат омиллари: а) маъмурият ва бошқа ходимларнинг ишончли ва тартибли бўлиши; б) бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши; в) хатонинг фойда ўсиши ёки пасайиши тенденцияси кундалик кўрсаткичи 3 фоиз, 1 фоиз бўлса, жиддий ҳисобланади.

**Жиддийлик мезонларига мисоллар:**

1) молиявий ҳисоботдаги камчиликлар — 5—10 фоиз;

2) аниқланган базага нисбатан — 5—10 фоиз; бунда: а) фойда ҳисоботида — 5—10 фоиз (солиқ олингунча); б) баланс айланма маблағ, қисқа мурдатли мажбуриятлар ва умумий мулк қиймати — 3—6 фоиз.

**Меъёр мезонлари:**

Кўрсаткичлар	Жиддийлик ҳақида тахминий мулоҳаза			
	минимум		максимум	
	фоиз	сўмларда	фоиз	сўмларда
1	2	3	4	5
Солиқ олгунча бўлган фойда	5	19000	10	37000
Айланма маблағлар	5	128000	10	255000
Барча активлар	3	92000	6	184000
Жорий мажбуриятлар	5	44000	10	88000

Аудитнинг сегментланиши (бўғинлари).

Аудитор балансининг ҳар бир бўлим ва моддалари алоҳида режалаштириб ўрганилади. Сегмент ўрнига цикли ёндашиш мухим ҳисобланади. Дебитор қарзлар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Молия журналига молиявий ҳисботлар ахборотининг кўчирилиши

Хўжалик операцияси	Журналлар	Бухгалтерия регистрлари аниқлаш баланси ва молиявий ҳисбот
Сотиш Пул олиш ҳужжатлари Товар ва хизматларни олиш Пул тўловлари бўйича мажбуриятлар Иш ҳақи бериш ҳужжати Контиrovка ва бух. проводкаси	Сотиш журнали Пул тушиш журнали Даромад журнали со-тиб олиш Пул тўлаш журнали Иш ҳақи тўлаш Айланма ведомости	Бош дафтар ва ёр-дамчи китоблар Бош дафтардаги си-нов баланси  Молиявий ҳисбот

Давр (цикл). Бош дафтар ва журналлар (алоҳида олинган). Масалан:

1) Нақд пул кирими.

2) Даромад ва молиявий инвестиция даврий товар ва хизматлар тушуми.

3) Товар-моддий бойликлар операцияларидан тушумлар.

Бу даврларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси операцияларнинг боғлиқлигини таҳлил қилишни тақозо қиласди.

Аудиторлар сегментлар бўйича ҳам жиддийликни тахминий мулоҳаза қиласди. Бунда фойдага нисбатан ва зарурый айланма маблағларга нисбатан олиниши мумкин; баланс моддаларини текшириш осонлашади.

Танловни тузища таваккалчилик. Таваккалчилик. Молиявий ҳисоботларни аудит қилиш билан икки нарса (икки таваккалчилик): а) аудитор таваккалчилиги; б) бизнес учун таваккалчилик мавжуддир.

Аудитор таваккалчилигига молиявий ҳисбот тўгри деб қабул қилинади; бизнес таваккалчилигига — хўжалик самарадорлиги кўрсаткичларини англаш лозим бўлади.

Аудитор таваккалчилигининг (моделлари) шакллари.

Услублардан қуйидаги халқаро аудит учун танлов билан боғлиқдир. Унинг формуласи:

$$DdR=iRxCRxDR,$$

бунда: DdR — ишлатиладиган аудитор таваккалчилиги;

IR — ички хўжалик аудит таваккалчилиги;

CR — назорат таваккалчилиги;

DR — аниқланмаган таваккалчилик.

Тушунчаларнинг аниқланиши. Қўлланиладиган аудитор таваккалчилигига аудитор томонидан молиявий ҳисбот маълум хатоларга эга бўлган тақдирда аудиторлик хulosаси (тушунтиришсиз) берилади. Ички хўжалик аудитор таваккалчилигига аудитор томонидан кутилган хатолар сегментларда, хатолар мумкин бўлган меъёрдан катта бўлган тақдирда назорат таваккалчилиги — ички хўжалик аудитида аниқланмаган сегментлардаги хатоларни топишга қаратилади. Аниқланмаган таваккалчилик — сегментлар аудиторлик маълумотлари ортиқ бўлиши кутилган ҳолдаги тадбирдир.

Услубни қўллаш ва намойиш қилиш.

Мисол: ички хўжалик аудит таваккал 80 фоиз, на-

зорат таваккал 50 фоиз, аниқланмаган таваккал 10 фоиз. Мазкур рақамлар асосида натижалар аниқланади: 4 фоиз ( $0,8 \times 0,5 \times 0,1$ )

DdR

$$DR = iRxCR - 5 - 10 \text{ фоиз} \times 0,05 \times 0,8 \times 0,5 = 0,125$$

Кўлланиладиган таваккалчилликнинг даражаси субъектив ҳисобланади:

$$DdR = 0,05 \quad 0 > 100 \text{ фоиз}$$

$$IR = 0,75$$

$$CR = 0,30$$

$$DR = 0,22 \quad (0,05 : 0,75 \times 0,30)$$

Кўлланиладиган аудитор таваккалчилиги даражаси. Ҳисобот даврида ташқи фойда.

Мижоз; бизнес майдони (кентглиги); мулк тақсимоти; мажбурият суммаси; ҳаракатни тугатишнинг аҳволи; фойда; молиялаштириш; хўжалик операцияси кабилар.

### **Аудитнинг мақсадини белгилаб олиш**

Сегментлаш ва циклар бўйича таҳлиллар аудитнинг мақсадини аниқлаб олиш имкониятини беради. Маъмурият бухгалтерия ёзувлари ва молиявий ҳисоботи 5 туркумни ўз ичига олади: 1) мавжудлик ва пайдо қилиш; 2) тамомланиши; 3) ҳуқуқ ва вазифалари; 4) жойланиши ва унинг баҳоланиши; 5) кўрсатиш ва очиб ташлаш.

Баланс даврда активларнинг мавжудлиги, даромад, харажат, фойда. Тамомланишнинг тасдиқланиши ва тўлиқдигининг тасдиқланиши.

Баланс пассивнинг активни тўлиқ характерлаши. Баҳолаш ва тақсимот актив, пассив, корхона капитали даромади, харажатлари ва бошқалар.

Маълумотларни акс эттиришни тасдиқлаши: балансда фойда тақсимоти ва молиявий ҳисобот олиб борилиши узоқ муддатли кредитлар, қисқа муддатли кредитлар, уларнинг қайтарилиши.

Фойда, унинг тақсимланиши.

Аудитнинг умумий ва конкрет мақсади.

Мижоз буюртмаларига қараб, аудитор молиявий ҳисоботни маъмурият тўғри тасдиқлаганини белгилайди. Аудиторнинг мақсади юқоридагиларни чукур ўрга-

ниш учун қандай материалларни олиш зарурлигини ҳал этиши лозим. Асосий мақсад баланс моддаларининг таҳлили асосида хулоса ёзиш бўлса, ҳар бир баланс счётларига баҳо бериш лозим.

Умумлаштириш даражасига катта эътибор бериш зарур. Балансдаги суммаларнинг киритилиши. Ишлаб чиқариш тугалланган хўжалик операцияларининг суммалари киритилишини кўзда тутади. Киритилган суммаларнинг ҳақли киритилиши.

Баҳолаш суммаларини киритишнинг тўғрилиги. Корреспонденция ва суммаларнинг тўғри тузилиши. Хўжалик операцияларининг чегараланиши, балансга мослашиш. Арифметик жиҳатдан тўғри тузилиши. Тўлиқ счёт маълумотларининг киритилиши ва балансда кўрсатилиши.

Қисқача: маъмурият тасдиги мақсадда кўзда тутилганидан кўп.

Аудиторнинг мақсадга эришиши.

Бу борада аудитор фаолияти 4 фазани ўз ичига олади. Жумладан:

1-фаза. Аудиторнинг ёндашув йўналишлари.

2-фаза. Хўжалик операцияларининг назорат, тест қилинишини текшириши.

3-фаза. Баланс моддаларининг текширилиши.

4-фаза. Аудитнинг тугалланиши ва хулоса ёзиш.

1-фазада зарур бўлган маълумотларни йиғиш; мижознинг бизнес ахбороти. Ички хўжалик назорати, уни баҳолаш, таваккалчилик; 2-фазада хўжалик операцияларини текширишда тестдан фойдаланиш, асосан, хўжлик операцияларини текшириш; 3-фаза тажрибали бухгалтерлар учун тушунарли; 4-фазада аудитнинг умумий хулосага келиши, энг муҳими, молия ҳисоботининг объективлиги, малакали хулосага келиши мумкинлиги ёритилади.

## АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Аудитор хуносаси ҳақида умумий тушунча.

Аудитор хуносасининг мезонлари (стандартлари).

Аудитор хуносасининг абзац тушунчалари ёки ўзгартирилган жумлаларнинг тузилиши.

Аудитор хуносасидаги айрим четланишлар.

Аудитор хуносасидаги айрим фарқлар (тушунтириш ва умумий хуносалар).

Аудиторлик текширувининг якунлари, маълумки,

аудитор текшириш якуни бўйича тузилган хulosалар билан тамомланади. Аудитор хulosаси аудит текшируви ўтказилаётган корхона молия ҳисоботининг объективлиги ва ишончлилигидан гувоҳлик берувчи ҳужжатдир.

Аудиторлик текшируви ўтказилгач, аудитор қуйидагича хulosаларни ёзиши мумкин: 1. Қониқарли хulosса. 2. Шартли қониқарли хulosса. 3. Қониқарсиз хulosса. 4. Аудитор хulosса беришдан бош тортиши мумкин.

Қониқарли аудитор хulosаси қуйидаги муаммоларни ўз ичига олиши мумкин. Аудитор бундай хulosасида молия ҳисоботларида ахборотлар талабга жавоб бериши, унда кўрсатилган фойда ва зарарлар, пул маблағларининг ҳаракати амалдаги бухгалтерия учёти бўйича қонун ва норматив ҳужжатлардаги талабларга жавоб бериши кўрсатилиди: 1) молиявий ҳисобот ҳалол, поқиза ва бухгалтерия ҳисобининг ишончли объектив маълумотларига асосланади; 2) корхонадаги ҳисоб сиёсати тўғри танланган, бухгалтерия ҳисоби унга қўйилган талабларга мосдир; 3) солиқ бўйича мажбуриятлар ўз вақтида, тўлиқ ҳисобланган; 4) молиявий ҳисоботга ёзилган тушунтиришлар тўғри; 5) ички назорат хўжаллик операциялари ва улар самарадорлигининг ишончлилиги тасдиқланган; 6) молиявий ҳисоботдаги маълумотлар корхона ҳақидаги аудиторнинг маълумотларига зид эмас, деб кўрсатилиши лозим.

Маълумки, аудиторлик андозаси ва аудит хulosса андозалари мавжуд. Албатта, хulosса андозаларини яна бир бор такрорлаш мақсадга мувофиқдир:

а) хulosса корхонада тугалланган молия ҳисоботлари хulosасида бухгалтерия принципларига риоя қилинган ҳолда ёритилганми?

б) ҳисобот даврида олдинги ҳисоботда кўрилгандағи кетма-кетликка риоя қилинганми?

в) хulosада молия ҳисоботида талаб қилинмайдиган фикр ва мулоҳазалар мавжудми?

г) Умуман, ҳисобот тўғрисида фикр баён қилинади. Шундай қилиб, аудиторнинг хulosаси тушунтиришсиз хulosса ёки тушунтириш хати бўлган хulosаларга бўлиниади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хulosаларнинг 90 фоизи тушунтириш ёзилмаган аудитор хulosаларига тўғри келади. Албатта, бундай хulosаларда қуйидаги беш принципга амал қилиш лозим: а) барча зарур ҳисобот формалар баланс, фой-

да ва заарлар ҳисоботини ичига олиши лозим. Жамғаришга қўйилган фойда ва, ниҳоят, пул маблағларининг ҳаракат ҳисоботлари молиявий ҳисоботга киритилган бўлиши шарт: б) аудитор ўз хulosасини ёзишда уч умумий принцип: мутахассислик, мустақиллик, касб текширувига риоя қилиши зарур; в) аудитор хulosасида объект ҳақида уч андоза (режали бўлиши, ички ҳўжалик аудити, етарли ахборотга эгалик) бўлиши керак; г) молиявий ҳисобот умуман молиявий ҳисобот принципларига мос келиши лозим; д) барча шартномалар тижорат сирини очиб ташламаслиги лозим (тушунтириш хатлари талаб қиласидаган фикрлар кўзда тутилади).

Аудитор хulosасининг матнида қўйидагилар бўлиши лозим:

- а) ҳисоботнинг номи;
- б) адреси—манзилгоҳи;
- в) кириш абзаци;
- г) соҳа абзаци (сарфи, жумласи);
- д) фикр абзаци;
- е) бухгалтерия формаси;
- ж) хulosса санаси.

Аудитор хulosаси қўйидагиларни ичига олади:

а) «Мустақил аудиторнинг хulosаси» деб ёзилиши лозим;

- б) кимга берилади;

в) кириш қисмида: 1) бухгалтерия формаси аудит ўтказгани; 2) аудит қамраб олган ҳисоботлар; 3) аудиторнинг фикри берилади;

г) аудитор топшириш жараёнида қилинган ишларнинг ишончлилик даражаси кўрсатилади, катта камчиликлар йўқотилади;

д) аудиторнинг хulosалари ёзилади. Ишончли кафолат;

- е) фирманинг стандарт (мезон)га мос келиши;

- ж) муддати кўрсатилиши шарт.

Баъзи ҳолларда молиявий ҳисоботларда айрим камчиликлар мавжуд бўлса, ўзгартирилган қўшимча фикрлар билан ҳам хulosса қилиниши мумкин. Улар қўйидагилардир:

- а) унчалик катта бўлмаган ноаниқлар мавжудлиги;

в) кириш қисмида: 1) бухгалтерия формаси аудит ўтказгани; 2) аудит қамраб олган ҳисоботлар; 3) аудиторнинг фикри берилади;

- г) аудитор топшириш жараёнида қилинган иш-

ларнинг ишончлилик даражаси кўрсатилади, катта камчиликлар йўқотилади;

д) аудиторнинг хulosалари ёзилади. Ишончли кафолат;

е) фирманинг стандарт (мезон)га мос келиши;

ж) муддати кўрсатилиши шарт.

Баъзи ҳолларда молиявий ҳисоботларда айrim камчиликлар мавжуд бўлса, ўзгартирилган қўшимча фикрлар билан ҳам хулоса қилиниши мумкин. Улар қўйидагилардир:

- а) унчалик катта бўлмаган ноаниқлар мавжудлиги;
- б) учётдаги кетма-кетлик ва мантиқ бузилганлиги;
- в) умумий бухгалтерия принципларидан узоқлашиш;
- г) алоҳида вазиятлар;
- д) аудитор хуносасининг бошқа аудитор хуносасига тегишили бўлиши кабилар.

Аудитор қўйидаги уч ҳолатда ўз хуносасини кўрсатиб ўтиш лозим:

а) аудиторнинг текшириш объектларини қамраб олиш соҳасининг чекланганлиги;

б) молиявий ҳисобот умумий қабул қилинган бухгалтерия принципларига мос келмаган ҳолда тузилган бўлиши мумкин;

в) аудитор мустақил бўлмаган бўлса.

Юқоридаги уч шартнинг бўлиши аудитор учун тушунириш талаб қилмайдиган хуносадан тушунириш талаб қиладиган хуносага келишини тақозо қиласи:

- а) салбий хуноса чиқариш;
- б) ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қиломаслик;
- в) хуноса тушуниришлари билан бўлиши мумкин;
- г) аудит — текшириш ўtkазилмаган аудит ва, ниҳоят, тушунириш мулоҳазаларисиз хуносага бўлиши мумкин.

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБОТЛАРИНИ АУДИТ ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШДАГИ УСЛУБЛАР

**Бухгалтерия ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказиш босқичлари.**

**Бухгалтерия ҳисоботларига умумий шарҳи.**


Бухгалтерия ҳисоботларини аудит текширувидан ўтказишида маълум тартиб-қоидаларга риоя қилинади. Одатда бундай ҳолатларда умумийликдан хусусийликка қараб текширишни кўллаш мақсадга мувофиқдир. Биз буни қўйидаги чизмада баён қиласи:



Бундай текширувнинг кетма-кетлиги, жараёни чизма шаклида ҳам берилиши мумкин, у қўйидагича бўлади:

### Ишбилармонлик фаолиятининг стратегияси

#### Ишбилармонлик фаолиятдаги ташқи шарт-шароитлар



Бунда аудиторлар ушбу чизмаларни ўз билим ва мажбуриятларига кўра танлаб, таваккал қиласди.

Аудиторлик текшируви кўрсатилган соҳа ўз босқичларига эгадир:

а) аудиторнинг корхона билан танишув босқичи, бунда корхонанинг иқтисодчи ходимлари, ҳисботлар,

таъсис ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисобининг аҳволи ва корхона фаолиятининг йўналишлари ўрганилади;

б) аудиторлик текширувани ўтказиш учун шартнома тузиш (мажбурият-розилик хати ҳам киради);

в) аудиторлик текшируви режаси ва дастурни тузиш;

г) таъсис ҳужжатларини ўрганиш, яъни қайд қилинган баҳо, мулк формаси, таъсисчилар, устав капитали, бошқарув аппарати ва фаолиятининг тутатилиши;

д) бошқа ҳужжатларни ўрганиш, баённома, ички тартиб ва иш юритиш кабилар;

е) корхонада ҳисоботларнинг аҳволини ўрганиш;

ж) ҳисоботлар кўрсаткичларининг аудит текшируви, режа ва дастурларга ўзгартиришлар киритиш.

Бухгалтерия ҳисобини аудит текширувидан ўтказиш, яъни: харажатларни тўғри обьектларга олиб бориш, даромадларни келиш соҳалари бўйича кўрсатиш, иш ҳақи, нафақаларни тўғри ҳисоблаш, фойда ва заараларни кўрсатиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш ва бошқалар. Айниқса, бюджет органлари, бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг аҳволини ўрганиш кабилар. Аудитор ўз хуносасида бухгалтерия ҳисобининг барча соҳаларига эътиборни кучайтириш лозим, айниқса, уларни молия ҳисобот кўрсаткичларга боғлиқлигига эътибор беради.

Аудиторлик тешишуви, умуман олганда, барча ҳисобот формалари ўрганишдан бошланади. Бунда, аввало, манзилгоҳ номи ёзилишига қараш зарур, сўнgra корхона фаолиятининг низомда кўрсатилган фаолиятга мослигига алоҳида эътибор берилади.

Шундан сўнг, ҳисоботларнинг тўғри тўлдирилишига дикқат қилинади. Аудитор счётларда кўрсатилган иқтисодий, ҳисоб кўрсаткичларининг бухгалтерия ҳисобида аниқ акс этиши ва ҳисоботдаги форма кўрсаткичларига мос келиши ўрганилади.

## ОПЕРАЦИЯВИЙ АУДИТ

Операциявий аудит ҳақида тушунча ва хўжалик фаолиятида операциявий аудитнинг аҳамияти.

Операциявий аудитнинг молиявий ҳисоботлар аудитдан фарқи.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона унумдорлиги ва иқтисодий самараадорлиги — операциявий аудитнинг мақсади эканлиги.

**Операциявий аудит билан ички хўжалик аудитининг уйгунашуви ва боғлиқлиги.**

**Операциявий аудиторларнинг малакаси ва мустақиллиги.**

**Операциявий аудитнинг босқичлари.**

**Операциявий аудитда корхона фаолиятини баҳолаш мезонлари.**

Сизларга маълумки, аудитнинг қўйидаги учта тури: операциявий аудит, талабга мос аудит ва молиявий ҳисоботлар аудити мавжуд.

Операциявий аудит корхонадаги мавжуд ҳар бир маблағлар ҳаракати ва функционал хўжалик тизими нинг самарадорлиги ҳамда фаолиятини текширади, баҳолайди. Мазкур аудитнинг тугалланишида менежерлар ва операциявий аудит тўғрисида тавсиянома ёзилади. Сизларга маълумки, операциявий самарадорлик хўжалик юритишнинг кўпчилик соҳаларини характерлаб беради. Шу сабабли бир хил турдаги операциявий аудитни ўтказиш ҳам ва тавсиянома ёзиш ҳам мумкин эмас. Операциявий аудитни ташкил қилинганда аудитор корхона раҳбари томонидан хўжалик масалалари бўйича чиқарган қарорлари, янги сотиб олинган корхона мулки, хужжатлар айланмаси ҳамда иқтисодий ахборотларнинг самарадорлигини баҳолаши лозим. Энг муҳими, аудитор операциявий аудитда фақатгина бухгалтерия хужжат ва регистрлари билангина чекланиб қолмайди. Бундай шароитда аудиторлар корхонанинг ташкилий таркиби, хўжалик операцияларини ҳисобга олишда, таҳлил қилинганда персонал компьютерлардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш услублари, маркетинг ишларини малакали ўрганиш лозим.

Операциявий аудит якунлари ҳақида аудиторнинг хulosасини ёзиш ва фойдаланувчиларга етказиш бошқа турдаги аудит ҳақида хulosаларга нисбатан кескин фарқланади. Корхоналарда юз берадиган хўжалик операцияларининг самарадорлигини аниқлаш кўп меҳнат, вақт талаб қылгани ҳолда, уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаш ҳам бироз мураккаб ҳисобланади, кўп ҳолларда умумий тартибда қабул қилинган бухгалтерия ва аудит хulosаларини ёзиш тамойилларига мос келмайди. Масалан, республикамизда галла мустақиллиги учун кураш кетаётган бир пайтда технологик жараёнга риоя қилиш ёки пахтани қайта ишлаётган пахта заводларига технологик жараёнларни мисол

қилиб келтириш мумкин. Операциявий аудитни ҳар бир корхонада индивидуал тартибда олиб бориши ҳенди натижа бериши аниқланган. Операциявий аудит күпроқ аудиторликнинг маслаҳат бериш фаолиятига ўхшаб кетади. Бозор муносабатлари шароитида операциявий аудитнинг аҳамияти янада юқори талаб даражасига кўтарилиши зарур. Шундай қилиб, операциявий аудит корхона умумий унумдорлик, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликнинг таҳлили ҳамда баҳолаш хусусияти билан белгиланади.

Операциявий аудит тушунчаси тўғрисида кўпгина аудиторлар турли таъсир қўйувчи омиллар ҳақида баҳслар олиб бормоқдалар, жумладан, хўжалик фаолиятини илмий асосда таҳлил қилиш асосида уни «бошқарув аудити», «хўжалик фаолияти аудити» кабиларга тенглаштирадилар.

Фикримизча, операциявий аудит кенг маънога эга бўлиб, унинг вазифаси хўжалик тизимининг ички хўжалик аудитини ўз ичига олган ҳолда унумдорлик ва иқтисодий самарадорликни текшириш, аниқланган ҳамда фойдаланилмаётган резервлар ҳақида тавсиялар беришдан иборатdir. Шунинг учун ҳам корхона ичидаги аудит операциявий аудитнинг бир элементи ҳисобланади. Бунда корхонадаги аудитнинг мақсади, унинг юқори унумдорлик ва иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлашга асосий эътибор берилиши лозим.

Албатта, иқтисодий самарадорлик билан умумий самарадорлик тўғрисидаги фикрлар ҳам операциявий аудит эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Айниқса, ходимлар малакаси даражасининг корхонада тайёрланётган маҳсулот сифатига таъсири масаласи муҳимдир. Демак, операциявий аудитнинг аҳамияти ҳақида гап юритар эканмиз, бозор муносабатлари шароитида, образли қилиб айтганда, уни «корхонанинг касалига» ташхис қўйиш ва уни даволашнинг йўлини кўрсатиши мумкин. Бозор иқтисодиётининг обьектив иқтисодий қонунларининг талабига мувофиқ, рақобатбардош корхона бўлиш учун ундан аҳамиятлироқ нарса йўқ.

Операциявий аудитнинг молиявий аудитдан фарқларини ҳенди билиш лозим. Бугунги кунгача аудитлар тўғрисида фикрларга кўра, молиявий ҳисоботнинг аудити билан операциявий аудит ўртасида қуйидаги учта фарқ борлиги белгиланган:

а) аудитнинг тайинланиши, молиявий аудитда бухгалтерия ҳисоби хўжалик операцияларини тўлиқ акс

эттирилишини текширса, операциявий аудит хўжалик операцияларининг унумдорлиги ва самарадорлик муммаларига қаратилган. Молиявий аудит ўтган даврга нисбатан бўлса, операциявий аудит амалга оширилаётганда истиқболга ҳам тавсиялар беради;

б) хulosалар тақдим қилиш борасидаги фарқ шундан иборатки, молиявий ҳисоботлар кўпроқ ҳисоботдан фойдаланувчиларга, банк, акционерларга мўлжалланган бўлса, операциявий аудитдаги хulosалар аввало корхона маъмуряти учун зарур ҳисобланади. Мазкур аудит жараёнидаги унумдорлик ва самарадорлик бўйича таҳлил олдинги хulosаларни, анчагина фикрларни ўзгартириб юборади;

в) операциявий аудит номолиявий соҳалардан кенг фойдаланилиши билан ҳам фарқланади. Бу аудит шакли хўжалик соҳасининг жуда кўп қирраларини қамраб олади. Масалан, реклама, ходимлар малакасини ошириш ва бошқалар; қишлоқ хўжалигида эса агротехник, зооветеринария тадбирларини мисол қилиб олиш мумкин. Молиявий аудит кўп соҳаларда чекланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида унумдорлик ва самарадорлик.

Унумдорлик тушунчаси асосан корхонанинг ўз олдига кўйган мақсадига эришишни кўзда тутади. Самарадорлик эса юқоридаги қўйилган мақсадга эришишда фойдаланиладиган ресурслардан унумли фойдаланишни кўзда тутади.

Бундан ташқари, унумдорликка ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нуқсонли бўлишига йўл қўймасликка, самарадорликда эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кетадиган моддий ресурслар (куватларнинг) сарфланиш даражасининг минимал бўлишини таъминлашга эътибор қаратилади.

Операциявий аудитда унумдорлик мезонларини аниқлаб олиш лозим. Бунда операциявий унумдорлик тушунчасини билиб олиш муҳимдир.

Операциявий аудитда унумдорлик тушунчаси корхона эришган унумдорликдан ташқари, мамлакат миқёсида унумдорликни истеъмол этиш нуқтаи-назаридан эҳтиёжларнинг қондирилишини қамраб олади. Масалан, вилоят бўйича қайта ишлаш корхоналари асбобускуналаридан узлуксиз оқилона фойдаланиш, баҳтсиз ҳодисаларнинг рўй бермаганлиги, эҳтиёт қисм ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг аҳволи ўрганилади. Қишлоқ хўжалик соҳасида эса трактор ва машиналар, транс-

порт воситаларидан фойдаланиш аҳволининг даражасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Операциявий аудит жараёнида унумдорликнинг пасайишига йўл қўйилмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришиш лозим бўлади. Аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда ресурслардан фойдаланиш аҳволи ўрганилади, уларга вариянтили материал сарфи ҳисоблаб чиқилиб, тавсия қилинади. Масалан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари «Надежда» беда уруфини синовдан ўтказди, бир гектар ердан 15—20 центнергача беда уруги олинди. Айни пайтда «Амир Темур» номли арпадан 110 центнер, «Истиқол» номли буғдойдан эса 80—90 центнер ҳосилдорликка эришилди. Умуман олганда, операциявий аудитда унумдорлик мезонларини белгилаб олиш жуда мураккаб жараёндир.

Операциявий аудит ва ички хўжалик аудитининг уйғунлашуви ва боғлиқлиги.

Операциявий аудит ҳақидаги масалани олдинги маъруза мавзуларida кўриб чиқсан эдик. Шу боис бу ҳақда тўхтамаймиз.

Ички хўжалик аудитнинг мақсади ҳам унумдорлик ва самарадорлик бўлганлиги сизларга маълум. Мазкур аудит қўйидаги 5 та муаммони ўз ичига олади:

- а) корхона раҳбар ва мутахассисларини ишончли ахборот, маълумотлар билан таъминлаш;
- б) корхонадаги активлар (яъни маблағлар)нинг тўла сақланиши ва ҳужжатлаштирилиши;
- в) корхона хўжалик фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш;
- г) корхонада учёт принципларининг тўла сақланишини таъминлаш;
- д) чет эл коррупциясига қарши норматив ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган масалалар операциявий аудитнинг элементи ҳисобланади, чунки ички хўжалик аудитининг мақсади унумдорлик ва самарадорликдир. (Яхшироқ тушунарли бўлиши учун ташқи ва ички аудит ҳақида гап юритиши лозим).

Операциявий аудитнинг молиявий ҳисобот ва ички хўжалик аудитларидан қўйидаги икки фарқи борлиги маълум: а) ички хўжалик назоратининг тестлаштирилиши ва уни баҳолаш; б) аудитнинг ҳажми жиҳатидан катта бўлиши нуқтаи-назаридан мисол келтириш мумкин.

Маълумки, аудитор фирмалар молиявий ҳисоботларни аудит қилишда ҳамда ҳулосаларни ёзишда операциявий аудит ҳақида кўп ҳолларда оғзаки тавсиялар айтилади. Бу эса унда шу хусусда маълум масъулият-сизликни билдиради. Айниқса, бизнес-режанинг бажарилишини аудитор текширишини мисол келтирса бўлади. Бунда мижозларнинг операциявий аудитда методик кўргазмалар билан тъминланишини мисол келтириш мумкин.

Операциявий аудитни бажаришда сифати жиҳатидан мустақиллик ва компетентлилигини кўрсатиб ўтиш лозим. (Бу масала аудитнинг моҳияти мавзусида ёритилган). Аудиторнинг барча мустақил ҳукуқларини кафолатлаш лозим, чунки бундай шароитда объектив тавсиялар бериш мумкин. Шундай қилиб, ички хўжалик аудиторлари ва ҳукумат аудиторлари мустақиллиги тъминланиши зарур. Бунда ички аудит ҳақида низомга мувофиқ қўйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим: а) ички хўжалик аудитор ўзининг аудиторлик фаолиятини бажаришда мустақиллик зарур; б) ички хўжалик аудитини ташкил қилиш мақоми бўйича самарадорликни аниқлаш ва тавсия бериши лозим; в) ички хўжалик аудитида уларнинг ўзи ўтказган аудит натижасига ишониш лозимлиги бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади.

Операциявий аудитининг маҳсус мезонини танлаш қийин масаладир. Айниқса, корхона унумдорлиги ва самарадорлиги мезонини.

Мазкур танлашни амалга ошириш корхонанинг бир фаолиятини аудит натижасидаги тавсиялар бўйича юқори унумдорлиги ва самарадорлигини юзага келтириш омили ҳисобланади. Масалан, қайта ишлаш корхоналаридаги асбоб-ускуналар сердаромад қишлоқ хўжалик корхоналарида экин майдонидан ҳар бир гектар ҳисобига кўпроқ фойда олинади. Бунда муҳандис ва мутахассислар билан мазкур тадбирларнинг синчилкаб ўрганилиши, эксперт текшируви кабилар лозим бўлади.

Мезонни аниқлашда мезонлар манбай асосий омили ҳисобланади, яъни қайси манбалар ҳисобига ютуққа эришилиши. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: Аудитни амалга ошириш жараёнида корхонада мужассамланган характеристика. Текширилладиган даврдаги «яҳшилик» ёки «ёмонлик» олдинги, таққосланиши лозим бўлган кўрсаткичларга асосланади. Таққословчи унумдорликнинг ҳар бир хўжалик операциясида кўри-

ниши; Мұхандис ва мутахассислар стандартларига мос келиши. Мұҳокама қилиниши ва келишилиши.

Мазкур аудитни ўтказишининг бошқа барча аудит текширишларни ўтказиш каби З босқичи мавжуддир:

а) операциявий аудитнинг режалаштирилиши.

Мазкур аудит текширишни ўтказишида у күп қирралы бўлиши билан молия аудитидан кескин фарқланади. Бунга тармоқларнинг ихтисосланишини мисол келтириш мумкин. Сўнгра, тузилган шартномага мувофиқ аудит текширишини ўтказадиган ходимларни белгилаш мұхим ҳисобланади.

Шунингдек, операциявий аудитда барча бошқа аудит текширишларга нисбатан кўпроқ вақт сарфланади;

б) маълумотларни йигиши ва баҳолаш.

Бунда бошқа аудит текширишларидағи сингари гувоҳномалар етти турини санаб ўтиш ўринлидир:

1) ҳақиқий назорат (сизга маълумки, материал, активлар ўрганилади);

2) тасдиқлаш; бу масала ҳақида ёзма жавоб олиш;

3) ҳужжатлаштириш; бунда ахборотнинг реаллиги ҳақида мижозни ишонтира билиш, ички ва ташки ҳужжатлаштиришни ҳам эътиборга олиш (шартномалар, уларнинг турлари);

4) кузатиш, корхона ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятини кузатиш;

5) мижозни сўраш, аудитор берган саволларга ёзма ёки оғзаки жавоб бериш;

6) арифметик аниқлик; танланган аудит текшириш жараёнида арифметик аниқлик зарур;

7) аналитик тадбирлар; масалан: соф даромад, ялпи даромад ва уларнинг нисбий кўрсаткичлари.

в) операциявий аудиторнинг хулосаси ва унинг реализация қилиниши.

Молиявий ҳисбот аудитнинг хулосасини ёзиш ва реализация қилиш бўйича икки асосий фарқ мавжуд.

— операциявий аудитда хулоса фақат корхона маъмуриятига юборилади, нусхаси аудит текшириш гуруҳида қолади;

— операциявий аудит кўп қиррали бўлиб, хулоса ёзишда аудит текшириш ўтказилган соҳалар аниқлаган омиллар ва тавсиялар кенг ёритилади.

## АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИННИНГ ТАМОМЛАНИШИ

**Корхонанинг аниқ бўлмаган ҳолатларига шарҳ.**

## **Натижаларни баҳолаш.**

### **Баланс тузилган кундан кейинги жараёнларга шарҳ.**

Аудит текшируви даврида текширилаётган корхонанинг келажакдаги қуввати, ўтган давр фаолиятларидан келиб чиқсан тўлов мажбуриятлари, кредиторлик тўловларини билиб олиши лозим. Бу соҳада юристлар ҳам баҳо бериши зарур.

Аудиторлик текшируви жараёнида қуйидаги ноаниқликлар бўйича баҳсли масалалар юз бериши мумкин: а) тугалланмаган суд жараёнидаги хўжалик маблағлари бўйича; б) солиқ органлари билан солиқ тўлови бўйича; в) маҳсулотларнинг сифати кафолати бўйича; г) фойдаланилмаган аккредитив суммалар бўйича; д) муддати тўлмаган векселлар ҳисоби бўйича; е) учинчи томон билан кафолатланган тўлов мажбуриятлари бўйича.

Бу масалаларни тест саволларига киритиш учун қуйидаги тадбирларни аудиторлар амалга оширишлари лозим:

а) корхона раҳбаридан сўров олиш, нима сабабдан улар ҳисботларга киритилмаганлиги, уларнинг очилиши;

б) солиқ органларининг ҳисботлар шарҳи, бунда солиқ тўловчининг тўловга эътирозининг вужудга келиши;

в) юристлар хизматига ҳақ тўлаш;

г) бошқа ишчи ҳужжатлар шарҳи, тўлов қувватлари ва учинчи юридик шахслар томонидан тасдиқланиши;

д) аккредитивлар, балансда фойдаланилганлар тўғрисида ахборот олиш.

Аудиторлик текшируви натижаларини баҳолаш масаласи ҳам мураккаб ҳисобланади. Бунда аудитор бажариладиган ишлар дастурларига жавоб бериши, аниқланган хато ва камчиликлар дастур доирасида бўлиши лозим.

Бу босқичда аудитор томонидан (корхона раҳбари номидан қўйилган саволларга жавоб) хатонинг тайёрланиши ҳам зарур. Бундай хато мижоз томонидан тасдиқланиши лозим.

Аниқланган камчилик ва хатолар қиймат билан баҳоланиши лозим. Шундан сўнг ҳисботларда умумий хатоларни белгилаб олиш керак. Аудит текширувининг охирида аудиторлик ишчи ҳужжатларни кўриб чиқиш лозим, қилинган ишларни аудиторлик андозаларига мос келишини ҳам билиб олиш керак.

Шундан сўнг, аудит текшируvida барча ҳисоботларни текшириб, қўйидагиларни бажариш лозим:

1. Аудиторнинг билими бўйича молиявий ҳисоботлар, молиявий аҳвол, молиявий натижалар бир-бири билан ўйғуллашишини кўриб чиқади.

2. Молиявий ҳисоботдаги ахборотларнинг тўғрилиги ва туркумланишини алоҳида ўрганади.

3. Тузилган молиявий ҳисоботлар амалдаги норматив актларнинг талабларига жавоб беришни кўриб чиқади.

4. Аудитор бошқа аудиторларнинг молиявий ҳисоботга ёки бошқа масалаларга мослаб ёзган аудиторлик хуросаларидан хуроса чиқара оладими ёки йўқми текшириб кўради.

Маълумки, аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонада тузилган балансдаги асосий кўрсаткичларнинг, жумладан дебиторлик, кредиторлик қарзлар, асосий воситалар, товар-моддий бойликларнинг ўзгаришини, динамикасини ўрганиш керак. Шу маънода аудитор текшируви жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) баланс тузилишида учёт регистрларининг маълумотлари текширилади, уларнинг бир-бирига мос келиши чукур ўрганилади; 2) текшириш даврида аниқланган далилларни корхона раҳбари билан муҳокама қилиш; 3) корхона раҳбари ва бош бухгалтеридан баланс тузилгандан сўнг тушунтириш хати олиш.

Аудитор томонидан текширилган баланс ва ҳисоботлар шу кунгача корхонанинг барча фаолият натижаларини тўлиқ, акс эттирган бўлиши шарт.

Бу ҳақда аудитор маълумотномаси ёки шу қилинган ишларга шарҳ ёзиши лозим, у эса корхона маъмурияти билан муҳокама қилинади, мазкур масала бўйича аудитор баённома сўраши мумкин.

Аудитор юқорида айтилган бир неча турдаги жараёнларга баҳо бериши лозим.

Аудитор барча қўшимча ишлардан сўнг баланс-моддаларига баҳо беради (банкротликни эълон қилиш, тўланмаган счёtlар, суд жараёнида тўлланган суммалар; асосий ва айланма маблағларнинг баҳоланиши, жорий баҳолар ва бошқалар).

Инвестициялар (жалб қилинган маблағлар) ҳозирги баҳодан паст баҳода сотилиши мумкин.

Иккинчи турдаги жараёнларга: бозорда корхона қимматбаҳо қоғозлари баҳосининг тушиши вақтинчалик инвестициялар қайта солиниши, облигация ва акция чиқарилиши, сугурта қилинмаган моддий материалларнинг

сарфланиши, ёнгин натижасидаги сарфларни ҳисобга олади. Шундан сўнг аудитор ҳисобот ёзишга киришади.

Аудитор бу масалалар бўйича қўйидагиларга масъулдир: 1) баланс тузилгандан сўнг молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилиши учун; 2) баланс тузилгандан сўнгги хўжалик жараёнларига назорат учун; 3) аудиторлик хulosаларини ўзгартириш тушунчаларига мос эканлигининг тадбирлари учун.

Умуман олганда, аудитор, собиқ Иттифоқ даврида назоратни маъмурий бошқарувчи тафтишчилардан фарқли ўлароқ, дунёқараши, ватанга садоқати, иймонли бўлиши, касбга доғ туширмаслиги каби хислатлари жиҳатидан ўз вазифасини бир пофона юқори савиядга бажарувчи касб эгаси бўлиши лозим.

### **Аудитор ҳисоботининг таркиби ва шакли**

Аудитор ўтказган аудиторлик текширувининг якунлари бўйича аудитор ҳисоботдан келиб чиқиб хulosса тузади. У аудиторлик фаолиятида (аудитор текширувидан бошқа ҳолатларда) аудиторлик ҳисоботини тузади.

Аудиторлик ҳисоботи қўйидаги уч қисмдан иборат бўлиши мумкин: а) кириш; б) аналитик таҳлил; в) хulosалар.

Кириш қисм: аудиторлик фирмаси учун алоҳида ёки аудиторнинг ўзига алоҳида тузилади. Унда аудиторнинг барча реквизитлари (номи ёки фамилияси, лицензия, унинг муддати, ким томонидан берилгани ва бошқалар), охирида аудиторлик ҳисоботини олувчи кўрсатилади.

Аналитик таҳлил қисмида қўйидаги элементлар аниқ қилиб кўрсатилади: а) аудит текширувидан ўтказилган молия ахбороти. Бунда ҳисобот берилган давр, унинг турлари, агарда аудит текширувани ўтказиш жараёнида чеклашлар бўлса, уларда аудитор билан мижознинг масъулликлари алоҳида кўрсатилади; б) аудитни баён қилиш. Бунда норматив ҳужжатларга риоя қилиниши, бухгалтерия учётида хўжалик операцияларининг мос келиши, учётнинг экспертизаси, қонун ва норматив актлардаги йўриқларнинг бузилиши, улар юзасидан зарарлар кўрсатилади. Агарда бошқа аудиторнинг хulosасидан фойдаланилган бўлса, у ҳам кўрсатилади; в) хulosса қилиш. Бу қисмда молиявий ҳисоботларнинг ишончлигига алоҳида эътибор берилади. Унинг ҳар бир бети аудитор ёки аудитор фирманинг муҳри билан тас-

дикланган бўлиши лозим. У аниқ, мантиқий, қисқа ёзилиши зарур. Унинг натижалари матбуотда эълон қилиниши лозим. Аудитор молиявий ҳисоботлардаги маълумотларга тўла ишонмаса, камчиликлар борлиги ни билса, аудиторнинг корхонани текшириш якунлари бўйича шартли аудиторлик хulosasi берилади.

Бундай хulososa аудиторда молиявий ҳисоботлар зарур даражада бўлмаса, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари тўлиқ бўлмаган тақдирда берилди.

Бундай ҳолатда қўйидагилар аудитор норозилигига сабаб бўлиши мумкин:

а) корхона раҳбарининг аудитор билан ҳисоботдаги баъзи далиллар бўйича айрича фикрлар ҳосил бўлишида;

б) бухгалтерия учёти маълумотларининг объектларини баҳолашда (масалан: амортизация ҳисобланмалири);

в) хўжалик операцияларига нисбатан нотўғри, бухгалтерия проводкаси, яъни счётларда йўналтирилиши тузилган ҳоллар бўлиши;

г) қонун ва норматив хўжжатлардаги низолар;

д) молия аҳборотларининг ишончсизлигига олиб келувчи корхона ҳисоб сиёсати бўлганда.

Мазкур масалалар бўйича аудиторлик хulosasida «шу сабабли» деган сўзлар фикрга қўшилмаганилигини кўрсатади ёки «текширувдан ташқари» деган сўз билан молиявий ҳисоботга хulososa берилади.

Аудитор молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар ишончсиз, ноаниқ бўлганда, бухгалтерия ҳисоби қонун ва норматив хўжжатларга мос келмаганда, ундан фойдаланувчиларни чалкашликларга олиб келишини кўзда тутиб, қониқарсиз аудиторлик хulosasini ёзади.

Аудитор қай ҳолатда хulososa ёзишдан бош тортади?

Агарда корхона молиявий ҳисоботида маҳсулот ҳажми, молиявий аҳволга кўп миқдорда зарар етказса, аудитор хulososa ёзишдан бош тортганлигини ёзма баён қиласи. Мазкур ҳолатда хато ва камчиликлар тузатилса, шартли қониқарли хulososa берилиши мумкин.

Аудитор аудит текшируви ўтказилётган корхона раҳбарига хulososa ва аҳборот ҳам ёзib беради. Унда: а) бухгалтерия ҳисобида, корхона ҳисоб сиёсати назорат системасидаги камчиликлар кўрсатилади; б) бу камчиликларнинг очилиш ҳоллари ёритилади; в) аниқланган камчиликларни тугатиш тавсиялари ёзилади.

Шу боис, бу тавсияларни амалга оширишда ауди-

торлик фирмасининг хизмати бўлиши ҳам ёзib қўйилади. Мазкур хат аудитор ҳисоботи бўлиб, уни аудит текшируви босқичларида ҳам ёзилиши мумкин. Ўнга корхона раҳбари жавоб бериши лозим.

Аудиторлик андозаларига қараб, аудиторлар баланс ва ҳисббот тузганидан сўнг айрим тушунча ва аниқликларни ёзишлари мумкин. Улар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин: а) аудиторлик ҳисбботини тузиш вақти, яъни аудиторлик текшируви даврида барча ахборотларни йиғиш, текшириш тугагандан сўнг ҳисббланади; б) ҳисбботга имзо чекиш вақти, яъни мижоз билан сұхбат қилиб ёзилгандан сўнг; в) молиявий ҳисбботнинг чиқиши, яъни барча ҳисббот формалари тўлдирилгач, унинг кўрсаткичлари бир-бири билан боғланаб бўлгач; г) ҳисбботларнинг тузилишига таъсир қилувчи омиллар, яъни хўжалик операцияларининг ўзгариши ҳақидаги хужжатларнинг ўзгариши ва бошқалар; д) катта камчиликлар, яъни илгари тузилган ҳисбботларни ўзгартириш юзасидан маълум қарорларни қабул қилиш зарурати туғилганда.

Аудит текшируванинг натижалари бўйича аудитор маҳсус хулоса ёзиши мумкин, бундай молиявий маълумотлар маҳсус мақсадлар учун тайёрланади, жумладан: а) молиявий ҳисбботнинг алоҳида таркибий қисми учун хулоса; б) алоҳида мақсадлар учун ҳисб маълумотларига асосланниб молиявий ҳисбботлар ҳақидаги хулоса; в) Фойдалдан солиқ тўлаш ҳақида ҳисбот ҳақидаги хулоса; г) дебитор ва кредитор қарзлар, уларнинг реаллиги тўғрисидаги ҳисббот ҳақидаги хулоса; д) йигма ҳисбботлар ҳақидаги хулоса.

Албаттa, аудитор бундай хулосаларни ёзганда, уларнинг ҳар бирини тасдиқловчи манбаларни кўрсатиши ва уларга асосланганligини алоҳида ёзib қўйиши лозим бўлади.

### **Аудиторнинг касбий этика асослари**

Жамоатчилик ишончини қозониш, ўз хизматлари даражасини юқори савияда тутиб туришга ҳар қандай касб учун этика кодекси зарур. Аудиторларнинг мижозлари, шунингдек молиявий ҳисбдан фойдаланувчи учинчи юридик шахсларнинг аудит текшируви сифатига ишониши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакатимизда

амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар заминида, миллий фурур, миллий ифтихор, миллий гоя ҳамда ўзлигимизни англаш, билиш нуқтаи-назаридан аудиторларнинг этик принципларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши натижасида, аудитор деган касб эгасида ҳистайғулар бошқача бўлиши муқаррар. Шу сабабли яқинда қабул қилинган аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонуннинг иккинчи моддасида аниқлик киритилгандир.

Ўзлигимизни англаш нуқтаи-назаридан қаралса, аудиторда касб малакасини чуқур билиши, иймонли, инсофли, сабрли бўлиши, буюрилган ва бажарган ишга масъуллик каби қадрияларимизни ўтишини ҳётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу билан биргаликда жаҳон миқёсида аудиторлик этикасининг вужудга келиши ва ривожлантиришига AICPA (Америка қасамёд қилувчи бухгалтерлар институти, GAAS (Дунёда амал қилаётган аудиторлар стандарти) ва SEC (қимматбаҳо қоғоз ва биржа операцияларининг баҳо комитети)лари катта таъсир кўрсатиб келади.

AICPAning «Касбий этика асослари» аудиторларнинг иш фаолиятларига катта таъсир кўрсатади. Мазкур кодекс тўрт қисмдан иборат: концепция, ўзини тутиш қоидалари, тушунтиришлар ва этик меъёрлар (нормалар).

Касбий этика концепцияси аудиторда мужассамлашви лозим бўлган бир неча хусусиятлар (сифатлар), яъни этик принциплар таҳлилидан иборат. Улар қуйидагилар:

1. Мустақиллик, ҳалоллик ва обьективлик. Мустақиллик принципига кўра, аудитор ўз фаолиятида мижоз, у ёки бу банк эгаси, ёки бошқа шахс манфаатларига қараб иш тутмаслиги лозим. Мустақиллик (яъни аудит фаолиятида бошқа бирор шахсга боғлиқ бўлмаслиқ) аудиторнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Аудитор фақатгина ўз хизмат вазифасини бажарishi давомида аудит предметига нисбатан мустақилликни сақлашигина эмас, балки молиявий ҳисобдан фойдаланувчилар ҳам аудиторнинг мустақиллигига ишонишлари муҳимдир. Ушбу икки мақсад ҳақиқий ва ташки мустақиллик деб аталади.

Ҳалоллик ва обьективлик принципига кўра, аудитор далил (маълумот)ларни қасддан бузиб кўрсатмаслиги, бошқалар фикрини ўзининг фикрига бўйсундирмаслиги лозим.

2. Аудит соҳасида чуқур ҳуқуқий ва иқтисодий билим малакасига ва юқори техник маҳоратига эга бўлиш. Бу принципга кўра, аудитор ўз фаолияти давомида қўйидаги стандартларга мувофиқ иш юритиши зарур: а) касбий чуқур малакалик (компентлилик). Аудитор буюртмаларни касбий компетентлик билан бажаришига ишонган тақдирдагина қабул қилиши лозим; б) топшириқни бажариш давомида аудитор зарур касбий синчковликни намоён қилиши лозим; в) аудитор топшириқнинг бажарилишини зарурй тарзда режалаштириш ва назорат қилиши зарур; г) аудитор бажараётган топшириқ бўйича хулоса ва тавсияларни қонуний ва илмий асослаш учун етарлича маълумотлар (дайллар) тўплаши керак.

3. Мижозлар олдидағи мажбурият. Аудитор ўзининг мижозлари билан софдил ва очик бўлиши ҳамда уларга мумкин қадар яхшироқ хизмат кўрсатиши зарур.

4. Касбдошлари олдидағи мажбурият. Аудитор уюшма касб вакиллари билан хушмуомала, меҳрибон бўлиши, ҳамкорлик учун шароит яратиши лозим.

5. Бошқа мажбуриятлар. Аудитор ўз касби устиворлигини (престиж) юқори кўтариши ва бу касб эгалари қобилияtlарини жамият манфаатлари учун хизмат қилишга имкон берадиган даражада тутиши зарур.

Ўзини тутиш қоидалари. АТСРАнинг «Касбий этика кодекси»даги мазкур қисмга ҳар бир аудитор бажариши албатта зарур бўлган, аниқ белгилаб берилган қоидалар киритилган. Жумладан, улар қўйидагилар: мустақиллик, ҳалоллик ва объективлик; умумий стандартлар; аудит стандартлари; бухгалтерия учёти принциплари; бошқа техник стандартлар (андозалар); мижозларнинг конференция маълумотлари: иш учун мукофотлаш; реклама ва таъсир этишнинг бошқа усуслари; биргаликда олиб бориб бўлмайдиган машғулотлар.

Этик меъёrlар — у ёки бу конкрет ҳолат бўйича тушунтиришлар (Аренс, Лоббек китоби бўйича ижроия комитет тушунтиришлари, бу ерда AICPA назарда тутилади).

### **Аудиторнинг умумий ҳуқуқий жавобгарлиги**

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, турли ҳалқаро норматив ҳужжатларнинг кириб келиши демократик жараённинг хусусиятларидан биридир.

Жамият иқтисодиёти учун аудитнинг ҳам ўзига хос

ўрни бор. Молиявий ҳолатнинг пухта бўлиши учун аудиторларнинг жамият олдидаги мажбуриятлари, айниқса уларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги алоҳида аҳамиятга эга. Аудиторнинг нотўғри холосага келиши, холосаларининг ҳақиқий вазиятни акс эттиrolmasлиги унинг ҳуқуқий жавобгарлигини юзага келтиради. Чунки аудитор бошқа шахслар сингари корхона фаолиятининг нормал ҳолати учун жавобгардир.

Ҳар бир хўжалик субъекти, яъни корхона ўз молиявий аҳволининг нормал кечиши учун аудитор ёллаши ёки бу вазифа малакали бухгалтерга юкланиши мумкин. Шу сабабли фаолият юритаётган аудитор муайян мажбуриятларга ҳам эга бўладики, бу мажбуриятлар унинг ҳуқуқий жавобгарлигини юзага келтиради.

Давлатнинг жорий қонунларига зид иш юритган, белгиланган қоидаларга мувофиқ фаолият юритмаган аудитор ёки аудиторлик фирмаси моддий, маъмурий жиноий жавобгарликка тортилади. Бу жавобгарлик манфаатлар тарафлар талаби билан турли органлар томонидан қўлланилади.

Дунё амалиётида аудиторнинг судгача ва суд орқали жавобгарлиги кўпроқ учрайди. Бизнинг давлатимизда ҳам бу тур ва ҳолатдаги жавобгарлик мавжуд бўлиб, у амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади.

Аудиторнинг судгача бўлган жавобгарлиги меҳнат ва маъмурий ҳукуқ нормаларидан келиб чиқади. Бунга аудит билан мижоз ўргасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки аудит томонидан терговчи, суд, прокурор талаби билан текшириш ўтказилаётганда, қонунбузарлик фактлари яширилганда унга маъмурий чора кўриш (жарима солиш) ҳолатларини мисол келтириш мумкин. Бу ҳақда 1996 йил 1 апрелдан амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ҳукуқбузарлик кодексининг 179-моддасида айтиб ўтилади. Айни пайтда, меҳнат ва маъмурий жавобгарлик тарафларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Энди судга мурожаат қилиш масаласига келсак, ҳозирги бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида бирор тараф, кўпинча мижоз манфаатдорлик нуқтаи назаридан бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

Аудиторнинг ҳуқуқий жавобгарлигини унинг тадбиркор таваккалчилиги оқибатида кўрилган зарар билан аралаштирмаслик лозим. Тадбиркор таваккалчили-

ги оқибатида корхонанинг кўрган заари учун аудитор жавобгар бўлмайди. Аммо мижозлар, баъзида келиб чиқкан, корхона заарини аудиторлик фаолияти оқибати, деб нотўри ўйлайдилар. Бундай оқибат заарар учун тадбиркорнинг ўзи кўпроқ айбдор.

Шу билан бирга дунё амалиётидаги кўпгина қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» «Қонун»ида аудиторга ва аудиторлик фирмасига аудиторлик текширувларини сифатли ўтказиш, ўзи текшираётган хўжалик субъекти раҳбариятига текширув чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш ҳамда молиявий ҳисобот хужжатларини тайёрлашга доир хукуқий бузилишлар ёзиг қўйилган. Шу билан бирга аудитор конфиденциаллик, яъни сир сақлаш қоидаларига ҳам риоя этиши лозим. У мижозга етказадиган бундай маълумотларни фақат суднинг талаби билангина ошкор этиши мумкин.

Аудиторлар эҳтимол тутилган жавобгарликнинг олдини олиш учун қуидаги ҳолатлардан келиб чиқиб, фаолият юритишлари мумкин. Аввало улар ҳалол мижозлар билан иш олиб боришлари, касбий талабларга амал қилишлари, мустақил бўлишлари, хукуқий маслаҳат хизматидан ўринли фойдаланишлари лозим. Аудитор ўз фаолиятида муҳим масалалар чиқиб қолса, албатта тажрибали адвокатга мурожаат қилиши лозим. Чунки баъзида эҳтиёtsизлик туфайли жиноятга шерик бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Қонунларда аудиторнинг жиноий жавобгарлиги ҳам кўрсатилган. Бордию аудитор қасдан ёлғон молиявий ҳисобот берисб, бошқа шахсни алдаса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда конкрет аудитор фаолиятига қараб, унинг иштироки даражаси ёки ўзганинг мулкини талон-торож қилиш ҳолатига қараб жиноий қонун-қоидалар қўлланилади.

Америкалик Э. А. Аренс ва Ж. Лоббекнинг «Аудит» деган дарслигига (Москва, 1995 йил) аудиторнинг хукуқий жавобгарлиги кенг очиб берилган. Унда муҳим бир хulosага келинган, яъни муаллифлар аудиторни ҳар қандай молиявий ҳисоботдаги хатоликлари учун жавобгар қилмаслиги керак. У молиявий мутлақ аниқ маълумот кафолатини бера олмайди. Бордию аудитор мутлоқ кафолат берганда эди, жамиятнинг унга (аудитор)га кетган харажати у келтирган фойдани қоплай олмас эди, дейишади.

Кўйида уларнинг айрим жиҳатларини ёритишга ҳаракат қиласиз.

### **Аудитор жавобгарлигига таъсир этувчи хуқуқий принциплар**

Аудитда жавобгарлик турлари қўйидагиларга бўлинади: 1) мижозларга нисбатан жавобгарлик; 2) учинчи шахс олдидағи фуқаролик жавобгарлиги; 3) жиноий жавобгарлик. Бу турларга нисбатан бир неча хуқуқий принциплар кўлланилади: принцип — ақл билан иш қилиш, бошқа (бегона) кишилар қилмиши учун жавобгарлик принципи; зарур имтиёзли ахборот (привилегированная информация) йўқлиги принципи.

Принцип — ақл билан иш қилиш. Аудитор амал қилиши лозим бўлган синчковлик мезони кўпинча принцип — ақл билан иш қилиш деб аталади.

#### **Бошқа кишилар қилмиши учун жавобгарлик принципи**

Аудиторлик фирмаси шериклари (партнёр) ҳар қандай ишда бир шерикка қарши фуқаролик хукми бўйича биргаликда жавобгарликни оладилар. Шериклар, шунингдек, агентлик муносабатлари доирасида хизматларидан фойдаланган учинчи шахс учун ҳам жавобгар бўлишлари мумкин. Булар: аудиторлик фирмаси хизматчилари, бошқа аудиторлик фирмалари, бошқа мутахассислар бўлиши мумкин.

Зарур ахборот йўқлиги принципи (принцип отсутствия привилегированной информации). Умумий қоидаларга мувофик, аудитор судга у ёки бу ахборотни беришдан бош тортиши мумкин эмас. Мижоз билан аудитор ўртасидаги мустаҳкам алоқалар ҳам суддан яширилиши мумкин эмас.

#### **Мижозлар олдидағи жавобгарлик**

Кўп ҳолларда аудиторларни мижозлар олдидағи ўз вазифаларини етарли синчковлик билан бажармаганликлари учун жавобгарликка тортадилар. Бу суд ишлари кўпинча аудитор топа олмаган исроф қилинган маблағга (растратларга) тегишли бўлади. Мижоз буни аудитор ишга етарлича аҳамият бермаганлиги учун содир бўлган деб таъкидлайди.

Аудиторлик фирмаси аудитни ҳимоя қилишда (мижоз билан аудитлашувида) аудитни ҳимоя қилишнинг

кўйидаги уч усулидан бирортасини ёки комбинациялашган усулдан фойдаланади. Бу усуллар қўйидагилар: 1) мижозга бундай хизмат кўрсатиш мажбуриятининг йўқлиги; 2) хизмат кўрсатиш давомида эътиборсизлик қилинмагани; 3) икки томонлама эътиборсизлик қилинмагани.

### **Умумий ҳукуқларга мувофиқ учинчи шахс олдида жавобгарлик**

Учинчи шахс адаштирадиган (ҳақиқий бўлмаган) молиявий ҳисботга ишониб иш кўриши натижасида зарар кўрган ҳолларда аудиторлик фирмаси учинчи шахс олдида жавобгар бўлиши мумкин. Бундай шахслар ҳиссадорлар, банк эгалари, бошқа кредиторлар бўлиши мумкин. Мазкур судлашувнинг типик бир кўриниши: банк тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхонадан унга берилган кредитни қайтариб ололмайди. Банк кредит беришда уни хато фикрга олиб келган молиявий аудит ҳисботида ишонганилигини таъкидлайди.

Аудитнинг ҳуқуқий жавобгарлиги янги таҳрирдаги аудиторнинг фаолияти тўғрисидаги қонуннинг иккичи моддасида аниқ кўрсатилгандир. Бунда аудиторлар ҳимоя қилишнинг икки тури мавжуд: ишни бажариш давомида эътиётсизлик қилинмаганлигини исботлаш ва контракт муносабатлари йўқлигини исботглаш.

### **Жиноий жавобгарлик**

Аудиторни АҚШ да федерал қонунлар бўйича ҳам, штатлар қонунлари бўйича ҳам жиноятчиликка айлаш мумкин. Бу қонунларга мувофиқ, жиноят белгиси — билб турит нообъектив молиявий ҳисбот ёрдамида бошқа шахсни алдаш бўлиб ҳисбланади. Лекин мазкур масалада аудиторлик судлов ишлари жуда кам учрайди.

### **Аудиторлар томонидан индивидуал тарзда қўлланиладиган ҳаракатлар**

Аудиторлар мумкин бўлган жавобгарлик ҳолатларини камайтириш учун у ёки бу ҳаракатни қилиши мумкин. Мазкур ҳаракатларнинг баъзиларини кўйида келтирамиз.

1. Фақат софдил мижозлар билан ишлаш. Мижознинг ўз харидорлари, буюртмачилари, хизматчилари, давлат корхоналари билан муносабатида етарлича ҳалол-

лик бўлмаса, судлашув эҳтимоли кўп бўлади. Аудиторлик фирмаси ўз мижозлари софдиллиги услубларини ишлаб чиқиши ва софдил бўлмаган мижозлар билан ишлашдан бош тортishi лозим.

2. Аудиторлик текширувани тажрибасиз ёш мутахассислар ўтказаётганда уларнинг ишини тажрибали аудиторлар кузатиб бориши зарур.

3. Қасбий стандартларга (андозаларга) қатъий риоя қилиш лозим.

4. Мустақиллиқ сақланиши зарур.

5. Мижознинг бизнесини тушуниш керак.

6. Аудитнинг юқори сифатини ушлаб туриш лозим.

7. Ишни тўгри хужжатлаштириш зарур.

8. Контракт ва вакиллик хатини олиш керак.

9. Мижоз билан конфиденциал (махфий) муносабатларни сақлаб туриш лозим.

10. Адекват (мос) суғурта ҳимоясини таъминлаш зарур.

11. Малакали ҳуқуқий консультациялардан фойдаланиш керак.

Шу жиҳатлардан чуқурроқ қараладиган бўлса, аудитор самарадорлик байроғи остида катта тарбиячи, маънавият эгаси бўлиши лозим.

Бугунги кунда аудит назоратини таркибий қисми эканлигини тан олган ҳолда унга маълум даражада тўхташ зарур.

## ИҚТИСОДИЙ НАЗОРАТНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ. НАЗОРАТНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКЛЛАРИ

Давлатнинг ҳўжалик масалалари бўйича қабул қилган ҳар бир қарори ишлаб чиқариш, тақсимот, товарлар алмашуви ва ижтимоий истеъмолни ўз ичига олади.

Назоратни ижтимоий ишлаб чиқариш фондларининг айланишидан кузатиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ишлаб чиқариш ҳал қилувчи жараён ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида назоратнинг предметини меҳнат, меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ташкил қиласди. Назоратда бу ресурслардан унумли фойдаланиш нуқтаи назаридан ўрганилади. Бунда ҳозирги кунда кенг тарқалган нормативли режалаштириш принципи текширилди. Текширища асосий эътибор технолого-гик жараёнга, яъни қишлоқ ҳўжалик ишларининг белгиланган ҳажмда ва муддатларда бажарилиши, норма-

тивларнинг тўгри кўлланилиши, ойлик маош миқдорининг тўгри белгиланиши, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг сақланиши, маҳсулот сифатининг юқори бўлиши, меҳнатни баҳолашнинг тўгри кўлланилишига қаратилади.

Тақсимот босқичида эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан фойдаланиш, аввало давлат буюртмасининг бажарилиши, корхоналар ўртасидаги шартномаларга риоя қилиш кабилар, янгидан яратилган қийматнинг тақсимланиши, ишлаб чиқариш истеъмоли, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳамда бошқа масалалар чуқур ўрганилади.

Назоратнинг алмашув жараёнида муомала жараёни ўрганилди, товар-пул муносабатларининг амалга оширилиши, корхоналарнинг тўлов интизомига риоя қилиши, маҳсулотларни сотиш ва олишда баҳоларнинг тўгри бўлиши, корхона, ташкилотлар шартномалар юзасидан келиб чиқадиган пул, ҳисоб-китобларининг қонуний амалга оширилиши кабилар текширилади. Ва ниҳоят истеъмол босқичида ижтимоий ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол ўрганилади. Бунда ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиши, корхона ва унда ишлайдиган ҳодимларнинг истеъмолга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши, даражаси ўрганилади.

Шундай қилиб, жамиятда назоратнинг предметини хукуматимизнинг хўжалик масалалари бўйича қабул қилган қарорлари асосида кенгайган тақрор ишлаб чиқариш жараёнида мулкдан мақсадга мувофиқ ва қонуний фойдаланишни аниқлаш ташкил қиласди. Назоратнинг обьекти сифатида мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Унинг кенг маънодаги обьектларига корхоналарнинг маблағлари, хўжалик жараёнлари хўжалик-мoliaя фаолияти, ишлаб чиқариш бўлинмалари, яъни корхоналардан тортиб то халқ хўжалигининг ҳамма бўғинлари киради.

### **Назоратнинг методлари**

Назоратнинг ўрганиш методи бошқа фанлар сингари диалектик материализм методи ҳисобланади. Чунки ўрганиладиган мулк доимо узлуксиз ҳаракатда, назорат эса, ундан мақсадга мувофиқ ва қонуний равишда фойдаланишни ўрганади. Шу билан бирга назорат ўз предметини ўрганишнинг хусусийлигидан келиб чиқа-

диган хусусий метод ва усуулардан фойдаланди. Юқорида назоратнинг текшириш манбаларидан фойдаланиши бўйича хужжатли ва ҳақиқий назоратга бўлинишини айтдик. Хужжатли назоратда текшириш манбаи сифатида хужжатлардан фойдаланилади. Ҳақиқий назоратда объект натура ҳолида кузатилади, яъни манба бўлиб хўжалик маблағлари, ишлаб чиқариш муомала жараёнлари ҳисобланади. Шу билан бирга ҳақиқий назоратни ўтказища инвентаризация, лаборатория анализи, эксперт комиссиясининг баҳолаши ва юзлаштириб сўраш каби усуулардан кенг фойдаланиш мумкин.

Инвентаризация — бу хўжалик маблағларини ёки назорат қилиниши лозим бўлган объектларни жойига бориб бирма-бир кўришидир. Бунда мулкнинг сақланиши ўрганилиб қолмасдан, ўнинг ишга яроқлилик ҳолати ҳам ўрганилди. Бунга ёш чорва молларни ҳар ойда сабаб, торозида ўлчашни яққол мисол қилиш мумкин.

Инвентаризация натижалари далолатнома ёки рўйхатлар билан расмийлаштирилди.

Лаборатория анализи — назорат қамраб олган объектларнинг сифат кўрсатчикларини текширишга қаратилгандир. Бунда текшириладиган объектларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари ўрганилади. Бунга тайёрлов ташкилотларига топширилаётган сутнинг сифатини аниқлаш яққол мисол бўла олади ёки бўлмаса пахтанинг намлиги ва ифлослиги, толанинг пишиклиги лабораторияларда аниқланади. Бу назоратнинг якуни маълумотномалар билан расмийлаштирилади.

Эксперт комиссиясининг баҳолаши — назоратнинг муҳим соҳаси бўлиб, айрим ҳолларда назорат-тафтиш ишларида малакали турли касб мутахассислари хulosasi зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолатда эксперт комиссиясининг хulosасидан фойдаланилади. Масалан, паррандачилик фабрикасида паррандалар юқумли касалликлар билан ўлганда экспертга юборилади. Ёки айрим лойиҳа хужжатлари бино ва иншоотлар қурилишидан олдин эксперт текширишига берилади. Бу эса назоратда амалга оширилган хўжалик операциясининг реал характеристини аниқлаш имкониятини беради. Бундай назоратнинг якуни эксперт комиссиясининг ёзма хulosаси билан расмийлаштирилади.

Юзлашув-сўраш назоратнинг муҳим ўрганиш усули бўлиб, бунда назоратчилар айрим хўжалик операцияларини амалга ошираётган вақтда баъзи ҳисобдор ёки мансабдор шахсларнинг ўғирлик, ўзлаштириш фактла-

рини аниқлаш учун уларни юзлаштириб сўрайди. Бундай назорат якуни тушунтириш хати билан расмийлаштирилди. Бунга хазинада камомад аниқланганда пулнинг қандай жойларга сарфланганини сўраш кабилар яқол мисол бўла олади. Назоратнинг бу усули суд-тергов органлари томонидан кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Хужжатли назоратда хужжатларни диққат билан ўқиш, сўнгра ўнда кўрсатилган ҳажм кўрсаткичларининг реалигига, қонунийлигига мақсадга мувофиқлигига эътибор бериш керак. Хужжатларни мантиқ жиҳатдан текширилганда амалга ошмаган хўжалик операцияларини кўрсатувчи хужжатлар ҳам учраши мумкин. Масалан, бажарилган ишларни ҳисобга олишда бир киши бир тонна пахта терди, деб кўрсатилиши мумкин, ваҳланки, имконият жиҳатидан бундай бўлмайди.

Бундан ташқари, учраган хужжатларда амалга оширилган хўжалик операцияси қонунга мос ёки мос эмаслигини текшириш лозим. Хужжатларни арифметик томондан текшириш, бу эса маълум хўжалик операциясининг содир бўлганлиги аввало дастлабки хужжатда ўз аксини топади. Хужжатларда хўжалик операцияси сон жиҳатидан акс эттирилади. Шунинг учун бу операциялар ўрганилганда арифметик текширилиши лозим. Бунда таксировка ва жамлашишга эътибор берилади. Масалан, хазинадаги хужжатлар текширилганда иш ҳақи тарқатилган қайдномалари жамлаб текширилиши лозим.

Хужжатларни бир-бирига таққослаб ўтказиладиган назоратда хўжалик операциясида кўрсатилган объектив ҳажми, шу операцияга боғлиқ бошқа бир хужжатда акс эттирилса, иккала хужжатдаги миқдорлар таққосланади. Масалан, йиғиб олинган буғдой ҳосилнинг миқдори комбайнчининг реестирида кўрсатилса, шу ҳажмдаги буғдой ташилганлиги тўғрисида транспорт воситаларининг йўл варақаларида ҳам кўрсатилади. Кўлда терилган уруғлик пахта, меҳнатга ҳақ тўлаш ва пахтани даромадга олиш хужжатларида кўрсатилиб, улар бир-бирига таққосланиб текширилиши лозим. Ёки киримга олинган маҳсулотларнинг хужжатлари, чиқим хужжатлар билан таққосланиши натижасида қолдиги аниқланиши мумкин.

Сўроқ хатининг ҳам назорат ўтказишида катта аҳамияти бор. Назорат ўтказаётганда, маълум текширилаётган корхонанинг ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида бошқа ташкилот ва корхоналар билан иқтисо-

дий алоқаларда бўлишини текширишга тўғри келади. Масалан, корхона, савдо ташкилотларидан моддий қийматликлар олган бўлса, алоқа бўлган ташкилотда унинг бошлангич ва дастлабки ҳужжатларида қандай акс этганингига, ким томонидан олингандигига ишонч ҳосил қилиш учун сўроқ хати ёзиш йўли билан аниқлаб, маълум хуносага келиш мумкин.

Иқтисодий анализ – бу назоратни амалга оширишнинг муҳим усусларидан бўлиб, ундан кенг фойдаланиш лозим. Бунда иқтисодий анализ маълумотлари асосида тузилган жадвал ва графиклар асосида назорат ўтказилаётган ҳўжаликда ишлаб чиқариш самарадорлигининг қай аҳволда эканлигини ёки ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилаётган технологик ишларининг якуни қандай молиявий натижаларга олиб келинаётганлигини билиш, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш имкониятини берди. Масалан, пахтачилика амалга оширилаётган операцияларнинг бажарилишини агротехник муддатларга таққослаб, пахта ҳосилдорлигини қандай таъсир кўрсатганлигини билиш мумкин.

Агар фўза ўз вақтида, яъни белгиланган агротехника муддатларида ягана қилинса, муддатида ўтказилмаган майдонларга нисбатан юкори ҳосил берди. Худди шундай тартибда сурориши, озиқлантириши ҳамда бошқа экинларнинг технологик жараёнларини ҳам текшириш мумкин.

Шундай қилиб, назоратнинг юқоридаги усуслари ни кўллаш билан халқ ҳўжалигининг ишлаб чиқариш соҳасида эришиладиган ютуқларга самарали ҳисса қўшиш мумкин.

### **Назорат ўтказишда бошқа фанлардан фойдаланиш**

Ҳозирги кунда назорат алоҳида фан сифатида «Корхона ва ҳўжаликларнинг ҳўжалик-молия фаолиятини тафтиш ва назорат қилиш» курсида ўрганилиб келинмоқда. Бу фан ҳисоб-китоб ихтисоси фанлари жумласига кириб, ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганади. Шунинг учун у иқтисодий назария, бухгалтерия асослари фанлари билан узвий боғлангандир. Назоратнинг предметини ўрганиш кўп жиҳатдан иқтисод, режалаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш технологияси каби фанларни билишни талаб қиласди. Чунки бу

фанларни билмасдан малакали, келгусида яхши самара берадиган назорат ишларини ўтказиш қийин.

Бу ҳисоб ва ҳисобот фанлари ихтисосига кирганлиги сабабли, назоратчилар бухгалтерия учёти, корхоналар фаолиятини анализ қилиш ва статистика фанларини мукаммал билиши лозим. Акс ҳолда назорат сифатсиз бўлади. Чунки назорат қилинадиган масалалар бу фанлар билан узвий боғлангандир.

Назорат ўтказишида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш керак, жумладан, электрон ҳисоблаш машиналари ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиши билиш, бажариладиган ишларнинг қийинчиликсиз ва янгишмай бўлишини таъминлайди.

Назорат мулкдан қонуний ва мақсадга мувофиқ фойдаланиши текшириб тургани учун юридик фанлардан меҳнат хукуқи, ердан фойдаланиш хукуқи, молия хукуқлари фанларини ҳам билиш зарур. Чунки назоратчилар тафтиш ва назорат ўтказиш натижасида корхонанинг бутун хўжалик ишлаб чиқариш ва молия фаолиятига баҳо берадилар, шу билан бирга мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг корхонага келтирилган моддий зарар нуқтаи назаридан қонун олдида жавобгарлигини белгилайдилар. Шундай қилиб, назоратда бошқа алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш унинг иқтисодий самарадорлигини оширади.

### **Тафтиш — иқтисодий назоратнинг таркибий қисми**

«Назорат» ва «тафтиш» сўзлари, биринчидан, умумий ҳамда абстракт тушунча бўлса, иккинчидан, хусусий ва конкрет тушунчалар ҳисобланади. Назорат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғланган, тафтиш эса маълум доирада ва даврда тартибга солишнинг конкрет формаси сифатида кўзга ташланади.

Тафтиш сўзи рус тилига, лотинчадан — *reviso* — пересмотр, ўзбек тилида эса «қайта кўриш», «тафтиш» сўзлари эса бу фанда тафтиш ўтказиш маъносини билдиради. Назорат ўтказишида тафтиш корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш, таъминот ва муаммола жараёнини қайта куришни билдируса, оқибат натижада, бу хўжалик операцияларининг амалдаги қонуларга мос ҳолда қонунийлигига риоя қилиниши ҳамда иқтисодий самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан текшириш маъносини билдиради.

Тафтиш халқ хўжалигининг дастлабки бўғини ҳисоб-

ланган қорхона, ташкилот ва муассасаларда ёки хўжаликни бошқариш органларида илгари содир бўлган хўжалик операцияларининг қонунийлигини, мақсадга мувофиқлигини жойида назорат аппарати томонидан қўлланиладиган ҳамма метод ва усулларини ишлатиб ўтказилади. Ўтказиладиган бу тафтишлар ёрдамида давлатнинг назорат функцияси систематик равишда анча тўлиқ амалга оширилади.

Узлуксиз ўтказиладиган тафтиш ёрдамида мулкнинг сақланиши ва ундан унумли фойдаланиш, унинг кўпайтирилиши таъминланиб, халқнинг оддий ҳамда маданий турмуш даражасининг кўтарилишига ҳисса кўшилади. Тафтиш ҳар бир фойдали ташабbusларни уйғунлаштиради, назоратчилик ишларига кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилиш имкониятини беради. Бу масалада жамоа хўжаликлари, корхоналарда фаолият кўрсатаётган тафтиш-назорат аппаратининг тажрибасида кенг исботланмоқда. Ўтказилган тафтиш натижалари текширилган корхона жамоасига ошкора равишда эълон ва муҳокама қилиниши зарур. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган тафтиш амалдаги қонунларга кўра умумий ҳамда даврийлик характеристига эга бўлиб, белгиланган муддатларда, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида қатъий ва узлуксиз тартибда ўтказилиб турилади.

Халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида бундай тафтишнинг қонуний асосда доимий ўтказилиб турилиши барча жойда назоратнинг таъсирчанлигини оширади. Тафтиш ўтказишида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланилади, бу эса давлатнинг назорат функциясининг илмий даражасини ошириш имконини беради.

Тафтиш назоратнинг бошқа усулларидан фарқли ўлароқ ҳукуқий ҳолатта эга бўлиб, унинг натижалари ҳукуқий норматив ҳужжат ҳисобланган далолатномалар билан расмийлаштирилади. Шунинг учун суд-тергов органлари фақат тафтиш материалларини, далолатномаларини процессуал жараёнда тасдиқловчи ягона восита сифатида қабул қиласидилар ва ундаги омилларга мувофиқ жиноят таркибини англайдилар.

Амалдаги қонунларга мувофиқ халқ хўжалигининг хўжалик ҳисобидаги ҳамма бўғинларида йилига бир марта (уларнинг идора қарамоғидан қатъий назар) ва бюджет корхона, ташкилотларида икки йилда бир марта тафтиш ўтказилади. Тафтиш давомида, уларнинг ҳамма: ишлаб чиқариш, хўжалик молия фаолиятлари ҳар то-

монлама чуқур ўрганилади, ниҳоят ишлаб чиқариш бўлинмалари, корхона, ҳисобдор ҳамда мансабдор шахслар ишига баҳо берилади. Шунинг учун ҳам тафтиш маҳсус тафтиш-назорат органлари томонидан ма-лакали мутахассислар иштирокида ўтказилади.

### Тафтиш ўтказиш турлари

Тафтиш назорат системасида ўз умумий ва хусусий белгиларига эга, шунга мувофиқ тафтиш ўтказишнинг бир неча турлари мавжуддир.

Тафтиш қўйидаги белгиларга: тафтиш ўтказувчи органларига, ўтказиш муддатларига, назорат қилишда фойдаланиладиган манбаларига, режалилиги, қамраб оладиган масалалари ва объектларига, уларга қатнашадиган мутахассислар иштирокига, ниҳоят, уни ўтказиш характеристига қараб ушбу турларга бўлинади.

- Тафтишни ўтказиш органларига қараб, хўжаликлар бўйсунадиган идоралар томонидан ўтказиладиган (идора тафтиши) ва хўжаликлар молиявий жиҳатидан бўйсунмайдиган давлат муассасалари томонидан ўтказиладиган тафтишларга (ташқи тафтиш) бўлиш мумкин.

Идора тафтишига корхона, ташкилот ва бирлашмаган молиявий-хўжалик фаолияти жиҳатидан бўйсунадиган муассасаларнинг тафтиш назорат ходимлари томонидан ўтказиладиган тафтишлар киради. Агросонаат тафтиш аудиторлик фирмалари бўлимларининг ходимлари томонидан корхоналар хўжалик-молия фаолияти юзасидан йилига бир марта тафтиш ўтказиб турилади. Шунингдек, бундай тафтишларга хўжаликнинг ўз назорат ходими томонидан ишлаб чиқариш, хўжалик молия фаолияти устидан ўтказадиган текширишлари ҳам киради.

Қарамоғига кирмайдиган давлат муассасалари томонидан қилинадиган тафтишлар давлат органларининг тафтиш-назорат ходимлари корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг қайси тармоқ вазирлигига ёки комитетига қарашидан қатъи назар тафтиш ўтказадилар. Масалан, Республика Йчки ишлар вазирлигининг жойлардаги органлари меҳнаткашларнинг мулкини талон тарож қилиш тўғрисида хабарига мувофиқ корхонанинг ишлаб чиқариш, молия фаолиятларини тафтиш қилишлари мумкин.

Тафтишлар хўжалик операциялари содир бўлиш вақтларида ўтказилишига қараб, олдиндан ўтказила-

диган, жорий ва кейинги тафтишларга бўлинади. Ушбу тафтиш (назорат) турларига юқоридаги «назоратни амалга оширувчи органлар, унинг турлари ва формалари» темасида тушунтириш берилган. Шунингдек, ушбу темада ҳужжатли ва ҳақиқий тафтиш (назорат) формаларига ҳам характеристика бериб ўтилган. Тафтиш режали ёки режасиз ўтказилишига қараб, режали ва режасиз тафтишларга бўлинади.

Режали тафтиш корхона, ташкилот ва бирлишмаларда уларнинг ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолиятини, улар бўйсунадиган юқори раҳбарлик қилувчи органлари томонидан режалаштирилиб ўтказилади. Масалан, ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолиятини йилига тафтиш қилиш аудиторлик фирмалари томонидан шартномалар асосида режалаштирилади. Бундай тафтишлар кўп ҳолларда юқори ташкилот тафтиш-назорат ходимлари томонидан ўтказилади.

Режасиз ўтказиладиган тафтиш, бу кўпгина ҳолларда юқори ташкилот буйруги ва топшириғига мувофиқ, ёки меҳнаткашларнинг ахборотларига асосан, ёхуд баҳтсиз ҳодисалар юз берганда ўтказиладиган тафтишлар ҳисобланади. Масалан, омборда ёки фермада ёнғиндан сўнг ўтказиладиган тафтиш ва бошқалар.

Тафтишлар текшириладиган обьектларини қамраб олинишига қараб ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган тафтишларга бўлинади.

Ёппасига ўтказиладиган тафтишда текширилаётган обьектларнинг ҳаракатини кўрсатувчи ҳужжатлар ва мулклар бир бошидан то охиригача бирма-бир текширишдан ўтказилади. Бунга хазина операцияларининг тафтиши яққол мисол бўлаолади. Бундай тафтишлар корхона мулкининг сақланишини таъминлашда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Танлаб ўтказиладиган тафтишларда молия-хўжалик фаолияти текшириладиган корхонанинг айрим обьектлари танлаб тафтиш қилинади. Бунга корхоналарда меҳнат ҳақининг берилишини текшириш, маълум бир қисм ишчилар ёки корхона хизматчиларининг иш ҳақи олган ёки олмаганлигийни сўраш йўли билан тафтиш ўтказиш яққол мисол бўлаолади.

Ўтказиладиган тафтиш, қилинаётган корхона фаолияти масалаларини қамраб олишига қараб, тўла, қисман ва тематик тафтишларга бўлинади.

Тўла тафтиш ўтказилаётган корхонанинг бутун мо-

лия-хўжалик фаолияти тўла текширилиб, унинг иши ҳақида умумий ҳолатни очиб берса, иккинчи томондан, корхона мулкининг сақланиши ва ундан унумли фойдаланиш каби масалаларни тўлиқ текшириб, хуроса беради. Бундай тафтишлар режали ва режасиз ҳам бўлиши мумкин. Бу тафтиш жуда катта меҳнат талаб қиласди. Бунга корхоналарнинг ҳамма тармоқлари, ишлаб чиқариш бўлимларини тафтиш қиласидиган тафтишлар мисол бўла олади. Қисман тафтиш текширилаётган корхона хўжалик фаолиятининг айрим томонларини текшириш билан чекланадиган тафтишларни ўз ичига олади. Бунга корхона мулкининг талон-торож қилиниши ахборотига мувофиқ қорамолчилик фермасининг бир йиллик фаолияти бўйича тафтиш ўтказиш мисол бўла олади.

Тематик тафтишларда айрим бир масала олинниб шу масала юзасидан бир-бири билан тўла боғлиқ ҳамма корхоналар фаолияти бир вақтда текширилади. Масалан, минерал ўғитдан фойдаланиш бўйича тематик тафтиш ўтказиладиган бўлса, корхоналар ва «Химия-бирашма» корхоналарининг фаолияти бир вақтда текширилиши мумкин. Бундай тафтишлар халқ хўжалиги миқёсида катта самара бериши мумкин.

Тафтишлар уни ўтказишида зарур мутахассисларнинг иштирок этишига қараб комплекс равишида ўтказиладиган ва комплекс бўлмаган тафтишларга бўлинади.

Комплекс ўтказиладиган назоратлар тури ихтисосдаги мутахассисларнинг иштирокида ўтказилади. Агарда корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолияти юзасидан тафтиш ўтказилаётган бўлса, чорвачилик тармогини текширишда зоотехник, ветеринария врачи, ўсимликчилик тармоқларини ўрганишида агроном, курилишида курилиш инженери, архитектор, булардан ташқари, иқтисодчи, молия ва ҳисоб-китоб ходимлари қатнашиши мумкин. Бундай текшириш комплекс тафтиш бўлиб, хўжалик тармоқ ва бутун ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолияти юзасидан объектив характеристика беради, назоратнинг самарадорлигини юқори савияга кўтаради.

Комплекс бўлмаган тафтишлар асосан ҳисоб-китоб ва молия ихтисосига эга бўлган шахслар томонидан ўтказилади. Бундай тафтишлар асосан текшириладиган корхоналарнинг молиявий натижа ва ҳолатини ўрганишига қаратилган бўлиб, ундан кўпроқ, давлат бюджети ҳисобига яшайдиган муассасалар фаолиятини текширишда фойдаланилади.

Тафтишлар ўтказилиш характеристига қараб, аралаш (сквозь) ва комбинирлашган тафтишларга бўлинади.

Аралаш тафтиш текшириладиган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, дастлабки юқори ташкилотнинг фаолиятини қўшиб текшириш билан характеристланади. Бундай тафтишлар асосан республика, вилоят, туман миқёсидағи тармоқ бирлашмалари фаолиятини ўрганишга қаратилган бўлиб, моддий фонд,ресурслардан самарали фойдаланишини, улардаги фойдаланилмаётган резервларни ишлаб чиқариш жараёнинг сабзавотчилик учун ҳозирги кунда плёнка ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларнинг юқори ташкилотлари фаолиятини ўрганиш яққол мисол бўла олади.

Комбинирлашган тафтишларга назорат-тафтиш ходимлари томонидан текширув ўтказишнинг ҳамма турларидан фойдаланиб, ўтказиладиган тафтишлар киради. Хўжалик фаолияти тафтиш қилинаётган бўлса, унда агросаноат назорат-тафтиш ходимлари (идора тафтиши), турли касбдаги мутахассислар (комплекс тафтиш) қатнашиши мумкин.

### Комплекс тафтиш ўтказиш ролини ошириш йўллари

Ҳозирги даврда ҳамма турдаги ўтказиладиган тафтишлар ичida назоратнинг талаблари комплекс ўтказиладиган тафтишда ўз ифодасини топмоқда. Шунинг учун «Корхона (бирлашма) ҳақида»ги қонунда тафтишларни комплекс ўтказиш масаласи қўйилгани бејиз эмас. Чунки барча мутахассислар иштирокида ўтказилаётган тафтишлар ишлаб чиқариш, таъминот ва реализация жараёнлари кенг равишда анализ қилинади ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолияти ҳақида объектив маълумотлар олинади.

Комплекс тафтиш технолог-мутахассислар қатнашишини, қишлоқ хўжалигида технологик интизом ва агрозоотехник қоидалари қандай амалга оширилаётганлигини, алмашлаб экишнинг жорий қилинишини, ердан унумли фойдаланишнинг аҳволини объектив ва тўла кўрсатади. Механик-инженерларнинг иштирок этиши эса, актив ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг сақланишини, улардан унумли фойдаланишнинг ҳолатини тўла очиб беради.

Молиячи ва юрист ихтисосига эга бўлган ходимларнинг текширувида иштирок этиши эса содир бўлган

хўжалик операцияларнинг қонунийлиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тўғрисида объектив маълумотларни беради, бундан ташқари, текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни тузатиш тўғрисида таклифларнинг келиб чиқиши, уларнинг турмушга кенг татбиқ қилиниши имкониятини яратади.

Шундай қилиб, комплекс тафтишларнинг ўтказилиши текширилаётган хўжаликда сифат кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада юқори савияга кўтариш йўли билан назоратда яхши натижаларга эришишга олиб келади. Бундай назорат ҳозир мамлакатимизда янги хўжалик ҳисоби методи амалга оширилаётган, кенг кўламда ислоҳотлар олиб борилаётган пайтда халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасининг яхшиланишига ёрдам беради.

## **ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ – ИҚТИСОДИЙ НАЗОРАТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ.**

### **Инвентаризация ҳақида тушунча**

Инвентаризация термини «инвентарь» (лотинча — *inventorum*) сўзидан келиб чиқсан бўлиб, буюмларни рўйхатга олиш деган маънони англатади. Инвентаризация, бу ўрганилаётган объектларни ҳақиқий ҳолида кўриб санаш ва ўлчаб ўрганиш усули бўлиб, назоратнинг муҳим бир қисмидир. Инвентаризациянинг моҳияти шундан иборатки, бунда тафтиш қилинаётган ҳар бир конкрет объект кўриб чиқиш, санаш, ўлчаш, тортиш, ҳисоблаш йўллари билан ўрганилади.

Инвентаризация кенг маънода назорат ва тафтишнинг амалда кўлланишининг техник-методологик жараёнлари моҳиятини очиб бериб, назорат ва тафтиш тушунчаларини конкретлаштиради.

Инвентаризация тушунчаси тор маънода, яъни назорат қилинаётган объектларни ҳақиқий ҳолида кўриб чиқиш маъносида қўлланиладики, бундан инвентаризациянинг текширилаётган объектларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, уларга сон ва сифат жиҳатдан характеристика бериш вазифаси келиб чиқади.

Инвентаризация назорат усуллари орасида марказий ўрин тутади. У кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида мулкнинг сақланиб қолиш ҳолатини аниқлашга имкон беради. Инвентаризация усу-

ли содда усул бўлғанлиги туфайли, бу усулдан маҳсус назоратчилар билан бир қаторда ҳалқ назоратчилари ҳам назоратнинг ҳамма турларида, жумладан, олдиндан, жорий, кейинги, ҳақиқий ва ҳужжатлар асосида ўтказиладиган назоратларда кенг фойдаланилади.

Инвентаризация амалда назоратнинг бошқа усула-ри билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориладики, бу унинг таъсиричанинги янада оширади. Масалан, ин-вентаризация натижасида текширилаётган обьектнинг ҳақиқий ва ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида фарқ чиқса, дарҳол ҳужжатларни текшириш йўли билан бундай фарқнинг келиб чиқиши сабаблари аниқланади.

Инвентаризация ўтказишнинг техникавий элементлари бутун ҳалқ ҳўжалиги ёки унинг айрим тармоқла-ри миқёсида бир хил норматив қоида сифатида қонун билан тасдиқланган ва бу масала бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги Низомда тўла ўз акси-ни топган. Инвентаризация фақат маъмурият томонидан қабул қилинган қарор ёки буйруқ асосида тузилган маҳсус комиссия томонидан ўтказилиши мумкин. Бундай комиссия таркибида иш фаолияти албатта тек-ширилаётган моддий жавобгар ёки масъул шахс иш-тирок этиши албатта шарт. Инвентаризация тўсатдан ва ҳар бир обьектни кўз билан кўриб, санаб ўтказила-ди, бу унинг натижаларининг объективлигини таъ-минлайди. Инвентаризация албатта тақрорлаш тарти-бида, яъни текшириш обьектлари ҳам комиссия томонидан, ҳам жавобгар шахс томонидан тўлиқ кўриб, ўлчаниб, санаб ёки тортилиб ўтказилиши лозим.

Объектларни бирма-бир кўздан ўтказиб чиқишида, улар ҳақиқий ҳолида ўрганилиб, мавжудлиги, техник ҳолати, ривожланиши даражаси ва уларни умумий ра-вишда характерловчи бошқа ҳамма томонлари аниқла-нади. Бу тартибда масалан, ҳўжаликнинг ишлаб чиқа-риш бўлинмалари ва тармоқларининг чегаралари бўйича жойлашувини чорвачилик фермаларининг зооветери-нария ҳолатини ўрганиш мумкин.

Маълум оғирликка эга бўлган ҳамда миқдор жиҳа-тидан бирор-бир ўлчов бирлигига ифодаланадиган обьектлар инвентаризациясида тортиш усулидан фой-даланилади. Узунлик, баландлик, майдон, ҳажм бир-ликлари билан характерланувчи обьектлар (экин майдонлари, бинолар дағал ҳашак ғарамлари ва ширали озиқлар) инвентаризациясида ўлчаш усули қўлланила-ди. Бу усул маҳсус техник ўлчаш асбоблари (рулетка,

ўлчов или ва бошқалар) воситасида амалга оширилиши мумкин. Донабай текшириш объектлари инвентаризацияси эса уларни доналаб санаш йўли билан ўтказилади (масалан, моллар бош сони, асосий воситалар ва бошқалар).

Инвентаризация натижалари маҳсус ҳужжат — оралиқ инвентаризация актида акс эттирилади. Бу далолатнома ҳар бир инвентаризация натижаларига жавобгар шахслар бўйича тузилиши·шарт. Инвентаризация натижасида олинган ҳақиқий маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилиб, натижа — объектларнинг кам ёки ортиқча миқдори аниқланади. Бунда ҳақиқий ва ҳужжатли назоратнинг бухгалтерия ҳисобига узвий боғлиқлиги яна бир бор намоён бўлади.

### Инвентаризация турлари

Инвентаризация ўтказилиши тартибига кўра, режали ва режасиз бўлиши мумкин.

Назорат органининг назорат-тафтиш ишлари режасига асосан ўтказиладиган инвентаризация режали инвентаризация деб аталади. Инвентаризациянинг бу тури корхоналар ва хўжаликлараро ташкилотлар тафтиш комиссиялари иш фаолиятида кенг тарқалган бўлиб, кўп ҳолларда маҳсус (штатдаги) назоратчиларнинг текшириш ўтказиш режаларига ҳам киритилади. Режали инвентаризация бухгалтерия учёти системасида муҳим ўрин тутади. Маҳсус қарорга кўра, ҳар бир хўжалик маблағлари ва моддий бойликлари тури бўйича маълум бир вақт ичида инвентаризация ўтказиб турилиши керак.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида режали инвентаризациялар ўтказиш бўйича ҳукумат қарори билан қўйидаги муддатли: асосий воситалар (чорва молларидан ташқари) — йилда камида бир марта; бино ва иншоотлар — икки-уч йилда бир марта; капитал қўйилмалар, келгуси давр харажатлари ва туталланмаган ишлаб чиқариш бўйича — йилда бир марта; чорва моллари — ҳар кварталда; ем-хашак, уруғли ва ўғитлар, эҳтиёт қисмлари, ремонт материаллари — йилда камида икки марта; тайёр маҳсулот ва кам баҳоли буюмлар — йилда бир марта; нефть маҳсулотлари, пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозлар — ҳар ойда; молия-кредит органлари билан ҳисоб-китоблар — ҳар кварталда ва бошқа, ҳисоб-китоблар бўйича йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилгандир.

Назорат органларининг режаларида кўрсатилмаган, инвентаризация ўтказишга зарурат туғилганда ўтказилидиган инвентаризация режасиз инвентаризациялар дейилади. Инвентаризациянинг бу тури маҳсус (штатдаги) ва халқ назоратчилари томонидан тез-тез, қонунчиликнинг бузилиши содир бўлган ҳолларда, меҳнаткашлар хабарларига кўра ёки шубҳали хўжалик операциялари аниқланган пайтларда ўтказилиб турилади.

Текширилаётган обьектни қамраб олишига кўра, инвентаризация тўлиқ ва танланма инвентаризацияларга бўлинниши мумкин. Текширилаётган обьектнинг ҳамма бўлинмалари қамраб олинса, бу тўлиқ инвентаризация ҳисобланади. Тўлиқ инвентаризацияга ҳазинани тафтиш қилиш (пул маблағлари инвентаризацияси), хўжаликдаги моддий бойликларнинг режали инвентаризацияси яқъол мисол бўла олади. Текширилаётган обьект бўлинмаларининг фақат бир қисмини кўриб чиқиш (санаш, ўлчаш, тортиш) билан чекланувчи инвентаризация танланма инвентаризация деб аталди. Амалиётда инвентаризациянинг бу туридан бажарилган бирор-бир ишнинг реал ҳажмини аниқлашда, чорва молларининг ёши, жинс гурухлари ва бош сонини билишда ёки баъзи товар-моддий бойликларнинг сақланишини аниқлашда фойдаланилади. Танланма инвентаризация ўтказиш назорат ходимларидан нисбатан кам вақт ва меҳнат талаб этади, ҳамда унинг натижаларидан текширилаётган хўжаликда мулкнинг сақланиши ва ундан рационал фойдаланиш тўғрисида умумий, етарлича тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин. Лекин у назорат натижасининг тўла обьективлигини таъминлай олмайди, - моддий зарарнинг (агар моддий зарар етказилган бўлса) тўлиқ миқдорини аниқлаш ҳам қийин. Бундай ҳолда тўлиқ инвентаризация ўтказиш керак бўлади.

Инвентаризация мазмунига кўра, ресурслар ва жараёнлар инвентаризацияларига бўлинади.

**Ресурслар инвентаризацияси** деганда, хўжалик потенциал ресурс обьектларни натурал, яъни физик жиҳатдан санаш, ўлчаш ва тортиш йўли билан кўриб чиқиш тушунилади. Бу ресурслар корхонанинг ишлаб чиқиши, хўжалик, молия фаолияти фойдаланадиган, такрор ишлаб чиқариладиган ёки такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслардир. Такрор ишлаб чиқариладиган ресурсларга инсон меҳнатининг маҳсули бўлган, бино ва иншоотлардан тортиб, пул маблағларигача

бўлган моддий бойликлар, чорва моллари ҳамда ўсимликлар киради.

Бунда ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар эса такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар ҳисобланади. Шу ресурсларнинг турлари инвентаризация қилишга қараб, табиий ресурслар, ўсимликлар ва тирик организмлар, моддий бойликлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар инвентаризацияларига бўлинади.

**Жараёнлар инвентаризацияси** деганда, корхона маблағларининг айланма оборотининг алоҳида-алоҳида босқичларини ҳақиқий ҳолида кўриб чиқиш тушунилади. Жараёнлар ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги бажарилган ишлар ва харажатлар, молиявий жараёнга эса ҳисоб-китоб ва молия операциялари киради. Ишлаб чиқариш жараёнлари инвентаризациясида бажарилган ишларнинг миқдори ва сифати (асосий ва капитал қўйилмалар фаолияти бўйича) текширилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш инвентаризацияси (ҳосилнинг контрол йигими, назорат сут соғими, назорат жун қирқиши) бунга мисол бўла олади.

Ҳисоб-китоб ва молиявий операциялар инвентаризациясига эса корхонанинг бошқа хўжалик ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоб операцияларини, корхонанинг банкдаги счётларидаги пул маблағларини, дебитор ва кредит қарзларнинг реаллигини текшириш, баланс ҳайъати қарорини ва баланснинг реформацияси инвентаризация қилиш операциялари киради.

Хўжалик ишларида инвентаризациянинг у ёки бу турини қўллаш назоратнинг олдида турган конкрет ва-зифаларига кўра аниқланади.

### **Инвентаризация ўтказиш тартиби**

Назорат тафтишнинг мақсадига кўра, инвентаризациянинг у ёки бу турини танлаш назоратчилар савиясига боғлиқдир. Тафтиш қилинаётган хўжалик маъмурияти инвентаризация ўтказиш учун назоратчиларга барча шароитни яратиб бериши лозим. Назоратчилар хўжалик раҳбари ёрдамида ҳайъат таркибини тузадилар ва инвентаризация ўтказиш учун керакли кишиларни жалб қиласидилар.

Инвентаризация тайинланиб, назоратчилар ва хўжалик масъул ходимларидан иборат ҳайъат тузилгач, мод-

дий жавобгар шахснинг бевосита иштирокида инвентаризация ўтказиш бошланади. Агарда у ёки бу сабабларга кўра (сафар, касаллик ва бошқалар) моддий жавобгар шахс иштирок этмаса, у ҳолда сафар таркибига маҳаллий органларнинг вакилини қиритиши лозим.

Ресурслар, моддий бойликлар инвентаризациясини бошлашдан олдин назоратчилар моддий жавобгар шахсга инвентаризациягача бўлган ҳамма кирим ва чиқим бошланғич хужжатларини учёт регистрларига ўтказдириши, кейин қолдиқлар асосида ҳисобот туздириб, хўжалик бухгалтериясига топширишин таъминлашлари ҳамда моддий жавобгар шахсдан ҳамма хужжатлар ва кирим ёки чиқим қилинмаган моддий бойликлар жойида эканлиги тўғрисида тилхат олишлари шарт. Тилхатни бевосита ҳисоботига ёки алоҳида вараққа ёзиши мумкин. Кейин моддий жавобгар шахс томонидан олинган бошланғич хужжатлар форма ва мазмунига кўра, дикқат билан текшириб чиқлади. Бунда белгиланган тартибда тўлдирилмаган хужжатлар ва бошқа кишилардан олинган тилхатлар эътиборга олинмайди.

Моддий жавобгар шахс ҳисобидаги моддий бойликлар қолдиқлари бухгалтерия учёти маълумотлари билан таққосланиб кўрилади. Агарда бу маълумотлар орасида фарқ бўлса, хўжалик бош бухгалтери орқали унинг сабаблари аниқланади ва моддий бойликларнинг инвентаризация бошланиш вақтигача бўлган қолдиги аниқ ҳисоблаб чиқлади. Бу маълумотлар инвентаризация натижалари билан солиштириб кўриш учун фойдаланилади.

Ресурслар инвентаризациясини ўтказишни ташкил қилишда хазина, омбор биноси ва текшириш лозим бўлган обьектлар жойлашган бошқа биноларни олдиндан тайёрлаш, столлар, стеллажларни тартиб билан жойлаштириш, текширилган ресурслар учун жой очиш, зарур ҳолларда биноларни ёритиш ва иситишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Инвентаризацияда қатнашувчи ишчилар ва комиссия аъзолари инвентаризация ўтказиш тартиб-қоидалари билан таништирилган, уларга керакли инструктажлар берилган бўлиши керак. Инвентаризация пайтида текширилаётган обьектда моддий бойликларни қабул қилиб олиш ва чиқариш операцияларини тўхтатиш лозим ёки инвентаризация натижаларининг объективлигини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи алоҳида режимни кўллаш зарур. Ана шу ташкилий ишлар амалга

оширилгач, бевосита моддий бойликлар инвентаризациясини бошлашга киришиш мумкин.

Инвентаризациянинг тўлиқлигини ва объективлиги-ни таъминлаш учун моддий жавобгар шахс комиссияга жавобгарлигидаги мавжуд ҳамма моддий бойликларни кўрсатиши лозим. Бунда моддий жавобгар шахснинг ўзига, бошқа бирор шахсга ёки бошқа хўжаликка тегишли, лекин тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган моддий бойликлар текширилаётган хўжаликники деб ҳисобла-нади ва хўжалик ҳисобига кирим қилинади.

Инвентаризация натижаларига кўра, ҳайъат ва моддий жавобгар шахс ўртасида келишмовчилик бўлмаслиги учун инвентаризация тутагандан ёки ҳар куннинг охирида ёзув натижалари ўзаро текшириб борилади.

Санаш йўли билан ўтказиладиган инвентаризация-да (пул маблағлари, чорва моллари, асосий восита-лар, кам баҳоли ва тез тўзидиган буюмлар, эҳтиёт қисмлар) санашни одатда инвентаризация ҳайъатининг дикқат билан кузатиши остида моддий жавобгар шахс амалга оширади. Санаб ўтказилган буюмлар бир жой-дан бошқа жойга ўтказиб қўйилади ва инвентаризация тутагунча хўжалик ишлаб чиқариш оборотига жалб этил-майди.

Тарозида тортиш йўли билан ўтказиладиган ресурслар, моддий бойликлар (уруглик, ем, тайёр маҳсулот, минерал ўғит, қаттиқ ёқилғи ва бошқалар) инвентаризациясида ортиш-тушириш ишларини бажариш учун ишчилар жалб қилинади. Ҳар бир тортиш натижалари ҳайъат аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан параллел равишда ёзиб борилади.

Ўлчаш усули билан ўтказиладиган моддий бойликлар (дағал ҳашак, органик ўғит, нефть маҳсулотлари, курилиш материаллари ва бошқалар) инвентаризациясида жавобгарлик шахс ҳайъати билан биргаликда бу ресурсларнинг бўйини, энини ўлчаб, уларнинг ҳажми-ни топади.

Жараёнлар инвентаризациясида (бажарилган ишлар, ҳисоб-китоб ва бошқалар) ҳам инвентаризациягача учёт маълумотларида акс эттирилган бажарилган иш ва хизматлар ҳажми, дебитор ва кредитор қарзлар суммаси аниқланади. Агарда инвентаризация ўтказиладиган пайтда бухгалтерия учётида акс эттирилмаган бажарилган иш ёки ҳисоб-китоблар бўлса, бу операциялар бошлангич ҳужжатлар асосида учёт регистрларига ўтказилади. Сўнгра охирги қолдиқ чиқарилади ва шундан кейин тегишли

мутахассислар (агроном, инженер-қурувчи, инженер-механик, бухгалтер ва бошқалар)дан иборат ҳайъат бу ишларнинг ҳақиқий бажарилишини аниқлайди.

### **Инвентаризация натижаларини хужжатлаштириш**

Амалдаги қонунларга кўра, инвентаризация натижалари орқали далолатномалар билан расмийлаштирилади ва тафтиш умумий далолатномасига ёки текшириш маълумотномаларига илова қилинади.

Биринчидан, инвентаризация натижалари бўйича зарурый ҳисоб-китоблар ўтказилгач, комиссия ва моддий жавобгар шахс ҳисоб-китоби чиқарилади. Агарда бунда ҳайъат ва жавобгар шахс ҳисоблари бўйича фарқ чиқса, қўшимча — бетараф шахслар иштирокида инвентаризация обьекти қайтадан текширилади.

Инвентаризация маълумотлари солиштириб чиқилгач, текширилаётган ресурсларнинг ҳақиқий қолдиги ва учёт номенклатураси тўғри келмаганилигидан чиқсан инвентаризация фарқлари ёзib тартибга солинади. Бунда ресурсларнинг камомади ва ортиқчалигини бир-бiri ҳисобига қоплаш, фақат бир хил номдаги ҳамда битта моддий жавобгар шахс жавобгарлигидан ресурслар бўйича ўтказилиши мумкин.

Бу операциялар ўтказилгандан кейин ҳар бир ресурс турлари бўйича камомад ёки ортиқча миқдорлари аниқланади. Ҳамма аниқланган ресурслар камомадларига тегишли органлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар ва моддий бойликларни сақлашдаги табиий камайиш нормаларига асосан ҳисоблар тузилади. Бу ҳисоб-китоб натижаларини эътиборга олган ҳолда аниқланган камомадлар моддий жавобгар шахс зиммасига юкланди, ортиқча чиқсан ресурслар эса корхона, бухгалтерия, учётининг тегишли счёtlари бўйича хўжаликка кирим қилинади.

Инвентаризация натижалари акс эттириладиган оралик актда комиссия таркиби, моддий жавобгар шахснинг фамилияси ва исми, инвентаризация тури ва унинг ҳисоботлари кўрсатилади. Далолатномага ҳайъат аъзолари ва моддий жавобгар шахс имзо чекиб тасдиқлайдилар, сўнг жавобгар шахс текширилган моддий бойликларни ўз жавобгарлигига қабул қилинганилиги тўғрисида ёзма равишда тушунтириш хати ёзади. Қўйида нақд пул маблағлари инвентаризациясининг намунавий далолатномасини келтирамиз.

Оқдарё туман қишлоқ ва сув хўжалик бошқармасига қарашли «Даҳбед» кооператив ширкат хўжалиги хазинасидан нақд пул маблағларининг тўлиқ инвентаризациясининг

## ДАЛОЛАТНОМАСИ

«Даҳбед» қўргони

2001 йил 2 апрел

Бизлар қўйида имзо чекувчилар, Оқдарё катта бухгалтер-ревизори Хўжаев К.Х., хўжалик раҳбари Элмонов Т., хўжалик бош бухгалтери Каримов А.К., хўжалик хазинабони Зокиров О.З. иштирокида хўжалик хазинасининг 2001 йил 1 апрелгача бўлган ҳолатига кўра тафтиш ўтказдик. Тафтиш натижасида қўйидағилар аниқланди: Кассир томонидан, касса дафтарида қайд қилинмаган, охиргиси 2001 йил 1 апрелда тузилган 190-номерли кирим ордери бўлган жами суммаси 230 (икки юз ўттиз сўм)га тенг кирим хўжатлари ва 200-номерли 2001 йил 1 апрелга қадар тузилган чиқум ордери ҳам киритилган жами суммаси 300 сўм 35 тийин (уч юз сўм ўттиз беш тийин) бўлган касса чиқум хўжжатлари топширилди. Юқорида кўрсатилган суммалар ва 2000 йил 21 марта даги охирги касса ҳисоботдаги 370 (уч юз етмиш) сўмни ҳисобга олган касса дафтари бўйича 2001 йил 1 апрелда бўлган охирги қолдик 269 сўм 65 тийин (икки юз олтмиш тўйқиз сўм олтмиш беш тийин) ташкил этади. Бу сумма бухгалтерия учётидан 2001 йил 1 апрелгача бўлган маълумотлар билан мос келади.

Хазинадаги 2001 йил 1 апрелгача бўлган ҳақиқий қолдик, 271 (икки юз етмиш бир) сўм. Бундан ташқари кассада 3 сўм 15 тийинлик (уч сўм ўн беш тийинлик) маркали почта открытикалари бор.

Хазинада ортиқча пул маблағлари 1 сўм 80 тийин (бир сўм саксон тийин), бу ортиқча сумма 2000 йил 1 сентябрда 191-номерли кирим ордери билан кирим қилиниб, касса дафтарида қайд этилди.

Пул маблағлари ва бланкалар сейфда сақланади. Бу сейфнинг битта калити кассирда, иккинчиси эса кассир томонидан печатланган конвертда хўжалик раҳбарининг сейфидаги сақланади.

Хазина биноси хўжалик идорасининг бошқа биноларидан алоҳида жойлашган, темир панжара билан тўйсилган битта деразаси бор. Хазина штатдаги қоровул томони-

*дан қўриқланади. Хазинада тегишли бўлмаган нақд пуллар ва бошқа бойликлар сақланмайди.*

*Хазиначининг шахсий делосида унинг 1999 йил 10 марта моддий жавобгарлиги тўғрисида мажбуриятномаси бор. Бу мажбуриятнома ёзилган муддат унинг хазиначилик вазифасига қабул қилинганини тўғрисида буйруқ санаси билан мос келди.*

*Далолатнома икки нусхада тузилади.*

<i>Оқдарё туман бошқармасининг катта бухгалтер-тафтишчиси:</i>	<i>Хўжаев К.Х.</i>
<i>Раҳбари</i>	<i>Элмонов Т.</i>
<i>Бош бухгалтер:</i>	<i>Каримов А.К.</i>
<i>Хазиначи</i>	<i>Зокиров О.З.</i>

*274 сўм 35 тийинлик (икки юз етмиши тўрт сўм ўттиз беш тийин) нақд пул қолдигини ўз жавобгарлигимда қабул қилдим.*

*2 апрел 2001 йил*  
*Хазиначи* *Зокиров О. З.*

*Далолтноманинг бир нусхасини олдим*  
*2 сентябрь 2001 йил*  
*Бош бухгалтер* *Каримов А. К.*

Моддий бойликлар инвентаризацияси натижалари бўйича тузиладиган далолатномалар одатда жадвал шаклида моддий бойлик турлари, ўлчов бирлиги, бойликлар миқдори (учёт ва ҳақиқий маълумотлар) ҳамда натижалар (камомад ёки ортиқча) кўрсатилади. Кўйида моддий бойликлар инвентаризацияси натижаларига кўра тузилган оралиқ далолатнома намунасини келтирамиз.

*Оқдарё туман агросаноат комитети «Даҳбед» ж/х марказий омборидаги товар-моддий бойликларнинг 1999 йил 1 сентябргача бўлган ҳолати бўйича тўлиқ инвентаризация ўtkазиш.*

## **ДАЛОЛАТНОМА**

*«Даҳбед» қўргони 2001 йил 2 апрел*

*Бизлар Оқдарё туман бошқармаси катта агрономи Комилов Б. К., бошлиқ Элмонов Т., бош бухгалтери Каримов А., агроном Бобоев М. Я. ва бухгалтер Муродов Б. Глар бўлиб тузамизки, омбор мудири Тўраев Б. Т., иштирокида омборда сақланяётган товар-моддий бойлик-*

*ларнинг 1999 йил сенбяргача бўлган ҳолатига кўра инвентаризация ўтказилди.*

*Инвентариция натижасида қўйидағилар аниқланди:*

### **Моддий бойликлар турлари бўйича кўрсатилимоқда**

№ №	Моддий кўймат- ликлар- нинг номлари	Ўлчов бирли- ги	Баҳоси сўм	Миқдори		Натижа			
				Учёт маълу- мотла- рига кўра	Ҳақи- қатда	Камомад	Ортиқ	Миқ- дор	Сум- ма
1	ДСП	M2	3-00	2330	2300	30	90-00	-	-
2	Шифер Вс-40	Дона	2-40	1600	1640	-	-	40	96
3	Рубероид	Рулон	3-50	439	435	4	14-00	-	-
4	Буёқ	Кг	1-20	1640	4600	40	48-00	-	48-00
5	Буёқ	Кг	1-20	200	2040	-	-	40	-
6	Тахта	M2	60-00	15	15	-	-	-	-
7	Угольник	Тон	650-00	4	4	-	-	-	-
8	Азбесс труба 150мм	пм	2-50	110	110	-	-	-	-

*Далолатнома уч нусхада тузилди.*

*Инвентаризация комиссияси аъзолари имзолари:*

*Комилов Б.*

*Эммонов Т.*

*Каримов А. К.*

*Моддий жавобгар шахс имзоси:* **T. Tўraev**

*Инвентаризациядан сўнг ушбу далолатномада кўрса-  
тилган моддий бойликларни ўз жавобгарлигимга қабул  
қандим, омбор мудири **Tўraev B. T.** 2001 йил 1 апрел.*

Корхона омборларидаги моддий қийматликларнинг турлари кўп ёки озлигига ҳамда корхонадаги дастлабки ва бухгалтерия учётининг ҳолатига қараб, инвентаризация актлари маълум муддатга қолдиқлари бўйича, фақат қолдиқлари кўрсатилган ҳолда алоҳида оралиқ далолатномасида кўрсатилиса, бухгалтерия учёти маълумотлари билан таққослаш учун ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича алоҳида-алоҳида солиштирма қайднома тузилиши мумкин, у куйидагича: Оқдарё туманига қарашли «Даҳбед» жамоа хўжалиги омбор мудири Б.Тўраевнинг 1.01.2000 йилдан 1.04.2001 йилгacha моддий жавобгарлигидаги товар бойликларнинг солиштирма қайдномаси:

С Ч Ё Т № 2	Моддий киймат лар номи	Ўлчов бирлиги	БАҲСИ 199. йил колдик	1.01 1.09. йил га	1.01.дан оборот 1.09.гача уч.	1.09 йил бух. уч. қолдик	Амалдаги нормалрга мувофика табий камайиши хисобланади	Учётбўйича табиий камайиши дан сўнг қолдик	Ҳақиқатда инвентари- зация мав- жуд	Натижа		Хисобдор шахс им- зоси
										Кам	Ошик	

Ревизор-бухгалтер  
Раҳбар  
Бош бухгалтер  
Омбор мудири

Хўжаев К.Х.  
Элмонов Т.Э.  
Муродов Б.Т.  
Тўраев Б.Т.

Шундан сўнг ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича инвентаризация якунига кўра, натижа далолатномаси ёзилади. Мазкур мисол бўйича жамоа хўжалиги омбор мудири Б. Т. Тўраев, жавобгарлигидан кам чиқсан моддий қийматликлар бўйича унинг зиммасига ёзиб унди-

рилишга, табиий кам келган моддий бойликлар бўйича эса корхона харажатига чиқарилади, ошиқ чиқсан моддий қийматликлар эса қайтадан даромадга олинади.

Чорва моллари инвентаризацияси оралиқ далолатномаларда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлар билан бир қаторда моллар тирик вазн ҳамда уларнинг индивидуал белгилари (тамға, исирға, мол қулоқлари-даги рақам, лақаби ва бошқалар) кўрсатилиши зарур.

Жараёнлар инвентаризациялари (бажарилган ишлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқалар) натижаларига ҳам худди шунга ўхшаш оралиқ далолатномалар тузилади. Бунда фақат моддий бойликлар инвентаризацияси далолатномасида моддий бойликлар миқдори кўрсатилган жойда текширилаётган жараёнлар ҳажми (мос ўлчов бирликларида) суммаси ўрнида эса бу жараёнларни амалга ошириш харажатлари кўрсатилиади.

Оралиқ далолатномада уч нусхада тузилиб, бир нусхаси текшириш ўтказаётган назорат органида қолди, иккинчиси текширилаётган хўжаликда, учинчиси эса моддий жавобгар шахсга берилади. Баъзи ҳолларда, инвентаризация натижаларига кўра, ишни суд-тергов органларига топшириб зарур бўлганда, далолатнома тўрт нусхада тузилиб, биринчи нусхаси албатта, шу органларга жўнатилиади.

Зарур ҳолларда инвентаризация оралиқ далолатномаларига моддий жавобгар шахсларнинг тилҳат ва тушиуниш хатлари, моддий бойликларнинг табиий камайиши ҳисоблари, назоратчиларнинг инвентаризация натижалари бўйича тегишли хulosалари ёзма равишда илова қилиб келтирилади. Бу маълумотлар асосида хўжалик маъмурияти ёки юқори ташкилотлар томонидан керакли қарорлар қабул қилинади (моддий бойликлар сақланиши ва улардан фойдаланишини яхшилаш, камомадлари моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш ёки уларни жавобгарликка тортиш ва бошқалар).

## **АУДИТ ВА ТАФТИШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

### **Ишни режалаштириш ва ташкил қилиш шакллари**

Маълумки, назорат-тафтиш ишлари уларни режалаштиришдан бошланади. Унинг режалаштирилиши келгуси даврда амалга ошириладиган ишларнинг рўйхати ва назорат-тафтиш органлари томонидан уни ўтқазиши учун зарур шарт-шароитларнинг яратилишини кўзда тутади.

Назорат-тафтиш ишларини режалаштириш перспектива жорий режалар асосида амалга оширилади.

Перспектив режалар түгрисида гап кетганда, назорат-тафтиш органлари томонидан беш йил ва ундан ортиқ муддатга мўлжаллаб қилинадиган ишлар тушунилади. Бунга назоратчилар меҳнатидан самарали фойдаланиш ишини ташкил қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва мулкнинг ҳар қандай йўқотув, талон-тарож бўлишига таалуқли ҳамма йўлларни батамом бартараф қилиш түгрисидаги тадбирлар кирди. Бу режаларда амалдаги норматив далолатномаларни янада тақомиллаштириш: назоратнинг янги форма ва методларини, фан-техника, ютуқларини кенг жорий қилиш кабилар ҳам кўрсатилади.

Жорий режалар бир йилга (квартал ва ой) тузилган бўлиб, у перспектив режаларнинг конкретлаштириб, самарали амалга ошишини таъминлайди. Унда тафтиш ўтказиш муддатлари, ҳисобот тузиш ишлари кўрсатилади. Кўйида бошқарма назорат-тафтиш бўлимининг қарамоғидаги хўжаликларни тафтиш қилиш режаси келтирилади:

«Тасдиқлайман»  
Самарқанд вилояти сув ва қишлоқ  
хўжалик бошқармасининг бошлиғи

Самарқанд вилоят сув ва қишлоқ хўжалик бошқармасига қарашли  
хўжаликлардá ҳужжатли тафтиш ўтказиш режаси

№ №	Туман ва хўжалик- лар номи	Олдин қайси даврга қадар таф- тиш ўтка- зилган	Қайси даврда тафтиш ўткази- лади	Таф- тиш тури ва фор- маси	Тафтиш ўтказилади		Ҳақи- қатда тамом- ланади	Тафтишни ким ўтказади вазифаси ва фамилия- си
					Бош- ланади	Та- мом- ланади		
1	Оқдарё тумани бўйича Даҳбед ж/х Р.Хамра- ев ном- ли ж/х ва ҳоказо	I.IX...	I.IX□ I.XI□	Комп- лекс	I.IX I.X.	I.X□ I.XI		Катта бухгалтер- тафтишчи Хўжаев К. Бухгалтер- тафтишчи Ахмедов С.
2		I.X□	I.X□	*				

Назорат-тафтиш бўлими бошлиғи Файзиев Искандар.

Жорий режалар назорат-тафтиш бўлим ва бошқармалари томонидан тузилиб, бу бўлим ёки бошқарма таркибида бўлган ташкilot раҳбари томонидан тасдиқланади. Агарда квартал ёки ойда бу режаларга ўзгариш киритилса, улар худди йиллик режа сингари тасдиқланади. Бу жорий режаларга мувофиқ ҳар бир назорат-тафтиш ходими ўзининг индивидуал режасини тузади. Бу индивидуал режалар бўлими бошлиги томонидан тасдиқланади.

Шундай қилиб, перспектив ва жорий режалар тафтиш-назорат ишларининг бошланиши бўлиб, ўтказиллаётган контрол ишларининг самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Назорат ишларининг самарадорлигининг ошишида, уни ташкил қилиш формалари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда бундай назорат-тафтиш ишларини ташкил қилишнинг қуидаги, яъни марказлаштирилган, марказлаштирилмаган, коллектив ва индивидуал, аралаш ҳамда аралаш бўлмаган формалари мавжуд.

Марказлашган ёки марказлашмаган тафтиш формалари ишларнинг халқ хўжалик бўғинлари миқёсида бир жойга тўпланишига қараб ажратилади. Тафтиш-назорат аппаратининг вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси вилоятда тўпланиши марказлаштирилган назорат-тафтиш формасидир. Бунда бу ишлар иккинчи бўғиндан бошлаб марказлашади. Бундай форма назорат ишларида объективликни таъминлайди, аммо салбий томони — маҳаллий ташкилотлар ташаббусини бўғади. Бу эса маълум даражада ишнинг самарадорлигини пасайтиради.

Марказлашмаган формаси асосан туман ва хўжалик миқёсида ташкил қилинади. Бу камчиликларни очиш имкониятини оширади. Салбий томони эса субъектив омил кўпроқ таъсир кўрсатади.

Назорат-тафтишнинг коллектив формасида текшириш ишлари назоратчилар бригадаси ёки гурӯҳи томонидан олиб борилади. Бундай назорат унинг сифати ва оператив бўлишини таъминлайди. Назорат-тафтишнинг индивидуал формасида ишлар айрим малакали назоратчилар томонидан ўтказилади. Бундай текширишлар сифат ва оператив жиҳатидан назоратнинг коллектив формасига нисбатан кам самара беради. Шунинг учун бундай тафтишлар кичик корхоналарда ўтказиб келинади.

Назорат-тафтиш ишларининг аралаш формасида

текширилаётган объектда давлат контроли, молия-кредит ва ҳисоб-китоб ходимлари биргаликда тафтиш ўтказерадилар. Аралаш бўлмаган назорат-тафтиш ишларига эса, корхоналардаги назорат бўйлимлари томонидан ўтказиладиган тафтишларни мисол қилиш мумкин. Назорат-тафтиш ишларини ташкил қилишда назоратчилар объектда вужудга келган шароитга қараб назоратнинг энг самарали формаларини танлашлари мумкин, бу ўтказиладиган тафтишнинг самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилсин.

### **Назорат ходимларининг меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш**

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агарда назорат-тафтиш ходимларининг меҳнати қанча илмий асосда ташкил қилинса, у шунча катта самара беради. Тафтишнинг илмий асосланган ҳолда уюштирилиши биринчидан, меҳнат унумдорлигини оширса, иккинчидан эса текширув ишларининг самарадорлигини оширади.

Назорат (тафтиш) ишларининг илмий асосда ташкил қилинишининг қўйидаги йўналишлари мавжуддир; меҳнатнинг тақсимланишини ва кооперацияларни ташкил қилиш; назорат ходимларини тайёрлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш; тафтиш ишларида энг прогрессив форма ва методларни жорий қилиш, меҳнатни тўғри нормалаш.

### **Тафтишни тайинлаш тартиби ва уни ўтказиш дастурини тузиш**

Ҳозирги кунда назоратнинг тафтиш ва текшириш элементига катта эътибор бериб келинмоқда. Шунинг учун тафтиш ва текшириш ишларини тайинлаш, уни ўтказиш, натижаларини расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Тафтишлар тўсатдан ўтказилиши лозим, шунинг учун уни ўтказиш муддатларини ошкора қилиш ман қилинади. Тафтиш ёки текшириш ўтказиш, шу орган раҳбари томонидан чиқариладиган буйруқ ёки фармойишга мувофиқ тайинланади. Буйруқ ёки фармойишда тафтиш ўтказиладиган хўжаликнинг номи, у қамраб оладиган давр, тафтишнинг қандай усул ҳамда кимлар томонидан ўтказилиши ва бошқалар кўрсатилиши шарт. Тафтиш ўтказиш учун юборилдиган шахсларнинг ҳар бирига командировка гувоҳномаси ва бош-

қа маҳсус топшириқлар ҳам берилади. Буйруқнинг формаси қуидагича бўлиши мумкин:

### БУЙРУҚ № 31

*Самарқанд вилоят сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси*

*Самарқанд шаҳри*

*2001 йил 28 апрел*

*«Даҳбед» ж/хнинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молия фаoliyati юзасидан ҳужжатли тафтиши ўтказиши ҳақида.*

*1. 2001 йил назорат-тафтиши ўтказиши режасига мувофиқ Оқдарё туманидаги «Даҳбед» ж/хнинг 2001 йил 1 апрелдан 2001 йил 1 сентябргача бўлган ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий фаoliyati устидан комплекс ҳужжатли тафтиши ўтказилсин.*

*2. Комплекс ҳужжатли тафтиши ўтказиши учун қуидаги таркибида ҳайъат тайинланисин:*

*Катта бухгалтер тафтишчиси Хўжаев К. Х.*

*Катта агроном Жабборов А. Х.,*

*Катта зоотехник Каримов С. К.*

*Тафтиши ўтказиши учун бу шахслар «Даҳбед» ж/хига сафар хизматига жўнатилисин.*

*3. Оқдарё туман бошқармасига зарур ҳолатларда тафтиши ўтказиши ҳайъатининг талабига мувофиқ қўшимча мутахассислар ажратиш юклатилисин.*

*4. Тафтиши ўтказиши муддати 1 сентябрдан 1 апрелгача белгиланисин.*

*Самарқанд вилоят сув ва қишлоқ хўжалиги  
бошқармасининг раиси: 3. Ҳ. Жўрабеков*

Тафтиш гуруҳи хўжаликка бориш олдидан тегишли тайёргарлик ишларини амалга ошириш зарур. Жумладан, мазкур хўжаликнинг ишлаб чиқариш режаси, йиллик ва жорий ҳисоботлари, хўжаликнинг олдинги ўтказилган тафтиш далолатномалари, баъзи текшириш якунлари ҳақида маълумотнома ва билдиргилар билан яқиндан танишиши зарур. Бунинг учун ҳар бир группа аъзоси шахсий иш дафтарига эга бўлиши лозим. Гуруҳ бошлиғи тафтиш ўтказиши дастурини тузади.

Дастурда текшириш даврида қилинадиган асосий ишларнинг рўйхати, унинг қандай усулда ўтказилиши кўрсатилади. Дастурда ишлар хронологик тартибда

кўрсатилади, у тафтиш ўтказувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланади. Бу иш режаси тахминан қўйдаги-ча бўлиши мумкин:

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Назорат-тафтиш бўлими бошлиги

**Назорат-тафтиш ходимининг тахминий иш режаси**

№ №	Бажариладиган ишлар мазмуни	Бажа- рувчи шахс- нинг фами- лия- си ва вазифа- си	Текши- риш усули	Бажариш муддати	
				режа	ҳаки- да
1.	Хўжалик билан танишиш	Хўжаев К.Х. (бухгал- тер- таф- тишчи)			
2.	Кассани тўсатдан инвентаризация қилиш	—→—	тўлиқ	I/IX	
3.	Касса операцияларида тафтиш ўтказиш	—→—	тўлиқ	1—7/IX	
4.	Банкдаги счётларга доир операцияларни тафтиш қилиш	—→—	тўлиқ	8—11/ IX	
5.	Хисобдор шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларга доир операцияларни текшириш	—→—	тўлиқ	12/IX	
6.	Мол етказиб берувчиларга доир операцияларни тафтиш қилиш	—→—	тўлиқ		
7.	Тайёрлов ташкилотлари буюртма берувчиларга доир ҳисоб-китобларни текшириш	—→—	қис- ман тўлиқ	13/IX 14—16/ IX	
8.	Марказий ва ишлаб чиқариш бўлимларидағи омборларни инвентаризация қилиш ва ҳоказолар	ҳайъат	тўлиқ	1/IX— 10/IX	

Катта бухгалтер-тафтишчи

К.Х.Хўжаев

Ж/х тафтиш комиссиясининг 2001 йил 29 декабрдаги йиғилишида кўриб чиқилган. 12-Баённома.

Ж/х аъзоларининг 2001 йил 25 январь № 1 сонли қарори билан тасдиқланган.

Назоратчи хўжаликка боришдан олдин шундай режаларни тушиб, оралиқ далолатномалар ва умумий дадолатнома учун маълумотларни ҳам тайёрлаб кўйиши лозим. Бу ишларнинг олдиндан амалга оширилиши тафтиш ўtkазиш муддатини қисқартириш ва самарасини ошириш имконини беради.

Хўжаликларо ва жамоа хўжаликларида, ҳамда кооператив ташкилотларда хўжаликларда ички назорат-тафтиш ишларини режалаштириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бизнингча, ж/х тафтиш комиссиясининг ишларини ташкил қилиш қўйидагича бўлиши мумкин.

**Самарқанд вилояти Нарпай туманига қарашли «Зарафшон»  
жамоа хўжалиги тафтиш комиссиясининг 2001 йил учун  
тафтиш-назорат ишларининг режаси**

№ №	Текшириш ва тафтиш ишларининг турлари	Ўтказила- диган текшириш ва тафтиш- ларининг сони (кв.буй)	Ийл- лик тек- ши- риш ва таф- тиш- лар сони				Текши- риш ва тафтиш ўтка- зиш, уни талаб қили- надиган вакт кун сони	Меҳ- нат ҳақи саф- ланана- ди
			I	II	III	IV		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Ж/х нинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молия фаолияти бўйича ж/х бошқарувининг бир йиллик ишини тафтиш қилиш	1	—	—	—	1	45	350
2	Ж/х бошқарувининг ярим йиллик иши бўйича ж/х ишлаб чиқариш, хўжалик, молия фаолиятини тафтиш қилиш (199...й).		-	1	—	1	40	295
3	Моддий бойлукларни жавобгар шахслар бўйича инвентаризация қилиш (объектлар сони)	4	2	4	4	14	80	510

4	Ж/х пул маблағларини, емашакдан фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини текшириш ва тафтиш қилиш (объектлар сони)	8	10	6	6	30	126	7,20
5	Сигирларда назорат сифим үтказиш, ҳисобдор шахсларда пул маблағларини накд бўлишини текшириш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти сочишини текшириш (объектлар сони)	3	1	3	3	10	2,5	1,5
6	Ж/х участкаларида ишлаб чиқариш жараёнини текшириш	1	—	2	1	4	58	4
7	Ж/х машина-трактор паркида уларнинг амалдаги қоида ва инструкцияларга муваффик сақланишини текшириш	1	1	—	1	3	2,5	11
8	Нарпай туман сув ва қишлоқ хўжалик бирлашмаси томонидан үтказиладиган тафтишда қатнашиш	—	—	—	—	—	4,0	4,90
9	Ишлаб чиқариш ва моддий бойлик сақланадиган объектларда тұстадан инвентаризация үтказиш	—	—	—	—	—	3,0	1,90
10	Ж/х умумий йиғилиши йиллик ҳисботига тафтиш комиссиясининг хulosасини ёзиш ва уни колхозчилар умумий йигилишига тақдим қилиш	—	—	—	—	—	2,0	9,0
11	Тафтиш комиссиясининг иш юритиш бўйича регистрларини узлуксиз қайд қилиб бориш, киши-кунлар сони	4	4	4	4	—	1,6	14,5
Ж А М И:		x	x	x	x	x	44,5	33,75

Ж/х тафтиш ҳайъатининг раиси

А. Ҳакимов

## Тафтиш ўтказиш тартиби ҳақида

Тайёргарлик ишлари амалга оширилгандан сўнг тафтиш гуруҳи аъзолари хўжаликка борадилар ва у ерда бир неча босқич ишларни амалга оширадилар. Жумладан, корхона раҳбарлари ва ходимлари билан алоқа ўрнатиб, инвентаризация, назорат инвентаризация ҳамда тафтиш ўтказиш ҳақида келишиб оладилар, сўнг хўжаликда юз берган молиявий интизомларнинг бузилишини, камомад, ўғирлик, талон-тарожлик юз берган бўлса, етказилган заарлар миқдорини аниқлаб, ўтказилган тафтиш натижаларини расмийлаштирадилар.

Корхона билан алоқа ўрнатиш бошлангич босқич бўлиб бунда ҳайъат бошлиғи ва аъзолари корхона раҳбарига тафтиш ўтказиш ҳақидаги бўйруқни ёки фармойишни кўрсатади. Айрим тафтиш-назорат ишларини ўтказишда корхона раҳбарига айтилади, бош мутахассислар, жамоат ташкилотларининг бошлиқлари билан танишилади, ўтказиладиган тафтиш ва унинг олдида турган мақсад-вазифалар тўғрисида ахборот берилади.

Назорат обьектлари билан умумий танишиш, бу тафтиш ҳайъати аъзолари томонидан назорат қилинадиган жойларни кўз билан кўриш, корхонада иш юритилишини, моддий бойликлар сақланишини ўрганиш, ёрдамчи ва саноат корхоналари фаолиятини кўриш каби ишлардир. Шу билан бирга корхона раҳбарига қайта инвентаризация қилинадиган обьектларни хабар қилади. Бундай танишиш тафтиш гуруҳи олдида турган иш ҳажмини аниқлаш, уни тажрибалар асосида илмий ташкил қилиш имконини беради. Қайта инвентаризация ўтказиш, бу жуда масъулиятли босқич бўлиб, тафтиш ўтказиш режасига кўра, корхона раҳбари томонидан чиқарилган бўйруқ асосида ўтказилади. Аммо касса маблағларини қайта назорат инвентаризацияси ўтказиш учун бўйруқ чиқарилмайди. Бу билан ўтказилаётган тафтишнинг сифатли бўлиши таъминланади, қайта инвентаризацияга зарурият туғисла, ўтказилиши мумкин.

Тафтиш ҳайъати томонидан ўтказиладиган тафтиш ва текшириш асосий босқич ҳисобланиб, унда мулкдан фойдаланишнинг қонунийлиги чукур ўрганилади. Бу босқичда тафтиш гуруҳи бошлиғи ва аъзолари назоратини амалга оширишда зарур бўлган ҳамма формаларидан кенг фойдаланишлари зарур. Айниқса, ҳужжатли ва ҳақиқий назорат қўшиб олиб борилади. Тафтиш аъзолари фотоаппарат, ротопринтларда айрим ҳуж-

жатларни кўпайтириши ҳамда ҳужжат ва хўжалик маблағлари сақланишини ҳам суратга олиши мумкин. Корхона бухгалтериясида юритиладиган регистрларни, дастлабки ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини ўрганиб чиқади. Тафтиш аъзолари жой ва алоқа воситалари билан таъминланиши зарур. Бу босқичда етказилган зарар қандай шарт-шароитда юз берганлиги ҳисобга олиниши лозим. Етказилган зарарларни аниқлашда бозор баҳосида ҳисобланади. Зарарларни қоплашда пул маблағлари — номинал қиймати бўйича, моддий қийматиклар — баланс баҳосида (маълум вақтларда — давлат чакана баҳоларида ёки зарур ҳоллада — коэффициентлар қўллаб, 1,5 ёки 2 баравар) ишлаб чиқариш жараёнида эса қилинган ҳақиқий сарфлар миқдорида ундирилиши мумкин.

Тафтиш ва текширишнинг охирги босқичи, бу натижаларни умумий далолатнома ва ишлаб чиқариш бўлинма ёки ҳисобдор шахслар бўйича оралиқ далолатномалари асосида, текшириш якуни эса текширувчининг маълумотномаси билан расмийлаштирилади.

### **Тафтиш ва текшириш якунларини расмийлаштириш**

Тафтиш ишлари хўжаликларнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятини чукур ўрганиш, фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш, мулкни тўла сақланишини таъминлаш ва ундан унумли фойдаланиш кабиларни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, у хўжаликнинг умумий фаолияти билан танишиш, айrim мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти тўғрисида, байзи хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқ амалга оширилаётганлигини кўздан кечириш мақсадида ўтказилади. Текшириш якунлари маълумотнома билан расмийлаштирилади. Маълумотномада текширилган хўжаликнинг номи, текширилган объект, аниқланган резерв, камчиликлар ва уларнинг вужудга келишига нималар сабаб бўлганлиги, шу каби жавобгар шахс, шунингдек, камчиликларни тузатиш юзасидан таклифлар кўрсатилади. Бу маълумотномалар тегишли жойларда муҳокама қилиниб, унинг устидан чоралар белгиланади.

Тафтиш далолатномалари текшириш ўтказилган объектларнинг ҳажмига қараб, умумий ва оралиқ далолатномаларга бўлинади. Тафтиш далолатномаси амалдаги қонунларга мувофиқ хўжаликда юз берган опера-

цияларни процессуал жараёнида исботлаш учун юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар. Тафтиш қилиш далолатномасига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Далолатномада кўрсатилган далиллар фақат ҳақиқатга мос келиши керак.

2. Далолатномада ёзилган хulosалар ва таклифлар чуқур мазмунга эга бўлиши, аниқ, ҳамма учун тушунарли ёзилиши лозим.

3. Далолатномада далиллар бир тартибда ёзилиб, унинг сифатини пасайтириш ярамайди, бундай далилларнинг рўйхати ёки маълумотномаси илова қилиниб, уларга умумий характеристика ёзилиши керак.

4. Далолатномада тафтиш ўтказиш программасида, иш планида ёки дафтарида кўрсатилган масалалар тўла ўз ифодасини топиши лозим. Тафтиш далолатномаси икки, яъни кириш (кўп ҳолларда умумий қисм) ва асосий қисмлардан иборат бўлади.

Умумий далолатноманинг кириш қисмida корхонага тааллуқли маълумотлар, корхонанинг жойланиши, далолатноманинг тузилган вақти, тафтиш ҳайъатининг таркиби, тафтишнинг тури, ўтказилаётган давр, бу даврда молиявий жиҳатдан биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқига эга шахслар кўрсатилди. Далолатномани тузатиш қатъий ман қилинади. Агар айрим сабабларга кўра тузатилса, дахлдор шахслар имзоси бўлиши шарт. Кўйида тафтиш далолатномасининг намунавий формаси келтирилади.

*Оқдарё туманидаги «Даҳбед» ж/х ишлаб чиқариш, ҳўжалик-молия фаолиятини тафтиш қилиши натижалари бўйича*

## УМУМИЙ ДАЛОЛАТНОМА

«Даҳбед» қўргони

2000 йил 10 апрел

Бизларким, имзо чекувчилар Самарқанд вилоят сув ва қишлоқ ҳўжалиги бошқармасининг бухгалтер-тафтишичи -си Хўжаев К., жамоа ҳўжалиги раҳбари Элмонов Т., ж/х бош бухгалтери Бердиев Х. Б., бош агроном Аҳмедов С., бош иқтисодчи Убайдуллаев С., бош зоотехник Мўминов У., бош ветеринария врачи Султонов С., ер тузувчи Собиров К.лар бўлиб тузамизки, ушбу далолатномани шул ҳақдаким, жамоа ҳўжалигининг 1.IX.199... йилгача бўлган ишлаб чиқариш, ҳўжалик-молия фаолияти вилоят бошқа-

*рувининг № 31 сонли 199... йил 28 август буйругига асосан комплекс ҳужжатли тафтиши қилинди. Тафтиши 1.IX... йилда бошланиб, 10.X... йилда тугалланди.*

Олдинги тафтиши ж/х 1.IX... йилдан 1.II ... йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, у Содиқов А. бошлиқ тафтиши группаси томонидан ўтказилган. Тафтиши қамраб олган даврда ж/х раҳбари вазифасида Элмонов Т., бош бухгалтер вазифасида Бердиев Х. Б., бош иқтисодчи Жўраев К.лар тўлиқ ишлаган.

Ж/х паҳтачилик йўналишига эга бўлиб, унга 2810 га қишлоқ ҳўжалигига яроқли ер, 2350 га экинзор беркитилган. Ж/х да бошқаришининг цех системаси жорий қилиниб, ўсимликчилик бўйича 4-бўлим-цех, чорвачилик бўйича 2 ферма-цех, коммунал-ҳўжалик ва ижтимоий объектлар бўйича цех ҳамда қуриши цехлари мавжуддир.

Ж/х маъмурияти Оқдарё сув ва қишлоқ ҳўжалик бошқармасига қарайди, бирлашма 199... йил 20 январда тосдиқланган Уставга мувофиқ ши юритиб келмоқда. Тафтиши жараённада ж/х ишлаб чиқариш, молия-ҳўжалик режаларнинг бажарилиши, иш ҳақи фондидан, ишлаб чиқариш жараённада моддий ва ишчи ресурслардан унумли фойдаланиш, товар-моддий қийматликлар, нул маблағларининг сақланиши, ҳисоб-китоб, кредит, молия натижалари фонdlардан самарали фойдаланиш масалалари тафтиши қилинди. Шунингдек, тафтиши даврида ж/х ички ҳўжалик ҳисоби, молиявий аҳволи чуқур ўрганилиб чиқилди.

Пул маблағларини, ҳисоб-кредит операцияларини тўла тафтиш қилиш йўли билан, бошқа масалалар ва тафтиш ўтказиш программасида кўрсатилганидек танланма усул билан ўтказилади.

Ўтказилган тафтиш натижасида қўйидагилар аниқланди:

I. Ж/х да маҳсулот ишлаб чиқариш ва давлат буюртмаларининг бажарилиши. \*

II. Асосий воситаларнинг ишга туширилиши, капитал сарфлар режа ва шартномада кўрсатилгандек бажарилиши.

III. Иш ҳақи фондини (норматив режалаштириш нуқтаи назаридан) фойдаланиш ва штатлар интизомига риоя қилиниши.

IV. Асосий фонdlарнинг сақланиши ва улардан фойдаланиш.

V. Чорва молларидан фойдаланиш ва унинг сақлаши.

VI. Товар моддий қийматликларнинг сақланиши ва улардан унумли фойдаланиш.

VII. Ҳазина операцияларининг аҳволи ва ҳазина интизомига риоя қилиш.

VIII. Ҳисоб-китоб кредит ишлари интизомига риоя қилиш ва ҳисоб тўловларининг аҳволи.

IX. Ж/х молиявий аҳволи ва иқтисодий рағбатлантириш, маҳсус фонdlардан фойдаланиш.

X. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг аҳволи.

XI. Корхонада иш юритиш ва ижронинг аҳволи.

Бундан ташқари, корхонадаги тафтиш ишлари ва унинг сифатига қараб, актнинг айрим тематик бўлимлари ўзгариши мумкин.

Шундан сўнг, тафтиш далолатномаси, айрим норозиликлар бўлишига қарамасдан, З кун ичидаги имзоланиши керак. Борди-ю, унда далолатномага нисбатан эътиrozлар бўлса, улар ёзма равишда тақдим қилинади, аммо унда корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг белгиси бўлиши шарт. Бу эътиrozларга биноан тафтиш гурухи далолатномага ўз хulosасини ёзди. Тафтишнинг умумий далолатномага, бўлимлар, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти юзасидан тузилган оралиқ далолатномалари, улардан олинган тушунтириш хатлари илова қилинади. Умумий далолатнома тўрт нусхада тузилди, шундан икки нусхаси тафтиш қилинган корхонада қолади. Зарур ҳолларда агарда мулкнинг талонтарож қилингандиги далиллари учраганда далолатноманинг бир нусхаси суд-тергов органларига берилади.

### **Суд-тергов органлари талабига мувофиқ ўтказиладиган тафтишнинг асосий хусусиятлари**

Юқорида айтилганидек, тафтиш далолатномалари суд-тергов фаолиятида юридик исботлаш воситаси деб тан олганлиги учун ҳам бу органлар томонидан у ёки бу шахс, ёхуд корхона фаолияти устидан тафтиш тайёрланиши мумкин. Бунда тафтишларнинг тайинланиши, ўтказилиши республиканинг жиноят-процессуал кодексларида ва корхона (бирашмаси қонунининг тегишли моддасида аниқ кўрсатилади).

Суд-тергов органлари меҳнаткашлардан тушган ахборот ва сигналларга мувофиқ ҳам тафтиш тайинлашлари мумкин. Бунинг учун суд-тергов органлари тафтиш ўтказиш ҳақида қарор ва хатларни тафтиш ўтказадиган ташкилотга юборади. Унда тафтиш кимнинг ёки

корхонанинг қайси фаолияти устидан, қайси давр учун, қандай масалаларни қамраб олиши, қандай саволларга жавоб қилиниши тўла кўрсатилиши лозим. Шундан сўнг, юқори ташкилот томонидан тафтиш тайинланади. Тафтиш учун қарор ёки хат дастур сифатида қабул қилинади. Бундай ҳолатда назоратчилар ниҳоятда объектив иш тутиб, суд-тергов органлари билан мустаҳкам алоқада бўлишлари лозим.

Тафтиш ўтказиш формалари, турлари унда қўлланиладиган усусларни суд-тергов органлари билан маслаҳатлашиб, аммо асосан тафтиш группаси танлаб ўтказди. Текширувда суд-тергов органлари томонидан тафтиш олдига кўйилган савол ва вазифаларнинг ҳаммасига аниқ жавоб бўлиши шарт. Далолатномада суд-тергов органларининг қарори билан ўтказилган бош мутахассислар, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг раҳбарлари имзоси бўлади. Агар тафтиш даврида баъзи муаммолар чиқиб қолса, яна қарор ёки хат ёзилиб қўшимча тафтиш ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилади. Агар хўжалик операциялари бўйича айрим хўжжатларни олиш зарурати туғилса, унда бу иш «Бухгалтерия учётида хўжжатлар ва хўжжатлар обороти ҳақида Низом»га мувофиқ, амалга оширилди.

Хўжжатли тафтиш натижаси бўйича материаллар ташкилотнинг алоқа хати билан берилади. Бу алоқа хатида етказилган зарарнинг миқдори, келиб чиқиш сабаблари ва бошқа керакли хўжжатлар қўшиб берилади. Агар тафтиш ишида камчилик аниқланса, суд-тергов органлари қарор чиқариб, қайта тафтиш тайинлаши, уни шу груплага ёки бошқа группага юқлатиши мумкин.

### **Тафтиш ва текшириш якунлари бўйича қарор қабул қилиш**

Тафтиш якунлари бўйича чора кўриш у давом этаётган пайтда ҳам, тўла тамомлангандан кейин ҳам амалга оширилади. Ўтказилган тафтишлар якуни бўйича куйидаги чора-тадбирлар, яъни аниқланган камчиликларни йўқотиш ва тузатиш; тафтиш якунларини колектив йигилишида ёки мажлисларда муҳокама қилиш; ниҳоят, далолатномада аниқланган ўғирлик ва мансабни сунистъемол қилиш кабилар бўйича тўплангандаги материалларни суд-тергов органларига ўтказиш ишлари бажарилди.

Тафтиш якунлари бўйича текшириш ўтказилган корхона бўйсунадиган юқори ташкилот бир неча хил вариандаги қарорлар қабул қилиши мумкин. Булар: тафтиш якуни бўйича хат ёзиш, фармойиш ёки бўйруқ қабул қилиш; чиқарилган якун асосида қарор қабул қилиш ва ниҳоят тафтиш натижаси бўйича унинг материалларини суд-тергов органларига ўтказиш.

Хат, агарда тафтиш натижасида айрим молия-хазина интизомининг бузилиш фактлари аниқланса, баъзи ҳисобдор ёки мансабдор шахслар томонидан камчиликларга йўл қўйилган бўлса, юқори ташкилот томонидан фақат тафтиш ўтказилган корхона раҳбарлари ва мутахассисларига аниқланган камчиликларни тугатиш учун юборилади. Хат тафтиш ўтказган назоратчи томонидан тайёрланади.

Фармойишнинг хатдан фарқи шуки, унда кўрсатилган чоралар албатта бажарилиши лозим. Фармойиш тафтиш ўтказилган корхона бўйсунадиган ташкилот томонидан қабул қилинади. Фармойишлар ўзининг таркибий жиҳатидан конструктив ва албатта бажариладиган бўйруқ қисмидан иборат. Конструктив қисмida асосан тафтиш натижасида аниқланган камчиликлар кўрсатилса, иккинчи қисмida бажариш учун фармон қилинадиган ишларнинг мазмуни ёритилади. Зарур ҳолларда фармойиш бошқа ташкилотларга ҳам юборилиши мумкин, бундан мақсад шуки, кўшни корхоналар шундай камчиликларга йўл қўймасин.

Бўйруқ конструктив ва бўйруқ қисмлардан иборатдир. Бўйруқнинг молия-хўжалик фаолияти юзасидан аниқланган камчиликлар очиқ кўрсатилди, бўйруқ қисмida эса шу камчиликлар юзасидан тегишли мансабдор ва ҳисобдор шахсларга нисбатан кўриладиган ташкилий масалалар юзасидан кўрилган чоралар баён қилинади. Бўйруқ тафтиш ўтказилган корхонага бўйсунадиган ҳамма ташкилотларга жўнатилади. У корхона раҳбари ёки унинг муовини томонидан имзоланади. Бўйруқда кимлар ва улар бу ишларни қачон бажариши кўрсатилади.

Қарор, бу коллегиал органлар томонидан қабул қилиниб, назорат-тафтиш ишларини яхшилаб, қарамоғидаги корхоналарда мулкнинг сақланиши каби масалаларни ўз ичига олади. Қарор тармоқ вазирликлари коллегиясида ёки жамоа-кооператив ташкилотларда қабул қилинади. Қарорларда аниқланган камчиликлар, уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Агарда мулкнинг ўғирланганлиги ёки суистеъмол қилинганлиги

аниқланганда, уни тиклаш мақсадида тафтиш материалари суд-тергов органларига юборилади.

### **Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш**

Текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар, яъни хат, фармойиш, буйруқ, қарор ва суд-тергов органларига ўтказилган материаллар юзасидан назорат ўтказиш — ишлар ижросини текшириш муҳим аҳамиятга эгадир. Қабул қилинган қарорлар ижросини текширишни юқори ташкилотнинг тафтиш-назорат ишларини олиб борувчи бошқармалари ва бўлимлари юклатиш лозим. Албатта, бунда қилинган ишларни ҳисобга олиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун ўтказилган тафтиш, текшириш ва назоратларни ҳисобга олиб бориш маҳсус журнали катта роль йўнайди.

Унда юқори ташкилот қарамогидаги корхоналар қачон, қайси давр учун тафтиш қилингани, тафтиш якуни бўйича қандай тадбир-чоралар белгилангани, уларнинг ижроси нима билан тугагани аниқ кўрсатилиб борилади.

### **Назорат-тафтиш ишларини ташкил қилишда иш юритишини ўюнтириш**

Ҳар қандай меҳнат жараённида ҳам зарур маълумотларнинг йиғилиб бориши, уларни ўз вақтида анализ қилишни талаб қиласи. Йиғилган ахборот ва маълумотномаларни системага солиб ёки тегишли журналларга доимий равишда, маълум бир тартиб асосида қайд қилиб бориш иш юритиш дейилади.

Кўйида назорат-тафтиш органларида иш юритишининг системасини кўриб чиқамиз.

Назорат-тафтиш ишлари бўйича норматив далолатномалар делосида тафтиш, назорат ва текшириш ўтказиш методикаси, тартиби, вазирликлар ҳамда юқори ташкилотларнинг назорат-тафтиш ишлари юзасидан чиқарадиган инструктив хатлари, шунингдек, бу ишларни ташкил қилишга тааллукли ҳужжатлар тартиб билан йиғиб борилади. Унинг сақланиши муддати доимийdir.

Назорат-тафтиш ишларининг режаси бу органнинг перспектив, йиллик, квартал ва ойлик режаларидан иборат. Унинг сақланиши ҳам доимийdir.

Ўтказилган тафтиш ва текширишларнинг материал-

лари, бунда юқори ташкилот қарамоғидаги корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти устидан ўтказилган тафтиш, текшириш натижалари йиғилиб борилади, текшириш якуни бўйича маълумотномалар, керак хужжатларнинг нусхалари тўпланади. Делонинг сақланиши доимийдир.

Тафтиш ва текширишларни ҳисобга олиб борувчи журналда эса ўтказилган текширишларнинг якуни корхоналар бўйича ёзиб борилади. Журналда тафтиш ўтказилган корхонанинг номи, қайси давр фаолияти тафтиш қилинганилиги, неча сўм камомадлиги, ундан қанчасини ҳисобдор ёки мансабдор шахслар зиммасига ёзиш бўйича суммалар аниқланади, уларнинг тикланиши, тафтишни ким ўтказганлиги кўрсатилади. Сақланиш муддати доимий. Шунингдек, журналда тафтиш натижалари бўйича кўрилган тадбирлар ҳам қайд қилиб борилади, бу маълумотлар тафтиш-назорат ишлари бўйича ҳисобот тузиш учун ҳам фойдаланилади.

Назорат-тафтиш масалалари бўйича ташкилот ва корхоналар ёзишмалар делосида мулкнинг сақланиши, назоратчиларнинг малакасини ошириш, тафтиш якунларига кўра хат, фармойиш, бўйруқ, суд-тергов органлари билан ёзишма хатлар бўлиб, унинг сақланиш муддати уч йил.

Назорат-тафтиш органлари протокол дафтарига назоратчиларнинг ишларини янада такомиллаштириш юзасидан методик йиғилишларнинг якунлари ёзиб борилади. Унда муҳокама қилинган масалаларнинг қисқача мазмуни, масала юзасидан сўзга чиқувчиларнинг фикрлари ҳамда қабул қилинган қарорлар ёзилади. Протоколлар дафтарнинг сақланиши доимийдир.

Булардан ташқари, корхоналар ва хўжаликлараро ташкилотларнинг тафтиш комиссиялари қўшимча иккита: ходимлардан тушган ариза ва шикоятлар; тафтиш якунлари бўйича келаётган ва кетаётган ёзишмаларни қайд қилиш журнали тутадилар.

Биринчи журналда — делода корхонада ишлаётгандарнинг ариза ва шикоятлари, уларни текшириш якунлари ва кўрилган чоралар ёзиб борилади. Сақлаш муддати беш йил.

Иккинчи журналнинг сақланиш муддати 3 йил бўлиб, унда тафтишлар якуни бўйича келган-кетган хатлар, уларнинг қисқача мазмуни ёзиб борилади.

Иш юритиши ва назорат-тафтиш органларида давлат

ҳисоботи муҳим ўрин эгаллайди. Ҳамма назорат органдари, қандай ташкилотга бўйсунишдан қатъи назар, ҳисобот топширадилар. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналарининг йилик ҳисботларига мулкнинг камомади ёки ўfirланиши ҳақида алоҳида форма киритилгандир.

Йилик ҳисботга тафтиш комиссиясининг хулоаси илова қилинади, бу хулоса умумий жамоа аъзолари (ёки вакиллар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган тартибда тафтиш-назорат ишларининг режалаштирилиши, ташкил қилиниши ва олиб борилиши ҳозирги кун талаби бўлиб, назоратнинг иқтисодий самараадорлигини оширишни таъминлади.

Янги таҳрирдаги қонун аудиторларга тармоқлар, мулкчилик шаклларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқариш технологияси, товар ва хизматлар халқаро стандартларини, аудитнинг халқаро ва республикамиздаги стандартлар тўлиқ билишини талаб қиласи.

### **Аудит текширувани ўтказиш услубиятида персонал компютерлар ва эксперт тизимидан фойдаланиш**

Аудит текширувига тайёргарлик даврида, иш ҳажмини аниқлаш индивидуал режа ва дастурларни тузишда персонал компютердан фойдаланиш вақтини тежашда катта аҳамиятта эгадир. Бунда компютер дастурлар доирасидаги мижознинг файлларидан мазмунларига қараб фойдаланиши зарур бўлади. Бунда дастурлардаги зарур маълумотларни йиғиш, хўжатларнинг далил эканлигини ҳисобга олиш файлларда айрим олинган қисмларини, балки барчасини кузатиш зарур.

Аудиторлик текшируvida персонал электрон ҳисоблаш машиналарида (ЭХПМ) ишланган «Суперкалк», «Дракон», «Изикаяк» ва «Варитаб-86» типой дастурлардан фойдаланиш мумкин. Бунда аудитор маълумотларни гуруҳлаши, йиғма қилиши ва аналитик таҳдил қилиши, нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаб хулоса чиқариш мумкин.

Аудитор текшируvida эксперт системасидан фойдаланиш кўл келади. Бунда молиявий ҳисоботдаги маълумотлардан компютер ёрдамида фойдаланиши мумкин бўлади.

Эксперт системада олинган молиявий, иқтисодий

кўрсаткичлар аудитор текшируви мақсад вазифалари-ни белгилашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Эксперт системасида қўйидаги категориялардан фойдаланиш мумкин бўлади**

Категориялар	Муаммони ечиш	Мисоллар
Интерпретация	Вазиятни баҳолашда, кўпигина кўрсаткичлардан муҳимларини ажратиш	Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
Дастурлаш	Топшириқ берилган вазиятда дастурлашининг нима оқибатларга олиб келиши	Сотиш-олиш операциясида инвестициянинг иқтисодий, қайтими.
Вазиятни баҳолаш	Кутилган тизимдаги ҳаракат четланишни баҳолаш	Аудитда қўлланилган таваккалчилик тизимини баҳолаш
Лойиҳалаш	Текширув объектларини режа, дастурлардаги мақсадга мувоғиқ чеклаш	Текшириладиган соҳалар аудити
Режалаштириш	Барча аудит текширув лойиҳаларини тузиш	Ишлаб чиқаришресурсларини текширишини режалаштириш
Кузатиш	Изланувда фойдаланиладиган маълумотларни лойиҳаланган имкониятлар билан таққослаб, четланиш сабабларини мақсад қилиш.	Операцион аудит чет эл валюталар курсини четланиши
Камчиликларни аниқлаш ва уларни йўқотиш йўллари	Интизом бузилишлари, аудит текширув хатоларни кўзда тутилган меъсрларга мос келиши	Аудит текшируvida ёрдамчи воситалардан фойдаланиш
Резервлардан фойдаланишнинг аҳволи	Режанинг мажбурий бўлиши улардан четланиш даражаси	Шартномалар бўйича бажарилиш кетма-кетлиги.
Йўриқномалар ва таклифлар бериш	Аниқланган камчиликларни тутгатиш	Компьютерда шу асосида тайёргарлик
Назорат	Ривожланиш тизимидағи динамик ўсишни кузатиш	Коммуникация ва назорат

Эксперт системада аудит текширув мақсади, стратегияси излаш, уни юзасидан бир қарорга келиш имкониятини беради, зарур таклифлар беришга вазият вужудга келиши мумкин. Ундан фойдаланишда бирга-

лик изланиш, кўпмарталик изланишлардан фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Эксперт системада эвристик услубдан, яъни изланиши чеклаш услубидан фойдаланиш муҳим роль йўнайди. Бу система аудиторлар ишини енгиллаштиришга ва вақтни тежашга катта ёрдам беради, айниқса молиявий аҳвол, тўлов қобилиятини аниқлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Эксперт системада компьютерлардан фойдаланиш тестларини белгилаш муҳимдир.

Услублар	Мисоллар
Назорат қилинадиган муаммоларни қайта комп’ютерда ишлаш.	Фойдаланиладиган маълумотларни, эксперт системаларни кўриш ва улардан зарурларини танлаб олиш
Компьютерда қайта ишланган маълумотларни яна бир такрор кўриш	Эксперт системасида кўриб, қарорга келинган ечимларини тўғри хуносага қилинганлиги хуносага келиш
Параллел муаммоларни тузиш	Олинган маълумотларни бошқа эксперт система асосида кўриш ва хуносага келиш
Ёзувларни текшириш	Қўлланилган эксперт система аналитик таҳлил ва хуносага келиш имкониятини берадими

Шундай қилиб, республикамида ўтиш даврининг мураккаб кетаётганлиги, бозор иқтисодиёти жараёнидаги тез ўзгарувчанлик, иқтисодиётни эркинлаштириш кабилалрга қараб эксперт система вазиятдан келиб чиқиб турлича бўлиши мумкин.

### **АГРОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ, ХЎЖАЛИК ВА МОЛИЯ ФАОЛИЯТИНИ АУДИТ ВА ТАФТИШ ҚИЛИШ**

#### **ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ТАФТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**Пул маблағларини тафтиш ва назорат қилиш тартиби.  
Уни амалга оширишда назоратчилар олдидағи  
вазифалар**

Товар-пул муносабатлари мавжуд бўлган ҳамда қиймат қонуни амал қилаётган бир пайтда пул умумий эквивалент бўлиб, халқ хўжалигини режали пропорци-

онал ривожлантиришнинг мұхим воситаси ҳисобланади. Шунинг учун пулнинг барқарорлигини ошириш давлат аҳамиятига молик ишдир. Пул маблағларининг сақланиши ва улардан рационал фойдаланишини назорат қилиш бу борада мұхим роль ўйнайды.

Пул маблағларини тафтиш ва аудит қилишдаги асосий вазифа уларнинг сақланишини ҳамда фойдаланишнинг иқтисодий мақсадли бўлишини ва қонунийлиги текширишдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун тафтиш ва назорат қўйидаги тартибда олиб борилади. Биринчи навбатда инвентаризация ўтказиш йўли билан хўжалик хазинасига бор бўлган пул маблағлари ва бошқа қимматбаҳо қофозлар суммаси аниқланади. Хазина ишларини юритишда хазина операцияларини юритиш тўғрисидаги Низомга қанчалик даражада амал қилинаётганлиги текширилади. Иккинчидан, банк мусассасалари бўлимидаги ҳисоб-китоб счёти ва бошқа счёtlар бўйича амалга оширилган хўжаликлар операциялари кўриб чиқилади.

Тафтиш ва назорат хазинада ҳамда банк бўлимидағи счёtlар бўйича пул маблағларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш билан тугалланади.

### **Хазинадаги пул маблағларини тафтиш ва назорат қилиш**

Хўжалик субъектлари ижтимоий ташкилотлар хазиналарида пул маблағлари билан бўладиган операцияларни амалга ошириш Республика марказий банкининг буйруғи билан тасдиқланган халқ хўжалигига хазина операцияларини юритиш қоидаларига асосан олиб борилади. Бу қоидага асосан ҳар бир хўжалик хазинасида ҳар ойда бир марта пул маблағлари юзасидан тафтиш ўтказилиб турилиши керак. Тафтиш ўтказишида биринчи навбатда хазинадаги нақд пул ва қимматбаҳо қофозлар инвентаризация қилиниб, уларнинг суммаси аниқланади ва инвентаризация натижаси бўйича оралик далолатнома тузилади. Агарда инвентаризация натижасида пул маблағлари ортиқ чиқса, ордер билан хазинага кирим қилинади. Камомад суммаси аниқланаса, хўжалик хазинасидан ундириб олинади, бу операция хазина чиқим ордери билан расмийлаштирилади. Бундай ҳолларда хазиначининг шу вазифада ишлаш ёки ишламаслиги тафтиш натижаларига, аудитор так-

лиф ва тавсияга қараб маъмурият ёки мулк эгаси ҳал этади. Одатда, кичик суммадаги камомадлар учун хазиначи ишдан четлаштирилмасдан, бу иш хўжалик маъмуриятига топширилади. Катта суммадаги камомад ва ўғирлик аниқланганда, хазиначи дарҳол ишдан четлаштирилади ва зарур ҳолларда тафтиш материаллари алоқа хати орқали мулкий даъво билдирилиб, суд-тергов органларига ўтказилади.

Хазина инвентаризациясидан кейин назоратчилар хўжаликда хазина операцияларини юритиш тўғрисидаги Низом қоидаларига амал қилинишини текширадилар. Бу қоидага асосан хазиначи буйруқ (ж/х бошқаруви қарори) билан қабул қилингач, хўжалик раҳбари учун хазина операцияларини юритиш ҳақидаги қоидалар билан таништириши лозим. Кейин хазиначи билан шартнома тузилади. Агар хазиначининг шахсий ҳужжатлари орасида бу шартнома бўлмаса, маъмурият орқали дарҳол ёздириб олинади ва бу ҳақда тафтиш далолатномасида қайд қилиниб ўтилади.

Тафтиш даврида хазиначи томонидан ўз ишларини бошқа шахсга ишониб топшириш ҳоллари учратилганда далолатномада кўрсатилади, агарда бошқа шахсга топшириш лозим бўлса, буйруқ билан расмийлаштирилиб, бу шахслардан моддий жавобгарлик тўғрисида мажбуриятнома ёздирилиб олинганми, йўқлиги текширилади. Кейин эса хазинада нақд пул маблағларининг сақланиши ҳолати, хазина дафтари ва ҳужжатларининг тўғри юритилиши, хазина интизомига қай дарражада риоя қилиниши текширилиб кўрилади.

Хазинада нақд пул маблағларининг сақланиш ҳолатини текширишда қўйидагиларга эътибор бериш лозим: хазина операцияларини юритиш қоидаларига асосан хазина биноси бошқа бинолардан алоҳида ажратилган, нақд пулларни сақлаш учун эса хазина хонасида сейф ўрнатилган бўлиши лозим.

Хазина операциялари амалга оширилаётганда хона эшиги доим ёпиқ туриши ва бу ишга алоқаси бўлмаган кишиларнинг кириши ман қилинади. Касса муомалаларини аудит қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қонун ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га ва Молия вазирлиги йўриқномалари, юқори ташкилотлар буйруқ ва фармойишлирга амал қилиш лозим.

Касса муомалаларини аудит қилишни кассадаги нақд пул ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни, қимматбаҳо қоғозларни қўққисдан инвентаризация қилишдан бошлаш лозим. Инвентаризация корхона бош бухгалтерия ва кассири иштирокида ўтказилиши керак. Инвентаризация олдида аудитор ўзи иштирокида (кўзи олдида) кассирдан инвентаризация ўтказилаётган санага касса ҳисоботини тузишни ва касса китобида пул маблағлари қолдигини чиқаришни талаб этиши ҳамда кассирдан пул маблағлари кирим ва чиқими бўйича ҳамма ҳужжатлар касса ҳисоботига қўшилганлиги тўғрисида тилхат олишиб шарт.

Шахсларнинг тилхатлари ҳужжат сифатида эътиборга олинмайди ва кассир ҳисоботига қўшилмайди. Бундай ҳужжатларнинг рўйхати тузилиб кимнинг кўрсатмасига биноан кимга, нима учун, қанча пул, қачон берилгани кўрсатилади.

Кассадаги векселлар, акциялар, ҳар хил маркалар, санаторий ва дам олиш уйларининг пули тўланган йулланмалари нақд пул сифатида эмас, балки пул ҳужжатлари сифатида ҳисобга олинади.

Аудитор касса ҳисоботининг ва касса қолдигининг тўғрилигини текшириши шарт. Пулнинг қолдиги ойнинг биринчи санасидан шу кунгача кирим ва чиқим ҳисобланиб текширилади. Кирим ва чиқим ордерларни қайд этиш дафтари билан касса ҳисоботига илова қилинган касса ордерлари солиштирилади. Агар қандайдир фарқ чиқса, албатта сабабини аниқлаш зарур. Касса ҳисоботини текшириш чиққандан сўнг аудиторга ҳисобот ва унга илова қилинган касса кирим-чиқим ордерларига келгусида касса ҳисоботида ҳеч қандай тузатиш киритишга имкон бермаслик учун қайд белгиси (виза) қўйиш тавсия этилади. Текширилган ва қайд белгиси қўйилган касса ҳисоботи «Касса» счётида қолдиқ чиқариш учун бухгалтерияга берилади. Шундан сўнг пул ва бошқа моддий қийматликлар инвентаризацияси бошланади. Агар корхонада бир неча касса бўлса, улар муҳрланиб, бош кассадан инвентаризация бошланади. Пулларни аудитор иштирокида кассир санайди. Агар пул айтарли даражада кўп бўлса, купюрлари бўйича рўйхат қилинади. Рўйхатда купюра қиймати, сони ва умумий сумма кўрсатилади. Кассада ёпилмаган касса ҳужжатлари (тўлов ведомостлари, почта пул ўтказмалари, ота-оналардан болалари мактабгача тарбия муассасасида тарбиялананаётгани учун йиғимлар

ведомости) бўлса, кирим қилинган ва берилган пулни санаб чиқиш зарур. Охирги қолдиқни аниқлашда кирим суммасини қолдиқقا қўшиб, чиқим суммасини айриб кўриш керак. Кассада кирим ордери билан расмийлаштирилмаган нақд пул ортиқча пул сифатида белгиланган тартибда кирим қилинади ва кирим ордери нусхаси далолатномага илова қилинади. Белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатдаги сумма камомад сифатида ҳисобга олинади.

Кассадаги нақд пул ва бошқа қимматли қофозлар касса инвентаризация далолатномаси тузилади. Далолатнома охирида кассир ундаги пул маблағлари суммаси, ҳужжатлар ва бошқа қийматликлар унинг жавобгарлигига ўтгани тўғрисида ёзув ёзиб бериши керак. Агар инвентаризация вақтида камомад ё ортиқча пул аниқланганда, кассада пул олингани ҳақида вақтинча тилхатлар чиқсанда аудитор кассирдан тушунтириш хати олиши шарт. Камомад суммаси кассир ҳисобига ёзилиб, текшириш вақтида унлирилиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кассада ортиқча чиқсан пул шу заҳотиёқ киримга олиниши шарт. Кассада ортиқча чиқсан пул ва ундирилган камомад суммаси киримга олинганда касса кирим ордерининг нусхаси далолатномага илова қилинади. Касса инвентаризациясининг оралиқ далолатномаси 3 (уч) нусхада тузилиши шарт. Улардан бири аудиторда қолади, иккинчиси бухгалтерияга берилади, учинчиси кассирда қолдирилади. Инвентаризация далолатномасида албатта охирги кирим ва чиқим ордерлари номерлари кўрсатилиши шарт.

Текшириш вақтида аудитор кассадаги пул ва бошқа бойликларнинг сақланишини таъминлаш чораларига, яъни кассанинг қай даражада мустаҳкамланишига, унинг деразаларига металл панжаралар ўрнатилгани, кассадан иш ҳақи берилаётган вақтда қўшимча хавфсизлик чоралари кўрилиши, касса эшиги ичидан ёпилиши, пул ёнмайдиган сейф (шкаф)да сақланиши, банкка пул топширишда ва у ердан пул келтиришда эҳтиёт чоралари кўрилишига эътибор берилиши керак. Шунингдек, у касса калитнинг бошқа нусхалари қаерда (улар муҳрланган ҳолда корхона раҳбарида сақланиши керак) сақланишига, сигнализация ўрнатилганига, корхона ва кассир ўргасида моддий-жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Касса муомалаларини аудит қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га риоя қилиниши даражаси аниқланади.

Касса ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилишига, сиёҳ рангда тузатишларсиз ёзилганига, барча реквизитларнинг тўлдирилганлиги кирим ва чиқим ордерларининг «Касса кирим ва чиқим ордерларини рўйхатга олиш» дафтарида қайд этилганига эътибор бериш керак.

Банқдан олинган пулнинг тўла ва ўз вақтида киримга олинганини билиш учун йиртиб олинган чек варагининг чек дафтарида қолган қисми (корешоги), банқдаги счётдан кўчирма ва кирим ордерлари ўзаро солиширилади. Агар текширилаётган ҳужжатларда шубҳа туғилса, банқдаги асл ҳужжатлар билан солишириш мумкин.

Касса кирим ва чиқим ордерларида имзоларнинг мавжудлиги, суммаларнинг рақам ва сўз билан ёзилганлиги, олинган (берилган) санаси, тўлов ведомостларида тўловга ижозат (руҳсат) берилгани ҳақида ва тўлов муддати кўрсатилган ёзув борлигини текшириб имзоларнинг ҳақиқийлигини билиш учун танланма усудда ишга қабул қилиш ҳақидаги аризадаги имзо билан чиқим ҳужжатларидаги имзо солиширилади.

Тўлов ведомостлари бўйича берилган пул ва чиқим ордерлари суммалари йиғиндиси солиширилади. Текширишда ушбу корхонада ишламайдиган, вақтингча ишларни бажарилганлиги учун ҳақ оладиган кишиларга касса чиқим ордери билан берилиши кераклигини эсда тутиш лозим. Унда пул олувчининг шахсини аниқловчи ҳужжат маълумотлари келтирилади.

Ҳамма касса ва кирим-чиқим ҳужжатлари ва кассир ҳисоботидаги суммаларни солиширгандан сўнг кассирнинг кирим ва чиқимга ёзган суммаларини санаб (ҳисоблаб), йиғинди сумма таққосланади ва кассадаги нақл пул қолдигининг тўғри ҳисоблангани аниқланади.

Аудитор тўлов ведомостларида пул тўлаш тўғрисида руҳсат ва тўлов муддати кўрсатилган ёзув бўлган тақдирда пул тўланадими ёки йўқлигини, корхона бухгалтерияси ҳар ойда кассада инвентаризация ўтказилиши-ўтказилмаслигини, ёқилғи-мойлаш материаллари ва овқатланишга бериладиган талонлар ҳамда қатъий ҳисобдаги бланкалар ҳисобини кўриб чиқиши керак.

Касса муаммоларини юритиши тартибига риоя

қилинишини текширишда кассир вазифасини иш ҳақи, пул ва банк муомалалари ҳисобини олиб борувчи, касса ҳужжатларига имзо қўйиш, тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган бухгалтерия ходимлари қўшиб олиб бормаслигига; кассага кирим қилинган тушум, банқдан олинган пул бошқа мақсадларга сарфланмаётгани; рўзнома ва журналларга обуна ҳаражатларининг асослигига ва корхона ҳисобидан шахслар обуна ҳаражатлари тўланаётгани масалаларига эътибор бериш керак.

Касса бирламчи ҳужжатлари ва кассир ҳисботини текширишда касса муомаларининг бухгалтерия ҳисоби счёtlарида тўғри акс эттирилишини кўриб чиқиш зарур. Касса бирламчи ҳужжатларидан ва кассир ҳисботида «Касса» счёti билан бошқа счёtlарнинг корреспонденцияси кўrsatилиши шарт. Бухгалтерия счёtlariga тўғри акс эттирилганига ишонч ҳосил қилинганидан кейин аудитор ведомостлар, журнал-ордер ва Бош китоблар билан таққослайди.

Банкдаги ҳисоб-китоб счёti, валюта счёti, маҳsus счёtlар ва йўлдаги ўтказмаларни текширишда қуйидаги ҳужжатлар манба бўлиб хизмат қиласди: банкдаги ҳисоб-китоб, валюта счёtlари ва маҳsus счёtlардан кўchirmalap, кассир ҳисботлари; китоб ва тузум (ведомость)лар, журнал-ордерлар, патталар, чек корешоклари, тўлов талабнома топшириқлари, тўлов топшириқлари ва бошқалар.

Текшириш давомида аудитор: чек дафтарини сақлаш ва ундан фойдаланиш тартибига риоя қилинишини; бекор қилинган ва фойдаланилмаган чек варақаларининг миқдорини, хазина ва банк муомалалари ҳисобини олиб борувчи шахсларнинг бевосита банкдан пул олиш ҳоллари бўлган-бўлмаганинги; қалбаки банк, молиявий ҳужжатларнинг тузилиши, банкдаги ҳар хил счёtlardan k'uchirmalardagi raqamlarning pul mablaflarini uzlashтириш мақсадида қалбаки t'ugriлаш ҳоллари бўлмаганингига ишонч ҳосил қилиб банкдаги счёtlardan k'uchirma билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўrtасидаги фарқлар ёки ноаниқ тузатишлари taftishchi bank muassasasiда tekshiриш lозим.

Пул муаммолари буйича банкдаги счёtdan k'uchirmaga ilova қилинадиган ҳужжатларнинг тўғри расмий-лиштирилишини, уларда банк muassasasining muҳri, сана ва bank ходимининг имзоси борлиги текширилиши, бирламчи ҳужжатларда k'ursatilgan muammolarni.

нинг қонунийлигини аниқлаш керак. Бунинг учун банк муомаласи мазмунининг кодини билиш керак.

Олинган моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун счёtlарни тूлаш бўйича пул ҳужжатларини текширишда олинган моддий бойликларнинг ўз вақтида ва тूла киримга олинганини ҳамда иш ва хизматларнинг далолатномаси билан қабул қилинганига ишонч ҳосил қилиш керак. Пул маблағлари счётидан харажатларни ҳисобга олувчи счёtlарга, келгуси давр харажатлари счётига, зарарга ўтказилган суммаларни текширишда улардан байзи бирларини ундириб олиш зарурияти йўқлигини, масалан, обуна вақтида корхона фаолиятига керак бўлмаган рўзнома ва ойнёма учун пул ўтказиш ҳолларини аниқлаш лозим. Кредиторлик қарзини тूлаш учун ўтказилган пул муомалаларининг асосли ва ўз вақтидалигини текшириш керак.

Банкдаги маҳсус счёtlарни текширишда (лимитлаштирилган) чекланган ва (лимитлаштирилмаган) чекланмаган чек дафтарчалари билан амалга оширилган муомалаларни текширишда дафтарчадаги қолдиқнинг банкдан олинган кўчирма ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларидағи кўрсатилган суммага мос келишини аниқлаш лозим. Агар фарқ чиқса, банк тўламаган сумма ва сабаби аниқланади. Зарур ҳолларда ҳисоблашув муомаласи ўтказилган корхонадан муомаланинг ҳақиқийлигини билиш мумкин. Очилган аккредитивнинг асослигини ва тўловнинг ўз вақтидалигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Пул ҳужжатларини текширишда аудитор кассадаги почта маркалари, давлат пошлинаси маркалари, вексел, санаторий ва дам олий уйларига йўлланмалар, ўз ва ўз акцияларнинг миқдорини кўриб чиқади. Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари билан боғлиқ муомалаларни текширишда уларнинг қонунийлигини ва бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини, молиявий қонун ва тартибларга риоя қилинаётганлигини, ушбу сотиб олинган акциялардан фойда олинмаяптими ёки фойда олинмаяптими, фойда олишда корхона ўз хукуқини ҳимоя қила олиши кўриб чиқлади.

Йўлдаги ўтказмаларни текширишда шу номдаги 57-счёtl маълумотлари почта квитанциялари, касса ва банк ҳужжатлари билан солиштирилади. Корхонанинг облигациялари, депозитлари ва бошқа қимматбаҳо қофозлари миқдори кўриб чиқлади. Номинал ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ишончлилиги текширилади.

Санаторий ва дам олиш ўйларига берилган йўлланмалар билан боғлиқ (йўлланмалар) муомалаларни текширишда қайси маблағ ҳисобидан сотиб олинган (махсус фонdlар, ижтимоий сувурта) текшириш ўтказилаётган корхонада ишламайдиган кишиларга берилиш ҳоллари бўлмаганинги, бу йўлланмалар учун ҳақни касага ўз вақтида тўланишини ва бу йўлланмалар касаба ўюшмасининг розилиги борлигини аниқлаш керак.

Чет эл валютаси буйича муомалаларини текширишда нақд пул берилишининг ва бошқа корхонага, хорижга ўтказилишининг асосли эканлигини аниқлаш зарур. Республика ичida ҳисоблашишлар Марказий банк қоидаларига тўғри келиш-келмаслигини текшириш лозим. Масалан, республика ичидаги ва хориждаги ўқишлар учун ўтказилиб берилган чет эл валютаси ва миллий пулнинг корхонага алоқаси бўлмаган шахсларга ва ноўрин ишларга ўтказиб бериш ҳоллари бўлмаганингига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Валюта курсининг ўзгариши тўғри кўрсатилганинги аниқлаш керак.

Корхона маблағларини бошқа мақсадга ишлатиш ҳоллари, ноқонуний пул ўтказишлар, аккредитивни ногўри кўйиш ҳоллари бўлмаганинги ва товарсиз счётлари акцептлаш ҳамда «Йўлдаги пул жўнатмалар» счётида пул маблағлари камомади оширилмаётганига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Тафтиш давомида хўжалик хазинасида нақд пул сақланишида белгиланган лимитта амал қилиниши (қишлоқ хўжалик корхоналари учун бу лимит корхона раҳбари томонидан шу хўжаликка хизмат кўрсатувчи банк бўлими билан келишилган ҳолда белгиланади), хазина хўжатларининг юритилиши текширилади. Хазина операцияларини текширишнинг бир қанча вариантлари мавжудлиги, уларни асосан иккига бўлиш мумкин. Биринчи вариантда олдин ҳамма хазина кирим хўжатлари, кейин чиқим хўжатлари текширилади; иккинчи вариантда кирим ва чиқим хўжатлари биргаликда текшириб чиқилади. Хазина операцияларини текшириш хўжатлар билан танишишдан бошланади. Бунда хазинада кирим ва чиқим хўжатларини, қайд қилиш дафтари ва хазина дафтарининг юритилиши текширилади. Хазина дафтари номерланади, хўжалик раҳбари ва бухгалтер имзоси билан тасдиқланиб, муҳрланади.

Пул олиш учун чеклар хўжалик бухгалтериясида тўлдирилиши лозим. Бу қоидаларнинг сақланиши ус-

тидан бош бухгалтер системали равища назорат олиб боради.

Хазина операциялари тафтишида назоратчилар банкдаги счётдан кўчирма маълумотларидан кўп фойдаланадилар. Шунинг учун ҳар бир назоратчи бу ҳужжатни ўқий билиши керак. Кўйида банкдаги счётдан кўчирмани ўқиш тартиби келтирилади:

02 шифр дебети — хўжалик счётидан тўлов талабномалар асосида кесиб олинган маблағни билдиради.

Кредит — тўлов талабномалари билан хўжалик, счётига келиб тушган маблағлар.

03 шифр дебети — хўжалик счётидан чек билан нақд пул олинган.

Кредит — хазинадан ёки хўжаликнинг бошқа ишлаб чиқариш бўлимлари счётига келиб тушган нақд пул суммаси.

04 шифр дебети — хўжаликнинг ҳисоб-китоби лимитланган ёки лимитланмаган чеклари бўйича тўланган пуллар.

Кредит — хўжалик реестри, лимитланган ёки лимитланмаган чек ва бошқа ҳужжатларга асосан счётга келиб тушган суммалар.

Бошқа каналлардан тушган нақд пулларнинг кирим қилиниши ҳам хазина кирими орқали бўлиб, кўрсатилган тартибда текширилади. Масалан, ошхона, буфет, магазин, ларёкларда маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатишдан тушган пуллар кирим ордерлари, хазина дафтари ва бу тармоқларнинг жавобгар шахслари томонидан топширилган ҳисобот ёзувлари билан солиштирилиб текширилди. Зарур бўлганда, маҳсулот солтилган кунларда, бозорда маҳсулотларнинг ўртача сотиш баҳоси тўғрисида сўраб маълумот олинади.

Ҳаммом, сартарошхона, ремонт-тикиш устахонаси, тегирмон ва бошқа хўжаликлар фаолиятидан тушган тушумлар суммаси хазина кирим ордери, дафтари, бу хўжаликлар ҳисоботлари ва квитанцияларини солиштириб кўриб текширилади. Бунда аҳолига ҳақиқатдан ҳам кўрсатилган хизмат ҳажми, қўлланилган таъриф ва баҳоларнинг (расценкаларнинг) тўғрилиги, тушумнинг хазинага тўлиқ ҳамда ўз вақтида қабул қилинишини текшириш лозим.

Коммунал хизматлар, квартира ва ётоқхоналар хизмати учун тушган пулларнинг кирими, хазина ҳужжатлари ва квартиralarda турувчилар қайдномалари ҳамда бу хизматлар учун тўлов квитанцияларини солиштириб

текширилади. Бунда амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини билиш учун баъзи квартирада турувчилярдан тушунтириш хати олинади. Ота-оналардан уларнинг болалари болалар муассасаларида тарбияланганлиги учун тушадиган нул суммаларнинг тўғрилиги кирим ҳужжатларини, болалар муассасалари бошлиқлари ҳисобтлари, болаларнинг қатнашини ҳисобга олиш журнали, маълумотлари билан солиштирилиб аниқланади.

Хазинадаги нақд пуллар чиқимининг асосий йўналиши бу пулларнинг иш ҳақига тарқатилишидир. Бу операцияларни текширишда ҳисоб-тўлов қайдномалари ва бунга тузилган хазина чиқим ордерларининг тўғри тузилиши, уларнинг ҳақиқийлиги, уларда хўжалик раҳбарининг ҳамда бош бухгалтернинг иш ҳақини тарқатишига рухсат берганликлари тўғрисида ёзувлари ва имзоларнинг мавжудлигини кўриш керак. Қайдномадаги суммаларнинг тарқатилганларини, тарқатилмаган ва депонентта ўтказилганларини алоҳида жамлаб кўриб, жами сумманинг тўғрилигини текшириш керак. Бунда қайднома бўйича тарқатилмаган ва депонентта ўтказилган иш ҳақи суммаларига регистр тузилган бўлиши лозим.

Юқорида кўриб ўтилган ҳамма ҳолларда ҳам касса чиқим ордерларида хўжалик раҳбари ва бош бухгалтер имзолари бўлиши шарт. Хазина кирим ва чиқим ордерлари сиёҳ ёки шарикли ручкада, тузатишларсиз, ўчирилмасдан аниқ қилиб ёзилиши керак. Хазинадаги ҳамма ордерларга хазиначи томонидан имзо чекилган, ёрдамчи ҳужжатларда эса «олинди» ёки «тўланди» деган тегишли ёзувлар бўлиши шарт.

Хазина дафтири ҳам шу тартибда тузатишсиз опировка қофози билан икки нусхада ёзилиши, ҳар куни жамланиб, қолдиқ сумма аниқланиб, иккинчи нусхаси кирим ва чиқим ҳужжатлари билан бирга хазиначи томонидан бухгалтерияга ҳисобот тариқасида топширилиши лозим.

Агарда операциялар суммаси бир кунда 50 сўмгача бўлса, 3—5 кунда бир марта, агарда ундан ошиқ бўлса хазина бўйича кунлик ҳисобот олиниши керак.

Хазинани тафтиш ўтказиш бўйича ҳар бир хазиначи фаолиятига алоҳида оралиқ далолатномаси тузилади. Оралиқ далолатномаси бухгалтерия регистр маълумотлари билан инвентаризация далолатномасида аниқланган нақд пулни ва қимматбаҳо қоғозларни тақдослаш асосида амалга оширилади. Бунда хазина бўйича солиштирма қайдномаси лозим. Солиштирма қайдномадан

олдин тузилган инвентаризация ҳақида куйидагиларга эътибор бериш лозим. Инвентаризация ўтказилиши учун маъмурият томонидан буйруқ (ж/х бошқаруви қарори) чиқади. Унда инвентаризация ўтказиш ҳайъати таркиби, уни ўтказиш муддати кўрсатилади. Инвентаризация ўтказиши тартиби ҳайъат аъзоларига тушунтирилади. Ҳазинадаги маблағлар, қимматбаҳо қофозлар бирма-бир саналади. Уни санашдан олдин ҳазиначидан ҳайъатга инвентаризация ўтказиш учун қаршилиги йўқлиги ҳақида тушунтириш хати олинади. Бундан ташқари, шу билан бир пайтда, ҳазинада кирим-чиқим ҳужжатларининг расийлаштирилмай қолиш ҳоллари йўқлиги, ҳазинада бошқа шахснинг пули йўқлиги тўғрисида тилхат олинади. Сўнгра инвентаризация жараённида нақд пуллар ва қимматбаҳо қофозлар биринчи навбатда ҳазиначи, кейин инвентаризация ҳайъати аъзолари томонидан саналади, сўнг инвентаризация далолатномаси тузилиб, санаалган нақд пулни ва қимматбаҳо қофозларни қабул қилиб олганлиги ҳақида далолатнома ёзилади.

Шунингдек, ҳайъатга ўтказилган инвентаризация якунига эътирози йўқлиги тўғрисида, мавжуд рўйхатда кўрсатилган кирим чиқим ҳужжатларини бир кун ичida ҳисобот билан қўшиб топшириш ҳақида тушунтириш хатини ёзиб беради. Шундан сўнг инвентаризация якуни ва корхона бухгалтерия регистрлари маълумотлари таққосланиб, солишиurma қайднома тузилади.

Шундан сўнг ҳазиначига олинган нақд пулларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши текширилади. Бунинг учун ҳам алоҳида қайднома тузилиши мумкин.

**Оқларё туманинг «Даҳбед» ж/х ҳазинасидан олинган нақд  
пулларнинг мақсадга мувофиқ сарфланниши  
(1.IX.199... йилдан 1.X.199... йилгача)**

Нақд пул олинган мақсадлар	Банкдаги счётдан кўчирма- га мувофиқ	Сарф- ланади	Натижা		Имю
			аниқ	кам	
Меҳнат ҳақига Мол сотиб олишга Майда ҳўжалик ҳаражатларига Сафар сарфига ва ҳоказолар Бухгалтер-тафтишчи Корхона раҳбари Бош бухгалтер Ҳазиначи					

Агарда хазинада катта камомад аниқланса ёки судтергов органлари қарорлари билан тафтиш ўтказилса, унда ҳар бир ҳужжат кўрсатилиб, алоҳида кирим ва чиқим қайдномаси тузилади.

Тафтиш охирида эса хазина оралиқ далолатномаси тузилади. Унда хазинада йўл қўйилган молия ва хазина интизомининг бузилиш далиллари ҳам бирма-бир ёки операцияларнинг мазмунига қараб умумлаштириб кўрсатилади.

### **Банкдаги пул маблағлари счёtlари бўйича операцияларни тафтиш ва назорат қилиш**

Қишлоқ хўжалик корхона ва бирлашмалари асосий ҳамда капитал қуйилмалар фаолиятига мўлжалланган пул маблағларини уларга хизмат қилувчи агросаноат банки бўлинмаларида сақлашлари лозим. Банкдаги счёtlарнинг очилиш тартиби ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш Республика марказий банкининг маҳсус инструктив кўрсатмаларига асосан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг банкдаги счёtlари бўйича операцияларини тафтиш ва назорат қилиш бу счёtlарни очиш учун белгиланган қонун-қоидаларга асосан пул маблағларининг сақланиши ва бу счёtlardagi пул маблағларидан мувофиқ равишда фойдаланишни текширишга қаратилади. Бу функцияларни бажариш, аввало, хўжалик раҳбари ва бош бухгалтерга тегишилдири. Банкдаги счёtlарни очиш ва пул маблағларидан фойдаланишни ташкил этиш, уларнинг вазифасидир. Шунинг учун бош бухгалтер хўжаликнинг тўлов ва молиявий интизоми устидан, пул маблағларининг хўжаликка кирим қилиниши, сақланиши ва уларнинг сарфланиши билан боғлиқ бўлган операциялар устидан назорат олиб бориши, бунда амал қилинадиган қонун ва қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак. Банк операциялари тафтиши ҳар бир счёtlari бўйича алоҳида ўтказилади. Бунда ҳисоб-китоб счёti операцияларини текширишга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки хўжаликнинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлган барча ҳисоб-китоблар шу счёtlari омалга оширилади.

Биринчи навбатда счёtdagi пул маблағларининг тафтиш ўтказилаётган ой бошигача бўлган қолдиги банк счёtiдан кўчирма ва бухгалтер учёти регистрларидаги

(бош журнал, журнал-ордер) ёзувлар билан солиширилиб текширилади. Агарда фарқ чиқса, бунинг сабаблари аниқланиб, хатолар тузатилади. Кейин ҳужжатларни ўқиш усули асосида банк счётдан кўчирма ва унга илова қилиб келтирилган ҳужжатлар фақат дикқат билан ўрганиб чиқилади. Бунда ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, улардаги саналар, номерлар, корреспонденцияланувчи счёtlарнинг кодлари, штамп, банк ходимлари имзолари текшириб кўрилади. Шундан сўнг, банк счётидан кўчирма ва илова ҳужжатлари арифметик текширишдан ўтказилади: таксировканинг тўғрилиги, оборот суммаларининг тўғри жамланиши, бошланғич ва охирги қолдиқларнинг тўғри чиқарилганлиги текшириб чиқилади.

Банк счётидан кўчирма ва илова ҳужжатларидағи суммаларни «Ҳисоб-китоб счёти» даги ёзувлар билан солишириб, текшириб чиқиш лозим. Бу текширишда счёtlар корреспонденцияларининг тўғрилигига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки бунда пул маблағлари бўйича ўғирлик ҳоллари яширган бўлиши мумкин. Масалан, ўёки бу кредиторлик қарзларини тўлаш учун кўчирилган пул суммалари бошқа масъул шахслар билан тил бириктирилган ҳолда (бу суммаларни ўзлашибириш мақсадида) бошқа хўжалик ўёки ташкилот ҳисобига олиб борилган бўлиши мумкин (нотўғри корреспонденция тўзиш). Ўчириб ёзилган, тузатилган бухгалтерия ёзувларини ҳам дикқат билан текшириш керакки, бунда ҳам ўғирлик, ўзлашибириш фактлари мавжуд бўлиши мумкин.

Ҳисоб-китоб счётига келиб тушувчи пул маблағларининг тўлиқ кирим қилиниши ва бухгалтерия учётида тўғри акс эттирилишини текширишда ҳам ҳужжатларни солишириб кўриш усулидан фойдаланилади. Тайёрлов ташкилотлари ва бошқа сотиб олувчилардан тушган тушум суммалари «Реализация», «Жўнатилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар», «Ҳаридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» счёtlаридаги ёзувлар билан солиширилиб кўрилади.

Бошқа дебитор қарзларнинг тўланиши тартибида юқори ташкилотлардан, молия-кредит органларидан тушган маблағларни ҳам банк счётидан кўчирма ва илова ҳужжатлари солиширилиб, лозим бўлганда эса бошқа ташкилотлар ҳужжатлари билан таққослаб чиқилади.

Хўжаликнинг капитал қўйилмалар фаолиятига

мўлжалланган пул маблағлари счёtlари бўйича амалга оширилган операцияларни тафтиш қилишда бу маблағларнинг ўз вақтида қонун асосида тўлдирилиб турилиши, улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги текширилади. Бунинг учун хўжалик молия-ишлаб чиқариш режаси, лойиҳа-смета хўжжатлари маълумотларидан фойдаланилади.

Бу счёtlардаги пул маблағларидан фойдаланишни текширишда банк счётидан кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатлар, бухгалтерия учётларидағи ёзувлар солиширилиб кўрилиб, операцияларнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Текшириш натижалари маҳсус қайдномада тўлиқ фойдаланилмаган маблағлар суммаларини умумлаштириб ёзиб чиқиш билан акс эттирилади.

Банкдаги бошқа счёtlар бўйича ўтказилган операцияларни тафтиш қилиш, бу операцияларнинг қонунийлиги ва пул маблағларидан фойдаланишнинг тўғрилигини аниқлашга қаратилгандир. Бундай тафтиш «Банк бўлимидаги бошқа счёtlар» бош счёти маълумотлари асосида ҳар бир аккредитив, лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарига счёtlари ва бошқа счёtlар бўйича ўтказилади.

Тафтиш давомида, аввало, бу счёtlарнинг очилиши ва маблағ билан тўлдирилиб борилишида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилиниши аниқланади. Кейин банк счётидан кўчирма ва илова ҳужжатлар асосида ҳар бир операциянинг тўғрилиги, унинг мақсадга мувофиқлиги ўрганиб чиқилади.

## **ҲИСОБ-КИТОБ ВА КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АУДИТ ВА ТАФТИШ ҚИЛИШ**

### **Аудит ва тафтиш қилиш тартиби, назоратчиларнинг олдига кўйилган вазифалар**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат органларининг аралашуви камайиб боради. Бу дегани корхоналар мулкий ва рақобатбардошлиги юзасидан масъулияти уларнинг ўзларига тушади. Бунда давлат билан корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар солиқлар ва солиқсиз тўловлар, мажбуриятларни бажариш билан тартибга солинади. Шундай экан, аудиторларнинг биринчи галдаги вазифаси аудиторлик тўғрисидаги қонун ва меъёрий

хужжатларни, хукумат қарорларини чукур ўрганиши уларга риоя қилиш масъуллигидир. Улар бу соҳадаги янгиликлардан доимо хабардор бўлиши лозим.

Бу соҳадаги қонун ва қарорларнинг республика-мизда барқарор, узоқ муддатга амал қилмаётганлиги юз бериб турган бўлса-да, норматив қонунлар базаси яратилиши бобида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг биринчи чақириқ саккизинчи сессиясида «Солиқ кодекси» қонуни қабул қилинди. Эндиги вазифа уни такомиллаштиришдан иборат. Фикримизча, ҳалқ хўжалигига ишлаб топилган маълум бир қийматдан ишчига, дехқонга, ходимга қанча қолаётганлигини таҳлил қилиш, солиқлар миқдори ва моддий манфаатдорлик аҳволи ҳисобга олингани лозим. Бунда аудиторлар солиқ атамаларини чукур билишлари, солиқ турларининг бугунги кунда республикамизда кўп шакллигини эътиборга олиб, таҳлил қилиб, сонини камайтириш йўллари юзасидан таклифлар киритиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлар солиқлар бўйича аудит текширувида «Даврий харажатлар», «Сотиб олинган моддий бойликлар бўйича қўшимча қиймат солиги», «Маҳсулотлар реализацияси», «Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқиши ва сотилиши», «Бошқа активларнинг сотилиши»дан кенг фойдаланишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари ягона ер солигига тортиласди. Бу эса ўз навбатида Ер кадастри, «Ер тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий хужжатларни билишни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз фаолиятлари давомида бир неча корхона, ташкилот ва муассасалар билан иқтисодий алоқада бўладилар. Корхонада ҳисоб-китоб ва кредит операциялари бўйича тўлов, ҳисоб-китоб ишларининг яхши ташкил қилиниши, аввало, хўжалик молиявий аҳволнинг яхшиланишига, алоқада бўлувчи бошқа корхона ва ташкилотларнинг бир меъёрда ишлашига, умуман олганда, мамлакатимизда товар-пул муомала жараёнининг яхши ўюнтирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китоб ва кредит бўйича хўжалик операцияларини тафтиш ва назорат қилишда назоратчилар олдига қўйидаги вазифалар кўйилади: иқтисодий алоқада бўлаётган корхоналар билан иш юритишнинг қонунийлиги, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги текширилади: шу иқтисодий алоқаларнинг реал

бўлиши, тўлов ҳисоб-китоби интизомига риоя қилиниши, корхона ўзи ва ўзгалар маблағларидан рационал фойдаланиши масалалари текширилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан ҳамда уларни бартараф қилишга доир тадбирларни белгилаш лозим.

Маълумки, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини тафтиш қилишда камчиликларни аниқлаш, уларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилаш пул маблағларидан фойдаланишини яхшилаш имкониятини беради. Корхонада ҳисоб-китоб ва кредит операциялари бўйича ишларни ўз меърида, тўлов интизомига тўла риоя қилган ҳолда ташкил қилиш ҳамда узлуксиз равишда назорат қилиб боришда раҳбар ва мутахассислар асосий роль ўйнаши лозим. Бу операциялар юзасидан тафтиш ўтказишида назоратчилар маҳсус йўл-йўриқ ва ишлар навбатига риоя қилишлари керак. Бунда, аввало, ҳисобдор шахслар билан муомалалар, сўнгра мол етказиб берувчи ва иш бажарувчи пудрат корхоналар билан ҳисоб-китоблар, тайёрлов ташкилотлари орасидаги, бюджет ҳамда ижтимоий суғурта органлари билан бўладиган ҳисоб-китоблар кўриб чиқилади. Тўлов, кредит операцияларини тафтиш қилишда турли дебитор ва кредиторлар билан бўладиган иқтисодий текшириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Тафтишнинг энг охирида банк ва кредит органлари билан бўладиган ҳисоб-китоблар текширилади ва хулоса қилинади.

Ҳар бир грух, корхона, ташкилот ва шахслар билан бўладиган хўжалик операциялари текширилганда, биринчи навбатда, бухгалтерия учёти маълумотларини ўзаро алоқа далолатномалари билан таққослаш, содир бўлган операцияларнинг қонунга мувофиқлиги, иқтисодий жиҳатдан мақсадли бўлиши, унинг юзага келиш характеристи, ҳақиқийлиги, қарзларнинг ўз вақтида тўланишига аҳамият бериш керак. Бунда тафтиш ўтказиш учун бухгалтерия учётининг регистрлари, дастлабки ҳужжатлар, норматив далолатномалар ва ишлаб чиқариш молия режалари, йиллик ҳисботлар, баланслар асосий манбалар ҳисобланади.

### **Мол етказиб берувчи ва иш бажарувчи пудрат корхоналари билан ҳисоб-китобларни аудит қилиш**

Кишлоқ хўжалик корхоналарида кенгайган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этиши учун улар доимий равиша бошқа корхоналар билан мастаҳкам иқтисодий алоқада бўладилар.

Бундай алоқалар корхоналар ўртасида қонун асосида тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади. Шартномаларга томонларнинг мажбуриятлари, уларни бажариш муддатлари, ҳосил бўладиган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўлаш тартиб муддатлари аниқ кўрсатилади. Шунингдек, етказиб бериладиган молларнинг сифати, миқдорлари ва баҳолари ҳам тўла равишда кўрсатиб ўтилади. Мол етказиб берувчилар билан алоқаларда қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, илм-фан, техника ютуқларидан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Мол етказиб берувчилар билан хўжалик операцияларини тафтиш қилишда назоратчи ҳар бир операциянинг қонунийлиги, шартномалар шартига мувофиқлиги, унинг режали характерга эга бўлиши, юридик, асосда эканлиги, капитал сарф ва режа, шартномаларда акс эттирилиши, лойиҳа-смета хужжатларининг мавжудлиги, курилиш титул рўйхатига киритилиши каби масалаларни обдон текшириб чиқади. Айниқса, корхоналар томонидан ҳар йилги ёқилғи-мойлаш, курилиш материаллари, эҳтиёт қисмларнинг олинниши ва сарфланиши жиддий текширилиши лозим. Пудрат ташкилотлар билан бўладиган алоқаларда бундай тафтишнинг хўжалик операциялари содир бўлмасдан олдин амалга оширилиши катта самара беради.

Агар зарурият туғилса, олинган моддий-техника ресурслари инвентаризация қилиниши, икки корхонадаги бухгалтерия учёти маълумотлари ўзаро таққосланиши мумкин. Бунда айрим ҳисобдор ва мансабдор шахслардан тушунтириш хати олинади, сифат масалалари бўйича лаборатория эксперт хulosалари тафтиш дало-латномасига илова қилинади. Бу операцияларни тафтиш қилишда корхоналар ўз функцияси бўйича уларни моддий-техника ресурслари билан таъминловчи корхоналардан олмасдан қиммат бўлса-да, савдо ташкилотларидан олишга ҳаракат қиласидилар. Бундай операция корхоналар учун зарар келтиради. Текшириш охрида бухгалтерия регистрлари маълумоти билан йиллик, квартал, ойлик ҳисобот маълумотлари таққослаб кўрилади.

Шартномадаги шартларнинг бажарилишини аналитик назорат қилиш қўйидагича амалга ошиши мумкин:

Мол етказиб берувчи корхона-нинг номи	Етказила-диган товар ва моддий қиймати	Шартнома бўйича			Ҳақиқатда етказиб берилди		Шартномадан четла-ниш (сўмлик)	
		вақти	миқдори, ўлчов бирлиги	сум-маси	вақти	миқдори, ўлчов бирлиги	кечик. етказ.	оддин. етказ.

Ревизор-бухгалтер

Корхона раҳбари

Корхона бош бухгалтери

Пудрат ташкилотлар билан ҳисоб-китоб операцияларини текширишда асосий эътибор бажарилган ишларнинг ҳажмини назорат ўлчовини ўтказишга, қурилиш-монтаж ишларига қаратилади. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси «Ф-2» чуқур ўрганилади. Назорат ўлчов маълумотлари билан «Ф-2»да кўрсатилган ишларнинг миқдори бир-бирига таққосланиб кўрилади.

Ушбу далолатнома асосида ёзиладиган счёtlар яхши ўрганилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари эксперт комиссияси назоратидан ўтказилади. Айрим ҳолларда, бу ҳужжатларда иш ҳажмини ошириб кўрсатиш, маҳаллий шароитни ҳисобга олмасдан баҳоларни кўллаш каби камчиликларга йўл қўйилади. Шунинг учун назорат ишларида ҳар бир ходимдан ўз ишига жиддий муносабатда бўлиш талаб қилинади. Чунки йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш тафтиш ва назорат ходимининг биринчи галдаги вазифасидир. Агарда тафтиш давомида қўшиб ёзиш, мулкни сунистеъмол қилиш ҳоллари аниқланса, оралиқ далолатномалари тузилади, сўнгра тегишли тадбирлар белгиланиб амалга оширилади.

### Тайёрлов ташкилотлари ва харидорлар билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини тағтиш ҳамда назорат қилиш

Кишлоқ ҳўжалик корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотиш ишлаб чиқаришнинг охирги фазаси ҳисобланади. Шунинг учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар-

ни сотишни тўғри ташкил қилиш бир томондан давлат буортмаларининг бажарилишини таъминласа, иккинчи томондан эса корхонанинг хўжалик ва молиявий аҳволини яхшилаш имкониятини бёради.

Тайёрлов ташкилотлари билан ҳисоб-китобларни йўлга кўйишда корхона билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган шартномага амал қилинишини текшириш катта аҳамиятга эга. Бунда, биринчидан, шартноманинг ўз вақтида расмийлаштирилишига эътибор берилса, иккинчидан, давлат буортмасининг бажарилиши чуқур текширилади. Маълумки, давлат буортмаси республика фондларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришdir. Шартномада томонлар келишувига мувофиқ маҳсулотларнинг миқдори, етказиш муддатлари, норматив ҳужжатларга қараб баҳолари кўрсатилади. Шартномалар тузилишида кўрсатилган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деҳқон бозорида сотиш (ўзаро келишилган баҳоларда) ишларига эътибор берилади.

Тайёрлов ташкилотлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китоблар текширилганда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисобга ўтган вазнига айлантирилиши (физик оғирликнинг ҳисобга ўтган вазнига айлантирилиши), сотилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари, пул даромадларнинг ўз вақтида тўланиши, баҳолар системасига риоя қилиниши каби масалалар чуқур ўрганилади. Текшириш давомида жўнатилган маҳсулотлар чуқур ўрганилади. Текшириш давомида жўнатилган маҳсулотлар билан қабул қилинган маҳсулотлар миқдори таққосланади, агарда кам бўлса, унинг сабаблари ўрганилади, борди-ю зарар шахс томонидан етказилганлиги аниқланса, уни ундириш чоралари кўрилади. Бундай ҳолатларда жорий текшириш муҳим роль ўйнайди. Масалан, товар-транспорт накладнойлари юк хатлари билан уларни қабул қилинганлиги тўғрисидаги тайёрлов ташкилотлари томонидан берилган квитанциялар, маҳсулотларни ташиш йўл ҳужжатлари бир-бирлари билан таққосланади. Шунингдек, қабул қилинган маҳсулотлар қыйматини ўз вақтида тушишига алоҳида эътибор берилади.

Шу каби тайёрлов ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида қабул қилимаслик, қайтариб юбориш далиллари ёки ортиқча чиқитга чиқариш ҳоллари ҳам учраб туради, назоратчилар буларга алоҳида эътиборини қаратишлари керак.

Бошқа харидорларга сотилган маҳсулотлар ҳам тай-ёрлов ташкилотидан келган пул даромадларининг ўз вақтида кирим қилиниши қаттиқ назорат остига олиниди. Тафтиш ўтказишда журнал-ордер ва ведомостларда қайд қилинган маълумотлардан кенг фойдаланилади. Бу ҳисоб-китобларни тафтиш ўтказиш бўйича алоҳида оралиқ далолатномалари тузилади.

Хўжаликлараро кооперация корхоналари билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини текшириш. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқариш самарасини оширишнинг бош йўли ҳисобланган ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича ҳар хил йўқотувлар қисқартириш учун курашда назорат муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани бежиз эмас. Назорат туфайли хўжаликлараро корхоналарнинг ҳисоб-китоб операциялари ўз вақтида текширилиб турибдики, бу ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда асосий омиллардан бири бўлаётир.

Маълумки, хўжаликлараро кооперация корхоналари билан бўладиган ҳисоб-китобларда таъсисчилар бўйича ҳисоб-китоблар бош счётида олиб борилади. Бунда корхоналар ўз фаолиятини давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун асосида юргизадилар. Корхоналар ўртасидаги иқтисодий алоқалар улар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади. Тафтиш қилиш пайтида қўйидагиларга эътибор берилади: хўжаликлараро корхоналарга тафтиш ўтказилаётган корхонанинг ихтиёрийлик асосида пайчи бўлиши, бу масаланинг корхона ходимларининг умумий йифилишида кўриб чиқилганлиги чукур ўрганилади. Шундан сўнг иқтисодий алоқалар сифатида пайбадалларнинг ўз муддатида тўланиши, шартномада кўрсатилган маддий ресурсларнинг вақтида етказилиши, олиниши, баҳолар системасининг тўғри кўлланилиши ҳамда хўжаликлараро корхона фойдасининг норматив далолатномаларида кўрсатилганидек тақсимланиши жиддий текширилади ва оралиқ далолатномалари тузилди.

Аудиторлик ишларини режалаштиришда ва унинг текширувани туталлашда молиявий умумлаштирувчи коэффициентларни ҳисоблаб чиқиши энг муҳим ишdir. Улар гуруҳланадиган бўлса, асосийларидан бир корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини қайтариш қобилиятини белгиловчи коэффициентлардир:

Қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш көэффициенті

жорий активлар

жорий мажбуриятлар

Қисқа муддатли жорий мажбуриятларни абсолюттүгатиши  
түгатиши көэффиценті

пул маблағлари + түгатиши  
қимматбақо қоғозлари

жорий мажбуриятлар

Албатта, бу ерда, бизнинг фикримизча, тайёр, со-  
тилиши бўйича рақобатбардош товарлар ва мулклар  
ҳам ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо  
Буюк Британия олимлари Э. А. Аренс ва Ж. К. Лоббек-  
лар ўз дарсликларида бу масалани эътиборга олмаган-  
лар.

### Ижтимоий сугурта бўйича ҳисоб-китобларни текшириш

Амалдаги қонунларга мувофиқ ижтимоий таъминот давлат бюджети ва жамоа хўжалик аъзолари маблағлари ҳисобига ташкил қилинади. Бу маблағлардан ходимларга вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганда нафақа тайинлаш, қарилек нафақаси тайинлаш, бокув-  
чисини йўқотганларга нафақа бериш учун фойдалани-  
лади.

Янги таҳрирдаги аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бу ма-  
салалар аудитор, зарур ҳолларда унинг таклифига му-  
вофиқ солиқчи-ижтимоий сугуртаки томонидан коор-  
динациялашган текширув бўлиши мумкин.

Ижтимоий таъминот маблағларини текширганда корхоналар томонидан маълум миқдорда пул ажратадилар ва ижтимоий таъминот органларига кўчириб берадилар. Ижтимоий таъминотни текширганда унинг миқдорлари ходимнинг иш стажига қараб тўланиши текширилиб кўрилади. Иккинчидан, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга нафақа ҳисоблашни қаттиқ назорат қилиш керак. Бунда иш стажи, ёши ва меҳнатга қай сабабга кўра вақтинча яроқсизлигига, Иккинчи жаҳон урушида қатнашганилигига қараб тўла-  
ниши текширилади. Нафақа тайинлашда кунлик сумма минимал иш ҳақи ҳисобидан олинади.

У билан бирга ижтимоий сугурта суммалари бўйича ҳисоб-китоблар, яъни нафақаларнинг ўз вақтида берилиши ижтимоий сугурта органлари билан ҳар кварталда ҳисоб-китоб бўйича орани олувчи ҳисобот (Т-4 фор-  
ма) чукур ўрганилади. Агар дебитор ва кредитор қарз-

лар кўп йиллардан бери регулировка қилиниб ўзаро алоқалар далолатномаси тузилмаган бўлса, у тартибга солинади. Шундай қилиб, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта масалалари бўйича алоҳида оралиқ далолатномаси тузилади.

### **Давлат бюджет органлари билан бўладиган хўжалик операцияларини текшириш**

Корхоналар сингари қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам мамлакат миқёсида кенгайган такрор ишлаб чиқариши бўйича давлат бюджетининг ҳосил бўлишига маълум миқдорда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Юқорида кўрсатилган меъёрий хужжатларга мувофиқ аудит текшируvida хўжалик ҳисоби бўйича солиқчилар ҳам комплекс текширувлар ўтказиб координация қилиш лозим. Корхоналар ҳамда хўжаликлараро корхоналар давлат бюджетига ўзларида бор имкониятлар, яъни ер (ернинг сифати балл системасида, ҳар бир балл норматив хужжатлар асосида баҳоланади), мавжуд асосий ва оборот фонdlари суммасидан, шунингдек, меҳнат ресурслари фойда ҳисобига тўлов тўлайдилар. Тўлов нормаси қонунда белгиланиб, улар томонидан хўжаликларда тартибга солиниши мумкин. Бундан ташқари, жамоа хўжаликлар ёлланма ишчилар даромадидан ушланадиган солиқлар тўлайдилар. Тафтиш ўтказилаётганда бу бюджетга тўловларнинг ўз вақтида берилишини текшириш лозим.

1998 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га мувофиқ барча хўжалик субъектлари турлича солиқларни тўлайдилар. Бу кодекс 1997 йилда қабул қилинган.

Кодекснинг 2-бобида солиқлар тизими тўғрисида аниқлик бўрилади. Улар икки турдан, биринчидан, умумдавлат, ва иккинчидан, маҳаллий солиқлар йигимларидан иборат.

Умумдавлат солиқларига қўйидагилар киради:

1. Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи (фойда).

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

3. Қўшимча қиймат солиғи.

4. Акция солиғи.

5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ.

6. Экология солиғи.
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.
8. Кичик корхоналар учун ягона солиқ.  
Маҳаллий солиқлар йигимлари эса қуидагилардир:
  1. Мол-мұлқ солиғи.
  2. Ер солиғи.
  3. Реклама солиғи.
  4. Автотранспорт воситаларини олиб соттанник учун солиқ.

5. Савдо-сотиқ қилиш хукуқи йигимлар, шунга товарларни сотиш хукуқини берувчи лицензия учун йигим ҳам киради.

6. Юридик ва жисмоний шахсларни рүйхатта олганлик учун йигим.

7. Автотранспорт тұхташ жойи ташкил қилинганлиги ва фойдаланганлик учун йигим.

8. Ободончилик ишлари учун йигим.

9. Ижтимоий инфраструктураларни ривожлантириш солиғи.

Давлат суурита органлари корхона ва хұжаликлары ташкилоттар мулкларини, күп ийлilik дараҳтларини, чорва моллари ва әқинларни суурита қилишади. Уларнинг баланс қиймати ҳисобидан маълум миқдорда бадал тұланади. Мабодо тафтиш жараённанда ҳисобкитоблар бүйіча камчиліклар аниқланса, оралиқ да лолатномалари тузилади.

Яңғы қонунга мувофиқ йүл тұловлари, касаба уюшмаларынға, бандызлық органларынға тұловлар текшируви ҳам аудит текшируvida ҳисобланыш ва тұлов масалалари биргаликда текширилади.

**Ҳисобдор шахслар билан бўладиган хўжалик операцияларини текшириш.** Тафтиш бош счётларидаги «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар»нинг бухгалтерия регистридаги қолдиқларини текширишдан бошланади. Бунда хўжалик операцияларининг қонунийлиги, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқылади. Шундан сұнг ҳужжатлардаги ҳисоблашлар синчиклаб текширилади, агар нотүғри ҳисобланган бўлса, тўғри ҳисоб-китоб қилинади. Тафтиш давомида ҳисобдор шахсларнинг сафар харажатлари ва хўжалик чиқимлари учун берилған аванслар юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши, ҳисботларнинг топширилиши текшириб борилади.

Сафар билан боғлиқ операцияларни текширишда сафар харажатлари тўғрисида кўрсатилған норматив-

ларга риоя қилиниши зарур. Қарорда корхона раҳбарларининг ҳақуқлари кенгайиши муносабати билан хизмат сафар сарфларининг лимитини (бюджет ташкилотлардан бошқаси) белгилаш йўқ қилинади. Қарорга мувофиқ хизмат сафар муддати 40 кундан ошмаслиги лозим.

Йўл харажатлари самолётда 1 класс, вагонларда I—IV группа тариф ставкаси, дарё ва денгиз транспортларида I—II категориялар бўйича тўланади. Туараржой учун тегишли ҳужжатлар бўлганда кунлик харажатлар квитанциялар бўйича пул тўланади.

**Оқдарё туманидаги «Даҳбед» жамоа ҳўжалигига сафар сарфлари  
бўйича 1/Х—III... йилдан 1/Х—II... йилгача бўлган  
ортиқча ёки кам ҳисобланиш тафтиш ведомости**

Ҳисобдор шахснинг номи ва фамилияси	Вазифаси	Ойлар	Ҳисоботнинг номери	Ҳисобланиши зарур харажатлар, сўм							Ҳисобдор имзоли	
				Суткали		Туараржой ҳақи		Йўл харажатлари		Бошқа сарфлар		
				ортик	кам	ортик	кам	ортик	кам	ортик	кам	

Тафтиш ўтказувчи  
Бош бухгалтер  
Ҳисоб-китоб бухгалтери

Агарда ишчилар пайвандлаш-қурилиш ишлари учун хизмат сафарига борсалар уларнинг ойлик маошидан 50 фойзи тўланади. Корхонада сафар харажатлари гувоҳномаси ҳисобга олинадиган алоҳида журнал юритилади. Журналда сафарга қанча муддатга жўнатилиши, қаҷон кетиши ва келиши кўрсатилиб борилади. Агарда бу операцияларни тафтиш қилишда камчиликлар ва бошқа молиявий интизомни бузишлар аниқланса, оралиқ далолатнома тузилиб, якунлари расмийлаштирилади.

Аудиторлик текширувини якунлаш жараёнида қисқа

муддатли корхона тугатиш коэффициентларининг системасини билиб олиб ҳисоблаб чиқиши асосида холосага киритиш мұхим иш ҳисобланади:

**Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш коэффициенти**

$$= \frac{\text{тоза җажмдаги маҳсулотлари реализацияси, сума}}{\text{ўртача дебеторлик қарзлар, сума}}$$

**Дебиторлик қарзларини ўртача тұлаш күнлери**

$$= \frac{\text{ўртача дебеторлик қарзлар сумааси } \times 360}{\text{тоза җажмдаги маҳсулотлар реализация сумааси}}$$

**Товар-заҳираларнинг ўртача айланиш коэффициенти**

$$= \frac{\text{сотилған маҳсулотлар қиймати}}{\text{ўртача товар-заҳиралар сумааси}}$$

Шу ерда бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан бизга маълум бўлмаган айrim қўрсаткичларни ҳисоблаш зарурияти ҳам туғилади, жумладан:

**Товар-заҳираларни ўртача харидорларга жўнатиш күнлари**

$$= \frac{\text{ўртача товар-заҳиралар қиймати } \times 360}{\text{сотилған маҳсулотлар қиймати}}$$

**Товар-заҳираларнинг нақд пулга айланишининг ўртача күнлари**

$$= \frac{\text{сотилған товар-заҳиралари учун тўлов күнлари} + \text{товар-заҳираларини ўртача жўнатиш күнлари}}{}$$

Фикримизча, тажрибали бухгалтерга бу қўрсаткичлар учун ахборот маълумотларини ҳисоблаб, аниқлаш қийинчилик туғдирмайди.

**Етказилған моддий заарларни тиклаш билан боғлиқ хўжалик операцияларини текшириш.** Маълумки, корхоналарда мулкнинг ўғирланиши, унга зарар етказилиши каби салбий ҳоллар учраб туради. Бундай фактлар аниқланганда етказилған заарларнинг тикланиши учун курашиш лозим. Бунда зарар айбор ҳисобидан ундирилади. Бу операцияларни тафтиш қилишда «Моддий қийматликларнинг кам келиши ва бузилишидан йўқотувлар», счёт юритиладиган 8-журнал-ордер ва тегишли қайдномаларнинг маълумотларидан фойдаланилади.

Агарда табиий оғатлар юзасидан мулк ва экинларга зарар етказилса, унда давлат сұғурта органлари то-

монидан сүфурта суммаси ҳисобидан қайтим тўланади. Уларнинг микдори экинлар, кўп йиллик дараҳтлар ҳосилининг қийматидан 70 фоиз, кўп йиллик дараҳтларнинг тўла қиймати, яъни 100 фоиз, чорва моллари бўйича 100 фоиз қиймати қайтим сифатида берилади. Бу хўжалик операциялари бўйича ҳам алоҳида оралиқ далолатномалари тузилади.

Турли дебитор ва кредитор билан бўлган хўжалик операцияларини текшириш. Корхонада молия-хазина интизомини йўлга қўйиш ва уни мустаҳкамлаш учун бошқа дебитор ҳамда кредиторлар билан ҳисоб-китобларини доимий равишда назорат қилиб туриш катта аҳамиятга эгадир. Бундай ҳисоб-китобларга депонентлар, эътиrozлар, ходимлар билан турли хизматлар, квартира ҳақи, боғчада тарбияланётган болалар учун отоналардан тушадиган бадаллар, юқори ташкилотлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар киради ва улар бухгалтерия учётининг «Эътиrozлар бўйича ҳисоб-китоблар», «Ходимлар билан бошқа хўжалик операциялари бўйича ҳисоб-китоблар», «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётларида олиб бориладиган операцияларни ўз ичига олади. Текшириш манбалари сифатида бухгалтерия регистрларидан кенг фойдаланиш мумкин. Асосий эътибор бу операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг вужудга келиши, характеристи, бухгалтерия регистрларида акс эттирилишига қаратилади. Тафтиш ўтказишда бу ҳисоб-китобларнинг турларига алоҳида эътибор берилади, депонентлар билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги имзолар қайдномалар билан таққосланади, меҳнат ҳақи ҳисобланадиган табелларга солиштирилиб кўрилади. Агарда ота-оналар тарбияланётган болалар учун бадал олинса, уларнинг ойлик маошлари, тарбия олаётган болалар сони ва ниҳоят бадалларнинг хазинага кирим қилиниши кўрсатилади. Корхона ходимларига транспорт хизмати кўрсатилса, унда йўл варақалари билан текширилади. Операцияларни текширишда дебитор қарзларнинг ўз вақтида хазинага кирим қилинишига эътибор бериш керак. Бу ҳисоб-китоблар бўйича алоҳида оралиқ далолатномаси тузилади.

Корхонанинг узоқ муддатли кредиторлик қарзларини ва акциялар бўйича дивидендларни тўлаш бўйича гурӯҳ коэффициентлари аудиторлар ҳисоблашларини бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётнинг ўзи тақозо қилади, жумладан:

Акцияларга акция хиссалари бүйича кре- диторлик қарзларини тұлаш нисбат коэффици- енті	=	барча мажбуриятлар акция капитали
Акциялар ҳиссасига тоза материал активлар хиссаси	=	акция капитали — но- материал активлар
Оддий акциялар бүйича дивиденд түловлар	=	акция капитали • бу хұжалик операцияларидан даромадлар
Оддий ва имтиёзли ак- цияларга дивиденд түлов- лари	=	оддий дивидендлар суммаси  хұжалик операцияларидан да- ромадлар
	=	оддий дивиденд суммаси
	+	имтиёзли дивиденд суммаси
		I-солик тарифи

Хозирги кунда мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида бозор муносабатларига ўтиш ислоҳотининг жадал амалга оширилиши ва мулқдорлар синфининг вужудга келишини ҳамда янги бўлган қўймада боғозлар бозорини ташкил қилишни кўзда тутиб, дивидендердан солиқ олинмаслиги норматив ҳужжатларда аниқ кўрсатилгандир.

## **Кредит операцияларини тафтиш ва назорат қилиш**

Ишлаб чиқариш фаолиятини көнгайтириб, маҳсулот етиширишни күпайтириб бораётган корхоналар асосий воситаларни реконструкциялаш ва янгидан куришда сотиб олишда вактингча давлат «Пахта» банкининг маблагига муҳтож бўлиб қолади. Шунда корхоналар асосланган ҳисоб-китоблар билан давлат «Пахта» банкига қисқа ёки узоқ муддатли ссудалар сўраб мурожаат қиласди. Бугунги кунда кредит бериш юзасидан бизнес-режа, суғурта органларининг кафолатлари эътиборга олинниб, мақсадли текширилиши лозим. Бунда хўжалик операциялари бухгалтерия учётида «Давлат банкининг қисқа муддатли ссудалари», «Махсус ссудалар» ва «Узоқ муддатли ссудалар» каби счёtlарнинг маълумотларидан фойдаланилади. Булар бухгалтерия учётининг журнал-ордер регистрларида қайд қилиб борилади.

Бу операцияларни текшириш, уларни режалаштиришдан кредитта бўлган талабни аниқлаш ва ҳисоблаш бошланади. Бу ҳисобларнинг тузилишида корхона оборот маблағларининг заҳиралари тўла ҳисобга олиниши зарур. Сўнгра давлат банки бўлимими ссудасининг мақсадга мувофиқ фойдаланиши, ўз вақтида қайтарилиши текширилади. Тафтишнинг охирида давлат банки ссудасидан фойдаланишнинг самарадорлиги аниқланади. Кредит операциялари тафтиш ўтказиш бўйича оралиқ далолатномаларини тузиш билан таомланади.

Мамлакатимизда ўрта ва кичик бизнес ва тадбиркорлик деб қаралаётган бир пайтда лизинг шартномалари, ички ижара пудрат муносабатлар, турли хил жамғармалар, суғурта органлари, хизмат кўрсатувчи сервис, банк муассасалари билан ҳисоб-китоблар асосида шартномавий рақобат кўрсатишларини ҳисобга олиб, уларга ҳисобланмалар ва ўз вақтида тўлов суғурта қийматлари аниқ аудит текширувидан ўтказилиши лозим.

Умуман олганда ҳисоб-китоб, кредит операцияларини текшируви давлат аҳамиятига эга бўлганлиги, шунингдек пул-кредит системасига катта таъсири кўрсатиши, фуқаролар турмуш даражасига тўғридан-тўғри таъсири нуқтаи-назаридан қаралиши фойдадан ҳоли иш эмаслигини аудитор ўз фаолиятида тўла масъуллик билан ҳис қилиши лозим. Албатта, бу операцияларнинг дастлабки ва бухгалтерия ҳисобида, жумладан, бошқарув ва молиявий ҳисботларда ўз вақтида тўла акс эттирилиши тажрибали бухгалтердан кўпроқ билимга эга бўлган аудиторга эслатишнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз.

## **ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ АУДИТ ҚИЛИШ**

### **Аудит қилиш тартиблари ҳамда назоратчиларнинг вазифалари**

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариш учун зарур товар-моддий бойликлар заҳираларини ташкил қиласди ва уни режали равишда тўлдириб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши билан ишлаб чиқариш заҳираларининг сақланишини рационал ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишни тўла таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу вазифаларнинг амалга оширилишини ҳар бир хўжаликда зарур назорат ишларини омилкорлик билан ташкил қилиш билан эришиш мумкин.

Уларни муваффақиятли ҳал этишнинг яна бир йўли товар-моддий бойликлар тафтишини маълум бир кетма-кетлик тартибида амалга оширишdir. Тўлиқ хужжатли тафтишда ишни омбор хўжалигининг ташкил этилиши, товар-моддий бойликларнинг сақланиши ва уларнинг ҳисобга олинишини ўрганишдан бошлаш, кейин хўжаликка келиб тушувчи ҳамма моддий-товар бойликлар ва тайёр маҳсулотларнинг кирим қилинишини ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини текширишдан иборатdir.

Шундан сўнг товар-моддий бойликларнинг хўжалик ҳисобидан алоҳида йўналишлар бўйича тўлиқ, ўз вақтида ва тўғри тежаб-тергаб сарфланиши ўрганилади. Тафтиш ишлари товар-моддий бойликлар заҳираларини ташкил қилишда мавжуд нормативларга, уларнинг сақланишида алоҳида амалдаги инструкцияларга риоя қилинишини, хўжаликда мавжуд бўлган ортиқча товар-моддий бойликларни аниқлаш ҳамда бухгалтерия учёти, бухгалтерия, статистика ҳисобот маълумотлари билан таққослаш билан тугалланади.

## **Омбор хўжалиги ташкил этилишининг ва товар-моддий бойликларнинг сақланишини текшириш**

Товар-моддий бойликларнинг сақланишини таъминлашда ва улардан рационал фойдаланишга эришиша омбор хўжалигининг тӯғри ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун товар-моддий бойликлар тафтишида биринчи навбатда омбор хўжалигининг ташкил этилишига алоҳида эътибор берилади. Бу ишда ҳалқ назорати гурӯҳ ва постлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари назорачиларга катта ёрдам кўрсатадилар. Улар йигим-терим компанияси олдидан омбор хўжаликларининг тайёргарлигини ферма биноларининг чорва қишлоvigа тайёргарлигини ва бошқа обьектларга рейidlар ўюнтириб текширишдан ўtkазадилар. Баҳорги экиш олдидан уруғ ва кўчатлар, минерал ўғитлар, заҳарли кимёвий моддаларнинг борлиги, уларнинг сақланиши, транспорт воситаларининг, ўлчов асбобларининг тайёргарлиги текширилади.

Ҳосил йигим-терими олдидан эса омборларнинг маҳсулотни сақлаш учун қабул қилишга тайёрлиги, хирмонлар, дон қуритиш майдончалари, айвончалар ҳолати, ўлчов асбоблари, тарози, идиш материалларининг етарли миқдорда мавжудлигини ва йигим-терим даврида зарур бўлган бошқа обьектларни текшириш лозим. Чорва қишлови олдидан эса ем-хашак ва бошқа озуқаларнинг етарлилиги, сақланиши ҳамда чорвачилик биноларининг ҳолати текширишдан ўtkазилади.

Шу асосда хўжалик бош бухгалтерига алоҳида назорат функциялари юқлатилгандир. Юқорида қайд қилиб ўтилган товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва сақлашга тайёргарлик ишлари, моддий жавобгарлик ишларига керакли шахсларни тайинлаш, улар билан йўр-йўриқлар ўтказиш бевосита бош бухгалтер иштирокида амалга оширилади.

Омбор хўжалигини тафтиш қилиш омбор биносини ва ундаги зарур асбоб-ускуналарни ҳақиқий ҳолида кўриб чиқиш билан бошланади.

Бунда назоратчилар омбор биносининг техник ҳолатини (омбор биносининг девор, поллари ҳолатини (деразаларда тўсиқ панжаралари, стеллаж, токча ва бошқа зарур инвентарлар борлигини), керакли ўлчов асбоблари, тарозилар, ҳисоб-жадваллар ҳамда эҳтиёт эшиклар ва омбор атрофи майдончалари мавжудлиги-ни кўриб чиқадилар.

Товар-моддий бойликларнинг сақланиш ҳолатини текширишда алоҳида тур моддий бойликлар, маҳсулотларни сақлаш учун белгиланган тартибда тахланиши, нормадаги намлик миқдори, температуранинг нормал сақланиб турилиши ўрганилади.

Хўжалик омбори ва бошқа сақлаш жойларида товар-моддий бойликларини қабул қилиш ҳамда уларнинг хўжаликдан чиқарилиш операциялари алоҳида диққат билан ўрганилади. Бунинг учун алоҳида тур маҳсулотларнинг қабул қилиниши, хўжаликдан чиқарилишида қатнашиб, шу операциялар устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш зарур. Ана шунда моддий техника воситаларини қабул қилиш операцияларида қатнашиб билан бу бойликларнинг қабул қилинишида мавжуд норматив ҳужжатлар қоидаларига амал қилиниши, идишларга қандай солингланлигини, вагонларнинг пломбаларини, моддий бойликлар кам келган ҳолларда даролатномаларнинг қандай тузилаётганлигини, маҳсулотларни кирим қилиш учун тузилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш мумкин. Маҳсулотлар ва товар-моддий бойликлар ишлаб чиқариш операцияларини текширишда бу хўжалик операциясини амалга ошириш учун асос бор ёки йўқлигини, талаб қилинган ҳамда ҳақиқий чиқарилган маҳсулот миқдорининг ҳужжатларда тўғри ёзилганлигини, шунингдек, бу кирими-чиқим операцияларини омбор учёти регистрларида тўғри қайд қилинишини кўриб чиқиш лозим.

Товар-моддий бойликларнинг сақланиш жойларида дастлабки учётнинг тўғри юритилишига алоҳида эътибор бериш керак, чунки бунда учётнинг яхши йўлга кўйилмаганлиги натижасида ҳар бир ўғирлик ҳолатлари юз бериши мумкин. Бунинг учун омбор учётига зарур бўлган дафтар ва инвентарь карточкаларнинг етарлича мавжудлиги, уларнинг тўғри очилиши ва юритилишини ҳамда моддий бойликларнинг ойлик ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ўз вақтида тузилиб бухгалтерияга топширилишини ўрганиб чиқиш лозим. Бундан ташқари, товар-моддий бойликлар инвентаризацияларининг натижаларини солишириш ҳамда инвентаризация фарқларини ҳисоб-китобда акс этиши қандай амалга оширилишини текшириш керак.

Ниҳоят, «Давр сарфлари» бош счётига олиб борилган инвентаризация фарқларини жиддий текшириб кўриш зарур. Бу бош счёта олиб борилган камомад суммаларини текширишда, комиссияси табиий кама-

йиш бўйича нормаларнинг тўғри қўлланишини, ишлаб чиқариш харажатлари камомадлар учун ҳақиқатдан ҳам конкрет айбдор шахс йўқлигининг аниқ эканлигини ўрганиш керак.

Хўжаликларда инвентаризация ўтказиш тартиб ва қоидаларига амал қилинишини текшириш билан бирликда тафтиш ходимлари қайта назорат инвентаризация ўтказишни амалда кенг қўлланишлари ҳам мумкинки, бу тафтиш натижаларининг объективигини оширади. Бунда инвентаризация натижалари оралиқ далолатномага мувофиқ тафтиш умумий далолатномага ёки текшириш маълумотномасига қўшилади.

Бугунги кунда моддий ресурсларнинг келгуси авлодлар учун зарурлигини эътиборга олган ҳолда технология жараёнларида тежаб-тергаб фойдаланиш, фан-техника тараққиёти, ютуқларининг қай даражада ишлаб чиқаришга жорий қилинишга, чиқитсиз технологияга товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар, ишбилармонлар алоҳида эътибор беришлари лозим. Чўнки келажакда ватанимиз иқтисодиётининг барқарор бўлиши, мустаҳкамлиги бу муаммони тежаморлик асосида бўлишини тақозо қиласди.

### **Хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кирим қилинишини текшириш**

Катта миқдордаги товар-моддий бойликларнинг хўжаликка келиб тушишини назоратдан ўтказишида аввало хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилинишига эътибор бериш лозим. Бунда жорий учёт ва назоратнинг тўғри йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Улар ёрдамида маҳсулотлардан қонунсиз равищда фойдаланиш, уларнинг бузилиши, ўғирланиши фактларини ўз вақтида аниқланиб, бундай ҳолларга йўл қўймаслик тўғрисида тегишли шахсларни огоҳлантириш имкониятига эга бўлинади. Бу ҳолларда хужжатли назорат билан бир қаторда ҳақиқий назорат усусларидан фойдаланиш мумкин (назорат инвентаризацияси, лаборатория анализи ва бошқалар).

Хужжатли тафтища маҳсулотларнинг кирим қилиниши, сақланиши, улардан фойдаланиш операциялари ҳар томонлама ва батафсил текшириб чиқиласди.

Дон, пахта, лавлаги, сабзавот экинлари, картошка ва бошқа дәхқончилик маҳсулотларининг харажатга чи-

қишини тафтиш қилиш, бундай маҳсулотларни даладан жўннатиш реестри, йўл варақаси, пахта терими тўғрисида маълумот, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари келиб тушиш кундалиги, накладнойлар ва маҳсулотларни қабул қилиш учун мўлжалланган бошқа бошланғич хужжатларнинг ҳақиқийлиги, тўғри тузилганлиги, уларда акс эттирилган операцияларнинг аниқлиги кўриб чиқилади.

Келтирилган ҳосилнинг хўжаликка кирим қилинишининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилганлигини аниқлаш учун юқорида қайд қилинган хужжатлар, бу маҳсулотларни йиғишириб олиш учун иш ҳақи ҳисоблаш ҳужжатлари (тракторчининг ҳисоб варақаси, меҳнат ва бажарилган ишларининг ҳисоб варақаси, тракторларнинг, юқ машиналарининг йўл варақаси ва бошқалар) билан солишириб кўрилади. Бу масалани ўрганишда маҳсулотларнинг йифим-терим ва кирим қилиниши ишларида қатнашган хўжалик ишчи ва хизматчилардан сўров хатлари олиш учун ҳам катта самара бериши мумкин. Агарда тафтиш бевосита ўрим-йифим даврида ўтказилаётган бўлса, маҳсулот чиқишини инвентаризациядан ўтказиш лозим.

Чорвачилик маҳсулотларининг хўжаликка келиб тушишини тафтиш қилишда сут соғимини ҳисобга олиш журнали, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг келиб тушиш кундалиги, жун қирқиш ва қабул қилиш далолатномаси, накладнойлар ҳамда чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиш бўйича бошқа бошланғич хужжатлар формаси ва мазмунига кўра текшириб чиқилди. Мана шу ҳужжатлар бўйича олинган маҳсулотлар миқдори соғилган сигирлар, жуни қирқилган қўйлар бошсони маълумотлари билан солиширилиб кўрилади. Агар ҳужжатларда фарқи аниқланса, унинг сабабларини топпиш лозим. Кўп ҳолларда олинган маҳсулот миқдорини кўлпайтириш учун бу маҳсулотлар сарфларини баъзи йўналишлар бўйича сунъий равишида ошириш ҳоллари учрайди. Шунинг учун маҳсулот ҳаракати балансини тузиб, улардан фойдаланиш ҳужжатларини ҳам текшириш керак. Бунга бузоқларга ичиришга ва қайта ишлашга сарфланган сут, инкубацияга қўйилган тухум, жунни ювишдан кейин чиқсан чиқит миқдорларини аниқлаш мисол бўлади.

Чорвачилик маҳсулотлари тафтишида ҳужжатли текшириш билан бирга албатта қайта назорат инвентаризациясидан ҳам фойдаланиш керак. Айниқса, сут соғи-

ми, жун қирқими, тухум олиш, асал олиш, балиқ тутишда назорат инвентаризациялар ўтказиш катта са-марса беради. Шунинг учун тафтиш гуруҳи раҳбари олдиндан белгиланган бизнес-режа асосида битта ёки бир неча фермани танлаб олиб, инвентаризация комисси-яси таркибини тузади. Сўнг хўжалик маъмурияти билан келишилган ҳолда, у ёки бу чорвачилик маҳсулотларининг қайта назорат инвентаризациясини ўтказади. Инвентаризация натижалари оралиқ далолатнома билан расмийлаштирилади.

Саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқлари, бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжаликлар маҳсулотла-рининг тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилинишини тафтиш қилишда маҳсулотларни кирим қилиш ҳужжатла-рини шу тармоқ ишчиларига иш ҳақи ҳисоблаш ҳуж-жатлари ҳамда маҳсулотларни сотиш ва ишлаб чиқа-ришга сарфланиши операцияларини расмийлаштириш ҳужжатлари билан солишириб текшириш усуслари-дан фойдаланилади.

### **Четдан олинадиган товар-моддий бойликларни текшириш**

Четдан сотиб олинган товар-моддий бойликларнинг хўжаликка келиб тушиши, уларнинг тўлиқ, шунингдек, ўз вақтида кирим қилиниши устидан доимий назоратни ташкил қилишда штатли ва жамоат назоратчилар томонидан ўтказиладиган олдиндан ва жорий ҳамда кейинги текширишлар муҳим роль ўйнайди.

Олдиндан ўтказиладиган назоратда хўжаликнинг моддий бойликларга бўлган эҳтиёжи, ҳисоботи, мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалари, моддий бойликларни олиш учун ишончли қофозлари бе-рилиш тартиби, моддий бойликларни хўжаликка олиб келиш муддатлари ва шартлари ҳамда мол ўтказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб формалари текширилади.

Жорий назорат товар-моддий бойликларнинг хўжаликка келиб тушиши ва уларнинг кирим қилиниши жараёниарида амалга оширилади. Бу назорат товар-транспорт накладнойлари, счёт-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни текшириш, сўнг уларни моддий бойликларни кирим қилиш ҳужжатлари билан солишириш, моддий бойликларни ҳукуқий ҳолида кўриб чиқиш ёки инвентаризация ўтказиш усуслари билан амалга оширилади.

Юқорида кўриб ўтилган операциялар ҳужжатли тафтишда янада тўлик, ҳар томонлама кўриб чиқлади. Бунда у ёки бу моддий бойликларни сотиб олинишининг асосли эканлигига, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилиниши ҳамда бу моддий бойликлардан самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш керак. Хўжаликда ҳисоб-китоб ишларини текшириш билан хўжалик ва мол етказиб берувчи ташкилотлар орасидаги муносабатларни қўшимча равища назорат қилиб бориш лозим.

Товар-моддий бойликларни алоҳида шахслардан сотиб олиш ҳолларига алоҳида эътибор бериш керак. Бундай операциялар барча корхона ва ташкилотларга ман этилган, шунинг учун шу хилдаги учраган ҳар бир операцияни давлат интизомининг бузилиши сифатида қайд қилиб, моддий бойликларнинг кирим қилиниши ва бу бойликлар учун ўтказилган ҳисоб-китоблар диққат билан текшириб чиқлади. Кейин эса бу моддий бойликларнинг хўжаликдаги кейинги ҳаракатини, ҳақиқатда ҳам мавжудлигини текшириш керак, чунки улар хўжаликка олиб келинмаган ва учётда қалбаки акс эттирилган бўлиши мумкин.

Сотиб олинган алоҳида тур товар-моддий бойликларнинг тўлиқ, ўз вақтида қабул қилинишини аниқлаш учун бу операциялар бўйича тузилган ички ва ташқи ҳужжатлар ҳамда моддий бойликлар ҳаракати бўйича тайёрланган ҳужжатлар солишириб текширилади. Баъзи пайтларда хўжаликлар ҳужжатда кўрсатилганидан кам миқдорда келиб тушган моддий бойликларни қабул қиласи ва мол етказиб берувчилар жўнатган маҳсулот суммасини тўлиқ тўлайдилар. Бундай ҳолларда камомад сабабларини аниқлаш, агар бунда мол етказиб берувчилар айбдор бўлса, уларга тегишли далолатнома тузиб эътироz билдириш, ортиқча тўланган суммаларни қайтариб олиш чораларини кўриш лозим.

Баъзан моддий бойликларнинг мансабдор шахслар томонидан ўзлаштириб олиниши ҳоллари юз берганда омбор счёти дафтари ёки карточкаси маълумотларини моддий бойликлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар билан солишириш, шунингдек, моддий бойликларни олиб келиш, тушириш, қабул қилиш ишларида қатнашган шахслардан сўраш керак. Барча аниқланган мансабни сунистеъмол қилиш фактларига алоҳида оралиқ далолатнома тузилади. Бу моддий бойликларни текширища аудитор МТБ LIFO ва FIFO (лифо ва фифо) услубларини қўллашга алоҳида эътибор бериши лозим.

## **Товар-моддий бойликларнинг сарфланишини текшириш**

Кишлоқ хўжалиги корхоналаридағи товар-моддий бойликлар ҳаракати устидан назорат ўрнатишда, уларнинг сарфланишини доимий равишда текшириб бориши алоҳида ўрин тутади. Айнан ана шу босқичла қонун бузилиши ҳоллари кўп учрайди. Шунинг учун бундай фактлар хўжаликнинг ва юқори ташкилотлар назорат ходимлари томонидан ўтказиладиган текширишда ўз вақтида аниқланиши ҳамда чора кўрилиши лозим.

Товар-моддий бойликлар сарфланишининг қонунийлиги ва бу операцияларнинг тўғри расмийлаштирилишини ўрганишда моддий бойликларнинг ҳар бир тури ва гуруҳини алоҳида йўналишлар бўйича олиб бориш керак.

Хўжаликда ходимларга моддий бойликлар олиш учун ишонч қофози бериш ҳам қатъий белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим. Ишонч қофозларини бериш ва улардан фойдаланишни назорат қилишда хўжаликда ишонч қофозлари бериш журналининг юритилиши, ишонч қофозларининг маҳсус тасдиқланган формада эканлиги, бу ишлар бўйича ҳисобот бериш тартибининг сақланиши текширилади. Ишонч қофозлари хўжалик раҳбари ва бош бухгалтер имзоси билан ходимларга товар-моддий бойликларини олиш лозимлиги тўғрисида асос бўлувчи хужжат (наряд, счёт) асосида 15 кунгача муддат берилади. Бунда назоратчилар хўжаликда маҳсулотларни сотиш, ишчиларга тарқатиш, уларни сақлаш жараёнларида амалдаги тартиб-қоидаларига риоя қилинишини доимий кузатиб боришлари керак.

Маҳсулотлар сарфланишининг тафтишини маҳсулот турлари бўйича, хужжатларни солиштириш ҳамда «Тайёр маҳсулотни қабул қилиш», «Уруғлик ва ем-хашакни сарфлаш» далолатномалари ёзувлари асосида маҳсулотлар ҳаракати балансини текшириш усусларидан кенг фойдаланиш йўли билан амалга ошириш тавсия этилади.

Учёт маълумотларидан маҳсулот сотиш бўйича ёзувларни текширишда аналитик счёtlар маълумотларини «Реализация», «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар», «Жўнатилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар», «Тайёр маҳсулот» ва «Материаллар» бош счёtlаридағи маълумотлар билан солиштириб кўриш лозим. Бунда хўжалик томонидан жўнатилган ва тайёрлов ташкилотлари қабул қилиб олган товар маҳ-

сулотларнинг оғирлик ҳамда сифат жиҳатлари орасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш керак.

Тафтиш давомида маҳсулотларнинг бошқа каналлар бўйича сотилишини диққат билан ўрганиш керак. Амалдаги қонунга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари давлат буюртмасини бажаргандан сўнг хўжалик аъзоларига ҳамда деҳқон бозорларида сотиш ҳукуқига эгадирлар. Шунинг учун ҳозирги пайтда картошка, мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини деҳқон бозорларида келишилган баҳоларда сотиш амалда кенг кўлланилимоқда. Бу операцияларни текширишда давлатга маҳсулот сотиш буюртмаларининг бажарилишини, сотилган маҳсулотлар сотиш лимитига, нормасига тўғри келиш ёки келмаслигини аниқлаш керак. Бошқа сотиш каналлари орқали сотилди, деб ҳужжат расмийлаштириш билан баъзи бир жавобгар шахслар айбига кўра бўлган камомадлар ёпилиши фактлари бўлмаслиги ёки содир этилган ўғирликни маҳсулотларни транспортировка қилишида камайиши сифатида харажатга чиқарив юборишга йўл қўймаслик учун учёт маълумотларини ҳамда алоҳида ходимларнинг тушунтириш хатларини текшириш лозим.

Олиб борилаётган текшириш ишларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча йўналишлари бўйича сарфланишининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш билан бирга, улардан унумсиз фойдаланишини тутатиш ҳисобига товар ресурсларини оширишнинг мумкин бўлган миқдорини аниқлаб тошиш ва буни амалга қўлланишини таъминлаш лозим бўлади. Бу масалаларни ҳал этишда хўжаликнинг ўз ишлаб чиқаришидан ҳамда четдан сотиб олинган ем-хашаклардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарида ем-хашак фонди асоссиз равищда озиқ-овқат учун мўлжалланган дон ва бошқа товар маҳсулотлар ҳисобига ташкил этилади, сақлаш давомида уларнинг бузилишига йўл қўйилади ҳамда чорва моллари улар билан унумсиз равищда озиқлантирилади. Шунинг учун назоратчилар ем-хашак сарфлаш қайдномаларини текшириб, алоҳида тур емларнинг сарфланиши ҳақиқийлиги ва асослигини, молларга товар маҳсулотларининг (дон, ностандарт картошка, сабзавотлар ва бошқалар) ем сифатида сарфланиши фактларини ўрганишлари керак. У ёки бу ем турининг сарфини расмийлаштирилган

хужжат санасига алоҳида эътибор берилади (масалан, бузилган товар маҳсулотлари, дағал ва ширали озуқалар камомади). Молларнинг алоҳида тур ва гуруҳларига улар яйловларда боқилаётган даврда сарфланади деб расмийлаштирилган бўлиши мумкин. Ем-хашакнинг ҳақиқий сарфи унинг нормаси билан, молларни озиқлантириш даражаси чорва молларининг маҳсулдорлиги билан солиштирилиб кўрилади.

Кўпинча хўжалик корхонасининг раҳбарлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш учун қалбаки равишда уларнинг ишлаб чиқаришга (асосан молларни озиқлантиришга ем сифатида) сарфини оширадилар. Назоратчилар ҳар бир маҳсулот тури бўйича маҳсулот ҳаракати балансини тузиб, ишлаб чиқариш ҳажмдаги қўшиб ёзиш фактларини аниқлаш имконига эга бўладилар.

Сотиб олинган ем-хашакнинг, биринчи навбатда концентрат озиқлардан фойдаланишининг реалигини алоҳида дикқат билан текшириш зарур. Бу мақсадда назоратнинг, ем-озиқларнинг омбор, фермаларда мавжуд миқдорини ҳамда бевосита молларни озиқлантириш жараёнида уларнинг сарфланишини қайта назорат инвентаризация қилиш усуllibаридан фойдаланиши лозим.

Уруғликлар ва кўчат материалларининг сарфланиши «Материаллар» счёти, «Асосий ишлаб чиқариш» счётининг «Ўсимликчилик» субсчёти маълумотлари ва бошлангич ҳужжатлар (уруғлик ва кўчат материаллари сарфлаш далолатномаси, ички хўжалик ишларига тайянланган накладнойлар) уруғ сарфланиш нормалари асосида текширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ҳом ашёларини хўжаликнинг ўзида ёки бошқа жойда қайта ишлаш операциялари «Тайёр маҳсулот», «Асосий ишлаб чиқариш» ва «Ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» бош счёtlари маълумотлари ҳамда ҳом ашёни чиқариш ва тайёр маҳсулот чиқишини акс эттирувчи бошлангич ҳужжатлар маълумотлари асосида текширилади. Бунда ҳар бир ҳом ашё ва маҳсулотни қайта ишлаш тури ҳамда партияси бўйича амалдаги нормативлардан ва ҳужжатларни солиштириб текшириш усуllibаридан кенг фойдаланилади.

Назорат-тафтиш ишларида органик ва минерал ўғитлардан қандай фойдаланилаётганини ўрганишга етарлича аҳамият бериш керак. Маълумки, уларнинг

энг кўп йўқолиши сақлаш жараёнида бузилишидир, шу сабабли назоратчилар асосий эътиборини шунга қаратишлари лозим. Бунинг учун хўжалик оладиган кимёвий дориларнинг ўз вақтида ва тўлиқ олиб келинишини ҳамда уларнинг тупроқда солиниш операцияларини текшириш лозим. Кўпинча инвентаризацияда ўғитларнинг бузилиши натижасида камомадлар чиққандা, уларни ишлаб чиқариш харажатларига чиқариш ҳоллари учрайди. Бу далилларни минерал, органик, бактериал ўғитлар, заҳарли химикатлар ва гербицидлардан фойдаланиш далолатномаларини кўриб чиқиши, уларни технологик ҳарита ҳамда агрономия учёти маълумотлари билан солиштириш йўли билан аниқлаш мумкин.

Текшириш давомида аниқланган ўғитларнинг нормал сарфланиш ҳажмлари алоҳида қайдномага ёзиб борилади, кейин шу асосда хўжалик ҳисобот маълумотларига тегишли ўзгартиришлар қиритилади ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Қаттиқ ёнилғилар сарфланишини текширишда уларни тарқатиш нормаси ва ёнилғи турлари бўйича (ўтин, торф, кўмир ва бошқа) сотиш баҳоларига амал қилинишига эътибор берилади. Текширишда хўжалик раҳбарларига, мутахассисларга ва бошқа ишчиларга асоссиз равишда қаттиқ ёнилғининг бепул берилиши ҳоллари аниқланиши мумкин. Бундай ҳолларда назоратчилар бу операциялар ўтказилган сана, берилган ёнилги тури, миқдори ва баҳоси, ёнилғини олган шахсларнинг фамилияси ҳамда у қайтариш лозим бўлган сумма миқдори акс эттирилган қайднома тузадилар. Ёнилғидан унумсиз фойдаланиш (бошқа ташкилот ва шахсларга сотиш) фактларида баҳоларнинг тўғри эканлиги текширилади.

Нефть маҳсулотлари сарфини текширишда асосий эътибор ёқилғи ва мойлаш материалларининг тежалланлиги учун моддий қизиқтириш ва ортиқча сарфланганлиги учун моддий жавобгарлик масалаларига қаратилади. Бунинг учун алоҳида тур нефть маҳсулотларининг ҳақиқий ва норма бўйича сарфини (машина-трактор парки томонидан бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда) солиштириш, бажарилган ишлар ва сарфланган ёқилғи миқдорини назорат ўлчов қилиш, текшириш ўтказилаётган пайтда мавжуд нефть маҳсулотларини қайта назорат инвентаризация қилиш усуларидан кенг фойдаланилади.

Ветеринария дори-дармонлари ва биопрепаратлари сарфланишининг ҳаққонийлигини текширишда биринчи навбатда камёб моддий бойликларни (спирт, премикслар ва бошқа) назоратдан ўтказиш зарур. Бунинг учун қайта назорат инвентаризациялари, ветеринария экспертизаси ўтказиш ҳамда ҳақиқий сарфларни уларнинг нормалари билан солиштириб кўриш лозим.

Хўжаликда қурилиш ва ремонт материалларининг сарфланишини дикқат билан текшириш керак. Бунда ноёб қурилиш ва ремонт материаллари инвентаризация қилинади, зарур ҳолларда эски ҳақиқий фойдаланишни аниқлаш учун уларнинг сарфланиши юзасидан назорат ўтказилади. Қурилиш ва ремонт материаллари сарфланишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва реаллигини аниқлаш методикаси, лимит-забор хариталар, юқ хатлар, машиналарни таъмирлаш учун носозлик қайдномаси ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини ўтказиш учун тузилган смета хужжатларини, прорабнинг ҳисоботларини текширишга асосланади.

Моддий бойликларнинг ҳақиқий сарф миқдорини сметалар ёки назорат ўлчов материаллари билан солиштириб, назоратчилар учёт маълумотларининг ҳақиқийлигини аниқлашлари лозим. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни ҳисобдан чиқаришда улардан фойдаланиш муддатларининг тутаганлигига эътибор берилади. Бу предметларни ҳисобдан чиқариш далолатномаси албатта уларнинг хизмат муддати ва уларни тугатиш даврида олинадиган материалларни кирим қилиш хужжатлари билан солиштирилиб кўрилади.

### **Товар-моддий бойликлар норматив захираларининг сақланишини текшириш**

Ишлаб чиқариш жараёнини нормал давом эттиришга имкон берадиган товар-моддий бойликларни керакли ҳажмда режалаштириш бу бойликлардан самарали фойдаланишга имконият яратади. Ҳамма қишлоқ хўжалиги корхоналарида моддий бойликларнинг турлари бўйича норматив размерлари бир хил методика асосида ишлаб чиқилади. Назорат-тафтиш ишларида нормативларнинг сақланиши, нормативдан ташқари хўжалик учун кераксиз бўлган материаллар мавжудлиги аникланади.

Бундай текширишлар бутун хўжалик йили давомида узлуксиз олиб борилиши лозим.

Олдиндан амалга ошириладиган назоратда товар-моддий бойликларнинг ҳар бир группаси бўйича режалаштирилаётган йил охирига ҳамда ҳар бир кварталга ишлаб чиқариш заҳиралари нормативларининг тўғри ўрнатилганини текширилади. Бунда ўтган йилда товар-моддий бойликларнинг ҳақиқий ишлатилган миқдори ва у ёки бу моддий бойликларнинг ўртача қолдиги аниқланади, режалаштирилаётган даврда сарфланиш миқдори, улардан фойдаланишни яхшилаш чоралари топилади ҳамда амалдаги кўрсатмалар асосида квартал ва йил охирига захира нормативлар ўрнатилади. Бундай назорат ишлаб чиқариш заҳираларининг асосли режалаштирилишини ва бу заҳиралардан самаралироқ фойдаланишини таъминлайди. Товар-моддий бойликлар заҳиралари ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орасидаги нисбатни доимий равишда кузатиб бориш жорий назоратнинг самарали усусларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий хўжалик юритиш натижасида асосий ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан моддий заҳиралар миқдори нисбатан камайиши лозим. Бу моддий бойликларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи миқдорини ҳисоблаш билан аниқланади.

Товар-моддий бойликлар бўйича назорат-тафтиш ишлари амалга оширилгандан сўнг, ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича оралиқ фактлари расмийлаштирилади.

## **АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ АУДИТ ВА ТАФТИШ ҚИЛИШ**

### **Аудит ва тафтиш қилиш тартиби, назоратчиларнинг асосий вазифалари**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқаришида хўжалик ва молия фаолиятида асосий воситалар моддий-техник база ҳисобланади. Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган жаёнда у халқ хўжаликлиарида сингари амалга оширилади.

Айниқса хўжалик операцияси содир бўлмасдан олдин ўтказилган назорат энг муҳим жавобгарлик функцияси корхона раҳбарлари, мутахассислари зиммасига юқлатилади. Бундай назоратни ўтказишида назоратчилар хўжаликка олинадиган асосий воситанинг иқтисодий жиҳатдан мақсаддага мувофиқ эканлигини улардан фойдаланишда қандай ишларни амалга ошириш ло-

зимлиги, кимнинг жавобгарлигига берилиши, ниҳоят, қай тартибда қўриқланиши кўрсатилади.

Асосий воситалар структурасида актив ҳисобланган тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиль ва транспорт воситаларидан фойдаланишда амалдаги қоидаларига риоя қилиниши, хўжасизлик каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик масалаларига эътибор берилиши лозим.

Жорий назоратни амалга оширишда ҳам олдиндан ўтказиладиган назорат сингари ички хўжалик назоратини ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Бундай назорат корхона раҳбари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилади. Агарда текширишда молия-кредит ташкилотларининг вакиллари қатнашса, назорат ва тафтишнинг таъсиричанлиги янада ошади. Бунда хужжатли тафтишнинг методларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Асосий воситалар структурасида актив ҳисобланган тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиль ва транспорт воситаларидан фойдаланишда амалдаги қоидаларига риоя қилиниши, хўжасизлик каби салбий ҳодисаларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик масалаларига эътибор берилиши лозим.

Жорий назоратни амалга оширишда ҳам олдиндан ўтказиладиган назорат сингари ички хўжалик назоратини ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Бундай назорат корхона раҳбари, мутахассислари, жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилади. Агарда текширишда молия-кредит ташкилотларининг вакиллари қатнашса, назорат ва тафтишнинг таъсиричанлиги янада ошади. Бунда хужжатли тафтишнинг методларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Асосий воситалар қайта инвентаризациядан ўтказилаётганда бинолар, иншоотлар, узатувчи мосламаларнинг ишлатишга яроқлилик даражаси, келгусида яна қанча вақт ишлатиш мумкинлиги кабиларга катта эътибор берилади. Текшириш давомида корхонада ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича жойланиши, тўла қувватдан фойдаланиш, техник жиҳатдан қаровнинг ташкил қилиниши, уларнинг комплект ва техник аҳволи чуқур ўрганилади.

Сўнгра, асосий воситаларнинг корхонада амалдаги инвентаризация ўтказишда инструкцияга мувофиқ вақт

ва турлари жиҳатидан амал қилиниши ўрганилади. Агарда камчиликлар аниқланса, тезлик билан унинг олди олиниши лозим.

Шуни қайд қилиш лозимки, назорат асосан техник мутахассислар томонидан кўпроқ ўтказилса, тафтишда эса назорат-тафтиш ходимлари фаол қатнашадилар ва моддий зарар етказиш ҳоллари учраб қолса, уни тиклаш чоралари кўрилади. Сўнг бу ишлар юридик жиҳатдан расмийлаштирилади. Асосий воситалар тафтиш қилинаётганда бухгалтерия учётида, уларнинг ҳаракатини корхоналар ва хўжаликлараро корхоналардаги тасдиқланган классификацияси бўйича акс эттирилиши чукур ўрганилади. Асосий воситаларга инвентар номерларининг берилиши, моддий жавобгар шахсларга бириктирилиши, уларга бериладиган техник жиҳатдан характеристикасини кўрсатувчи паспортларнинг ўз вақтида ҳамма реквизитлари асосида юритилиши кабилар текширилади.

Шунингдек, асосий воситаларни тафтиш қилишда дастлабки учёт ва бухгалтерия учётидаги акс эттирилишига алоҳида эътибор бериш керак. Бунда инвентаризация якунлари бўйича комиссия тузган протоколларининг юритилишига, асосий воситалардан фойдаланиш муддатларига риоя қилиниши жиддий ўрганилади.

Агарда асосий воситалардан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари учраб қолса, дарҳол оралиқ далолатномалари тузилади. Бундай далолатномалар моддий жавобгар шахслар бўйича алоҳида-алоҳида тузилади. Сўнгра улар корхона бўйича тузилган тафтишнинг умумий далолатномасига илова қилинади ва далолатноманинг матнида ҳам умумлаштирилиб кўрсатилади.

### **Асосий воситаларнинг хўжаликка келишини ва корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида тақсимланишини текшириш**

Кишлоқ хўжалик корхоналарида кенгайган такрор ишлаб чиқаришни давом эттириш учун меҳнат қуроллари ҳисобланган асосий воситаларни тўлдириш, реконструкция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Асосий воситалар асосан хўжаликка куйидаги манбалар ҳисобига, яъни хўжаликнинг ўз маблаги ҳисобига (амортизация фонди, фойдалан ажратмалар ва бошқа фондлар ҳисобига) марказлашган капитал сарфлар ва белул

банк кредит ҳисобига олиниши мумкин. Шу манбалар ҳисобига асосий воситалар сотиб олиниши, янгидан қурилиши (пудрат ва хўжалик йўли билан), бошқа корхоналардан бепул олиниши мумкин. Асосий воситаларнинг келишини тафтиш қилганда, уларнинг юқоридаги каналлардан келиши ҳақиқий ва хужжатлар назорати асосида текшириш лозим.

Асосий воситаларнинг хўжаликка келиши текширилганда уларнинг амалдаги қонун ва қоидалар асосида олинишига, қурилишига эътибор берилади. Шунингдек, асосий воситаларни сотиб олишга ва қуришга зарур маблағларнинг молиялаштирилиши кабилар ўрганилади. Бунда аввало хўжаликнинг шу хилдаги зарур асосий воситалар билан таъминланиши, техник унумлилик дараҷаси жиҳатидан ҳозирги кундаги ишлаб чиқариш талабига жавоб берса олиши текширилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар ҳисобланган бино ва иншоотлар капитал қурилиши ҳисобига барпо қилинади. Бино ва иншоотлар кирим қилинишини текшириш уларнинг лойиҳа-смета хужжатларини кўришдан бошланади. Сўнгра бино ва иншоотларнинг капитал қурилиш бизнес режасига киритилиши, молиявий маблағлар билан таъминланиши, қурилишнинг иқтисодий мақсадли бўлиши ва қонунийлиги текширилади. Шунингдек, бино ва иншоотларнинг қурилиш муддатларига, уларни қабул комиссияси томонидан ўз вақтида, сифатли қабул қилиш учун тузилган далолатномаларига, бунда улар кўрсатган камчиликларнинг тузатилган ёки тузатилмаганлигига аҳамият берилади.

Шундан сўнг асосий воситаларнинг корхона балансига ўз вақтида киримга олиници текширилади. Қабул қилинган асосий воситанинг қабул қилиш далолатномасидаги техник тавсифномаси смета-лойиҳадаги техник характеристикага таққослаб кўрилади. Шунингдек, асосий воситаларнинг қабул қилинишини текширганда уларни қабул қилиш бўйича далолатномада кўрсатилган камчиликларнинг бартараф қилинишига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир асосий воситанинг қабул комиссияси томонидан синаб қабул қилиниши, барча бино ва иншоотларнинг техник қоидаларига мувофиқ тўғри монтаж қилиниши, асосий воситалар класификацияси бўйича киримга олиниши, низоят инвентарга номер берилиши ва бошланғич баҳосининг тўғри аниқланиши алоҳида-алоҳида текширилади.

Маълумки, асосий воситалар корхоналарга юқори ташкилотлардан бепул берилиши мумкин. Бундай асосий воситалар текширилганда уларнинг бошланиш баҳоси, эскириши, амортизация суммалари, қабул комиссия томонидан воситалар тўғри баҳоланиши ўрганилади. Шунингдек, асосий воситалар корхонага бепул келиши мумкин. Бундай асосий воситаларнинг ҳам тўла киримга олиниши, жавобгар шахсларга бириктирилиши ўрганилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг трактор, автомобиль, қишлоқ хўжалик машиналар билан таъминланиши. Таъминот тизими ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Техник воситалар асосан қишлоқ хўжалик корхоналари билан таъминот ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар асосида олинади.

Назоратчилар қишлоқ хўжалик машина ва қуролларининг хўжаликка келишини текширганда олди-сотди муносабатларида шартномаларга муддат ва баҳо жиҳатидан риоя қилинаётгандигини ўрганадилар. Бунда техник воситаларнинг олинишида назоратчилар уларнинг тўла комплект келиши, ўз вақтида асосий воситалар сафига киримга олиниб, жавобгар шахсга бириктирилишига алоҳида эътибор бериши керак. Кўп ҳолларда трактор, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари ва қуроллари билан комплект эҳтиёт қисмлар, инвентарлар келади, уларнинг «Материаллар», «Кам баҳоли ва тез тўзиидиган буюмлар» бош счётларига даромад қилиниши текширилади.

Агарда хўжаликка асосий восита юқори ташкилотнинг буйруғи билан келадиган бўлса, бундай операциялар тегишли буйруқлар ва иккала хўжалик ўртасидағи асосий воситаларни қабул қилиш далолатномасига мувофиқ амалга оширилади. Бу асосий воситалар ҳам корхонада жавобгар шахсларга бириктирилади. Мамлакатимизда «Корхона (бирлашма) ҳақида»ги қонунда кўрсатилганидек, корхоналар ортиқча асосий воситаларини сотиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кўп йиллик дараҳтлар ҳам асосий воситалар сифатида қабул қилинади. Бунда асосий эътиборни барипо этилган боғ-роғларнинг тўла гектарлар асосида бўлиши ҳисобга олиниши лозим. Сўнгра ҳосилга киргунгача ёш дараҳтлар харажатлари, айрим боғ ташкил қилинган майдонлар бўйича бўлишлиги қай тартибда ҳисобга олиб борилгандиги текширилади. Шунингдек, боғ майдонлари бўйича бошлангич баланс қийматининг

тўғри аниқланиши чуқур ўрганилади. Ҳар бир барпо қилинган майдонлар камида 10—15 гектар бўлса, яхши натижা беради, худди мулкий асосий воситалар сингари, улар ҳам моддий жавобгар шахсларга бириктирилиши лозим. Эксплуатация ўз вақтида мутахассислар иштирок этган маҳсус комиссия далолатномаси билан қабул қилиниши керак. Агарда асосий воситалар киримида камчиликлар аниқланса, жавобгар шахслар бўйича оралиқ далолатнома тузилади.

Назорат даврида корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида алмашувини кўриш керак. Айрим ҳолларда баъзи корхоналарда асосий воситаларнинг нотўғри, объектив талаб даражасини ҳисобга олмасдан тақсимлаш ҳоллари учраб туради. Агарда асосий воситалар шахсий манфаатларда фойдаланиш ҳоллари учраб қолса, унда етказилган зарар аниқланиб, жавобгар шахсдан тўла ундирилиши лозим.

### **Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқишини назорат ва тафтиш қилиш**

Қишлоқ хўжалик корхона ва бирлашмаларида асосий воситалар маълум муддат давомида фойдаланилгандан сўнг, улар эскириши натижасида хўжалик ҳисобидан чиқарилади. Агарда хўжаликдан асосий воситаларнинг чиқиши сабаблари ўрганилса, улар қўйидаги ҳолларда амалга оширилади: кўп йиллар ишлатилиши натижасида яроқсиз бўлганда, тўла эскирганда, ишлатишда самара бермай қолганда, сотилганда, бепул бошқа корхоналарга берилганда ёки табиий оғат туфайли, моддий жавобгар шахслар масъулиятсизлиги натижасида авария бўлганда, ўғирланганда хўжалик балансидан чиқарилади.

Асосий воситалар давлат корхона (бирлашма)си тўғрисида жамоа хўжаликларда эса шу хўжаликда қабул қилинган Уставга мувофиқ ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши текширилганда хўжаликда объектив бўйича ёки ҳар бир воситадан самарали фойдаланилганлиги ҳисобга олиниши лозим.

Ўтказилган назорат ва тафтишдан мақсад асосий воситаларнинг тўла эскиришидан олдин ёки самарали фойдаланилмасдан аввал хўжалик балансидан чиқариб юборилишининг олдини олишдир. Шунинг учун ҳам назорат доимий ва йил давомида бир тартибда амалга

оширилиши керак. Амалда қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий воситалар йил охирида бир марта балансдан чиқарилмоқда, лекин бу ишга яроқсиз асосий воситаларга амортизация ҳисобланиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлаёттир.

Асосий воситаларнинг хўжалик балансидан чиқишини назорат ёки тафтиш қилганда энг асосий эътибор хўжалик операцияси содир бўлишдан олдин ўтказиладиган назоратга қаратилиши лозим. Текширишда асосий воситаларнинг хўжалик балансидан чиқишини расмийлаштирувчи комиссия бўлиши керак. Бундай ҳайъат корхоналарида раҳбарнинг буйруғига мувофиқ, жамоада эса аъзолар умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши қарорига мувофиқ тузилади. Ҳайъат таркибига корхона раҳбарининг ўринбосари, бош бухгалтерлар ва бошқа тармоқ мутахассислари киритилади.

Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқишини назорат қилганда жорий назорат формасидан кенг фойдаланиш зарур бўлади. Бунда назоратчилар хўжалик балансидан чиқарилаётган асосий воситаларнинг ҳар бирини техник жиҳатдан ҳақиқий ҳолида кўриши лозим. Назоратда асосий эътибор асосий восита қандай ҳолатда ва муддатда хўжалик балансидан чиқарилаётганига қаратилади. Айниқса, пахтачилик хўжаликларида тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, пахта териш машиналари кўп ҳолларда етарли миқдорда иш бажармасдан фақат уларнинг хўжаликда бўлган муддатига қараб чиқарилиш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун асосий воситалар хўжаликдан чиқарилаётганида уларнинг техник паспортлари, юритилишига, далолатнома тузилиши, тасдиқланишига катта эътибор берилиши лозим.

Агарда асосий восита тўла эскирмасдан ёки ўзи бажарадиган иш ҳажмини бажармасдан чиқарилаётган бўлса, унинг сабаблари чуқур ўрганилади. Хўжаликдан чиқаётган асосий воситага ҳисоблаш амортизация суммаси тўғри ҳисобланганлиги текширилади. Иморат ва иншоотларнинг эса элементларига (пойдевори, девори ва ёпилиши) эътибор берилади. Агарда кўп йиллик дараҳтлар 70 фоизгача сийраклашиб ҳосил бермай қолганда уларни жорий тафтиш қилиш ва хўжалик балансидан чиқариш мумкин.

Хужжатли тафтишда хўжаликдан чиқаётган асосий воситанинг ҳамма ҳужжатлари кўрилади, бунда комиссия тузилганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки қарордан бош-

лаб, тафтиш қилинаётган даврда балансдан чиқарилаётган ҳар бир асосий воситанинг техник ҳолати, фойдаланиш бўйича кўрсаткичлари, хўжаликдан чиқариш далолатномаси формасига риоя қилиниши, далолатнома реквизитлари текширилади. Асосий восита хўжаликка келганидан чиқсанига қадар қандай фойдаланилганлигига эътибор берилади. Иморат ва иншоотлар хўжаликдан чиқарилганда, уларни бузишдан олинадиган инвентарь ва материалларнинг тўла кирим қилинганилиги текширилади.

Агарда асосий восита хўжаликдан табиий оғат натижасида чиқарилса, унинг учун сугурта қайтими олинганилиги ёки олинмаганилиги, текширилади. Асосий пода ва ишчи ҳайвонлари хўжаликдан чиқарилганда уларнинг боқувга қўйилиши ёки тўғридан-тўғри сотилишига эътибор берилади. Бордю улар сўйилган бўлса, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг тўла даромадга олинishi текширилади. Асосий воситалар сотилган бўлса, унда унинг корхона учун зарур эмаслиги, ортиқчалиги, сотишда комиссия томонидан баҳонинг тўғри белгиланиши, унга амортизация суммасининг қай даражада ҳисобланганлиги назорат қилинади. Асосий воситаларнинг хўжаликдан чиқиши ўрганилганда уларнинг хўжаликда бўлиши ва ишлатилишидан корхонага қандай фойда ёки зарар келганлиги текширилади.

### **Асосий воситалардан фойдаланишини текшириш**

Маълумки, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан меҳнат қуроллари сифатида фойдаланадилар. Асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида истеъмол қилиниши амортизация ажратмалари суммаси миқдорида амалга оширилади. Асосий воситаларнинг бошлангич қийматига нисбатан ҳисобланадиган амортизация сумма нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона нормалар асосида ҳисобланади ва, бир томондан, асосий воситалар ишлатиладиган тармоқларда ишлаб чиқарilaётган маҳсулотларнинг таннархига киритилса, иккинчи томондан, жисмоний ва маънавий эскиришини тиклаш, асосий воситаларни реконструкция қилиш, тўлдириш учун корхона амортизация фонди ташкил қилинади. Назоратчилар асосий воситаларга ҳисобланган амортизацияни шу нуқтада назардан текширадилар.

Амортизация ажратмалари қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳар ой амортизация ҳисоблаш ведомости, ҳисобланган амортизация суммаларини тақсимлаш ведомостига мувофиқ бухгалтерия учётида акс эттирилиши маблагларидан унумли мақсадларга мувофиқ ҳамда қонуний жиҳатидан фойдаланилиши текширилади.

Амортизация суммаларини ҳисоблашда асосий эътиборни улардан унумли фойдаланишга қаратиш лозим бўлади. Бунда хўжаликдаги асосий воситаларнинг ой бошидаги қолдиги, ой давомида келиши, кетиши ва қолдигига эътибор берилади.

Амортизация суммалари асосий воситаларнинг турларига қараб ҳисобланиб борилиши эътиборга олинган ҳолда бино ва иншоотлар бўйича баланс қийматидан ҳисобланса, унда трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар бўйича норма асосида ҳисобланадиган амортизация суммаси режада кўрсатилган иш ҳажмига тақсимланади, сўнг ҳар бир иш бирлигига ҳисобланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилиб борилади. Назоратчилар ҳар бир хўжалик бўйича иш бирлигига этalon гектар (сеялкалар бўйича — экилган майдонга, косилка ва грабеллер, комбайнларга эса йигиб олинган майдонга) тўғри белгиланганлигини ўрганадилар.

Бу турдаги асосий воситалардан фойдаланишининг унумли ёки унумсиз бўлганлиги ҳар бир этalon трактор, автомобиль ва комбайнлар бўйича йиллик бажарилган иш миқдори аввало, режа, сўнгра эса базис ёки олдинги йилларга таққосланади. Назоратчилар трактор, автомобиль, комбайнлар бўйича улардан фойдаланишининг бошқа кўрсаткичлари (смена коэффициенти, юк билан босилган йўл, норма-смена, бажарилган ишларнинг таннархи)ни ўрганиш асосида назоратни амалга оширадилар.

Назоратчилар амортизация ажратмаларини текшираётганда асосий воситалар учун ҳисобланаётган эскириш суммаларининг тўғри ҳисобланаётганлигини алоҳида ўрганадилар. Назорат жараённада асосий эътибор трактор, автомобиль, комбайн ва қишлоқ хўжалик машиналари бўйича режадаги амортизация суммасини, ҳақиқатдан бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланишига қаратилади.

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашни текширишда асосий воситаларнинг хўжаликка келиши ва кетиши ҳисобга олинади. Қабул қилинган асосий во-

ситалар учун амортизация ўша ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, хўжаликдан чиқсан асосий воситалар бўйича эса балансдан чиқарилгандан кейинги ой биринчи кунидан, бошлаб тўхтатилади. Агарда амортизация кам ҳисобланган бўлса, қўшимча ҳисобланади, агарда ошиқча ҳисобланган бўлса унда «қизил ёзув» билан корректировка қилинади. Бунда ҳам бир асосий воситалар учун амортизация ҳисоблаш ведомости тузилади.

Ҳисобланган амортизация суммаларининг «Амортизация фонди» бош счёт субсчётларида акс эттирилиши назорат қилинади.

Тафтиш охирида амортизация фонди маблағларининг оборот, маблағлари туродиган агросаноат банкидаги ҳисоб счётда вақтида қайд қилиб турилиши текширилади. Амортизация ажратмаларини назорат қилишда олдиндан ўтказиладиган, жорий ва кейинги назорат формаларини уйғунлаштириб тафтиш ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

### **Асосий воситаларни таърифлаш учун қилинган сарфларни текшириш**

Аудиторлар асосий воситалардан фойдаланишини текширишда, улардан ишлатилиши натижаларига қараб, экстенсив юкланишини ва интенсив юкланиш коэффициентларини билиб ҳисоблаб чиқсалар ва бунинг учун қўйидаги формулалардан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

$$\text{К экстенсив юклама коэффициенти} = \frac{\text{Тф} - \text{асосий воситанинг белгиланган муддатда ишлаган вақти}}{\text{Тк} - \text{асосий воситанинг календарь ёки режим фонд вақти}}$$

$$\text{К интенсив юклама коэффициенти} = \frac{\text{Пф} - \text{ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш ҳажми}}{\text{Пн} - \text{имкониятга кўра маҳсулот ишлаб чиқариши ёки бажариши мумкин бўлган иш ҳажми}}$$

Бундай коэффициентлар энг илғор технология асбоб-ускуналари, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилиб хulosага киритилиши лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётганда асосий

воситалар ўзининг физик ҳолатини сақлаб қолгани ҳолда аста эскириб боради ёки деталлари (қисмлари) ишга яроқсизланиб, бутунлай ишлатиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда асосий воситалар техник қаровдан ўтказилади, жорий ёки капитал ремонт қилинади ва яроқли ҳолга келтирилади.

Корхоналар эса бундай ишларни бажариш учун маълум харажат қиласидар. Олдинги икки иш, яъни техник қаров ва жорий ремонт учун сарфлар асосий фаолият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бу сарфлар асосий воситалар хизмат қиласиган тармоқ ишлаб чиқариш бўлинмалари технологик ҳарита, линия-ҳаражатларида кўрсатилиб, чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан самарали фойдаланишининг бирдан-бир тўғри йўли трактор паркининг таъмирлаш устахонасини, автомобиль паркининг ички хўжалик ҳисобига кўчирилишидир. Ички хўжалик ҳисобига кўчирилган ишлаб чиқариш бўлинмасининг бажарган иши шартнома ёки баҳо асосида белгиланиши лозим. Бунда албатта ижара пуррати ёки жамоа пуррати каби меҳнатни ташкил қилиш шаклларидан яхши натижага кутиш мумкин.

Асосий воситаларни капитал таъмирлаш, юқорида зайдилганидек, амортизация фонди ҳисобига амалда оширилади. Капитал ремонт сарфлари ҳар бир асосий восита бўйича алоҳида алоҳида ҳисобга олиниб, амортизация фондидан қопланади. Тегишли счёtlар маълумотларини бухгалтериянинг жорий ва йиллик ҳисоботларидаги маълумотларига таққослаш билан тафтиш туттагланади.

Асосий воситалар ремонтини назорат қилишда олдиндан ўтказиладиган, жорий ва кейинги назорат формаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Агарда асосий воситалар ремонтини тафтиш қилишда айrim камчилик ёки мулкни талон-торож қилиш фактлари аниқланса, оралиқ далолатномалари тузилиб, ҳар бир моддий жавобгар шахслар кўрсатилади. Тафтишнинг умумий далолатномасида эса бундай далиллар умумлаштирилиб ёзилади.

## **МАВЖУД ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ БОШ СОНИНИ ВА ҲАРАКАТИНИ АУДИТ ВА ТАФТИШ ҚИЛИШ**

### **Аудит ва тафтиш қилиш тартиби ҳамда назоратчилик вазифалари**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини амалга оширишда чорвачилик тармоғи салмоқли ўрин тутади. Шунинг учун бу муҳим тармоқнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилishi лозим. Чорва молларининг сонини ва улардан олинадиган маҳсулотларни тафтиш ва назорат қилишининг асосий вазифалари: чорва моллари бош сонининг тўла сақланишини, молларни боқиш ва озиқлантириш шароитини, пода обороти ҳамда зотининг яхшиланишини, молларнинг хўжаликка даромад қилинишини ҳамда уларнинг катта гуруҳларга кўчирилишида, банк қилинишида ва хўжаликдан чиқарилишида амалдаги тартибга риоя этилишини ҳамда чорвачиликда зоотехника ва бухгалтерия учётининг тўғри йўлга қўйилишини текширишdir. Бу вазифаларни амалга ошириш учун назорат-тафтиш ишларини қуйидаги кетма-кетлиқда олиб бориш тавсия этилади. Аввало хўжаликда чорвачилик тармоғининг ташкил этилиши, чорва молларининг моддай жавобгар шахслар қарамогига бириктириш тартибини, уларни сақлаш, озиқлантириш шароитини ўрганиб чиқиш лозим. Кейин инвентаризация ўтказиш билан моллар бош сонининг тўла сақланиши текширилади. Бу ишлар тугатилгач хўжаликка келаётган молларнинг тўлиқ ва ўз вақтида даромад қилиниши, пода обороти режасининг бажарилиши текширилади. Бунда молларни мажбуран сўйиш ва уларнинг харом ўлиши ҳолларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Чорва молларининг хўжаликда жойланиши, уларни сақлаш ва озиқлантириш шароитларини текшириш. Хўжаликда чорва молларининг тафтишини ўтказища аввали, уларнинг хўжалик ҳудуди бўйлаб жойланиши ва моддай жавобгар шахсларга бириктирилиш тартиби би-

лан танишиш, кейин эса уларни сақлаш ҳамда озиқлантириш шароитларини ўрганиш лозим. Олдиндан ўтказиладиган назоратда хўжаликнинг жорий ва бизнес режаларида чорвачиликни ривожлантиришга қандай аҳамият берилаётганлиги, молларни алоҳида ёш ва жинс гуруҳлари бўйича қайси фермаларда жойлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг, сақланишининг қандай шакл ва тизимларини қўллаш режалаштирилаётганлиги, чорвачилик бинолари, уларнинг машина ва ускуналар билан таъминлаш бўйича қандай тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилаётганлиги текшириб кўрилади.

Хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришнинг резервларини аниқлаш учун ўрганилган бир неча йилларнинг кўрсаткичларини илфор хўжаликлар натижалари билан солиштириб кўриш билан чорвачиликда прогрессив технология ҳамда молларни сақлаш ва озиқлантиришнинг илфор усууларини қўллаш имкониятлари қидириб топилиши зарур. Чорва моллари инвентаризациясининг режали равишда ўтказилиб туришини текшириш учун учёт ва назорат ходимларининг зарур бухгалтерия ҳамда зоотехник учёти ҳужжатлари билан таъминланганлиги ўрганилади.

Жорий назорат давомида чорва молларининг хўжалик ҳудуди бўйича қандай жойлаштириш, чорвачилик бинолари капитал қурилиши режаларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизацияланиш даражаси, чорвачилик биноларида зооветеринария талабларига қай даражада амал қилиниши текширилади.

Бунинг учун жорий учёт маълумотларини текшириш билан бирга, моллар бош сони, ем-хашак ва озиқ қолдиқлари инвентаризация қилинади, молларни ҳақиқий озиқлантириш даражаси рацион билан текширилади. Бузоқларнинг ва четдан сотиб олинган молларнинг тўлиқ ва вақтида даромад қилинишини, уларнинг алоҳида моддий жавобгар шахс қарамогига биректирилишини жорий назорат қилиб бориш чорва молларининг тўлиқ сақланишини таъминлашда катта самара беради.

Ҳужжатли тафтишда чорвачилик тармоқларининг жойлашиши, ихтисослашуви ва концентрацияланиши, режа кўрсаткичларининг асослилиги, унинг бажарилиш даражаси, чорва молларининг хўжалик територияси бўйича ҳақиқий жойланиши, молларни сақлаш ша-

роити ва озиқлантириш даражаси ўрганилади. Текширишда хўжаликнинг ишлаб чиқариш молия режаси ва йиллик ҳисоботи маълумотларидан, чорва моллари ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари, инвентаризация рўйхати, ем-хашак сарфлаш ведомости, чорва моллари ва паррандалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот хўжатларидан ва зоотехник учёти регистрлари маълумотларидан кенг фойдаланилади.

Чорва молларининг сақлаш ҳолатини тўлароқ аниқлаш учун тафтиш давомида қайта назорат инвентаризациялар ўтказиш тавсия этилади. Инвентаризацияда ортиқча чиқсан чорва моллари хўжалик ҳисобига кирим қилинади, камомад эса айбдор шахслар зиммасига ёзилиб, ундириб олинади.

Инвентаризация натижаларига оралиқ далолатнома тузилиб, кейин бу маълумотлар тафтиш умумий далолатномасига қўшилади.

Чорва молларининг хўжаликка даромад қилинишини текшириш. Чорва молларининг бош сонини ва ҳаракатини тафтиш қилишда текширилаётган давр мобайнида хўжаликка қўшилган барча молларнинг тўлиқ ва ўз вақтида даромад қилинишини диққат билан кузатиш лозим. Хўжаликка чорва молларининг қўшилиши йўллари, бу хўжаликнинг ўз чорва молларидан насл олиш, аҳолидан ва бошқа хўжаликлардан сотиб олиш ҳамда боқилаётган молларнинг тирик вазнини ўстириш. Чорва молларининг кўпайишини доимий равища олдиндан жорий ва хужжатли назорат қилиб бориш зарур. Чорва молларининг олдиндан ўтказиладиган назорати хўжаликда зоотехника ва бухгалтерия учётини тўғри йўлга қўйиш билан амалга оширилади.

Жорий назоратда хўжалик чорва молларидан олинган наслларини ва сотиб олинган молларни тўсатдан инвентаризация қилиш усулидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Бу инвентаризация натижалари учёт маълумотлари билан солиштириб кўрилиб, хўжаликка қўшилаётган чорва молларининг кирим қилинишининг тўлиқлиги аниқланади. Чорва молларининг кўпайиш даврида: сотиб олинган моллар хўжаликка қўшилган пайтда бундай инвентаризациялар ўтказиш катта самара беради. Жорий назорат давомида текширишнинг инвентаризация ўтказиш усулини хужжатлар асосида қўшиб олиб бориш назоратнинг объективигини оширади, хўжаликда чорва молларининг сақланиши тўғрисида етарлича тўлиқ маълумот олиш имконини беради. Хўжа-

ликда чорва молларининг кўпайиши ва уларнинг тўғри даромад қилинишини ҳужжатли тафтиш қилишда биринчи навбатда молларнинг қочириш вақти ёзиладиган журналдан уларнинг туғиш пайти аниқланади. Сўнгра бузоқларни кирим қилиш далолатномаси, ҳайвонлар ва паррандалар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари маълумотлари билан бу маълумотлар солишириб кўрилиб, туғилган бузоқларнинг тўғри кирим қилиниши аниқланади.

Туғилган бузоқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида кирим қилинмаслик фактларини, ем-хашак сарфлаш қайдномаси маълумотларини молларнинг бош сони маълумотлари билан солишириб кўриб аниқлаш мумкин. Текширишда шунингдек, учётда бузоқларнинг тирик вазннинг тўғри кўрсатилишига ҳам аҳамият бериш мумкин. Амалда моллар тирик вазнининг ўсишига юқори иш ҳақи олиш учун янги туғилган бузоқларнинг вазнини камайтириб кўрсатиш ҳоллари учрайди. Бундай сунистеммол ҳоллари ёш молларнинг туғилгандаги учётда кўрсатилган вазнини норматив вазнига солишириш йўли билан аниқланади. Янги туғилган ҳайвон болаларнинг норматив вазнлари: бузоқ — 20—30 кг, чўчка боласи — 0,8—1,2 кг, кўзи ва улоқ — 2—4 кг, жўжа — 35 гр, ўрдак ва товуқ — 50 гр, ғоз жўжаси — 100 гр. Тафтиш давомида кирим қилинмаган ҳайвон болалари аниқланган фактларга алоҳида ведомость тузиш лозим.

Аҳолидан қатъий шартнома асосида сотиб олинган молларнинг тўлиқ ва ўз вақтида даромад қилинишини аниқлаш учун сотиб олиш далолатномаси ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, бу ҳужжат кўрсаткичлари ем-хашак ведомости, моллар вазнини ўлчаш ведомости, ҳайвонлар ва паррандалар ҳаракати ҳақида ҳисобот ва бу ҳаракатларни ҳисобга олиш дафтари маълумотлари билан солишириб текширилади. Бунга сотиб олинган моллар бош сониннинг қанчалигини аниқлаш билан бирга, уларнинг тирик вазнининг тўғри кўрсатилишини ҳам текшириш керак, бунинг учун бир даврда тузилган қатъий шартнома далолатномалари ҳайвонларнинг вазнини ўлчаш ведомости билан солишириб кўриш лозим. Зарур ҳолларда эса қайта назорат инвентаризация (молларнинг инвентарь номерлари бўйича) ўтказилади. Бошқа хўжаликлардан сотиб олинган молларнинг тўлиқ кирим қилинишини текшириш ҳам худди шу тартибда амалга оширилади.

Ёш чорва молларининг катта гуруҳларга ўтказилишини текшириш. Чорва молларининг ҳаракатини тафтиш ва назорат қилишда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш шартнома ва буюртмаларининг бажарилишини, ҳайвонлар бош сонининг ўсишини ҳамда уларнинг наслини яхшилашни тъминловчи иқтисодий, ташкилий ва ишлаб чиқариш технологик тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилганлигини текшириш лозим. Ҳўжаликда подадаги сигирларни қочиришда зоотехника талабларига амал қилинишига алоҳида аҳамият бериш зарур. Бунинг учун бир неча йиллик маълумотлар: ҳайвонларнинг ўртacha насл бериши, уларнинг ўртacha сакланиш фоизи, қочиришга қўйилишининг ўртacha муддатлари асослилиги аниқланади. Олдиндан ўтказиладиган назоратда чорва молларидаги ялпи насл олиш даври боцланиши олдидан хўжалик фермалари, отарларининг бу мавсумга шайлиги текширилади (сутка давомида навбатчилик ташкил қилиниши, туғиши бўлимларини тайёрлаш ва бошқалар). Жорий назорат давомида ҳайвонларнинг катта гуруҳларга ўтказилишини, бу операцияларни амалга ошириш муддатларини доимий равишда текшириб бориш катта самара беради. Бунда назоратчилар ёш чорва молларининг ўз вақтида кирим қилинишларини, подани тўлдирувчи ёш молларнинг асосий подага кўчирилишини ва қари ҳайвонларни асосий подадан «берк» қилиш операцияларини текшириб боришлари лозим. Алоҳида шахслар томонидан асосий поданинг маҳсулдорлигини ошириб кўрсатиш учун насл берган ёш ҳайвонни асосий подага кўчирмаслиги ёки маҳсулдор мол қалбаки равишда боқувдаги моллар гуруҳига «ўтказилиши» мумкин. Шунинг учун асосий подани тўлдириш учун мўлжалланган ёш молларнинг бош сонини, маҳсулдор ҳайвонларнинг асосий подадан берк қилинишини текшириш керак.

Ҳайвонларнинг катта гуруҳларга кўчирилишининг хужжатли тафтиши «Ўстиришдаги ёш ва боқувдаги чорва моллари» бош счёти, «Асосий воситалар» бош счёти маълумотлари, ҳайвонларни гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш далолатномаси ҳамда ишлаб чиқариш, режа, бухгалтерия ва статистик маълумот, зоотехник учёти регистрлари маълумотлари асосида амалга оширилади. Бухгалтерия счётларидаги ёзувларни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш далолатномасининг маълумотларини текшириш билан бу операцияларнинг реалигиги ва мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Ҳайвонларнинг

кatta гуруҳларга ўтказилишини текширишни уларнинг инвентарь номерлари бўйича, кичик ёш гуруҳидан бошлаб, то уларни асосий подага ёки бокувдаги подагача бўлган ҳаракатини ўрганиш асосида амалга ошириш лозим. Бунда туғилган пайтда кирим қилинмаган ҳайвон боласи кейинчалик фермада ҳайвонлар ва паррандалар ҳаракати ҳисоботига қўшилиши ҳоллари учраши мумкин. Бундай ҳолларда бу молларни хўжаликка даромад қилиш, ўлган ҳайвонларга далолатномаларнинг расмийлаштиришини ва айбдор шахсларни аниқлаш зарур.

Баъзи ҳолларда, масалан, алоҳида мол гуруҳларидан олинган маҳсулот миқдорини ошириб кўрсатиш учун, ҳайвонларни гуруҳдан бошқа гуруҳларга қалбаки равишда кўчириш фактлари учрайди. Бундай фактлар учраганда ҳайвонлар ва паррандаларни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга кўчириш далолатномаси, бухгалтерия ва зоотехник учёт маълумотлари билан солиширилиб бу операциялар қўшимча равишда ўрганилади.

Хўжжатли тафтишда аниқланган қонун бузилиши фактлари учун ҳайвонларни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга кўчириш далолатномасининг номери, санаси, унда акс эттирилган моллар бош сони, молларни бошқа гуруҳларга кўчиришдаги қўшиб ёзишлар кўрсатиш билан алоҳида ведомость тузилади.

### **Ҳайвонларнинг хўжаликдан чиқишини назорат ва тафтиш қилиш**

Ҳайвонларнинг хўжаликдан чиқищ операцияларининг асосий йўналишлари: сотиш, хўжаликда сўйиш, алмаштириш, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва чорва молларининг ўғирланиши бўлиб, текширишда ана шуларга эътибор бериш лозим. Шунингдек, текширишда ҳайвонларнинг бош сони, тирик вазни, сеизиология даражаси, зотлилиги ва баланс қийматига, уларнинг ишлаб чиқариш ҳамда ёш ва жинс гуруҳлари, инвентарь номерларига жиддий аҳамият берилади.

Ҳайвонларнинг сотилиши бўйича олдиндан ўтказиладиган назоратда сотишнинг алоҳида йўналишларига тузилган кўрсаткичларнинг реаллиги аниқланади, тайёрлов ташкилотлари билан мол сотиш учун тузилган шартномалар, ундан ортиқча сотиш ҳисоб-китобларнинг асоси эканлиги ўрганилади. Жорий назорат бевосита моллар ва паррандалар сотиш давомида амалга оширилади. Хўжа-

ликнинг гўшт учун мол сотиш шартномасининг бажарилиши, сотиш операцияларининг ҳақиқийлиги устидан назорат ўрнатилади. Бунинг учун молларнинг бош сонини уларни сотиш учун жўнатиш олдидан ҳамда йил давомида бевосита тайёрлов ташкилотларига топширилаётган пайтда текшириб кўриш лозим.

Бу операциялар амалга оширилганидан кейин ҳужжатлар асосида ўтказилидиган назорат ва тафтиш товар-транспорт накладнойларини, тайёрлов ташкилотлари томонидан берилган квитанцияларни ўрганиш ҳамда бу ҳужжатларни ҳайвонлар ва паррандаларнинг фермадаги ҳисоботи, уларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш журнали, № 9-журнал-ордер ва № 9-ведомости, статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари билан солишириб текшириш усуллари асосида ўтказилади. Тафтиш давомида сотилган молларнинг тирик вазни ва семизлик даражасини ҳужжатларда бир-бирига мос келишига эътибор бериш лозим. Чунки, бунда семиз молларни кам вазнлиси билан алмаштирилиши, тайёрлов ташкилотларида моллар вазнининг нотўғри ўлчаниши фактлари бўлиши мумкин. Ҳайвонларнинг хўжаликдан чиқишини бошқа каналлар бўйича ҳам тизмли назорат қилиб бориши зарур.

Асосий текшириш манбалари сифатида ҳайвонлар ва паррандаларнинг хўжаликдан чиқиш далолатномаси, бухгалтерия ва зоотехника учёти регистрлари, хўжаликнинг ишлаб чиқариш, молларни сўйишида ўртacha гўшт чиқиши тўғрисида кўлланма маълумотларидан фойдаланилади. Жорий текшириш давомида алоҳида молларни назорат сўйиши методини кўллаш мумкин. Ҳайвонларни сўйишидан олинган маҳсулотларнинг кирим қилинишининг тўлиқдигини аниқлаш учун юқоридаги ҳужжатлар ва кўлланма маълумотлари асосида маҳсус ведомостлар тузилади. Бу ведомостларда ҳар бир сўйилган мол бўйича тирик вазни, семизлик даражаси, ҳақиқий олинган гўшт ва бошқа маҳсулотлар миқдори ва нормаси кўрсатилади.

Асосий подани тўлдириш учун мўлжалланган ва зотли ёш молларнинг сўйилиш фактлари учраганда, бу операцияларни диққат билан кўшимча равишда ўрганиб чиқиш зарур, чунки уларда хўжасизлик билан алмаштирилиши каби фактлар яширинган бўлиши мумкин.

Молларнинг мажбуран сўйилиши далолатномаларини ҳам диққат билан текшириб кўриш лозим. Бу ҳолларда мажбуран сўйилган молларга маҳсус ведо-

мостъ тавсия этилади. Ведомостда сўйилган моллар тури ва гуруҳи, сўйилиш муддати, инвентарь номери, бош сони, тирик вазни, семизлиги, мажбуран сўйилиш сабаби (ветеринарнинг диагнози), молниг баланс қиймати ҳамда моддий жавобгар шахс кўрсатилади. Мажбуран сўйиш операцияларининг реалигини аниқлаш учун ҳайвон ва паррандаларнинг хўжаликдан чиқарилиш далолатномасининг ҳақиқийлигини, тўғри тузилганигини, далолатноманинг маъсул шахслар томонидан тасдиқланганлиги текширилади.

Мажбуран сўйилган моллардан олинадиган маҳсулотларнинг амалдаги нормаларига риоя қилинишини кўйидаги жадвал асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жадвалнинг тўлдирилиши назоратчиларга чорва молларнинг сўйилишидан гўшт ва гўшт маҳсулотларининг олиниши тўғрисида анализ учун тўлиқ маълумотларни беради.

**Нарпай туманинда «Зарафшон» жамоа хўжалигидаги 19...—19...  
йиллар давомидаги сўйилган моллардан маҳсулот олиш бўйича  
солинтириш ведомости**

№ №	Ҳайвонхарнинг турлари, семизлигити ва ишлаб чиқариш бўлинмаси	Бош сони	Норма бўйича гўшт тоғпириши	Тирик оғирлиги	Тирик вазнига нисбатан фонз хисобида	Ҳакиматда	Нормага нисбатан		Имзоси
							кам	ошиб	
микдори	сумма	микдори	сумма						
1. 1. ферма Юқори семизликдаги қорамоллар 2. 2. ферма Ўртача семизликдаги қорамоллар ва ҳоказлар									

Ревизор-бухгалтер  
Бош-бухгалтер  
Бош зоотехник  
Моддий жавобгар шахс

Баъзи ҳолларда молларнинг сўйилишини, уларнинг ҳаром ўлиши тариқасида ҳужжатлаштириш ва чиққан маҳсулотлардан қонунсиз равища фойдаланиш факлари учрайди. Бу фактларни сўйилган моллар териси, гўшти ва бошқа маҳсулотларини тўсатдан инвентаризация қилиш, тузилган чорва молларига берилиган инвентарь номери билан жорий йилда туғилган ёш моллар номерларини солиштириб текшириш, ҳаром ўлган молларга қўйилган диагнозни ветеринария жиҳатидан текшириш усусларини қўллаш билан аниқлаш мумкин. Тафтишда ҳаром ўлган молларнинг яширилганлиги аниқланганда улар сўйиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг табиий оғат ва йиртқич ҳайвонлар ҳужумидан нобуд бўлиши фактлари учраганда, бу ҳолларда маҳсус комиссиянинг тузган далолатномасига эътибор берилади. Далолатнома тузувчи комиссия таркибида бетараф вакил бўлиши лозим. Бунда назоратчилар юқорида кўрсатилган далолатномани диққат билан ўрганиб чиқадилар, зарур ҳолларда далолатнома тузища қатнашган бетараф ташкилий вакилни сўроқ қилиш, маҳаллий, гидрометеорология хизмати маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Ҳалокатга учраган ҳайвон терисидан ва бошқа маҳсулотлардан ҳўжаликда мумкин қадар фойдаланганлиги, нобуд бўлган ҳайвон учун ҳўжаликка суғурта қайтимларининг тўланишига алоҳида эътибор берилиши зарур.

Ҳўжаликда содир бўлган ўғирлик ёки йўқотилиши сабабли юзага келган омиллар камомади назоратчилар томонидан диққат билан ўрганиб чиқилиши лозим. Биринчи навбатда камомадларга тузилган далолатноманинг ҳақиқийлиги ҳамда реалиги аниқланади. Бунинг учун далолатнома тузилган кун, комиссия таркиби, далолатномадаги имзоларнинг ҳақиқийлиги, бошлангич учёт маълумотларининг ҳайвонлар ва паррандалар ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар билан мос келиши текшириб кўрилади. Зарур ҳолларда бу ишга алоқадор шахслардан сўроқ ўтказиш, улардан ёзма равища кўрсатма олиш мумкин. Ҳўжаликда нобуд бўлган ёки ўғирланган молларнинг қийматини айбдор шахслардан ундириб олиш тадбирининг сақланиши алоҳида ўрганиб чиқилади.

Агарда бу камомад суммаларини ҳўжалик ҳисобига олиб бориш ҳоллари аниқланса камомад суммасини

айбдор шахслар ҳисобига олиб бориш ва ундириб олиш чоралари кўрилиши лозим.

Чорва молларининг пода обороти ҳамда сигирлардан бузоқ олинишини текшириш. Подада оборот бўйича режа қўрсаткичларининг бажарилишини тафтиш қилиш ҳар бир тур ва жинс гуруҳлари бўйича чорва моллари ҳаракатининг режа ва ҳақиқий қўрсаткичларини со-лиштириш йўли билан амалга оширилади. Бунда чорва молларининг зотлилик таркиби ва пода структурасини тўлдириш қўрсаткичлари молларнинг гўшт маҳсулдор-лиги қўрсаткичларини иқтисодий анализ қилиб ўрганилади.

Пода оборотининг режа ва ҳақиқий қўрсаткичларини бу тартибда ўрганиш поданинг тўлдирилишини ях-шилаш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш резервла-рини топиш имкониятини беради. Текшириш давоми-да аниқланган бу резервлар хўжаликда чорвачилик иш-ларини яхшилаш учун таклиф сифатида расмийлаш-тирилиб тафтиш умумий далолатномасига қўшилади.

Тафтиш сифатида назоратчилар бухгалтерия ва ста-тистик ҳисоблар маълумотларининг ҳақиқийлигини тек-шириб кўришлари лозим. Бунинг учун чорва моллари-нинг жорий ҳисобда маълумотларини бухгалтерия, ста-тистик ҳисобот маълумотлари билан солиштириб кўриш тавсия этилади. Агарда қўрсаткичлар орасида фарқ аниқ-ланса, бухгалтерия учёти регистрлари ва бошланғич ҳужжатлар, туғилган ҳайвон болаларини кирим қилиш далолатномаси, молларни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш далолатномаси, товар-транспорт накладной-лари, № 9-журнал-ордер ва № 9-ведомости, молларни қочириш журнали ва бошқа ҳужжатлар текширишга жалб қилинади.

Чорва моллари бўйича инвентаризация натижалари бухгалтерия учёти маълумотларида таққосланиб, со-лиштирма ведомостлар билан кам ёки ошиқ эканлиги аниқланади ва оралиқ далолатномалари ёзилади. Таф-тиш охирида оралиқ далолатномалари ҳамда маълу-мотлардан умумий далолатнома учун фойдаланилади.

## **КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ САРФИ ҲАМДА УНГА ҲАҚ ТЎЛANIШИНИ АУДИТ ВА ТАФТИШ ҚИЛИШ**

### **Текшириш тартиби ва назоратчиларнинг асосий вазифалари**

Меҳнат ресурслари муҳим ишлаб чиқарувчи куч бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда катта ўрин тутади. Ишлаб чиқариш бўйича бизнес режа ва технология топшириқларининг бажарилиши маълум даражада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Корхона (бирлашма) тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳар бир корхона ва ташкилотларда меҳнатни ташкил қилиш, унга ҳақ тўлаш устидан назорат олиб бориш меҳнат жамоалари томонидан амалга оширилиши лозим.

Текшириш жараёнида нақд пулларнинг хазинага тўғри ва тўлиқ равища қабул қилиниб олишига алоҳида аҳамият бериш лозим. «Пахта» банки бўлимларидан олинган пул маблағларининг кирим қилиниши текширилаётганда хазина дафтаридаги хазина кирим ордери, чек счётидан кўчирмаси (выписа)даги ёзувларга солишириб кўрилади. Бунда ҳар бир хужжатдаги ёзувлар кўрилиб, тегишли суммаларга белги қўйилиб кетилади. Белгиланмай қолган суммалар топилса, бу хужжатлар ёзувлари орасидаги фарқ алоҳида ўрганилиб, сабаби аниқланади. Бунда хўжаликка кирим қилинмасдан қолган банкдан олинган нақд пул суммалари аниқланса, айбор шахсларни жазога тортиш ва улардан хўжаликка келтирилган зарарни ундириб олиш учун оралиқ далолатнома тузилиши шарт. Тафтиш давомида чек дафтарчаларининг олиниши, сақланиши ҳамда хазиначи банкдан нақд пул олиш учун бораётганда чек ёзилиши тартибини ўрганиш лозим. Бунга амалдаги қоидадан бирор четланиш бўлса, бу ҳақда тафтиш умумий далолатномасида қайд қилиниб, хўжалик бош бухгалтерларига мавжуд камчиликларни тугатиш топширилади. Ҳамма чек дафтарчалари фақат хазинада сақланиши ва маҳсус балансдан ташқари «Қатъий ҳисобли бланкалар ва инструктив материаллар» счётида ҳисобга олиб борилиши керак.

## **Хўжалик субъектларида меҳнат сарфи ва ҳақ тўланишини аудит қилиш**

Маълумки, меҳнат сарфи, бир томондан, товарлар (иш, хизмат)лар қийматини вужудга келтирса, иккинчи томондан, ҳалқ истеъмоли вужудга келтиришда ходимларга ишчи кучи сарфи учун меҳнат ҳақи эвазига ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралишини талаб қиласди.

Аудит текшируванинг ўтказиш тартиби ва назоратчилар олдидаги вазифалар. Меҳнат ресурслари технология жараёнида ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи, актив куч бўлса, бошқа томондан, мамлакат, ватан, ҳудуд, қолаверса, текширилаётган корхона учун бугунги техника прогресси даврида катта интеллектуал қувватдир.

Корхонани ташкил қилиш ғояси тадбиркорга келиши биланоқ бошқа ишлаб чиқариш кучлари сифатида, малакали ишчи, мутахассисларни уюштириш, бизнес-режа бўйича меҳнатни ташкил қилиш, унга меҳнат сарфи ва сифатига қараб ҳақ тўлаш каби муаммолар кўндаланг вазифа бўлиб туради. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бизнес-режага киритиш ва технология топшириқларининг бажарилиши кўп даражада меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқdir. Хўжалик субъектларини ташкил қилиш, иш юритиш тўғрисидаги меъёрий хужжатларга мувофиқ корхона, ташкилотларда меҳнатни ташкил қилиш, унга ҳақ тўлаш, ходимларни моддий ва маънавий рафбатлантириш Республикамиздаги аҳолининг ноҷор қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш кабилар қаттиқ назорат қилишини талаб қиласди.

Аудит текшируванинг мақсади—меҳнатни тўғри, илмий ташкил қилишини, иш вақтидан унумли фойдаланишни, товар (иш хизматлар) қийматида меҳнат сарфи сигимини пасайтиришга қаратилиши лозим.

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашни тафтиш қилишнинг асосий вазифалари меҳнат сарфи тўғрисидаги амалдаги қонун ва қоидаларга риоя қилинишини, меҳнатни илмий ташкил этиш ҳамда унга ҳақ тўлашнинг тизимлари асосида меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини янада ошириш резервларини аниқлаб топищдир. Бу вазифаларни бажариш учун аввало хўжаликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш режаларининг асослилиги, иш ҳақи (меҳнат ҳақи) фон-

дининг илмий асосда тўғри ташкил этилиши, амалдаги қонун ва қоидалар асосида ишлаб чиқарилган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом ва ички тартиб қоидаларининг мавжудлиги текширилади. Кейин ишларни нормалаштириш, ходим ва ишчиларга тариф белгилаш, меҳнатни ташкил қилиш қай ҳолатда эканлиги ўрганилади, штат интизомига, тариф ставкаларига, маош ҳамда баҳоларга риоя қилиниши, бажарилган ишлар ҳажмининг реалиги текширилади. Бунда минимал иш ҳақига риоя қилишни кўриш зарур.

Шундан кейин меҳнат ҳақи фондининг ҳақиқий сарфланиши, унинг бажарилган ҳажмига мос келиши, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқнинг бажарилиши ҳамда ишчи ва хизматчилар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг тўғри юритилиши тафтиш қилинади. Бунда ишчи ва хизматчиларнинг мукофотланиши амалдаги Қонун ва Низомга мувофиқ эканлиги алоҳида ўрганиб чиқилиши зарур.

Тафтиш ишлари меҳнат тўғрисидаги ҳисбот маълумотларининг учёт маълумотларига тўғри келишини текшириш билан якунланади. Ходимлар сонининг технология жараёнларига сон жиҳатидан тўғри, мос келиши ўрганилади.

### **Меҳнат ресурсларидан фойдаланиши ҳамда иш ҳақи фонди режалаштирилишининг илмий асосга эга эканлигини текшириш**

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиши ва иш ҳақи (меҳнат ҳақи) фондини режалаштиришнинг илмий асосга эга эканлигини текшириш, реха кўрсаткичларининг ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг янги резервларни аниқлашга қаратилган. Бундай текшириш хўжалик ишлаб чиқариш, молия режаларининг тузилиши мобайнида ва бу режаларнинг бажарилишини жорий ҳамда хўжатли назорат давомида олиб бориш лозим. Бунда иш вақти фондидан тўлиқ фойдаланишга ишлаб чиқаришнинг механизацияланиш даражаси, меҳнатни ташкил қилишнинг прогресив формаларининг қўлланилишига эътибор берган ҳолда, хўжаликда меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг бир неча йиллик кўрсаткичлари анализ қилиниб кўрилади.

Бу анализ маълумотлари, илғор хўжаликлар кўрсаткичлари натижасида меҳнат сарфи ва ишчи (колхоз-

чи)ларнинг режада белгиланган сони кўрсаткичлари нинг асослилигини аниқлаш мумкин. Хўжаликда бажарилиши мумкин бўлган ишлар ҳажмининг тўғри режалаштирилиши алоҳида текширилиши зарур. Бунда ресурслардан рационал фойдаланишга, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга имкон берадиган бригада, оила, ижара пудрати каби меҳнатни ташкил қилишининг илгор шаклларининг қўлланилишига эътибор берилиши лозим.

Иш ҳақи (меҳнат ҳақи) фондининг тўғри режалаштирилганлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш дастури, ишчилар сони, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги Низом қоидалари асосида ҳамда белгиланган нормативлардан тўғри фойдаланилганлиги текшириш йўли билан амалга оширилади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш формалирининг жорий қилиниши ва фан-техника прогрессининг турмушга тадбиқ этилиши меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришни талаб қиласди. Шунинг учун илгор жамоалар ва иқтисодчиларнинг қўпчилиги ялпи даромаддан ҳақ тўлашни тавсия қўймоқдалар. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик корхоналарида, уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида ялпи даромаддан меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисида «Меҳнатга ҳақ тўлаш Низоми»га ўзгаришлар киритмоқдалар. Шуни эътиборга олиб назоратчилар меҳнатга ҳақ тўлашни, ички хўжалик Низомини, ушбу нуқтаи назардан текширишлари керак, яъни 208-бетдаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиласми.

Ушбу жадвал асосида қишлоқ хўжалик корхоналарида ялпи даромад ва унинг таркибида меҳнат ҳақи фондининг салмоғини ҳамда ходимларни моддий қизиқтиришнинг аҳволи тўғрисида тўла фикр юритиш имкониятини беради. Бундай шароитда меҳнат ҳақининг ўсиш суръати юқори бўлишига эътибор берилиши лозим.

Белгиланган ҳақ тўлаш фонди маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, талаб қилинадиган меҳнат нормаси ҳамда мос тариф ставкалари асосида, меҳнат ҳақи қоидала-рига кўра ўзгармас нормаларда тўланадиган қўшимча ҳақларни ҳамда ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини режалаштириш, учётини юритиш ва аниқлаш бўйича аҳволни ўрганиш лозим).

**Нарнай туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигига ялпи даромаддан  
мехнатга ҳақ тўлаш**

	Режа			Хақиқатла	Мехнат ҳақи
Ишлаб чиқариш бўлинмалари экинлар ёки чорва молларининг турлари	ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм	пул — материал сарфи, минг сўм	ялпи даромад, минг сўм	19.. – 19.. йиллардаги ялпи даромадда меҳнат ҳақи саломи	ялпи маҳсулот, минг сўм

Иш ҳақи фондининг ишлаб чиқариш тармоқлари ва хўжалик бўлинмалари бўйича тўғри тақсимланишини алоҳида текшириш зарур. Тафтиш давомида хўжалиқда иш ҳақига нисбатан ишчиларнинг социал страхованиеси бўйича ажратмалар нормаларининг тўғри қўлланилишини текшириш лозим. Назоратчиларга хўжалиқда белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом ва ички меҳнат интизоми қоидаларининг мавжудлигини текшириш тавсия этиладики, бу ҳужжатлар меҳнат ресурсларини ва иш ҳақи фондини тўғри режалаштириш ҳамда улардан рационал фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Меҳнатга ҳақ тўлаш Низоми асосида ишчи ва хизматчилар групплари учун иш ҳақининг ишбай, вақтбай ёки аккорд системаси қўлланилишининг асослиги, иш бажариш нормаси ва нагрузка, ишчи-хизматчиларни мукофотлаш қоидалари, хўжалиқдаги мавжуд штатлар текширилади.

Текшириш давомида аниқланган хато ва камчиликлар тафтиш умумий далолатномаси ёки текшириш маълумотномасининг мос бўлимларида қайд этилади.

## **Меҳнатни ташкил қилиш, уни нормалаштириш ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича амалдаги қоидаларга риоя қилинишини текшириш**

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, уни илмий асосда тўғри ташкил қилиш ва нормалаштириш, меҳнат муҳофази қоидаларига амал қилиниши катта аҳамиятга эга.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида меҳнатнинг прогрессив форма ва методларининг кўлланиши устидан узлуксиз равишда назорат олиб борилиши лозим. Бунда назоратчилар амалдаги фекомендациялар ва шу зонадаги илгор хўжаликлар тажрибалари асосида текширилаётган хўжаликда меҳнатни ташкил қилишнинг, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг структураси ва системасининг у ёки бу формалари қўлланишининг мақсадга мувофиқлигини текширадилар. Текширишда хўжалик ҳисобидаги бригада ва звенолар тузиш уларни жамоа пудратига ўтказиш, ижара пудратини бошқаришнинг цех структурасини, иқтисодий информацияларни қайта ишлашнинг механизацияшган системасини ва диспетчерлик хизматини жорий этиш каби меҳнатни ташкил қилиш, уни бошқаришнинг илгор шакли ҳамда методларини кўллаш учун мавжуд имкониятларни ўрганишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Зарур ҳолларда алоҳида иш турлари бўйича ва аввало баҳорги экиш, экинларни парвариш қилиш, ҳосил йигим-терим даврларида хўжаликда иш вақтидан фойдаланиш даражаси ўрганилиши мумкин. Бунинг учун меҳнат сарғи ва унга ҳақ тўлаш учёти ҳужжатларини (меҳнат ва бажарилган ишларнинг учётга олиш варақалари, тракторчи-машинистнинг учёт варақаси, тракторчининг йўл варақаси, юқ машинасининг йўл варақаси ва бошқалар) текшириш, ишга чиқилишини ва иш кунининг давомлилигини назорат хронометражини ўтказиш усулларидан фойдаланилади. Текширишда прогул, ишга кечикуб келиш, ишдан эрта кетиш, алоҳида ишчилар гуруҳларининг меҳнат таътилларининг асоссиз равишда узайтирилиши ҳоллари учраганда бунинг сабабларини ва хўжалик томонидан бу камчиликларни тутатиш учун қандай чоралар ва тадбирлар кўрилганлигини аниқлаш зарур.

Тафтиш давомида назоратчиларга хўжаликда ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш операциялари-

нинг тўғри расмийлаштирилиши, табель учёти ва меҳнат дафтарчаларининг тўғри юритилишини ҳам ўрганиш тавсия этилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимида назоратчилар хўжаликда зонал намунавий нормалар асосида ишлаб чиқилган асосли, реал бир нормада бажариладиган иш ҳажмларининг қўлланилишини текширадилар. Зарур ҳолларда ўтган йилларда бу кўрсаткичларнинг ҳақиқий бажарилиши бухгалтерия учёти маълумотларидан (меҳнат ва бажарилган ишларнинг учёт варақаси, тракторчи-машинистнинг учёт варақаси, нарядлар ва бошқалар) олиб ўрганилиши мумкин. Жорий текширишлар давомида назорат ўлчовлар ўтказилиб иш бажариш нормаларининг бажарилиш даражаси аниқланади. Хўжжатли тафтишда эса меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш ҳўжжатлари ўрганиб чиқилади, улар шу операцияларга боғлиқ бўлган бошқа ҳўжжатлар билан солиштирилиб текширилади. Тафтиш натижасида бажарилган ишларнинг ҳажмини ошириб ёзиш, нореал иш бажариш нормалари ва шулар асосида нотўғри ҳисобланган иш ҳақи суммалари назоратчилар меҳнат интизомини бузиш сифатида қайд қилиниб, бу хатоларни тугатиш тўғрисида хўжалик бошқарувининг таклифи киритилади.

Хўжаликда ишчиларни ва алоҳида иш турларини тарифларга ажратишнинг тўғри ҳамда асосли равишда амалга оширилишини текшириш мос ҳўжжатлар маълумотлари асосида (аттестация комиссияси йигилишишнинг қарори, иш нормалари тўплами, шахсий карточка тўлов ведомостлари ва бошқалар) ҳамда зарур шахслардан сўраш натижасида ва улардан тушунтириш хатлари олиш йўли билан ўтказилади. Бу текшириш учун меҳнатни ташкиллаштириш ва нормалаштириш бюроси, хўжалик касаба уюшмаси қошидаги иш ҳақи ва меҳнат бригада қенгашининг протоколлари муҳим маълумот манбай бўлиб ҳисобланади.

Хўжаликда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг ҳолатини текшириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги корхоналарда ҳозир ҳам техника хавфсизлигига риоя қилмаслиги оқибатида ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳоллари мавжуд. Шунинг учун текшириш ишларида хўжаликларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича зарур тадбирлар тизимининг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор берилиши зарур. Бу тизимга меҳнатни

муҳофаза қилиш бўйича маҳсус штатли ва жамоатчилик асосида гуруҳлар ташкил қилиш; бепул маҳсус кийим бериладиган ишчилар категориялари ва гуруҳлари таркибини тасдиқлаш, ишчилар билан техника хафсизлиги бўйича инструктажлар ўтказиш; транспорт воситалари ва механизмларнинг хавфсизлигини тъминлаш учун уларга зарур мосламалар ўрнатилиши; техника хавфсизлиги бурчакларини ташкил қилиш; ишчиларни ишлаб чиқариш санаторияси ва даволаш профилактикаси кўрикларидан ўтказиш ва бошқа тадбирлар киради. Ишчиларнинг хавфсизлик шароитини тъминлашга қаратилган бу тадбирларнинг бажарилиши бўйича ишлаб чиқариш жараёнида иш бошланишидан олдин, иш давомида ва иш тугагандан кейин ҳам узлуксиз равища назорат олиб борилиши лозим. Бунда, хўжаликда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигининг ҳақиқий ҳолатини, уни ташкил қилиш тартиби билан солиштириб кўриш текширишнинг асосий усули ҳисобланади. Бу текширишлар натижасида аниқланган амалдаги меҳнатни муҳофaza қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш далиллари ҳар бир тури бўйича умумлаштирилади ва зарур ҳолларда тафтиш умумий далолатномасига илова сифатида расмийлаштирилади.

### **Меҳнатта ҳақ тўлаш низоми қоидаларига риоя қилинишини текшириш**

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўланишини текширишда меҳнатта ҳақ тўлаш Низоми қоидалари асосида штат интизомига роя қилиш, тариф ставкалари, иш ҳақи, расценка ва мукофотлаш тизимларининг тўғри кўлланишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Бунинг натижасида меҳнат сарфининг реаллиги ва унга ҳақ тўланишининг тўғрилиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараси ҳамда меҳнат интизомига риоя қилиш ҳолати ўрганилади.

Бунда олдиндан ўтказиладиган назорат муҳим рол йўнайдики, бу назорат асосида меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашдаги ортиқча штат мавжудлиги ёки бошқа турли қонун бузилиш ҳоллари аниқланниб, улар ўз вактида ўтказилади. Бунинг учун корхоналар ишчилар сонини қисқартириш билан ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиш тўғрисидаги талабга асосланган ҳолда алоҳида категория ва гуруҳлар бўйича ишчилар

сонини текшириш зарур. Ишчи ва хизматчилар сони ишлаб чиқариш ҳажми асосида аниқланади.

Жорий назоратда бажарилган ишларнинг реалиги, тариф ставкалари, расценкалар, штат иш ҳақлари ва мукофот тўловларининг тўғрилиги, ҳақийи штат бирликларининг тасдиқланган бирликларга тўғри келиши ва улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиши текширилади. Бу текширишларни амалга оширишда меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш бўйича бошлангич ҳужжатларни ўрганиш, уларни бир-бири билан солишириш ва технологик хариталар, тайёр маҳсулотлар учёти, уларни транспортировка қилиш операциялари учун тузилган бошлангич ҳужжатлар билан солишириб текшириш усуllibарни қўлланади.

Текшириш ишлари материалларини таҳдил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги барча камчилик ва қонун бузилишлари фактларини қўйидаги йўналишлар бўйича умумлаштириш имконини беради:

бажарилган ишлар ҳажмининг нотўғри кўрсатилиши (бошлангич ҳужжатларда кўрсатилган иш ҳажмларини технологик харита, тайёр маҳсулотни кирим қилиш ҳужжатлари билан солишириб ҳамда ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажмини назорат ўлчов қилиш усулида аниқланади);

меҳнатни ҳисобга олиш ҳужжатларида кўрсатилган ишнинг миқдори бажарилган нореал ишлар бўлиши мумкин, бу ишлар технологик харита, бошқа ҳужжатлар, зарур шахслардан сўраш ҳамда бажарилган ишларни текшириш билан аниқланади; бир марта ҳисобга олинган иш ҳажмининг ҳужжатларда қайта акс этирилиши (бир даврда тузилган меҳнат ҳисоби ҳужжатларини солишириш ва бажарилган ишларни натура ҳолида текшириш);

ишлаб чиқариш нормаси, тариф ставкалари, иш ҳақи ва расценкаларнинг нотўғри қўлланниши (бу кўрсаткичларни ишлаб чиқариш нормалари, тўпламлари ва тарифларга ажратиш учун қўлланмалар билан солишириб кўриш);

меҳнат ҳисоби ҳужжатларининг нотўғри таксировка қилиниши (назорат таксировка асосида);

кўшимча ҳақларнинг нотўғри қўлланилиши (иши ҳақи ҳисоби бўйича бошлангич ҳужжатларни меҳнатга ҳақ тўлаш Низоми қоидалари асосида текшириб чиқиш);

бошлангич ҳужжатлар суммаларининг нотўғри жамланиши (назорат ҳисоблаш билан);

мөхнат ҳисоби бўйича ҳужжатларга бу ишларни бажарища қатнашмаган шахсларнинг қўшилиши (бу ҳужжатларни бригада, звено, ишчилари рўйхати билан солишириш ҳамда зарур шахслардан сўраш ва имзоларни текшириш);

мөхнат ҳисоби ҳужжатларига штат рўйхатида кўрсатилмаган штат қўшиш (бу ҳужжатларни штат рўйхати маълумотлари билан солишириш);

бирор ходим томонидан ҳақиқатда бажарилган ишнинг штат бўйича вазифасига тўғри келмаслиги (бу ходим томонидан ҳақиқий бажарилган иш характеристики ўрганиш);

бошқа ташкилот таркиби рўйхатида турувчи (бошқа ташкилотда ишловчи) ходимларнинг шу ташкилотта қабул қилиниши (мөхнатни ҳисобга олиш ҳужжатларини кадрлар бўйича маълумотлар билан солишириш);

қўшимча вазифада ишлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши (қўшимча вазифада ишловчиларнинг ҳақиқий расмийлаштирилиши шу тўғридаги қонунга солишириб кўриш билан аниқланади);

жорий назорат давомида хўжалик бўлинмаларидан қабул қилинаётган бошлангич ҳужжатлар ва ҳисоб-тўлов ведомостлари ялпи текширишдан ўтказилса, мөхнатта ҳақ тўлашдаги камчилик ва қонун бузилиши ҳоллари аниқланаб, ўз вақтида тузатилишига эришиш мумкин.

Ҳужжатли тафтишда хўжаликда штат интизомига ва мөхнатга ҳақ тўлаш Низоми қоидаларига амал қилиниши тўлиқ текшириб чиқилиши лозим.

Хўжаликнинг бошқариш аппарати ходимларининг сонини, уларнинг иш ҳақи ва қўшимча ҳақларнинг берилишини текшириш катта аҳамиятга эга.

Ҳисоб-тўлов ведомостларини, иш вақтининг ҳисобга олиш табелини, ходимларни ишга тайинлаш тўғрисидаги буйруқларни текшириш билан штат интизомининг сақланиши аниқланади. Бунда қўшимча тузилган ведомостлар, шубҳа тугдирувчи имзоларга алоҳида эътибор берилиши керакки, бунда штат интизомининг бузилиши ва бошқа суиистеъмол фактлари яширинган бўлиши мумкин.

Тариф ставкалари ва ҳисобланган иш ҳақи суммаларининг тўғрилиги бошлангич ҳужжатларни текшириш билан аниқланади. Текшириш танлама усулда ўтказилади. Хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳамда муҳим иштурлари бўйича тафтиш қилинаётган даврнинг ҳамма

ойлари бўйича танланма текшириш ўтказилиши лозим. Агарда танланма текшириш давомида қонун бузилиши ва бошқа фактлар учраса, бошлангич ҳужжатлар тўлиқ текширишдан ўтказилади.

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш бўйича ишлатида-диган бошлангич ҳужжатларни текшириш уларда акс эттирилган ишларнинг реаллигини, иш ҳажмларининг бажарилиш муддати ва бажарувчи шахсларнинг тўғри кўрсатилиши, иш бажариш нормаси, расценкаларнинг қўлланилишини ва ҳисобланган иш ҳақи (қўшимча ва устама ҳақлар билан) суммасининг тўғрилигини аниқлашга қаратилгандир. Бу ҳужжатлар маълумотларини текшириш билан биргаликда улар, бошқа ҳужжатлар (меҳнатга ҳақ тўлаш Низоми, иш бажариш нормалари тўплами, тайёр маҳсулотларни қабул қилиш ҳужжатлари ва бошқалар) билан ўзаро солиштирилади. Шубҳали операциялар аниқланганда зарур шахслардан сўраш, бажарилган ишларни назорат (ўлчов) қилиш билан бу операциялар қўшимча равишда ўрганилади.

Мукофот тўловларининг тўғрилигини текширишда бу мукофотларни бериш аввало, хўжаликнинг иш ҳақи тўғрисидаги Низомга ва мукофотлаш қоидалари намунавий Низомига киритилганлигини текшириш лозим. Режа топшириқларининг бажарилганлиги ва хўжалик мусобақаси натижалари учун моддий рафбатлантириш фондларидан бериладиган мукофотлаш операцияларини назорат қилишда бу фондлар ва тўловлар ҳақидаги намунавий Низом қоидалари асосида мукофотлаш шартлари ҳамда мукофот суммаларининг ҳажмларини белгилашнинг тўғрилиги текширилади. Бунда корхонада мусобақани ташкил қилиш ва мукофотлаш Низомининг шартларига таққосланади.

Мукофотлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиша бу Низом лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тартибининг сақданишини алоҳида текшириш зарур. Бунинг учун ишлаб чиқариш кенгашлари, хўжалик маъмурияти, касаба уюшмаси қошидаги иш ҳақи бўйича комиссия кенгашлари материаллари ўрганиб чиқилади.

Кишлоқ хўжалик корхоналари ишчиларининг иш ҳақи тўғрисидаги намунавий Низомига асосан хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқилган мукофотлаш кўрсаткичлари бўйича бериладиган мукофот суммалари беш ойлик иш ҳақидан, кўриқ туман хўжаликларида эса олти ойлик иш ҳақидан ошмаслиги (маҳсулот учун тўланадиган ҳақ ва кўшимча ҳақлар билан бирга), бир

ишчига йил давомида бериладиган жами мукофот суммаси эса (алоҳида маҳсулот турлари учун мукофот ва қўшимча ҳақлар билан) маҳсулот учун расценкалар бўйича ҳисобланган йиллик иш ҳақи суммасидан ошиб кетмаслиги зарур.

Ҳақиқий тўланган мукофот суммаларини текширища бу мукофотлаш учун буйруқ ёки жамоа хўжалиги бошқарувининг қарори борлиги, бу мукофотлаш хўжаликнинг иш ҳақи тўғрисидаги Низоми асосида амалга оширилганлиги аниқланади. Кейин эса бу мукофотлаш нинг белгиланган тартиб ва қоидаларининг сақланиши ўрганиб чиқлади. Бунинг учун бухгалтерия учёти маълумотлари, ички хўжалик бўлинмалари раҳбарларининг билдиригилари, иқтисодий таҳдил бюроси кенгашининг материаллари текшириб кўрилиши лозим.

Тафтиш натижасида аниқланган бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш, расценкалар, тариф ставкарининг нотўғри қўлланиши, асоссиз берилган мукофот ва бошқа тартибда нотўғри ҳисобланган иш ҳақи (мехнат ҳақи) суммаларига мос бошланғич ҳужжатларни ва аниқланган қўшиб ёзишлар ҳажми кўрсатилган ҳолда маҳсус ведомостлар тузилади.

**Технологик хариталар бўйича аниқланган иш ҳақи фонди миқдорига риоя қилишни текшириш.** Ишлаб-чиқариш дастурини бажариш учун ҳар бир хўжалик ишлаб чиқариш режасида маълум ишлаб чиқариш ҳажми асосида иш ҳақи фондини режалаштиради. Ишлаб чиқариш дастурини бажариш давомида мана шу режалаштирилган иш ҳақи фонди миқдорига риоя қилинишини таъминлаш, унинг сарфланиши устидан жорий ва ҳужжатли назорат олиб бориш билан амалга оширилади.

Жорий назорат давомида хўжаликда мөхнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом қоидаларига амал қилинишини тизимли равища· текшириб туриш лозимки, бунда иш ҳақи учун ортиқча тўловлар содир бўлишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун йил давомида иш ҳақи фондидан фойдаланиши текшириб борилиши, аввалги ойларда йўл қўйилган ортиқча сарфлар йилнинг кеийинги даврларида тежалган маблағлар ҳисобига қопланаб борилиши лозим. Йил давомида иш ҳақининг ортиқча сарфланишига мөхнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом қоидаларининг ва штат интизомининг бузилиши ҳамда ишлаб чиқариш режасида белгиланмаган ишларнинг бажарилиши сабаб бўлиши мумкин. Бундай

ҳолларда иш ҳақи фондининг ортиқча сарфланиши сабабларини оператив равишда аниқлаш ҳамда хато камчиликларни ишлаб чиқариш дастурини бажариш давомида тузатиб бориш зарур. Бу ишга назоратнинг барча штатли ва жамоатчилик органлари, бухгалтерия ходимлари кенг жалб қилиниши керак.

Иш ҳақи фондига риоя қилинишини ҳужжатлар асосида текшириш, ҳақиқий ишлатилган иш ҳақи суммасининг фондда белгиланган миқдорига тўғри келишини аниқлашга қаратилган. Бунинг учун аввало фондга алоҳида тўловлар киритилишининг тўғрилигини текшириш билан (иш ҳақи фонди таркибини ҳисоблаш қоидлари асосида) иш ҳақи фондининг ҳақиқий ҳажмини аниқлаб олиш зарур.

Махсус манбалар ҳисобидан меҳнат сарфи учун тўланган у ёки бу тўловларнинг иш ҳақи фондига олиб борилишини алоҳида кўриб чиқиш зарурки, бунинг учун «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» бош счёт ёзувлар дикқат билан текшириб чиқилади.

Иш ҳақининг фонддагига нисбатан ортиқча сарфланиши ёки иқтисод суммасининг реал миқдорини аниқлаш учун фонд таркибига нотўғри қўшилган суммалар ажратиб ташланиши лозим. Шу билан биргаликда назоратчилар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг меҳнатга ҳақ тўлашга нисбатан тезроқ ўсиш қонунига асосланган ҳолда, хўжаликда меҳнат унумдорлигининг ўсиши даражаси билан ўртacha иш ҳақи ўсиши ўргасидаги нисбатни ўрганиб чиқишлиари керак.

### **Корхонада меҳнат ҳақи ҳисботлари ва иш ҳақи ҳисоб-китобларининг натижаларини таққослаш**

Ишчи ва хизматчилар билан амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўланишини назорат ва тафтиш қилишининг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш операциялари республика меҳнат ҳақидаги қонунчилик асослари ҳамда бу асосда қабул қилинган қонуллар кодекси, корхоналар (бирашмалар) тўғрисидаги қонун, корхона устави, хўжаликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низоми ва хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси билан корхона маъмурияти тузган жамоа шартномаси ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Меҳнатта ҳақ тўланишида амалдаги қонунларга риоя

қилинишини таъминлашга, бу ҳисоб-китоблар устидан ҳамма босқичларда, уларнинг пайдо бўлишидан то тугалланишига қадар тизимли равишда назорат олиб бориш билан эришилади. Бунинг учун аввало амалдаги қонун ва Низом қоидаларига асосан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларга таалуқли бўлган барча норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим (жамоа шартномаси, хўжалик ички тартиб-қоидалари, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида Низом, штатлар рўйхати, иш бажариш нормаси, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг жамоа ва оила пудратига ишлаш шартли кўрсаткичлари, ички хўжалик бўйича мукофотлаш шартлари, тарификация ва аттестация ўтказиш тизими).

Хўжаликда алоҳида шахсларнинг ишга қабул қилиниши, уларнинг маълум вазифаларга тайинланиши, бошқа ишга кўчирилиши ва ишдан бўшатилишида амалдаги қоидаларга риоя қилиниши, ишбай ва вақтбай ҳақ тўланадиган ишларнинг аниқ чегараланиши, ишчиларнинг иш шароити ва режими билан ўз вақтида таништирилиши (иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғри амалга оширилиши учун) зарурий шартлар ҳисобланади. Бу масалаларга иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб муносабатлари юзага келмасдан туриб эътибор берилиши зарур. Бунинг учун олдиндан бу норматив ҳужжатларнинг хўжаликда мавжудлиги, уларнинг тўғри ишлаб чиқилганлиги, ишчиларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатишида амалдаги қоидаларга риоя қилинишини, меҳнатни ташкиллаштириш ва нормалаштириш, унинг учёт юритилишини текшириш лозим.

Иш ҳақи ҳисоб-китобларининг тўғри юритилишини таъминлашда айниқса, жорий назоратнинг таъсири кучлидир. Бу назоратнинг ўтказилиш даври ҳисоб-китоб операцияларининг содир бўлиш пайтига тўғри келгани учун ҳам у аниқданган камчиликларни оператив равишида тузатиш имконини беради. Жорий назоратда меҳнат ҳисоби бўйича юритиладиган бошлангич ҳужжатлар маълумотларини бу ҳужжатларда акс эттирилган ишларнинг реал бажарилганлигини ва иш ҳажми нинг тўғри кўрсатилганлигини аниқлаш мумкин. Хўжаликда ҳужжатлар оборотининг тўғри ташкил этилиши ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши жорий назоратнинг самародорлигини оширишга имкон беради.

Ҳужжатли тафтишда асосан «Меҳнат ҳақи бўйича

ҳисоб-китоблар» бош счёти маълумотларидан фойдаланилади. Биринчи навбатда ишчилар шахсий счёtlари ва бош счёт бўйича балансда тафтиш ўтказиш даврига-ча бўлган қолдиқ суммаларининг мос келишини текшириш лозим. Бу ҳисоб-тўлов ведомостларидағи ҳар бир ишчи фамилиясини белгилаб чиқиб (ведомостдаги мавжуд фамилиялар олдин хўжалик ишчилари рўйхати билан солишириб кўрилиши зарур) ведомостнинг ҳар бир вараги бўйича жами суммаларни чиқариш билан аниқланади. Текширишда фарқ аниқланса, унинг сабабларини топиш керак. Кейин ишчиларнинг шахсий счёtlари ёзувларини ўрганиш ва бу маълумотларни тўлов ведомостлари билан солишириб кўриш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик суммаларининг ҳаракати текширилади.

Хўжжатли назорат давомида меҳнат ҳақи суммалирининг тўғри ҳисобланиши, уларининг ўз вақтида тўланишини ҳамда ҳисбот даври охирига бўлган қарз суммаларининг реаллиги аниқланиши лозим. Иш ҳақи суммаларининг тўғри ҳисобланиши бошланғич ҳужжатлар, штат рўйхати, хўжалик ишчилари таркиби бўйича бўйруқларни диққат билан ўрганиб чиқиш асосида аниқланади. Бунда ведомостдаги фамилияларнинг реаллигига алоҳида эътибор бериш керак. Бунинг учун ведомостларни ишчилар рўйхати билан солишириб текшириш тавсия этилади. Бир давр учун тузилган бир неча ведомостда битта ишчи фамилиясининг қайта учрамаслигига алоҳида аҳамият бериш зарур. Пудрат усулида ишловчи жамоаларнинг иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларининг тўғрилиги, ҳақиқий ҳисобланган иш ҳақи суммалари, бу жамоалар фаолиятининг якуний натижаларига кўра тўланиши лозим бўлган суммага солишириб кўриш билан аниқланади.

Ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи тўланишининг реаллиги ва ўз вақтида амалга оширилишига эътибор бериш зарур. Бунинг учун бош счёtnинг дебет томонидаги ёзувлар ва тўлов ведомостлари диққат билан текшириб чиқилади. Бунда ведомостларда кўрсатилган шахсларнинг ва улар имзоларининг реаллиги, ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ва тўғри текшириб кўрилади. Бош счёtnинг «Депонентлар билан ҳисоб-китоблар» субсчётида юритилаётган ҳар бир депонент суммаларини текшириб кўриш зарур. Бунда талаб қилинмаган иш ҳақи суммаларининг депонент счёtlарига ўтказилишини тўғри амалга ошириш, депонентларнинг реаллиги ва

депонент суммаларининг ҳаракати ўрганилади. Бу текширишни ўтказиш учун депонентлар билан ҳисоб-китоблар дафтари ва депонентларга ўтказилган иш ҳақи суммаларини бериш учун тузилган хазина чиқим ордерлари маълумотномалардан фойдаланилади. Амалиётда кўпинча қалбаки равишда иш ҳақи ҳисоблаш билан нореал депонетларни юзага келтириш ва депонентлар учун қалбаки имзолар чекиш билан бу суммаларни ўзлаштириш фактлари учрайди.

Мехнат сарфи ва унга ҳақ тўланишини текшириш меҳнат бўйича бухгалтерия ва статистик ҳисоботларининг тўри тузилиши, ҳисбот маълумотларининг амалдаги инструкция ва кўрсатмаларига ҳамда жорий бухгалтерия учёти маълумотларига мос келишини текшириш билан тугалланади. Бу хужжатлар орасида аниқланган фарқларга маҳсус ведомост тузилиб, тафтиш умумий далолатномасига илова қилинади.

### **Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини аудит текшириш**

Ўзбекистон Республикасида туб иқтисодий ислоҳотлар ва хўжалик субъектларини ташкил қилиш, иш юритиш қонуний базалари ишлаб чиқилиб, чет эл инвесторлари томонидан ишлаб чиқаришга сармоялар кириб келишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу борада бухгалтерия ҳисобидаги, ҳалқаро бухгалтерия ҳисобига интеграциялаш жараёни кенг кўламда амалга оширилаётганлигини алоҳида ҳисобга олиш зарур. Бунда «Маҳсулот иш ва хизматларини ишлаб чиқариш, сотиш харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларининг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ хўжалик субъектларининг: а) асосий фаолияти; б) давр харажат ва даромадлари; в) молиявий фаолият; г) фавқулодда фаолиятлар бўйича аудит текширувани режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Ишлаб чиқариш фаолиятини текшириш ва назоратчиларнинг вазифалари**

Корхонада асосий ва оборот маблағларининг хўжалик операциялари ичида ишлаб чиқариш жараёни асосий ўринни эгаллайди. Чунки бу жараёнда маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, бошқача айтганда, янги қиймат яратилади. Ишлаб чиқариш фаолияти қишлоқ хўжалик

корхоналарида қишлоқ хўжалик, саноат ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни, иш бажарувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлинмалари ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнини назорат ва тафтиш қилинганда назоратчилар олдида маҳсулот ишлаб чиқариш режаларининг асосли эканлигини, корхонада ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида мавжуд ресурслардан ишлаб чиқариш программасини бажаришда фойдаланишни таҳлил қилиш, келгусида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш бўйича резервларни топиш вазифалари туради.

Назорат ва тафтишни амалга оширишда агротехника, зооветенария, техник-инженерлик тадбирларининг ўз вақтида амалга оширилиши, уларнинг экинлар ҳосилдорлигини ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, корхонада барча ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланишга қаратилганлиги чукур ўрганилади. Шу билан бирга текшириш давомида технологик жараёнга қандай риоя қилинаётганлигини, ҳар бир гектар ердан, ҳар бир бош молдан ва бошқа ишлаб чиқариш қувватларидан қандай қилиб фойдаланилгани текшириллади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида назорат ва тафтишни кўйидаги тартибда амалга ошириш тавсия қилинади.

Аввало асосий ишлаб чиқариш ҳисобланган тармоқлар, ўсимликчилик, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаларининг асосли эканлигини, режаларнинг реаллигини тузишда ҳисобга олинмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш резервларини текшириш лозим. Шулардан сўнг мавжуд ер майдонларидан, чорва молларидан фойдаланишнинг аҳволи, йўл қўйиляётган ҳар хил йўқотувлар ва улардан қутулиш чораларини кўриш текшириллади. Сўнгра ўсимликчилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таъминлашда агротехника, зооветенария қоида ва талбларига риоя қилинаётганлиги назорат қилинади. Текшириш ва тафтиш жараёнида экиш режаларининг бажарилиши, уларнинг ҳосилдорлиги, чорва моллари зотининг яхшиланиши, маҳсулдорлигининг ошиши, маҳсулот чиқариш ва таннархи ўрганилади. Шундан сўнг саноат ишлаб чиқариши корхоналарининг барпо қилиниши, корхонани тузишда мавжуд қонунларга риоя қилиниши, иқтисодий жиҳатдан уларнинг мақсадга мувофиқлиги, айрим ҳолда ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқа-

риш дастурининг бажарилиши текширилади. Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш бўлинмалари фолияти ҳам худди шундай тартибда ўрганилади.

Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишида смета режимига риоя қилиш масалалари алоҳида кўрилади. Корхонада ички хўжалик ҳисоби ва мусобақани ташкил қилиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши текширилади. Текшириш жараёнида иқтисодий анализ методларидан фойдаланиш бу ишга иқтисодий тармоқ мутахассисларини жалб қилиш муҳим аҳамиятта эгадир.

### **Асосий тармоқлар ишлаб чиқаришини режалаштириш ва уларнинг ишларини ўрганиш**

Бу тармоқларни режалаштириш негизида асосий тармоқларнинг, жумладан, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун ер унумдорлигини, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ётади. Ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларининг кўпайишида қўшимча ер майдонларининг ишга солиниши, чорва молларининг обороти, шунингдек, экин майдонлари ва чорва молларининг оборот структураси, ҳосилдорлик, маҳсулдорлик кўрсаткичларининг аниқланиши муҳим роль ўйнайди. Ўсимлик соҳасидаги режалаштириш текширилганда аввало хўжалик бўйича экин майдони структурасининг корхона ишлаб чиқариш дастурига мос келиши кўрилади. Шу билан бирга экинлар ҳосилдорлиги режанинг тўғри белгиланиши текширилади. Экинлар ҳосилдорлик режасини белгилашда, агарар иқтисодчиларнинг тавсиясига кўра, ўтган беш йилнинг ўртача ҳосилдорлиги олиниб, жорий йилда техника пропресси, илфор тажриба ва деҳқончиликнинг прогрессив методлари жорий қилиниши, органик ҳам минерал ўғитлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиши ҳисобланган ҳолда белгиланади.

Шундан кейин деҳқончилик ишлаб чиқариш жараёни чукур иқтисодий таҳлил методи асоси билан тафтиш қилинади. Бунда аввало, мавжуд ресурслардан, яъни асосан ердан ва сувдан фойдаланиш масалаларига эътибор берилади. Тафтиш ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишдан бошланади. Сўнгра ҳосилдорлик режаларининг бажарилиши ўрганилади. Ҳосилдорлик режаларининг бажарилишида ав-

вало хўжаликда қишлоқ хўжалик экинлари бўйича агротехник операцияларнинг иш режаси ва унинг бажарилиши таҳлил қилинади. Тафтиш учун ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ишлаб чиқариш топшириқлари, бухгалтерия учётида № 20/1 бош счётининг «Ўсимликчилик» субсчёти бўйича очилган аналитик счётлар юритиладиган журнал-ордер, № 10/3, йиллик ва жорий ҳисобот, оператив-техника учёти маълумотлари, шунингдек, корхона агрономларининг иш режалари ва иқтисодий таҳлил бюросининг хуносалари кабилар ҳисобланади.

Ўсимликчилик ишлаб чиқариш жараёнини назорат ва тафтиш қилиш ҳар бир экин, ихтисослашган ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича амалга оширилади.

Текширишда бу масалалардан кейин ишчи кучи, асосий воситалардан, масалан, янги ўзлаштирилган ерлар бўлса лойиҳа қувватидан фойдаланишнинг ахволи ўрганилади. Бунда ишлаб чиқариш харажатларини моддалар бўйича ўрганиш мухимdir. Қилинган сарфлар технологик иш жараёнлари билан қўшиб ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тўла таннархи ўрганилади. Бундай таҳлилни ишлаб чиқариш бўлинмалари ва экин тармоқлари бўйича ўрганиш яхши натижা беради. Маҳсулот таннархининг арzon бўлиши ҳосилдорликнинг салмоғига, экин нави ва сортига, ҳосил пишиб етилгандан сўнг ўз вақтида тўла кирим қилинишига боғлиқ. Шунинг учун асосий манба бўлувчи харажат ҳужжатлари билан маҳсулотни кирим қилиш ҳужжатлари, ишлаб чиқариш бўлинмасидаги дастлабки учёт регистрларининг тўғри юритилишини текшириш лозим. Ишлаб чиқариш жараёнини тафтиш қилишда меҳнат унумдорлигининг ўсишини таҳлил қилиш керак. Бунинг учун ишларнинг механизациялаштириш даражаси ўрганилади. Ҳар бир ишнинг механизациялаш даражасини ўрганиш, биринчидан, жуда кўп ишга солинмай ётган резервларни очиб берса, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараённада энг фаол, ҳал қилувчи ишчи кучидан фойдаланишни ўрганишни тақозо қиласди. Бу масалаларни меҳнатни илмий ташкил қилиш, ҳар бир жамоанинг, унга бирлашган аъзосининг меҳнат қобилиятини ишга солиниш даражаси билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқидир. Тафтиш ва назорат натижалари умумлаштирилиб, тафтишнинг оралиқ ва умумий далолатномаларида кўрсатилади.

**Ўсимлиқчилик ишлаб чиқариш жараёнини тафтиш қилишда қуидаги шакл тавсия қилинади:**

**Оқдарё туманиндағы «Деҳбед» жамоа хўжалиги  
пахта ҳосилдорларига таъсири қўлувчи операцияларнинг  
таъсирини аниқлаш расчёти**

Агротехник талбирлар	Агротехник муддатларда ўтказилган			Агротехник муддатлари кечиктирилган майд			Муддатида ўтказилмаганлиги учун ҳосилдорлик	
	май-дон, га	ҳосилдорлик, ц/га	ялпи ҳосил, т	май-дон, га	ҳосилдорлик, ц/га	ялпи ҳосил, т	кам, т	сум-маси
1. Шудгорлаш 2. Пахтани экиш 3. Пахтани яганалаш 4. 1-суғориш ва ҳоказолар								

Тафтишчи-бухгалтер  
Бош бухгалтер  
Иқтисодчи  
Агроном  
Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режасининг реал ва асосли эканлиги текширилганда чорва молларининг бош сони, пода обороти режалари, зооветенария қоидалари, хўжаликдаги ем-хашак базасининг мустаҳкамланиши ҳисобга олинади. Сўнгра режалаштиришда маҳсулдорлик режага қай даражада эътибор берилганлиги ўрганилади. Аввало камида ўтган уч йил давомида молларнинг маҳсулдорлиги, кейин эса пода оборотидаги маҳсулдор ҳайвонларнинг кўпайиши, уларнинг келиш манбалари текширилади. Олинган материаллар режадаги маҳсулдорлик, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурида кўрсатилган маълумотларга таққосланади. Бу ишлар бажарилгандан сўнг тафтишнинг йўналиши ишлаб чиқариш жараёнини текширишга ўтказилади. Бундай асосий эътибор чорвачилик ишларининг механизациялаш даражасининг ҳолатига қаратилади.

**Оқдарё туманинаги «Даҳбед» жамоа хўжалигининг  
корамолчиликда асосий пода молларини сақлаш  
ишларининг механизацияланishi даражаси, унинг меҳнат  
унумдорлиги ва маҳсулот танинхига таъсири тўғрисида**

Ишлар- нинг номи	Улчов бир- лиги	Жами бажари- ладиган ишлар- миқдори	Механизм- лар ёрдами- да бажа- риладиган ишлар		Ўртача ишлайди- ган ходим ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарила- ди	Бир центнер маҳсулот- нинг танинхи	
			миқ- дори	фоиз		режа	с.т.
1. Озукани етказиб бериш 2. Сув билан таъминлаш 3. Сут соғиб олиш 4. Молхоналарни тозалаш ва ҳоказо	бош бош бош						

Бухгалтер-тафтишчи

Бош бухгалтер

Чорва бухгалтери

Зоотехник

Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг интеграцияси қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳар хил исрофгарчилигини йўқотиш ва ишнинг масъулиятини ҳисобга олиб, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида тузилади. Барпо этилган саноат корхоналари фаолияти, корхона ихтисослашган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш билан уйғунлашуви нуқтаи назаридан чукур ўрганилади. Саноат корхоналари фаолияти тафтиш қилинганда фондлар сифими, фондларнинг қайтими жуда чукур режа ва базис даврига солиштирилиб иқтисодий анализлар асосида кўрилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилётган маҳсулот бирлигига сарфланаётган хом ашё ёқилғи электр энергияси ҳамда илмий асосланган нормаларга тақдосланиб кўрилади. Айниқса, саноат корхоналарида тайёр маҳсулот чиқими, масалан, қайта ишлаш натижасида пахта толасининг чиқими текширилади. Биринчи сорт хом ашё пахтадан нормага асосан 95 фоиз биринчи сорт пахта толаси, 5 фоизга иккинчи сорт тола чиқишига йўл қўйилиши мумкин, агарда иккинчи сорт тола 5 фоиздан ошиб кетса, бу хом ашё сортлашда ёки

саноат ишлаб чиқариш технологияси бузилганилиги-дан далолат беради.

Тафтиш натижасида ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини етказиб бериш ҳамда саноат корхонасининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш иқтисодий анализ қилиниб, режа ва базис даврининг маълумотларига тақдослаб кўрилади. Натижа бўйича маҳсулот таннархи, товар маҳсулотнинг бир сўмига харажат, ниҳоят ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг сотилиши ундан олинадиган молиявий натижалар, рентабеллик даражаси чукур ўрганилади.

Назоратчилар томонидан ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқа хўжаликлар фаолияти чукур тафтиш қилинади. Чунки ёрдамчи корхоналарнинг фаолияти асосий ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Ремонт устахонаси фаолиятида капитал ва жорий ремонтлар сони текширилгач, бу ремонтларнинг таннархи давлат томонидан белгиланган баҳога нисбатан ўрганилади. Шу каби устахона фаолиятида трактор ва қишлоқ хўжалик машиналар техника қарорига риоя қилиниши, уларга кетаётган харажатлар текширилади. Автотранспорт фаолияти тафтиш қилинганда, хўжаликдаги мавжуд машина ускуналар сони ишлаган машина кунларига тақдосланади. Умумий босиб ўтилган йўл билан, юк билан босилган йўл солиштирилади, 10 т/км таннархининг режа ва ҳақиқийси тақдосланади. Ташилган юк миқдори билан мавжуд қувват бўйича ташиладиган юклар солиштирилади.

Трактор парки бўйича эса трактор қувватидан фойдаланиш текширилади, аввал ҳар бир шартли тракторга бажарилган этalon гектар ва уларнинг таннархи таҳлил қилинади. Сўнгра ёқилғи ва мойлаш материалларидан тежамли фойдаланишнинг аҳволи, энг муҳими трактор паркининг қишлоқ хўжалик ишларининг агротехника муддатларида бажарилишига қўшаётган ҳиссаси чукур ўрганилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тафтиш «Ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналар харажати» ва «Хизмат қилувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» бош счёtlарининг маълумотларидан манба сифатида фойдаланилади.

Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари тафтишида асосий эътибор йилдан-йилга бу чиқимларнинг камайиб бориш йўналишишига қаратилган бўлиши лозим.

Тафтиш пайтида смета бўйича чиқимлар, ҳақиқий чиқимларга таққосланади. Тафтиш бу харажатларни камайтириш юзасидан фойдаланилмаётган резервларни кўрсатиш, таҳлил қилиш билан якунланади.

### **Корхонада ички хўжалик ҳисоби низомига риоя қилинишини текшириш**

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб чиқариш бўлинмасининг иш фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва ички хўжалик ҳисобини жорий қилиш учун технологик карта ҳамда ички хўжалик ҳисоби Низоми ишлаб чиқилади. Низомга мувофиқ корхона маъмурияти билан ишлаб чиқариш бўлинмаси ўртасидаги иқтисодий муносабатлар юридик жиҳатдан тартибга солинади. Низомда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, уни ишлаб чиқариш зарур харажатлар лимити белгиланади, олинаётган маҳсулотлар қиймати кўрсатилади. Агарда лимитда кўрсатилган суммадан ортиқ маблағ сарфласа, ушланадиган сумма процент ҳисобида ёки тўла ушланиши кўрсатилади.

Назоратчилар ички хўжалик ҳисобини тафтиш қилгандарида аввало технологик хаританинг ишлаб чиқариш бўлинмаси жой шароитига нисбатан тўғри тузилганлигининг асосли эканлигини текширади. Шунингдек, ишлаб чиқариш бўлинмасининг технологик жараёнга ва харажатлар лимитига қай тартибда риоя қилинаётганлиги ўрганилади.

Текширишда жамоа, ижара пудратининг кенг жорий қилиниши, унинг иқтисодий натижалари ҳам кўздан кечирилади. Шундан кейин ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасининг иқтисодий натижалари бўйича, уларга қўшимча меҳнат ҳақи ҳисоблаш, уларнинг корхона ҳақидаги қонунида кўрсатилганидек, норматив далолатномаларга таққосланиб текширилади. Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг иқтисодий кўрсаткичлари илғор хўжаликнинг умумий натижаларига таққосланиб, фойдаланилмаётган резервлар очиб ташланади.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари иш фаолиятини тафтиш қилиш манбалари сифатида «Асосий ишлаб чиқарилар сарфи» бош счётида ҳар бир экин ва ишлаб чиқариш бўлинмаси учун очилган аналитик счёtlарининг бошланғич учёт маълумотларидан, шунингдек, технологик харита кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Натижалар тафтиш далолатномасида ва текшириш маълумотномасида умумлаштирилиб кўрсатилади. Зарур ҳолларда айрим ишлаб чиқариш бўлинмаларига оралиқ далоланомалари тузилади, бу далолатномаларининг қисқача мазмуни умумий тафтиш далолатномасида кўрсатилади.

## **МАҲСУЛОТЛАРНИ, ХИЗМАТ ВА БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИ АУДИТ ТЕКШИРУВИ**

### **Маҳсулот сотишни текшириш тартиби ва назоратчиларнинг вазифалари**

Давлат маҳсулот сотиш буюртмасининг бажарилишини текшириш, сотишнинг молиявий натижасини ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш резервларини топиш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг четга бажарган иш ва хизматлари ҳамда маҳсулот сотилишини текшириш назорат ва тафтиш қилишнинг асосий вазифалариидир.

Юқоридаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун четга бажарилган иш ва хизматни, маҳсулот реализациясининг асосли режалаштирилганини аниқлаш керак. Кейин қишлоқ хўжалик корхонасанинг тайёрлов ва бошқа ташкилотлар билан тузган шартномаларининг ўз вақтида тузилганлиги ва тўғрилиги текширилади. Сўнгра тайёр маҳсулотни давлат буюртмасига сотиш, дехқон бозорида сотиш ўрганилади. Маҳсулотлар сифати ва микдори, сотиш вақтидаги йўқотишлар, бу ишнинг айборлари ҳамда сотилган маҳсулотга баҳо ва тарифларни тўғри кўллаш аниқланади. Текшириш якуннда маҳсулот реализация қилиш ва четга бажарилган иш ҳамда хизматларининг ҳисобот маҳсулотлари бухгалтерия маълумотлари билан солиширилади. Бунда ушбу босқичдаги барча операцияларни алоҳида алоҳида кўриб чиқиш зарур.

Маҳсулот сотиш шартномаларининг асосли эканлигини текшириш. Маҳсулотларни сотиш, четга ва хизмат кўрсатишни режалаштиришда аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш бўйича давлат буюртмасини режалаштириш муҳим роль йўнайди. Шунинг учун маҳсулот сотишни тафтиш қилишда давлатга сотиладиган маҳсулотларни режалаштиришнинг асосли бўлишига

эътибор бериш керак. Назоратчилар ўтган даврларда ишлаб чиқарилган дон, картошка, сабзавот, мева, техника ҳамда полиз экинлари сут, гүшт, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг товарбоплигиги ошириш резервларини топиш айниқса, қайта ишлашга юборилган, аҳолига сотилган, молларга озиқа сифатида берилған ва бошқа ички хўжалик эҳтиёжи учун фойдаланилган маҳсулотларнинг миқдорига эътибор беришлари керак.

Кейин ўсимликчилик ва чорвачиликнинг ишлаб чиқариш режаларидан фойдаланиш, ҳар бир қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товар ресурсларини ва давлатга сотилганининг миқдорини аниқлайдилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа корхона ва ташкилотга сотиш режаси алоҳида текширилади. Четдан олинган ёки хўжаликнинг ўзида тайёрланган саноат маҳсулотлари реализацияси ҳам алоҳида ўрганилади. Бу ерда хўжаликда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари давлат ташкилотларига (тайёрлов, таъминот, савдо, саноат ва бошқалар) олдиндан тузилган шартномлар асосида сотилиши керак. Назоратчилар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг миқдорини ишлаб чиқариш режасида кўрсатилган маълумотлар билан солишидиради, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилган миқдорини йил охирида текширадилар. Агар саноат маҳсулотларининг дўконлар ва буфетларда, дехқон бозорида сотиш шакли мавжуд бўлса, унинг қонунийлиги ўрганилади.

Маълумки, ҳар бир хўжалик йилининг маълум бир даврида бошқа ташкилотларга ва аҳолига юк автотранспорти ёки ишли ҳайвонларнинг хизматини сотади. Бундан ташқари бошқа ташкилот ва хўжаликларга ремонт-курилиш, монтаж, ортиш-тушириш ишларини ҳам бажарив беради. Бажарилган иш ва хизматлар, сотилган маҳсулотларнинг таниархи, сотиш баҳоси ва молиявий натижаси билан бирга ҳар бир сотилган маҳсулот ва бажарилган иш реализацияси орқали ҳам текширилади.

Саноат ишлаб чиқариш маҳсулотларига сотиш баҳоси иккала томоннинг келишуви билан қўйилади, лекин бунда маҳсулот баҳоси чакана баҳодан ошиб кетмаслиги керак. Лозим бўлса маҳсулотни чиқариш, сотиш ва режадаги рентабеллиги аниқланиб, қўйилган сотиш баҳосинийнг ҳақиқийлиги тўғрисида хулоса чиқаради. Бу ерда шунга эътибор бериш керакки, мазкур операциялар хўжаликка бошқа хўжаликлар ҳисобидан

зарар ҳам фойда ҳам келтирмасин. Шунинг учун шартномаларда четга бажарилган иш хизматларнинг режа баҳоси ҳалқ ҳўжалигида қўлланиладиган ҳаражатлар нормаси ва рентабелликка тўғри келиши керак. Ҳозирги вақтда кўпчилик қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ўртача сотиш баҳоси тармоқнинг ўртача ҳаражатларни қоплаш билан бирга маълум даражада фойда олишни ҳам таъминлайди, шунинг учун барча қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг нормал ишлаши учун шароит яратилган. Назоратчилар ишлаб чиқариш молия режадаги сотилишнинг молиявий натижалари уларнинг товар маҳсулоти миқдорига, таркибига, таниархига боғлиқлиги ва ўртача сотиш баҳоларини ўрганиб чиқадилар. Ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга ижобий таъсир қуловчи резервларни аниқлаб, уларни ҳўжалик фаолиятида қўллаш учун керакли таклифлар киритадилар.

Маҳсулот сотиш бўйича шартномаларга асосланган ўзаро иқтисодий алоқаларни текшириш. Қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг маҳсулот сотиш фаолиятини тартибга солиш тайёр маҳсулотни сотиш ва бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатиш учун асосий ҳужжат контрактацияси шартнома ҳисобланади. Ҳўжаликлар товар маҳсулотининг бир қисмини шартномасиз ҳам сотадилар. Шунинг учун ҳўжаликларнинг маҳсулот сотиш ва четга бажарилган иш ҳамда хизматлар режасини ҳўжалик шароитига асосли эканлиги, тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва тўғрилигини текшириш керак. Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини давлатта сотиш учун тузиладиган шартномаларнинг янги шакллари мавжуд.

Назоратчилар шартноманинг борлиги ва тўғри тузилганлигини, тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномаси асосида маҳсулотнинг қанчаси сотилиши, шартномаларнинг муддатларини, ҳар бир маҳсулот тури бўйича сифати, вақтинча етказиб бериш усулини, шунингдек ҳисоб-китоб шартларини ва шартнома бажарилганда қўлланиладиган санкцияларни текширадилар. Агар тайёрлов ташкилоти шартнома тузишдан бош тортса ёки ҳўжалик режалаштирган маҳсулот миқдорини қабул қиласа, ҳўжаликнинг бу тортишувини ҳал қилиш учун кўрган чораси ўрганилади. Агар ҳеч қандай чора кўрилмаган бўлса, унда бу тортишув тафтиш вақтида ҳал қилинади. Шартнома контрактациясидаги маҳсулотларни алоҳида шароитда етказиб беришда ҳисоб-

китобларнинг асослиги ва қонунийлиги алоҳида ўрганилади. Шартнома контрактацияси тузиш вақтида инструкциялардан четта чиқиши ҳоллари аниқланса, юқори ташкилотларга тузатиш учун ўз вақтида хабар берилади.

Саноат маҳсулотларини сотиш бўйича тузилган шартномалар ҳам ҳар томонлама текширилади. Бунда шартномалар ҳар бир қоида бўйича ёки белгиланган шакл ва кўлда тузилганлигига алоҳида аҳамият берилади. Назоратчилар ҳар бир сотилган саноат маҳсулоти учун шартнома мавжудлигини ва унинг режада борлингини текшириб кўрадилар. Текширишда шартнома қайси шаклда тузилганлиги, унда ҳамма керакли бўлимлар мавжудлиги, томонларнинг хуқуқлари ва мажбурияти акс эттирилганлиги (томонларнинг тўлиқ номи, манзили, шартнома предмети, сифат миқдори, муддати, маҳсулот етказиш усули, ҳисоб-китоб шарти ва бошқалар), шартномада керакли имзо ва корхона муҳри борлиги, кўйилган шартларга амал қилиш муддати, шартномада кўрсатилган баҳоларнинг тўғрилиги, ҳисоб-китоб шарти ҳамда қўлланиладиган санкциялар тўлиқ ўрганилади. Четта бажариладиган иш ва хизматлар учун тузилган шартнома ҳам худди шу тартибда текширилади. Агар ишчи кучи ва моддий техника воситалари ишлатилса, уларни тўлатиш тартиби ҳамда ҳисоб-китоб усули аниқ кўрсатилади. Шартномада таърифлар, баҳолар, расценка ва санкциялар кўллашнинг асосийлигига эътибор берилади. Четта иш ва хизмат бажарышнинг шартномасиз амалга оширилганлиги аниқланса, тафтиш вақтида керакли шартномаларни тузиш учун чоралар кўрилиши керак.

### **Маҳсулот сотиш давлат буюртмаси ва шартномалар бажарилишини текшириш**

Маҳсулот сотиш, четта иш ва хизмат қилиш давлат буюртмаси ва шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш тизимида давлатга маҳсулот сотиш давлат буюртмасининг бажарилиши алоҳида ўрин тулади. Бунда назоратни тайёрлов ташкилотига юборилган биринчи партиядан бошлаб, йилнинг охирида тутатиш керак. Бундай вақтда дастлабки назорат хўжаликнинг маҳсулотни тайёрлов пунктига жўнатиш учун тайёрлигидан бошланади.

**Назоратчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини**

тайёрлов пунктига олиб бориш учун транспорт воситаларининг созлиги ва тайёрлиги, ҳайдовчилар билан таъминланганлиги ва уларнинг иш режимига жиддий эътибор беришлари керак. Бунда товар-транспорт накладной, дон ва бошқа маҳсулотлар ҳаракатининг ведомост, йўл ва ҳисоб варақалари, моддий неъматларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа ҳужжатлар текшириш билан бирга ҳақиқий назоратнинг усуllibаридан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, тайёрлов пунктига жўнатилаётган ҳар бир партия маҳсулотнинг миқдорини ва сифатини тўғри аниқлаш учун назорат тафтиш ҳамда лаборатория анализидан фойдаланилади. Бундан ташқари хўжалик маълумотлари билан тайёрлов ташкилотининг маҳсулотни қабул қилиш тўғрисидаги маълумотлар солиширилиб агар фарқ бўлса, зарур чоралар кўрилади.

Бундай текшириш ишларида № 11-журнал-ордер ва унга ёрдамчи ведомостлар (№ 11а, 11б, 11в, 11г) ёки «Сотиш» ва «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб китоблар» бош счётлари учун ишлатиладиган машинограммалар асосий манба ҳисобланади. Шу билан бирга сотилган маҳсулотнинг натура ва ҳисобга ўтган вазнини, унинг тўла таннархи ҳамда сотиш баҳоларининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун товар транспорт накладнойлари автомобилларининг йўл варақаси қабул қилиш квитанциялари ва бошқа дастлабки ҳужжатлар текширилади. Бунда ҳар бир сотилган маҳсулотнинг турига қўлланилган скидка ва қўшимчаларга асосий эътибор қаратилади. Ҳисобга ўтган вазнини аниқлашда маҳсулот сифатида қараб скидка ёки қўшимча миқдор берилишининг ҳисоби текширилади.

Баъзан маҳсулотларни тайёрлов ташкилотларига сотиш вақтида нотўғри ҳисобдан чиқаришлар бўлиб туради. Шунинг учун назоратчилар ҳар бир сотилган маҳсулотни ҳам «Тайёр маҳсулотлар» ва «Боқувдаги ва ўстирувга қўйилган моллар» счётидан ҳамда «Сотиш» бош счёtlарининг маълумотларини бир-бирига солишириб текширишлари керак. Агар фарқ аниқланса, унинг сабаблари ўрганилади.

Агар назорат ёки тафтиш маҳсулотни сотиш вақтида ўtkазилса, бунда назорат тафтиш, қайта ҳисоблаш ва маҳсулот сифати аниқланади. Сўнг тайёрлов ташкилотларига маҳсулот билан бирга жўнатиладиган ҳужжатлар алоҳида текширилади. Бундай вақтда бир партиядаги ҳужжатлар бир-бирига солишириб кўрилади. Ма-

салан, хўжаликнинг товар-транспорт накладнойи билан тайёрлов ташкилотининг қабул квитанцияси қараб чиқилади. Бунда кўзбўямачилик фактлари аниқланса, суд-тергов органларига тафтиш материаллари берилади. Давлатга сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳамда сотиш баҳолари алоҳида текширилади, яъни маҳсулотнинг тўла таннархи ишлаб чиқариш таннархи билан солиширилади.

Кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда сотиш вақтида бузилган ва етишмаган маҳсулотлар қиймати тўла таннархга кўшиб юборилади. Бундай ҳоллар аниқланганда товар маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаб сотищдан молиявий натижани аниқлашда кўйиб юборилган суммаси алоҳида ведомостда жамлаб тафтишнинг умумий далолатномасига ёки текшириш маълумотномаларига кўшиб кўйилади.

Назоратчилар сотилган маҳсулотнинг натура ва ҳисобга ўтган вазнини ҳамда сифат кўрсаткичларни аниқлаб сотиш баҳоларининг аниқ кўйилганлигини, маҳсулот сотища тушган сумманинг тўғрилигини текширадилар. Кейин эса сотиш баҳоларининг преискурантлари ва уларга кўйилган устама нархлар, норматив ҳужжатлар ҳисоб-китобида қандай тартибга риоя қилинаётганлиги текширилади. Текширишлар ва тафтиш материаларида тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалик корхоналаридан қабул қилинган пахта, дон, картошка ва бошқа маҳсулотларнинг намлигини, ифлослигини, заарарланганлигини ёки чорва молларининг семизлигини пасайтириб ҳамда баҳо кўшимчаларни нотўғри кўллаб кўзбўямачиликка йўл кўйишлари мумкин. Текшириш вақтида бундай фактлар аниқланса, алоҳида ведомостда ҳар бир маҳсулот ва ҳар бир тайёлов ташкилоти бўйича тўланмаган сумма ёзилади. Шу маълумотлар асосида кейин олинмаган суммаларни қайтиб олиш учун даъво талабномаси тузилади. Давлатга сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳисобга ўтган вазнининг тўла таннархи, сотищдан тушган тул даромадлари ва молиявий натижалар ишлаб чиқариш молиявий режа кўрсаткичлари билан солишириб кўрилди. Шу асосда сотилган маҳсулотнинг миқдорига, структурасига, тўла таннархига, сотиш баҳосига ва режанинг бажарилишига таъсир қилувчи омиллар кўрсатилади. Айниқса, давлатга маҳсулот сотишининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бажарилиши яхши текширилади. Бунинг учун ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори,

унинг хўжалик эҳтиёжи учун ишлатилган қисми, бошқа савдо тармоқлар орқали сотилиши, йиғим-терим ва сақлаш вақтидаги етишмаслик ёки йўқотишлар сабаби ҳақиқий маълумотлар орқали текширилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулотини ўз тармоғи ва бошқа тайёрлов ташкилоти бўлмаган корхоналарга сотилганлигининг ҳақиқий миқдори, сифати, таннархи ва сотиш баҳосини назорат қилиш керак. Бунинг учун «Сотиш» бош счёти бўйича учёт регистрациялари ҳамда инвентаризациясидан, лаборатория анализидан маълумотлар олинади.

Тайёрлов ташкилоти бўлмаган ташкилотларда маҳсулот сотилганда баҳо иккала томоннинг келишувига асосан қўйилади. Бунда баҳо давлат сотиш баҳоларига яқин бўлиши керак. Хўжаликнинг ўз ишчиларига ва умумий овқатланиш корхонасига маҳсулот сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш, ўрнатилган норма ва лимитлар бўйича ва уларни сотиш баҳоси асосида олиб борилади. Бунда «Сотиш» бош счётидаги аналитик счётлар умумий овқатланишга ҳамда ишчиларга сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий маълумотлари режа (норматив) кўрсаткичлари билан таққосланади. Маҳсулотлар юқоридаги операциялар бўйича сотиш баҳоси, давлат сотиш баҳоси ва ҳақиқий бухгалтерия маълумотларидағи баҳоси билан солиширилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозорга сотилган қисмини текшириш учун маҳсулот миқдори, баҳонинг тўғри қўйилганлиги ҳамда тушган пулнинг хазинага тўлиқ даромад қилиниши ўрганилади. Бунда «Сотиш» бош счётининг маълумотлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича ҳисобот, деҳқон бозори маъмурятининг маҳсулот сотилгани учун баҳоси тўғрисидаги маълумоти, деҳқон бозоридан «Хазина» бош счётига даромад қилинган сумма ҳисобдор шахслардан сўралиб, текширилади. Ушбу операцияларни жорий текшириш учун ҳисобланган суммаларни, сотилмай қолган маҳсулот миқдорини инвентаризация қилиш (тортиб кўриш) методларидан кенг фойдаланилади.

Корхона ишчиларига иш ҳақи ҳисобидан берилган маҳсулотлар иш ҳақи тўғрисидаги Низом ва режа кўрсаткичлари билан солиширилади. Бунда иш ҳақини натура шаклида бериш ведомостининг тўғри расмийлаштирилганлиги, олувчиларнинг имзолари борлиги, жами суммаларнинг тўғри ҳисобланганлиги текширилади.

Саноат-маҳсулотлари сотиш режаси ҳам бирма-бир

текширилади. Бунда маҳсулот сотиш шартномаси, ишлаб чиқариш, молия-режа бошланғич ҳужжатлари, «Сотиш» бош счётининг маълумотлари, режанинг бажарилиш миқдори, маҳсулот сифати, таннархи, сотиш баҳоси ва молиявий натижалар текширилади. Айниқса, ҳар бир саноат маҳсулотининг сотилган миқдори, сифати ва сотиш баҳоси бирма-бир ўрганилади. Бунинг учун маҳсулотни ҳисобот вақтида жами ишлаб чиқарилгани, унинг ҳаракати ва «Асосий ишлаб чиқариш» бош счёти билан «Темир маҳсулотлар», «Сотиш» бош счёtlарининг маълумотлари бир-бираига солиширилади. Шунингдек, ҳўжалик маълумотлари билан маҳсулот сотиб олган ташкилот маълумотлари таққосланади. Жорий текширища, сотилаётган бир партия маҳсулотларни назоратга тортиш, унинг сифатини аниқлаш ишлари амалга оширилиб, маҳсулотни сотишида ишлатиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги-га аҳамият берилади.

#### **Четта иш бажариш ва хизмат кўрсатишини текшириш**

Четга иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ишларини текшириш учун назорат яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Текширища «Сотиш» бош счётининг субсчёти, «Ёрдамчи ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотлар маҳсулотининг (иш ва хизматининг) сотиши» маълумотлари асосида иш ва хизматлари тариф ҳамда расценкаларни ишлаб чиқариш, молия режаси билан ёки бу ишларнинг преискурантлари билан солиширилади.

Текшириш вақтида шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ўрнатилган тариф ва расценкалар асосида тайёрлов ташкилоти қайтарадиган маҳсулотларнинг етказиб бериш харажати ҳам шунга киради. Бундай вақтда юк оборотининг миқдори тайёрлов ташкилоти ҳақ тўлаш учун қабул қилган ва бажарилган ишлар, уларга ҳақ тўлашнинг тўғрилиги ҳамда тўлаган суммасининг ҳўжалик счётига келиб тушиши ҳам текширилади. Бошқа иш ва хизматлар учун белгиланган режанинг бажариш фоизи, миқдорининг ҳақиқатга яқинлиги, тушган тушумлар ва уларни ҳазинага ёки ҳисоб-китоб счётига тўлиқ ва ўз вақтида даромадга олиш ўрганилади. Четга бажарилган иш ва хизматлар ҳақиқий миқдорининг асосий ҳўжалик фаолиятига таъсири ҳам ўрганилади.

Кейинги йилларда ишчиларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини жамоа ҳўжаликлари орқали сотиш ом-

малашиб бормоқда. Чунки бу меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни тартибга солади. Бу операцияларни назорат қилиш вақтида маҳсулотларни сотиш ва даромадга олиш тартибига эътибор берилиб «Тайёр маҳсулотлар» «Ўстирищдаги ёш ва бокувдаги моллар» ҳамда «Сотиш» бош счётининг керакли учёт ёзувлари текширилади. Бунда ишчилардан қабул қилган ва тайёрлов ташкилотларига сотилган маҳсулот миқдорининг аниқлиги, сотиш баҳосининг тўғрилиги ва ҳисоб-китоб ишларининг ўз вақтида амалга оширилганлиги текширилади. Айниқса, корхонанинг аудиторлик текшируви жараёнида аудитлар оператив ишчи кўрсаткичларини билиши ва ҳисоблаб, улардан хулоса ёзишда фойдаланиш керак.

Назорат ва тафтиш натижалари тафтиш умумий даголатномасининг тегишли бўлимларида кўрсатилади. Шу билан бу масала бўйича тафтиш ишлари тугалланади.

### **КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯ НАТИЖАЛАРИНИ, ЖАМФАРМАЛАР ҲАМДА РЕЗЕРВЛАРНИ АУДИТ ТЕКШИРИШ**

#### **Текшириш тартиби ҳамда назоратчиларнинг вазифалари**

Қишлоқ хўжалик корхоналари тўла хўжалик ҳисоби шароитида ўзларининг ишлаб чиқариш молия фаолиятини нормал равишда амалга ошириш учун маълум даражада ўз маблағларига эга бўлишлари керак. Корхонада иқтисодий фондларнинг ташкил бўлиши ва у маблағлардан унумли фойдаланишни назорат қилиш зарур бўлади. Назоратчилар корхона ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида биринчи галда фондлар ва резервларнинг ташкил қилинишининг қонунийлиги ва иқтисодий мақсадли бўлишини текширадилар. Корхонада фойда олишнинг ишлаб чиқариш турлари бўйича ва йўналишлариға қараб вужудга келиш омиллари чукур анализ қилинади, фойданинг тақсим қилиниши, агарда айрим тармоқлардан — зарар олинган бўлса, унинг сабаблари ўрганилади. Шундан сўнг фойданинг тақсимланиши натижасида жамоа хўжаликларида фойдалардаги, Устав фондидаги ўзгаришларнинг қонунийлиги, тўғри расмийлаштирилиши текширилади. Шунингдек, амортизация, иқтисодий рафбатлантириш, маҳсус фондларнинг ташкил қилиниши, уларга тааллуқли операцияларнинг қонуний расмийлаштирилиши, фонд маблағларидан унумли фой-

даланиш ўрганиб чиқилади. Бунда ҳар бир фонд бўйича алоҳида-алоҳида текшириш ўтказилади. Корхонада аудиторлик текширувани ўтказиш жараёнида балансдаги фойдани таҳлил қилиш муҳим вазифадир.

#### **Балансдан фойдаланинг таҳлили**

Кўрсаткичлар-нинг номлари	Базис ҳисобот даври	Ҳисобот даври	Четланиш	
			сумма	фонз
1. Маҳсулот сотишдан даромад 2. Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари 3. Сотишдан фойда 4. Бошқа реализациялардан фойда 5. Реализациядан, бошқа операциялардан даромадлар Шу жумладан, қўшма корхоналарда қатнашишдан 6. Реализациядан бошқа операциялар бўйича чиким ва зарарлар 7. Балансдаги фойда				

Ушбу жадвал қилиниб, хуносага кўшилади. Текшириш якунида корхоналарда келгуси давр сарфлари учун захиралар ташкил қилиниши, давлат бюджетидан олинидиган маблағлардан самарали фойдаланиш ва текширилаётган корхонанинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли хуносалар берилади.

#### **Корхонанинг молиявий натижаларини текшириш**

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, хўжалик-молиявий фаолиятининг охирги натижаси улар томонидан олинидиган молиявий натижага ҳисобланган фойда ёки зарарда аниқ кўрсатилади.

Корхонада фойда олиш учун маҳсулотларнинг бир неча тур вариантлари ўрганилиб чиқилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш режалари, олдинги

Йилларда сотилиш динамикаси ўрганилади, белгиланган режанинг реаллиги аниқланади. Шунингдек, фойда тақсимланишида корхонага зарур жамғарма, унинг социал-иктисодий ривожланиши ҳисобга олиниши эътиборга олинган ҳолда текширилади. Шундан сўнг назоратчилар томонидан фойданинг камайишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланган унумсиз харажатлар, жарима, пеня, ҳар хил йўқотишлар чуқур таҳлил қилинади. Фойданинг кўпайтириш учун баҳо механизмидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш: масалан, эртаги маҳсулот етказиш юқори семизликдаги молларни сотиш, маҳсулотлар бир қисмини келишилган баҳоларда сотиш кабилардан фойданинг режалаштириш масаласи ўрганилади. Фойданинг ташкил бўлиши ва тақсимланишини тафтиш қилишда манба сифатида «Фойда ва заарлар» бош счёти юргизиладиган 15-журнал-ордер ва машинаграммма, «Сотиш» бош счёти, 11-журнал-ордер маълумотларидан фойдаланилади. Назоратчилар фойдани тафтиш қилишда давлат бюджетига ажратмаларни ўрганиб чиқади.

Назоратчилар молиявий натижаларни тафтиш қилишда корхонада ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни чуқур ўрганишлари лозим. Бунинг учун корхона бўйича тўла таннархга ва фондларга нисбатан молиявий аҳволидан бирини тўлов қобилиятига боғлаш масаласи туради. Корхонанинг тўлов қобилияти қўйидаги форма асосида аниқланиши мумкин:

$$K_{nc} = \frac{C_d + G_n + D_z + O_a + U_p}{Z_n + K_z + U_n},$$

бунда:  $K_{nc}$  — тўлаш қобилияти бўйича коэффициент;  $C_n$  — корхона счёт ва хазинасида мавжуд маблағларнинг жами;  $G_n$  — сотиш учун тайёр маҳсулот қиймати ва харидорларга жўнатилган товарлар қийматининг жами;  $O_a$  — айланма маблағларнинг меъеридан ортиқ суммаси;  $U_n$  — капитал сарфларга маблағларнинг ортиқча ўтказилиши;  $Z_n$  — корхонанинг ходимларга, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бўйича кредитор қарзлар суммаси;  $K_z$  — асосий фаолият бўйича кредиторлик қарзлари, ссудаларнинг жами суммаси;  $U$  — асосий фондларга ўтказилмай қолган айланма маблағлар суммаси.

Корхона ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини аниқлашда кўпгина иқтисодчилар томонидан гуруҳ иқтисодий кўрсаткичлари тавсия қилинади. Иқтисодий илмий-текшириш натижаларига кўра пул бирлигида самарадорлик коэффициентини аниқлаш ва бу бошқа тавсия қилинаётган кўрсаткичлардан аниқроқ натижалар бўлаётганлигини кўрсатади. Уни аниқлаш тартиби ва коэффициенти қуйидагича:

$$K = P_k \times K_p,$$

бунда:  $K$  — самарадорлик коэффициенти;  $P_k$  — рентабеллик коэффициенти, олинган фойданинг тўла таннархга нисбатан ҳисобланishi;  $K_{nc}$  — корхонанинг тўлов қобилияти коэффициенти.

Мазкур формула универсал ва корхона баланси билан баробар умр кўради. У бугунги бозор иқтисодиёти шароитида авансланган капиталлар мутаносиблиги аниқ кўрсатилиши таҳлил билан қимматлидир.

Бундай йўл билан иқтисодий самарадорликни аниқлаш, биринчидан, корхона ҳисоб-китоб ва иқтисодий ходимларини хўжалик аҳволи билан яхшироқ танишиш имконини берса, иккинчидан, самарадорликни аниқроқ кўрсатади. Жамоа хўжалигида ялпи ва соф фойда даромаднинг тақсимланиши учун умумий йиғилиш қарори ва фонdlарга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олинган ҳолда текширилади. Хўжаликларо корхоналарда эса фойданинг тақсимланиши қатнашувчи пайти хўжалик вакилларининг йиғилиш қарори асосида амалга оширилади. Бунда биринчи навбатда давлат бюджети банк масалалари бўйича ҳисоб-китоблар қилингандан кейин қарорга мувофиқ фойданинг тақсимланиши чукур таҳлил қилинади. Унга боғлиқ хўжалик операцияларининг акс эттирилиши тафтиш қилинади. Корхонанинг тўлов қобилияти бўйича коэффициенти асосий фаолият бўйича рентабеллик коэффициенти бўлинмаси 1 га teng ва ундан ошиқ бўлса, корхонада ривожланиш учун яхши шароит бор ҳисобланади ҳамда далолатномаларда аниқ кўрсатилади. Тўлов қобилияти формуласида асосий ва айланма маблағлар мутаносиблиги ҳам кўринади, бозорли иқтисодиётда бу ҳам муҳимдир.

### **Устав (бўлинмас) фонди маблағларини текшириш**

Асосий ва айланма маблағларнинг қиймат бирлигидаги манбаи жамоа хўжаликлирида бўлинмас фонд, корхоналарда Устав фонди ҳисобланади. Ҳамма корхонада

налар сингари, жамоа хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари шу маблағларга таяниб ўз ишлаб чиқариш муомала жараёнларини юритадилар. Устав (бўлинмас) фондини тафтиш қилишда бу фонднинг кўпайиши ва камайишига боғлиқ операциялар алоҳида-алоҳида ўрганилади.

Устав (бўлинмас) фонди асосий маблағларининг кўпайиши бўйича «Асосий воситалар»нинг кирим қилиш операцияси текширилади, бунда сотиб олинган ва курилиш тугалланган обьектлар бўйича «Капитал сарфлар» бош счётнинг маълумотлари, «Асосий воситалар» бош счётидаги маълумотлар билан тақдосланиб текширилади. Борди-ю, ишлатишда бўлган асосий воситалар хўжаликка кирим қилган бўлса, уларни қабул қилиш далолатнома маълумотлари, »Асосий воситаларнинг тугалланиши ва эскириши» маълумотлари билан солиширилади. Сўнгра асосий воситаларнинг хўжалиқдан чиқишини кўрсатувчи хўжалик операциялари бўйича ҳисоб-китоблар», »Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётларидаги маълумотлар эътиборга олинади. Асосий воситалар бўйича эскириш ва амортизацияни ҳисоблаш ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Тафтишнинг охирида йиллик ҳисоботдаги фонд маблағларининг ҳаракатини кўрсатувчи жадвал кўрсатичлари бухгалтерия регистрацияларнинг маълумотлари билан солиширилиб далолатноманинг тегишли жойида кўрсатилади.

**Амортизация (капитал қўйилма)** фондини текшириш. Асосий воситаларнинг корхона ишлаб чиқаришида истемол қилиниши амортизация суммаси сифатида ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг таннахига киритилиши, шу асосида амортизация фонднинг ташкил бўлиши, уларни тиклаш, реконструкция қилиш, янгилашни сотиб олиш ва куриш учун асосий манба ҳисобланади. Амортизация фонднинг ташкил қилиниши икки йўл билан вужудга келади. Амортизация фонднини текширганда энг аввало, амортизация ҳисоблаш нормаларнинг тўғри қўлланиши ва ойма-ой нормалар асосида амортизация суммаларининг ишлаб чиқарилётган маҳсулотлар таннахига киритилиши текширилади. Унда амортизация фонднинг ҳар иккала қисми тўла тиклашга ва капитал таъмирлашга ажратилиш алоҳида ўрганилади. Бу масалани корхона маъмурияти кўриб ҳал қиласи. Бундай амортизация ҳисоблаш ва ҳисобланган амортизация суммаларининг тақсимланиши бўйича ведомостлар текширилади.

Амортизация фонди маблағларининг сарфланиши ни текширганда уларни камайтиришга доир хўжалик операциялари, жумладан, асосий воситаларни эксплуатацияда қабул қилиш далолатномалари, таъмирлашдан сўнг қабул қилиш далолатномалари, асосий подага ёш молларни кўчириш далолатномалари, ҳосилга кирган кўп йиллик харажатларни эксплуатацияга қабул қилиш далолатномалари ўрганилади. Сотиб олинган асосий воситаларни моддий жавобгар шахсларга биркитиш далолатномалари ва бош счёти маълумотлари билан ҳам солиштирилади.

Асосий воситаларнинг капитал ремонти «Ремонт ишлаб чиқариш харажатлари» (фақат капитал ремонт харажатига тааллукли), «Капитал сарфлар» бош счётлари бўйича, бухгалтерия маълумотлари асосида чукур текширилади. Амортизация фонди билан бошқа фондлар синчилаб текширилади.

Амортизация фондини тафтиш қилиш ва текшириш бухгалтерия регистрлари (хужжатлар асосида акс этирувчи жадвалнинг маълумотлари билан таққослаш натижасида қилинган хulosса) оралиқ далолатномасида ёки текшириш маълумотномаси кўрсатилиши билан тугалланади.

### **Резерв, иқтисодий рағбатлантириш ва маҳсус фондларни текшириш**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий рағбатлантириш маҳсус фондлар, корхона ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва ишли, хизматчи ҳамда ходимларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида фойдадан ажратилиб ташкил қилинади. Бундай фондларга қишлоқ хўжалик корхона ва бирлашмаларидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, моддий рағбатлантириш фонди, хўжаликнинг социал ривожлантириш фонди, резерв фондлари ташкил қилиниши мумкин бўлган юқори натижаларга эришгани учун ажратилган маблағлар киради.

Хўжаликлараро корхоналарда фан, техника ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, ходимларни моддий рағбатлантириш фонди, корхонани социал ривожлантириш фонди резерв фондлар ҳисобланади. Жамоа хўжаликларда капитал кўйилмалар фонди, аъзоларни моддий рағбатлантириш фонди, жамоа хўжалигининг социал ривожлантириш фонди ва захира фон-

ди кабилар ташкил қилинади. Бу фондларни ташкил қилиш манбаи корхоналардаги даромад ҳисобланади. Ҳар бир фонднинг ташкил қилиниши ва унинг маблағларидан фойдаланиш Низомлари асос бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир фондни тафтиш қилишда ёки текширишда уларнинг ҳар бири Низомдаги шартларга, маблағларни ажратиш ва сарфлаш хужжатларидағи микадорларни бир-бирига таққослаш асосида ўтказилади.

Корхоналарда бу фондларнинг ташкил қилиш манбалари ва қандай мақсадларга сарфлаш сметалари тузилади, назоратчилар корхоналар ҳукуқларининг кенгайиши муносабати билан сметаларнинг илмий асосли эканлигини ўрганадилар. Шундан сўнг уларнинг ташкил қилиниши ва сарфланиши моддалари бўйича солиштириб текширилади. Текширишда зарур шахслардан сўраш ва тушунтириш хати олиш, инвентаризация ўтказиш усулларидан фойдаланилади. Бунда ҳар бир фонд алоҳида-алоҳида тафтиш қилиниб, охирида йиллик ҳисоботлардаги маълумотлар регистрларда қайд қилинган рақамлар билан таққосланади, хуросалар чиқарилади, ҳисоб-китобни яхшилаш бўйича айrim таклиф ва мулоҳазалар киритилади, натижа тафтиш да-лолатномасининг тегишли бўлимида ёки текшириш маълумотномасида кўрсатилади.

Келгуси даврда қилинадиган тўлов ва чиқимлар захираларини текшириш. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бир хил методика асосида қўйидаги мақсадлар, ишчи ва хизматчиларга отпуска ҳақлари ҳисоблаш учун, бир корхонада узоқ йиллар хизмат қилганлиги учун асосий воситалар капитал .ремонти учун захиралар ташкил қилинади. Агарда корхонада бошқа захиралар ташкил қилиш зарур бўлса, Агросаноат давлат комитетининг рухсатини олиш зарур.

Назоратчилар бу захираларни текширганда асосий эътиборни захира ажратиш нормаси (процент)нинг тўғри ҳисоблаб топилганлигига қаратишлари шарт. Сўнгра бу захира маблағлардан тўғри фойдаланишини ҳар бир операция бўйича арифметик, юридик ва мантиқ жиҳатидан текшириш керак. Шундан кейин эса резерв суммалар сарфи захира ташкил қилиш суммаларида кам бўлган зарур бухгалтерия корректировкалари орқали тўғриланиши лозим. Чунки бундай ҳол корхонанинг молиявий натижаларига салбий таъсир қилиши мумкин. Тафтиш ўтказиш учун «Келгуси давр тўловлари ва чиқимлари учун захиралар» бош счёти юрити-

ладиган регистрлар, 12-журнал-ордер ва 12-а ведомости ҳамда бошланғич ҳужжатлар бухгалтерия маълумотлари асосий манбаи ҳисобланади. Тафтиш якуни бухгалтерия регистрлари маълумотлари билан йиллик ҳисобот маълумотларини таққослаш асосида қилинган хулоса ва таклифларни тафтиш далолатномаси ёки текшириш маълумотномасида баён қилиш билан тугаллади.

**Мақсадли молиялаштириш ва мақсадли киримларни текшириш.** Бунда қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжаликда қилинадиган айрим харажатларга мақсадли молиялаштириш ёки мақсадли киримлар ҳисобидан фойдаланиш имконияти амалдаги тартиб қоидаларга муовфик текшириб борилади. Масалан, қишлоқ хўжалик зааркунандаларига ёки ветеринария-санитария тадбирларига, кўпроқ ер эрозиясига қарши кураш харажатларини қоплаш учун давлат бюджети ёки юқори ташкилотлардан маблағ ажратилади. Бундай маблағларнинг тайинланиши ва сарфланишини тафтиш ёки назорат қилишда «Мақсадли киримлар ва мақсадли молиялаштиришлар» бош счёти регистрлари, 12-журнал-ордер ва 12-а ведомости ҳамда дастлабки ҳужжатлар асосий манба ҳисобланади. Уларнинг қонунийлиги ва иқтисодий мақсадга эга эканлиги ҳар бир операция бўйича текширилади. Охирида бухгалтерия учёти маълумотлари билан йиллик ҳисобот маълумотлари солиштирилади, далолатнома ва маълумотномага қилинган хулоса ва фикр-мулоҳазалар кўрсатилади.

## **КАПИТАЛ ҚУЙИЛМАЛАРНИ АУДИТ ҚИЛИШ**

### **Капитал қуйилмаларни текшириш тартиби ва назоратчиларнинг вазифалари**

Капитал қуйилмалар қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий қисми бўлиб, ишлатилаётган воситаларни тўла тикилаш, тўлдириш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга хизмат қиласи. Капитал қуйилмаларни текширишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак, капитал қуйилмаларни режалаштиришнинг илмий асосийligини текшириш, режа бажариш даражасини аниқлаш, режа бажарилмаган бўлса, унинг сабаб ва омилларини топиш, ҳисоб-китоб ва лойиҳасмета интизомига риоя қилишни текшириш, тугаган

курилишни қабул қилиш тартиби билан танишиш, капитал қўйилмага маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини текшириш. Бу вазифаларни ҳал қилишда капитал қўйилмалар режасининг ҳақиқийлиги, лойиҳа-смета ҳужжатлари, титул рўйхати, таъминот ва пурдат ташкилоти билан тузилган шартнома ҳамда молиялаштириш манбалари текширилади.

Капитал қўйилмаларни режалаштиришнинг тўғрилигини текшириш вақтида қўйилма бу режага таалтуқли бўлган харажатлар, капитал қўйилма режа (ҳар бир куриладиган обьектлар ва жами ишлар ҳажми бўйича), лойиҳа-смета ҳужжатларини (алоҳида обьектлар ва курилишнинг бутун ҳажми бўйича лойиҳа молиявий ҳисоб-китоблар) ҳамда шартномаларни текшириб кўрадилар. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, юқоридаги ҳужжатлар жорий йил бошланишигача тузилган бўлиши керак.

Кўпчилик ҳолларда режадаги керакли ҳужжатларни тайёрлашда хатоларга йўл қўйилади ва бу хатолар капитал қўйилмаларни амалга оширишга, шу мақсадга мўлжалланган маблағлардан самарали фойдаланишга ёмон таъсир қиласди. Шунинг учун юқоридаги ҳужжатлардан капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва бошқа режали таъминотларнинг харажатдаги тартибига риоя қилиш текширилади, жумладан, капитал қўйилмаларнинг режалаштирилган миқдорини молиялаштириш манбаига тўғри келиши, курилишга мўлжалланган обьектлар бўйича шартнома ва лойиҳа-смета харажатларининг борлиги, уларнинг сифати, қишлоқ хўжалик машиналари, трактор ва автомашиналари ҳамда бошқа ускуналарни олиб келиш бўйича таъминот ташкилотлари билан тузилган шартноманинг мавжудлиги ва ўз вақтида тайёрланганлиги, таъминот ҳамда пурдатчи ташкилотлар билан шартноманинг ўз вақтида тузилганлиги, ишга тушириладиган обьектларни титул рўйхатига келтирилганлиги, шунингдек, тасдиқланганлиги текширилади.

Назоратчилар ҳужжатларни амалдаги қонунга хилоф равишда расмийлаштирилганлиги, хўжаликнинг ишлаб чиқариш бизнес-режасига капитал қўйилмаларнинг миқдори нотўғри кўрсатилганлигини аниқласалар, дарҳол бу камчиликларни тутатиш чораларини кўрадилар. Шундан сўнг жорий йилда фойдаланишга топшириладиган курилиш обьектларининг режа кўрсатичлари билан ҳақиқатда бажарилган ишлар миқдори таққосланади.

Назоратнинг асосий манбаи сифатида ишлаб чиқариш, молия режадан, ўтган даврларнинг ҳисобот маълумотлари ва хўжаликнинг келгусида ташкилий-хўжалик тузилиши режасидан фойдаланилади. Шу маълумотлар асосида хўжаликнинг асосий воситалар ҳар бир тури бўйича таъминланганлиги ва лойиҳа бўйича асосий воситаларга эҳтиёжи аниқланади. Бундан ташқари иқтисодий анализ методи билан асосий воситаларнинг структураси, фонд билан таъминланганлиги ва фонд қайтими, бино, иншоот, машина, ускуна ва бошқа объектлардан фойдаланиш, янгиланиш ва ҳисобдан чиқариш коэффициенти, ҳар бир асосий воситанинг режа кўрсаткичи ҳамда улардан самарали фойдаланиши аниқланади. Зарур ҳолларда бу ерда машина ва ускуналарнинг техник характеристикаларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларини фонд сигими ва бошқа кўрсаткичларда фойдаланилади. Хўжаликнинг кейинги йиллардаги капитал қўйилмалар режанинг бажарилиш структураси ва миқдори анализ қилинади. Бу анализлар жорий йилга режалаштирилган капитал қўйилмаларни объектив баҳолашга ёрдам беради. Капитал қурилиш режаларининг тўғрилигини текширишда маблағлар объектлар бўйича тақсимланганлигига зътибор бериш керак. Капитал қўйилмаларнинг тарқаб кетишига йўл қўймаслик ва қурилиш бошланган объектларни тезроқ ишга туширишdir.

Назоратчилар янги қурилиш режасини кўрсатганда унинг йил охирида тугалланган ишлаб чиқаришига ва бошқа қурилишларга таъсир қиласлигини текширадилар. Бундай вақтда маблағлар ва пудрат ишлари қаратилган ишлаб чиқариш объектларини биринчи навбатда ишга тушириш ва лойиҳадаги кувватидан тўла фойдаланишга зътибор бериш керак. Шунингдек, янги капитал қурилишни амалга ошириш турлари, пудрат ва хўжалик усулининг тўғри режалаштирилганлиги ҳам текширилади.

Машина ва ускуналарни олиб келиши режалари бирма-бир текширилади. Биринчи навбатда, моддий-техника воситалари берилган талабномалар ўрганилади, чунки шулар асосида хўжаликда бор техниканинг сони, ишлар миқдорининг режаси ва уларнинг эҳтиёжи ва молиялаштириш билан таъминланганлиги аниқланади. Кейин эса, энергетиклар буларни ишлаб чиқариш, молия режаси билан мос келишини ўрганади. Кўрсаткичлар ўртасида фарқ бўлса, унинг сабаби аниқланади.

Кейин ҳар томонлама ҳар бир машина ва ускунани олиш режаси, олдин хўжалик берган талабномалардан фарқи, талабномада кўрсатилган ва ишлаб чиқариш, молия режаси бўйича ҳақиқий эҳтиёж анализ қилинади. Бу кўрсаткичлар ўтасида фарқ ёки машина ускунларини нотўғри олиш ҳоллари аниқланса, назоратчилар ишлаб чиқариш, молия планига тегишли ўзгартиришлар киритиши ёки бошқа хўжаликларга қайтадан тақсимланишини таклиф қиласидилар. Шунингдек, хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳолатини ва келгусида ривожланишини анализ қилиб капитал миқдорини бошқа йўналишлар бўйича тўғрилигини аниқлайдилар. Жумладан, боғдорчилик ва ихота дараҳтларини ўтказиши ишлари қандай амалга оширилганлигини ўрганадилар. Ер майдонларининг ҳолати ва унинг яхшилаш имкониятларини текшираётганда назоратчилар суғориш, қурилиш ва бошқа ишларнинг тўғри миқдорини аниқлайдилар.

Курилишнинг қиймати, капитал қўйилмаларни олиб келиш режасининг тўғрилиги алоҳида текширилади. Бунинг учун лойиҳа расценкалари, ултуржи баҳолари, хўжалик ҳисобида бажарилган ишларнинг таннархи, ёш молларни ўстириш ва режалаштиришнинг тўғрилиги ўрганилади.

Кейин эса капитал қўйилмаларнинг режали ҳажмини янги молиялаштириш билан бирга, унинг алоҳида молиялаштириш манбалари ҳам аниқланади (ўз маблағларининг бюджет ажратмалари, узоқ, ва қисқа муддатли банк кредитлари ва бошқалар). Бунда хўжаликнинг молиявий режаси капитал қўйилмаларнинг режаси билан солиширилади.

Жамоа хўжаликларида капитал қўйилмаларнинг умумий миқдори, жумладан, асосий подани ташкил этиш харажатлари ҳамда капитал ремонт харажатларига эътибор берилди, чунки корхонада булар учун фақат капитал қўйилмалар ва капитал ремонт фондиде ягона молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Давлат ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда бирлашмаларида молиявийлаштириш капитал қўйилмалар, асосий подани ташкил этиш, капитал ремонт бўйича алоҳида амалга оширилади, шунинг учун ҳам бу фарқларни капитал қўйилмаларни молиялаштириш режасини текширишда ҳисобга олиш керак.

## **Капитал сарфлар режасининг бажарилишини текшириш**

Капитал қўйилмаларни текшириш вақтида бу соҳага оид режанинг бажарилишига алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун йил давомида киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда, тўғриланган режа кўрсаткичларидан ва таққосланадиган кўрсаткичлар буйича ҳақиқий маълумотлардан фойдаланилади. Капитал қуйилмалар бўйича ҳақиқий маълумотлар, 6-журнал-ордер ва 16-а ведомости ёки «Капитал қуйилмалар», «Амортизация фонди» бош счётлардаги харажатлар ва молиялаштириш суммалари бўйича ишлатиладиган тегишли машинаграммалардан фойдаланилди.

Баъзи хўжаликларда қурилиш учун вақтинчалик ёки мавсумий ёлланма ишчилар қабул қилинади. Буларга иш ҳақи алоҳида қурилиш ишларини бажарганлиги учун эмас, балки объектда барча ишлар тутатилгандан кейин аккорд иш ҳақи ҳисбланади. Бундай ҳолларда сарфланган иш ҳақи суммаси нормадаги иш ҳақи фонди билан солиштирилиб, унинг ортиқ сарфланган қисми аниқланади. Лойиҳада кўрсатилмаган ишларга наряд тузилганлиги аниқланса, алоҳида тузилган қайдномада ишнинг номи, расценкаси ва ҳисбланган иш ҳақи кўрсатилади. Бундай ишларни ўрганиш натижасида объектларни қуришда маблағларнинг нотўғри сарфланиши ёки қўшиб ёзишлар аниқланади. Қурилиш материаллари лойиҳа билан солиштирилади, бу солиштириш фарқларнинг сабабини аниқлашга ёрдам беради. Бундай ҳолларда «Қурилиш материаллари ва ўрнатиладиган ускуналар» ҳамда «Капитал қуйилмалар» бош счётининг маълумотлари солиштирилади.

Сўнгра қурилиш материалларининг ҳар бир объект ва ишларга сарфи билан лойиҳа бўйича нормадаги сарфи таққосланади. Объектларга сарфланган материалларнинг ҳақиқий миқдори зарур ҳолларда инженер ва бошқа қурилиш мутахассислари жалб қилиниб назорат ўлчовдан ўтказилади.

Билвосига харажатлар объектларга тўғри тақсимланиши керак. Бунинг учун бу харажатларни алоҳида аналитик счётларда акс эттирища қўлланиладиган харажат моддалари ва улардаги ёзувларнинг тўғрилиги, қурилиш машина ва механизмларнинг сони тўғрисида маълумотлар, иш соати, қурилишта хизмат кўрсатувчиликлар сони, ишни ташкил қилиш бўйича харажатлар, камчиликлар протоколларда ва бошқа ҳужжатларда акс

эттирилади ва тезда бу камчиликларни тугатиш устидан назорат ўрнатилади.

Назоратчилар махсус аналитик жадваллардаги анализ натижаларини ва режанинг бажарилишини кўрсатадилар. Назорат жараёнида учёт ва ҳисобот маълумотлари бирма-бир текширилади. Бунинг учун юқорида айтиб ўтилган регистрлардан «Капитал қуйилмалар» бош счётининг ёзувлари текширилади. Биринчи навбатда хўжалик усулида бажарилган ишлар миқдорининг тўғри акс эттирилганлигига эътибор бериш керак. Бунинг учун ҳар бир харажат моддалари, уларнинг тўғри очилганлиги, бошлангич ҳужжатлардаги суммалар ва корреспонденцияланувчи счёtlардаги ёзувлари текширилади. Айниқса иш ҳақи (мехнат ҳақи) фонди ва қурилиш материаларининг сарфланишига эътибор берилади.

Иш ҳақи фондининг тўғри ишлатилганлиги, унинг ҳақиқий сарфланган суммаси лойиҳадаги сумма билан солиширилиб, ишбай ишлар учун тузилган нарядларни ўрганиб (бунда ишни бажарувчи ва бажарилган ишлар миқдори, расценка ва ҳисобланган суммаларнинг тўғрилиги) ва алоҳида объектларда назорат ўлчов орқали текширилади. Баъзи хўжаликларда қурилиш учун вақтингчалик ёки мавсумий ёлланма ишчилар қабул қилинади. Буларга иш ҳақи алоҳида қурилиш ишларини бажарганлиги учун эмас, балки объектда барча ишлар тугатилгандан кейин аккорд иш ҳақи берилади. Бундай ҳолларда сарфланган иш ҳақи суммасининг нормадаги иш ҳақи фонди билан солиширилиб, уни ортиқ сақланган қисми аниқланади. Лойиҳада кўрсатилмаган ишларга наряд тузилганлиги аниқланса, алоҳида тузилган қайдномада ишнинг номи расценкаси ва ҳисобланган иш ҳақи кўрсатилади.

Шундан кейин қурилиш материалларининг ҳар бир объект ва ишларга ҳақиқий сарфи билан лойиҳа бўйича нормадаги сарфи таққосланади. Объектларга сарфланган материалларнинг ҳақиқий миқдори керакли ҳолларда инженер ва бошқа қурилиш мутахассислари жалб қилиниб назорат ўлчовидан ўтказилади.

Билвосита харажатлар (қурилиш машина ва механизmlарини эксплуатация қилиш ҳамда накладной харажатлар) тўғри акс эттирилиши ва объектларга тўғри тақсимланиши керак. Бунда харажатларни алоҳида аналитик счёtlарда акс эттиришда қўлланиладиган харажат моддалари ва улардаги ёзувларнинг тўғрилиги, қурилиш машина ва механизmlарнинг сони тўғриси-

даги маълумотлар, иш соати, қурилишга хизмат кўрсатувчилар сони, ишни ташкил қилиш бўйича ёки харжатлар системалари текширилади. Айниқса, капитал қурилишнинг унумсиз харажатлари алоҳида ўрганилади, чунки бу харажатлар кўпинча моддий жавобгар шахслар йўл қўйган камомад ва ўғирликларни яширади. Пудрат усулида бажарилган қурилиш ишларининг ҳақиқийлигини текширишда бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиш далолатномаси асосий манба ҳисобланади. Одатда ҳисоб-китоблар ҳар бир тугаган қурилиш босқичи бўйича олиб борилади, шунинг учун ишлар миқдорининг тўғрилигини аниқлаш анча қийин. Бундай ҳолларда назорат ўлчов ўтказилади ва бу далолатномага пудрат ташкилоти ҳам имзо чекади. Да-лолатнома асосида пудрат ташкилоти қонунсиз олинган суммани қайтариш тўғрисида талабнома ёзади.

Монтаж қилиш талаб қилинмайдиган машина ва ускуналарни олиб келиш миқдори текширилганда «Капитал қўйилмалар» счётининг ёзувлари, асосий воситаларни қабул қилиш далолатномаси счёт, фактура ва бошқа ҳужжатлар билан солиштирилади. Капитал қўйилмаларнинг бошқа йўналишлари бўйича учёт маълумотлар ҳам шу тартибда текширилади.

Капитал қўйилмалар режани бажаришнинг назорат ва тафтиши фақат режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш режанинг бажарилиш даражасини аниқлашдан иборат эмас, бу ерда яна режанинг ҳар бир обьектлар бўйича бажарилиши, бажарилмаган бўлса, бунинг сабаблари ҳамда бу обьектларни ўз вақтида ишга туширишга жавобгар шахслар, шунингдек, ишчилар ҳам тафтиш далолатномасида ёки текшириш маълумотномасида кўрсатилган бўлиши керак.

### **Капитал қўйилма маблагларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилишини аудит қилиш**

Маълумки, бизнес-режага мувофиқ капитал қўйилмалар мўлжалланган мақсадларни кўзда тутади. Капитал сарфларга ажратилган маблаглардан самарали фойдаланиш учун шартномага, лойиҳа-смета ҳужжатларига ва ҳисоб-китоб интизомига қаттиқ риоя қилиш лозим бўлади. Қишлоқ ҳўжалик корхоналари материал-техника таъминоти корхоналари билан тузилган шартномаларни ўз вақтида ва тўғри инструкция асосида тузилганлигига эътибор берилади. Айниқса, шартнома-

даги ишлар миқдорининг капитал сарфлар режасидаги миқдорга тўғри келиши, шартномадаги кўрсатилган муддатларга риоя қилиниши, санкцияларнинг қонун асосида қўлланилиши ҳамда тузилган шартноманинг янги тартиб қоидаларига мос келишига диққат қилинади. Агар шартнома тузиш вақтида таъминотчи билан хўжалик ўргасида келишмовчилик бўлса, бу келишмовчиликни ҳал қилиш учун арбитражга ёки хўжалик судига мурожаат қилинади.

Лойиҳалаш ташкилотларидан олинган смета ҳужжатлари кўрсаткичлари берилган буюртма тўғри келиши, смета технологик ечилмаларнинг ҳар бир обьектлар бўйича тўлиқ бўлиши, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва керакли миқдорда хўжаликларга берилиши керак. Қишлоқ қурилишлари одатда қишлоқ хўжалик корхоналари буюртмаси бўйича лойиҳалаш ташкилотлари тузган замонавий лойиҳа асосида амалга оширилади. Назоратчилар бундай буюргмаларнинг ўз вақтида берилишини, лойиҳалаш ташкилотчилари билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини лойиҳа-смета ишларининг тўғрилигини текширадилар. Бу ишларнинг бажарилганлигига, ташкилот хўжалигининг маблаги ҳисобига техник экспертиза хулоса олиш учун берилади. Текшириш давомида алоҳида лойиҳаларнинг техник топшириққа ва лойиҳа-технологик ечимларнинг техник иқтисодий асосланганлиги ўрганилади.

Капитал қўйилмаларнинг молиявий ресурслар билан таъминланганлиги хўжаликнинг молиявий режаси асосида, ўз маблағларини ҳисобга олган ҳолда текширилади. Бундай корхонада режалаштирилаётган йилда ажратмалар, капитал қўйилмага тегишли амортизация ажратмалари ва бошқа манбалар ҳар бир тури бўйича аниқланади.

Капитал қурилишда ва асосий воситаларни сотиб олишда қабул қилинган ҳисоб-китоблар ҳам текширилади, чунки бу ҳисоб-китобларда илғор ҳисоблаш формаларини қўлаш яхши самара беради. Дастребки назоратда қурилиш материалларини сарфлашда ишлатиладиган бошланғич ҳужжатлар, бажарилиши керак бўлган ишлар учун ва тузилган нарядлар, ёлланма ишчилар билан тузилган шартномалар ҳамда машина ва механизмлар олиш нарядлари текширилади. Масалан, сўралган қурилиш материалларини бериш қилинадиган ишларнинг характеристири ва миқдори, алоҳида материалларни сарфлаш нормаси лойиҳа кўрсаткичлари би-

лан солиширилади. Нарядлар ёзиш ва алоҳида ишчилар билан шартнома тузиш вақтида иш ҳақи фондинг сарфи ҳам шу тартибда текширилади. Режасиз таъминот ташкилотлардан машина ва ускуналар олиш наряди алоҳида текширилади. Чунки, кўпинча бу операциялар ҳар хил сунистемолларни яширади.

Шартнома, лойиҳа-смета ва ҳисоб-китоб интизоми жорий назорат тартибида текширилади. Шунингдек, наряд ва таъминотчиларнинг шартнома асосида олган мажбуриятлари бажарилиши ҳам ўрганилади. Бунда оператив ҳолда қурилиш-монтаж-техника воситаларини етказиб бериш назорат қилинади. Бажарилган қурилиш ишларининг муддати, миқдори ва сифати, моддий-техника таъминоти тартибига риоя қилиш, машина ва ускуналарни ўз вақтида ва комплект етказиш алоҳида назорат остида бўлади. Кўпчилик ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналарида қурилиш монтаж ишлари ва моддий-техника воситаларини кеч етказиб бериш, бир машина ўрнига бошқасини, буюртма берилмаган воситаларни комплектсиз етказиб бериш ва бошқа шартнома шартларини бузиш ҳоллари учрайди. Шартнома мажбуриятларининг бузилиши ҳоллари аниқланган вақтда тўлов, штраф ва бошқа чоралар кўриш учун таклифлар киритилади.

Бажарилган ишлар ва олинган материал, техника воситалари учун ҳисоб-китоб операцияларининг тўғрилиги, тартиби ва тўлаш муддати текширилади. Жумладан, қурилиш-монтаж ишлари учун ҳисоб-китобларда кўпчилик ҳолларда кўшиб ёзишга йўл қўйилади. Бу кўшиб ёзиши фақат назорат ўлчов ёрдамида аниқлаш мумкин. Қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчаш жуда сермехнат иш, шунинг учун уни қурилиш давом этаётганда ўтказиш керак. Қурилиш тугагандан кейин ўлчаш учун назоратчидан жуда катта миқдорда иш бажариш талаб қилинади.

Назорат ўлчовнинг натижаси оралиқ тафтиш далолатномаси билан расмийлаштирилади, бу далолатномага назоратчи, буюртмачи ва пудратчиларнинг вакиллари кўл қўядилар. Назорат ўлчов далолатнома асосида хўжалик бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ҳисобланган суммаларни қайтариш ёки ушлаб қолиш учун чоралар кўради.

Худди шундай тартибда шартномага, лойиҳа-смета ва ҳисоб-китоб интизомига риоя қилиш аниқланади. Асосий эътибор у ёки бу капитал қуйилмани қонуний

амалга оширилганлигини, режаларни, шартномаларни, лойиҳа-смета хужжатларини, титул рўйхатларини ва молиялаштириш режаларининг борлигини текширишга қаратилиди. Режасиз қурилган обьектлар ва сотиб олинган воситаларни молиялаштириш манбаи моддий-техника таъминоти бирма-бир текширилади, чунки бу операциялар ортида корхона маблагини қонунсиз ўзлаштириш факти бўлиши мумкин. Режасиз капитал қуилмаларни амала ошириш вақтида маблағларини мақсадсиз ва нотўғри ишлатилишига айбдор кишиларга назоратчилар таклифига кўра маъмурий, мулкий ёки бошқа жазо қўлланилади. Таъминотчи ва пурратчининг хўжаликдан нотўғри олган суммаси аниқланса, бу суммани ундириб олиш учун норозилик далолатномаси арбитраж органлари, хўжалик судига берилиши керак.

Капитал қурилишнинг алоҳида обьектларни тўхтатиш ёки тугатишнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги унинг лойиҳа қиймати, ишлаб чиқаришга тайинланиши ва ундан фойдаланиш йўллари асосида текширилади. Бу ишларниг ҳаммаси тафтиш оралиқ далолатномасида кўрсатилди.

## **КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ ҲИСОБОТЛАРИНИНГ АҲВОЛИНИ АУДИТ ҚИЛИШ**

### **Аудит қилиш тартиблари ва назоратчиларнинг вазифалари**

Тафтиш назорат органларининг қишлоқ хўжалик корхонасидаги биринчи вазифаси бухгалтерия учётини ташкил қилишда амалдаги тартиб қоидаларига риоя қилинишини, юқори ташкилотларга топшириладиган ҳисоботларниг ҳақиқий хўжалиқдаги аҳволни кўрсатишини ва ўз вақтида тузиб топширилишини текширишдан иборатdir.

Бухгалтерия учёти текширилганда аввало корхонадаги аҳвол, амалда уни ташкил қилиш қонун АБУС-ларига таққосланиб қурилади ва ундаги тартиб, қоидалардан четланиш аниқланади. Бунда бухгалтерия учётида прогрессив методларниг қўлланилиши ҳисобга олинади, бош бухгалтер томонидан унга юклатилган мансаб вазифаларниг бажарилиши текширилади. Корхона ҳисоб сиёсатининг ишланганлиги, унга тўғри риоя қилинганлиги ўрганилади. Сўнгра ҳисоботларниг тузилиши, ўз вақтида юқори ташкилотларга етказили-

шидаги камчилиқтар аниқланиб, уларни тузатиш чоралари белгиланади.

Узбекистонда прогрессив форма ҳисобланадиган журнал-ордер формасининг тўла жорий қилиниши суст бормоқда. Бунга сабаб, биринчидан учёт режа ходимларининг малака ва билим савиасининг пастлиги бўлса, иккинчидан эса журнал-ордерлар мазкур регионга хос хусусиятларини ўзида тўла акс эттиrolмайди ва такомиллаштиришни талаб қиласди. Айниқса, компьютерлардан фойдаланишга ўтишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

### **Бухгалтерия учётининг аҳволини текшириш**

Бухгалтерия учёти биринчидан, хўжалик системасида, ишлаб чиқаришни бошқаришда, уни ишлаб чиқариш, таъминот, маҳсулотларни реализация қилиш тўғрисида ахборот билан таъминланса, иккинчидан, корхона мулкининг сақланиши, ундан унумли фойдаланиши устидан қаттиқ назорат олиб борилади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия учётининг аҳамияти бошқаришнинг ажралмас қисми эканлигини кўрсатиб ўтиш муҳим. Шу муносабат билан хўжаликни юритишда корхона бухгалтерияси учёти устидан доимий равища назорат олиб бориш тақозо қилинади. Анализлар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда бухгалтерия учётида хўжалик операцияларини ўз вақтида акс эттириш бўйича орқада қолиш фактлари кўзга ташланиб қолмоқда. Назоратчилар томонидан унинг сабаблари чуқур ўрганилиб, тафтиш ўтказилаётган корхонада уни тузатиш чоралари кўрилиши зарур.

Бухгалтерия учётининг жорий аҳволини текширишда эса дастлабки ҳужжатларнинг типовой (намуна) формаларига мослиги, бухгалтерияда қўлланилаётган счёtlарнинг ҳалқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган счёtlар режасига мос келиши текширилади. Сўнгра бош счёtlарни таркибида субсчёtlар, бухгалтерия регистрлари тўғри бўлиши текширилади. Корхонада юритиляётган бош субсчёtlар ва аналитик счёtlар, бухгалтерия регистрларининг дастлабки ҳужжатлари, сўнгра Республика Молия вазирилиги томонидан тасдиқланган формалари мос келиши текширилади. Ҳисоб-китоб ходимларининг билим даражаси, малакаси, ишлаб чиқариш бўлинмаларида, жумладан, омборда, фермада, бригадада, хазинада дастлабки учётнинг ташкил қилиниши ўрганилади. Бухгалтерия учётининг жорий аҳво-

ли текширилганда учёт ходимлари ўртасида вазифаларнинг тақсомоти, бунда тавсия қилинган учёт ва режалаштириш функциялари кўшилиши лозимлиги масалалари ўрганилади.

Корхонада бухгалтерия учётининг прогрессив формаларининг жорий қилиниши, комплекс механизациялаш ишларининг бориши анализ қилинади. Шу каби хужжатлар режанинг тузилиши, унга қай тартибда амал қилинаётганлиги, ҳисоб ишлари графигининг тузилиши, корхона бухгалтериясида унга риоя қилишнинг аҳволи текширилади. Корхонада бухгалтерия учётининг жорий аҳволини текширишда штатлар бирлигига риоя қилиш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш бўйича қандай ишлар амалга оширилаётганлиги ўрганилади.

Текшириш якунида аниқланган камчиликларни туazziш, илғор тажриба ва прогрессив усусларни жорий қилиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар кўрсатилади.

### **Давлат ҳисобот интизомига риоя қилинишини текшириш**

Давлат ҳисобот интизоми мамлакатимиздаги бошқарув органларини корхона, ташкилот, муассаса ва бошқаларнинг молия, хўжалик ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятлари ҳақида информация маълумотлари билан таъминлайди. Давлат ҳисобот формалари Республика Молия вазири, иқтисод ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, ҳалқ хўжалигининг мазкур соҳасига раҳбарлик қилувчи органлар томонидан тасдиқланиб, бухгалтерия учёти регистрлари маълумотлари асосида тузилган график (тасдиқланган муддатда) уларга топширилади. Ҳисоботларни талаб қиласиган ва ҳалқ хўжалиги бўйича умумлаштириладиган органларга кўра бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари тайёрланади. Назоратчилар ҳисобот интизомига риоя қилинишини тафтиш қилганларида ҳар бир ҳисоботларни алоҳида алоҳида текширишлари лозим.

Ҳисоботлар хўжалик операцияларини, улар содир бўлган даврни қамраб олишга кўра йиллик ва жорий ҳисоботларга бўлинади. Назоратчилар бухгалтерия ҳисоботларини тафтиш қилганда, корхонадаги ҳисобот формаларининг намунавий формалар асосида эканлигига эътибор қиласилар. Бухгалтерия ҳисоботида кўрсаткичлар, миқдорлар бухгалтерия регистрларидағи ҳажм миқдорига тўғри келиши текширилади.

Кўп ҳолларда амалда ахборот ҳисобот маълумотлари билан бухгалтерия регистрлари миқдорларида фарқ учраб туради. Шунингдек, йиллик ҳисобот маълумотлари билан квартал якуни ҳисоботлари ўртасида ҳам фарқлар бўлиши мумкин. Шунинг учун улар бир-бirlariga taққосланиши лозим. Агарда унда фарқлар учраса, назоратчилар томонидан кўрсаткичлар бўйича ҳисобот ва регистр маълумотлари асосида қайднома маълумотномалар тузилиши зарур.

Оборот маблағлар суммаси ҳақиқий натижасида аниқланган суммаларга мос келиши лозим, ҳисоботда йўқотув-ўғирлик қийматлари акс эттирилган бўлса, харажатга чиқариш далолатнома маълумотларига тенг бўлиши керак. Инвентарь счёtlardagi қолдиқлар пул бирлигида, бухгалтерия регистрларидағи ва инвентаризацияция далолатномаларидағи миқдор ва суммаларига тенг бўлиши керак. Шундай қилиб, ҳисоботлардаги ишлаб чиқариш харажатлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи ва тармоқ ва бутун хўжалик бўйича фойда-зарар бухгалтерия регистрларидағи маълумотларга тенг бўлиши лозим.

Агарда вақтида ҳисоботларда ва бухгалтерия регистрларида корхонанинг дебитор қарзларини қонунсиз зарар ҳисобига харажатга чиқариш ҳоллари аниқлансан, далолатнома билан жавобгар шахсдан ундириб олинади.

Статистик ҳисоботлар ҳам корхонадаги ижтимоий ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги маълумотларни кўрсатади. Бу ҳисоботлар реал ҳолатини кўрсатиши лозим. Статистик ҳисоботлар корхонадаги мөддий, меҳнат, молия ва бошқа ресурслар тўғрисида давлат режаларининг бажарилиши, давлат корхонаси ҳукуқларининг кенгайиши муносабати билан шартнома бўйича буюртмаларнинг бажарилиши тўғрисида, давлат режаларининг бажарилиши, давлат корхонаси ҳукуқларининг кенгайиши муносабати билан шартномалар бўйича буюртмаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар беради. Ундаги маълумотлар аввало бухгалтерия регистрлари ва йиллик, жорий ҳисоботлар маълумотларига мос бўлиши лозим. Агарда бухгалтерия ва статистика маълумотларида нотўғри миқдорлар ёки қўшиб ёзиш ҳақидаги маълумотлар бўлса, тафтиш далолатнома судтергов органларига ўтказилади. Бухгалтерия ҳисоботлари сингари статистика ҳисоботлари ҳам белгиланган муддатларда солиқ статистика давлат қўмитасининг жойлардаги органларига топширилиши лозим.

Шу билан бирга назоратчилар томонидан тафтиш қилинаётган корхонада статистик ҳисоботларни тўлдириш йўл-йўриқлари бўлиши керак. Ҳисоботларни таҳлил қилиш ва текшириш натижалари далолатноманинг алоҳида бўлимида аниқ, тушунарли тилда тўла акс эттирилиши лозим. Аудит холоса далолатномаси бозор иқтисодиёти даврида катта аҳамиятга эгадир.

## **КОРХОНАЛАРДА ИШ ЮРИТИШ ВА ИЖРАЧИЛИК ИНТИЗОМИНИНГ АҲВОЛИНИ АУДИТ ҚИЛИШ**

### **Текшириш тартиби ҳамда унинг олдига қўйилган талаблар**

Корхоналарда иш юритиш ва ижрочилик интизомини тўғри ташкил қилиш, хўжаликда ишлаб чиқариш, молия фаолиятида яхши натижаларга эришиш имкониятини беради.

Иш юритиш деганда, аввало қишлоқ хўжалик корхоналарида технологик ишларни агротехника, зоотехника ва ветеринария қоида ва муддатлари асосида ўтказиш учун тузиладиган иш режалари, юқори ташкилотлардан келаётган қарорлар, шу корхона ходимлари ёзган хатларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш тушунилади. Шунингдек, иш юритишда корхона ходимлари ёзган хатларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришга тадбик этиш тушунилади. Шунингдек, иш юритишда корхона ўтказадиган умумий йиғилишлар, баланс комиссияси, меҳнат жамоалари ҳамда анализ бюролари баённомаларининг юритилиши, тезкор маълумотларнинг корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларидан олиниши, ўз вақтида раҳбар ва мутахассислар томонидан улардан ишлаб чиқариш аҳбороти сифатида қабул қилиниб, келгусида хўжалик масалалари бўйича ечимлар қабул қилиниши аҳамиятга эгадир. Бу ишлар қанчалик аниқ қайд қилиниб, расмийлаштирилиб борилса, улар юзасидан тадбирларниг амалга оширилиши шунча яхши натижалар беради. Назоратчиларнинг биринчи вазифаси бу ишларнинг ўз вақтида амалга оширилаётганлигини текширишдан иборатдир. Шунингдек, назоратчилар бу ҳисоб-китоб, дело ва журналларини маълум тартиб асосида текшириши зарур.

Ижрочилик интизомига риоя қилиш эса аввало корхонада ҳукуматимиз томонидан хўжалик масалалари бўйича қабул қилинган қарор ҳамда буйруқларнинг ўз

вақтида бажарилишини назорат қилишни ўзига вазифа қилиб олса, иккинчи томондан эса корхонанинг ўзида қабул қилинган иш режалари, жамоанинг умумий йиғилишида тасдиқланган қарорлари, раҳбарлар томонидан ёзма равишда кўрсатмаларнинг аниқ бажарилишини текширишдир.

### **Иш юритишни текшириш**

Корхоналар фаолиятида иш юритиш меҳнатни ташкил қилиш бўғини ҳисобланиб, ишлаб чиқариш, хўжалик ва молия жараёнларида ташкилотга келаётган ишлар юзасидан ҳужжатларни тартибга солиш, юритиш каби вазифаларни ўз ичига олади. Маълумки, корхонада ҳар бир хўжалик операцияси юридик кучга эга бўлган, асосли ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Бу хўжалик операцияларининг характеристига қараб ҳужжатлар норматив режали, ҳисбот, ҳисоб, техника, кадрлар ҳамда бошқарувга доир ҳужжатларга бўлинади.

Ҳар бир ҳужжат тузиш, ёзиш, журналларда қайд қилиш, жўнатиш, қабул қилиш, зарур ҳолларда уларни кўпайтириш ва сақлаш функциялари билан боғлиқдир. Бу кўрсатилган функцияларнинг тўғри ташкил қилиниши эса корхонада иш юритишнинг қандай уюштирилишига боғлиқ, шунинг учун ҳам бу жараёнлар назорат ва тафтишга таалуклидир. Назоратчилар аввало корхонада иш юритишни текширишда юритиладиган делоларнинг номлари асосида бир хил ҳужжатлар ташкил қилингандиги, уларнинг намунавий иш юритиш тартибидаги номерларига мос келишини аниқлайдилар. Сўнгра делоларга таалуқли, тузилган ҳужжатларнинг ўз вақтида тикилиб, йиғилиб боришини текширадилар. Назоратчилар томонидан ҳар бир ҳужжатларнинг тузилиши, керакли журналларда қайд қилиниши, тайинланиши бўйича жўнатилиши, уларнинг ижро қилиниши тўғрисида белгиларнинг кўйилиши текширилади. Шунда бу ҳужжатларнинг сақланиши, архивга топширилиши кабилар чуқур ўрганилади. Айниқса, ҳужжатларнинг тузилиши катта аҳамиятта эгадир. Чунки, бўйруқ, қарор ва ҳужжатларнинг келиши, ташкилотдан жўнатилиши, расмийлаштирилиши, корхонада иш юритиш даражаси бошқарув ишларининг уюштирилиш умумий даражасини кўрсатади. Шунингдек, назоратчилар делоларда акс эттирилган темаларнинг ўзига мос эканлиги, ундаги ҳужжатларнинг мазмунини баён қилиш тартибларини

ҳам ўрганадилар. Корхонада тузилган ҳужжатлар ўрганилганда уларнинг ёзилишига, баён қилиш тартибига, тушунарли тилда ёзилишига, тузилганда эса тегишли алоқадор шахсларнинг имзолари, белгилари бўлишига, ёзилган юридик ҳужжатлар амалдаги қонунларга қара-ма-қарши бўлиши ёки бўлмаслигига алоҳида эътибор берилди. Агарда шундай ҳужжатлар учраб қолса, назоратчилар унинг тезликда бекор қилиниши тўғрисида таклиф киритадилар ва у тафтиш далолатномаси ёки текшириш маълумтномаларида кўрсатилади.

Юридик ҳужжатларда кўрсатилган натура, пул, физик миқдорлар ижро ҳужжатидаги миқдорлар билан таққосланиб кўрилиши лозим. Корхонанинг молия, меҳнат, материал, редан ва пул маблағларидан фойдаланишга доир ҳужжатлари шу соҳадаги юридик ҳукуқ норматив ҳужжатларига мос ёки мос эмаслиги аниqlанади. Зарур ҳолларда корхонада ёзилган ҳужжатлар назоратчилар томонидан эксперт органларига хulosा учун ҳавола қилинади. Текширишда корхонадаги ҳужжатларнинг сақланиши, давлат архивига топшириш учун тайёрланиши ўрганилади. Текширишнинг охирида иш юритувчи ходимлар малакаси, уларнинг малакасини ошириш, иш юритишнинг янада такомиллашуви буйича амалга ошириладиган тадбирлар, иш юритувчи ходимлар иш жойларини ва меҳнатини илмий асосида ташкил қилиш масалалари ёритилади.

### Ижро интизомини текшириш

Корхоналарда ижрочилик интизомининг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Буни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини оширишда муҳим шарт-шароит эканлиги бир неча марта кўрсатилган. Назорат-тафтиш, аудит ишларида ижрочилик интизомига риоя қилинишини чукур текшириб бориш вазифаси туради.

Назоратчилар ижрочилик интизомига риоя қилинишини текширганда раҳбарлар, мутахассислар, бошқарма аппарати ходимлари ўртасида мансуб вазифаларининг тақсимланишини ўрганишлари лозим. Шундан сўнг корхона ходимлари томонидан тушаётган ариза ва шикоятлар, таклифлар, давлат томонидан ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши текширилади. Шунингдек, корхонанинг ўзида қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг ишлаб чиқилган ойлик, квартал режа-

ларининг бажарилиши алоҳида назорат қилинади. Текширишда режаларнинг илмийлигига, бажарилишининг анализ қилиш асосида реаллигига эътибор берилади.

Ижро интизомини назорат қилишда олдинги ўтказилган тафтиш далолатномаларида кўрсатилган таклифлар ва кўрилган чораларнинг ижроси аниқ текширилади. Айниқса, ҳисобдор ва мансабдор шахсларга кўрилган чоралар ижроси, далолатномада аниқланган иқтисодий заараларнинг тикланишига катта эътибор бериш лозим. Ишлаб чиқариш режалари ва корхона мулкининг сақланишини таъминлаш тадбирларининг корхонада амалга оширилиши текширилади. Албатта, ижро интизомининг юқори савияда бўлиши, ижро учун берилган топшириқларнинг бажарилиши ҳақида ўз вақтида тегишли шахсларга жамоага ахборот берилишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ниҳоят, назоратчилар ижрочилик интизомининг аҳволини ёзиш билан чегараланмай, уни яхшилаш юзасидан таклифлар киритадилар. Уларнинг ҳаммаси корхонада ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирлари эканлигини исботлаб, кўрсатиб бериши лозим.

## **КОРХОНАЛАР ВА БИРЛАШМАЛАРДА НИЗОМ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШНИ АУДИТ ҚИЛИШ**

### **Корхона уставига риоя қилинишини текшириш**

Назорат ишларининг энг муҳим соҳаларидан бири бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва молия фаолиятини йўлга солиб турувчи Уставга риоя қилишни текширишдан иборатдир. Устав нормаларига риоя қилиш орқали корхона мулкнинг тўлиқ сақланиши ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиши таъминланади.

Устав қонунларига риоя қилиш, текшириш қўйидағи тартибда ўтказилади. Аввало таъсисчилар Уставининг мавжудлиги, унинг таъсисчилар умумий йигилишида қабул қилиниши ва белгиланган тартибда сақланиши аниқланади. Сўнгра ушбу корхонанинг Устав қоидалари намунавий Устав қоидаларига мос келишилиги ҳамда маҳаллий шароитларни ва амалдаги қонунларни ҳисобга олган ҳолда киритилган ўзгартиришлар ўрганилади.

Текширишнинг сўнгти босқичида хўжаликнинг кундалик ишлаб чиқариш, молия фаолиятида Уставининг хукукий нормаларига амал қилиниши кўриб чиқилади.

Ўтказилган текширишни умумлаштириш натижасида жамоа хўжалигининг Устави қоидаларининг бузилиши ҳоллари, бунга йўл кўйган айбдор шахслар ва шу билан биргаликда келгусида ушбу камчиликларни тугатиш йўллари кўрсатилади.

Белгиланган тартибида ишлаб чиқилган корхона Устави таъсисчилар умумий йигилишида ёки вакиллар йигилишида тасдиқланади. Умумий ёки вакиллар йигилишида қабул қилинган Устав туман ҳокимлигига тасдиғдан ўтказиш учун тақдим этилади. Сўнгра бу Уставнинг ҳар бир бетига муҳр босилади.

Таъсисчилар Уставининг мавжудлигини текширувчи шахс уни қай аҳволда сақланаётганлигига алоҳида эътибор бериши лозим. Уставга ҳар кимнинг ҳар хил ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишига асло йўл қўймаслик керак. Одатда таъсисчилар Устави ҳисоб бланкалари ва ҳужжатлари ёнмайдиган темир сейфларда сақланади. Унинг бехатар сақланиши ва дахлсизлигини корхона бошқаруви таъминлаши лозим. Назоратчи таъсисчилар Уставининг таъсисчилар умумий йигилишида ёки вакиллар тасдиқланганлигини текшириб кўради. Йигилишнинг тартибига (бунда таъсисчилар камида 2/3 қисми қатнашган бўлиши шарт) ва қабул қўлган қарорига (унда таъсисчиларнинг кўпчилик қисми овоз берганлигига) алоҳида эътибор берилади. Таъсисчиларнинг умумий ёки вакиллар йигилишини ўтказиш қонундан ташқари ёки қарор қабул қилишда камчилиларга йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда тафтиш далолатномасига ёки текшириш маълумотномасига таъсисчи Уставини тасдиқлаш учун қайтадан қонуний равища йигилиш ўтказилиши таклифи киритилади.

Текширишнинг навбатдаги босқичида таъсисчилар Уставининг умумий моддалари таъсисчиларнинг Намунаий Устави моддаларига мувофик келиши кўриб чиқилади. Бундай умумий ҳуқуқ нормаларига корхонанинг вазифаси, корхона аъзоларининг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ердан умумий фойдаланиш тартиби, унинг умумий мулкини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва молия фаолиятини ёритиш, иш ҳақи ва меҳнат қилиш тартибларини ташкил қилишнинг умумий қоидалари, таъсисчининг ялпи маҳсулотини ва фонdlарини тақсимлаш тартиблари, маданий-маиший ва социал таъминот ҳамда уларнинг шахсий хўжалигини юритиш, бошқариш органлари capability киради. Бу ҳуқуқий нормалар корхона Уставида

албатта кўриб чиқилган ва Намунавий Уставга нисбатан кенг ёритилган бўлиши керак.

Текширишда қонундан ташқари далолатнома ҳоллари мавжудлиги аниқланса, тафтиш далолатномаси ёки текшириш маълумотномасига илова қилинадиган маҳсус ведомостга ёзib қўйилади. Сўнгра корхона бошқарувининг ва айрим жавобгар шахсларнинг Уставнинг алоҳида моддаларига қандай риоя қилиши кўриб чиқилади. Бунда биринчи навбатда корхона бошқарувининг, таъсисчиларининг умумий ёки вакиллар йиғилишининг чақириш муддатларига зътибор берилади (бу йиғилишлар йилига камида тўрт марта, бундан ташқари таъсисчиларнинг 2/3 қисми ёки тафтиш комиссияси талаб қилган вақтларда чақирилиши лозим).

Умумий йиғилишга қатнашаётган таъсисчиларнинг сонини аниқлаш учун йиғилишнинг қонуний ҳукуқقا эга эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари қарорлар китобида қайд қилинган кўрсаткичлар, яъни умумий йиғилишлар неча марта чақирилганлиги, кун тартиби, саволларни муҳокама қилиш характеристи, таъсисчиларнинг фаоллиги, қарорнинг мазмуни ва шу кабилар текшириш манбаи ҳисобланади. Худди шу тартибда таъсис корхона бошқаруви йиғилишини ўтказишнинг қонуний ҳукуқقا эга эканлиги, саволларни муҳокама қилинган қарорларнинг моҳияти анализ қилинади.

Корхона аъзолигига риоя қилиш тартибини алоҳида текшириш керак. Бунинг учун текширишнинг қўйидаги, яъни корхонага қабул қилиш ёки чиқиши тўғрисида ёзилган ариза, алоҳида шахслар билан сұхбат ўтказиш ва улардан ёзма равишда хат олиш, қарорлар китобидаги ёзувлар билан танишиш, таъсисчиларнинг меҳнат дафтарчаси мавжудлигини аниқлаш усуслари кўлланилади.

### **Давлат ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналари ва бирлашмалари тўғрисида юридик статусга амал қилинишини текшириш**

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш-молия режаларини, бухгалтерия ҳисобининг жорий ва йиллик ҳисобини, шунингдек, иш ҳақи тўғрисида Низомни мукаммал ўрганиш орқали Уставга ва унинг моддаларига риоя қилиш текшириллади. Бунда ердан фойдаланиш, корхонанинг мулкидан, хўжалик юритиш, ташкил қилиш, иш ҳақи тўлаш, ялпи маҳсулот ва даромадларни тақ-

симлаш кабиларда Устав нормаларига риоя қиласлик ҳоллари очиб ташланади.

Корхона Уставининг алоҳида моддалари бўйича айрим хатоларга йўл қўйилганда бунинг сабабини ва айбор шахсни аниқлаш лозим. Сўнгра текширувчи шахс бу камчиликларни корхона бошқарувчи ёки тъисисчиларнинг умумий йифилишида кўриб чиқишга киритади, шу билан биргаликда юқори органларга интизомни бузилиши, айбор шахслар томонидан келтирилган зарар тўғрисида ёзма равишда хабар беради.

Қишлоқ хўжалигида давлат ва хўжаликларо корхоналар, шунингдек, илмий ишлаб чиқариш ҳамда агросаноат бирлашмалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай қишлоқ хўжалик корхоналари ўзининг ишлаб чиқариш, молия фаолиятида корхона (бирлашма) тўғрисидаги қонун асосида иш юритмоқдалар. Демак, назоратчилар ҳам шу қонунга асосан иш юритишлари лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир соҳадаги бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳолатини юқорида кўрсатилган қонун нормаларига асосан мослаштириб олиб боради. Баъза бу корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш, молия режасини тузишда оборот ва асосий объекtlарни ишга тушириш ҳамда ҳисобдан чиқаришда, штат руйхатини тасдиқлашда, айrim категориядаги ишчиларнинг иш ҳақига қўшимча ва устами белгилашда, лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлашда, молияни ташкил этишда, ҳисобот ва учёт ишларида хукуқлари кенгайтирилади.

Текширишда ҳар бир хўжалик ёки ташкилотнинг юридик хукуқини белгилайдиган Уставнинг ишлаб чиқарилиши ва тасдиқланишига асосий эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун Уставда юқоридаги қонун асосида умумий нормадаги кўрсаткичлар (ташкилот ёки хўжаликнинг номи, унинг жойлашган ўрни, унга хизмат қиладиган банкдаги счёtlарнинг реквизитлари, раҳбарлик қиладиган юқори ташкилотнинг номи, иш фаолиятининг предмети ва мақсади, хўжалик ёки ташкилотнинг Устав (бўлинмас) фондига эканлиги, ҳараратдаги қарорларга асосан иш юритиши ва юридик шахс ҳисобланиши (ва ўзига хос хусусиятлари) хўжалик ёки ташкилот кирадиган юқори ташкилотнинг номи, унинг жойлашган ўрни, банкдаги счёtnинг реквизитлари) кўрсатилган бўлиши керак.

Уставнинг тўғри тузилганлиги ва тасдиқланганлигини текширишда юқори ташкилот хукуқлари ва вази-

фалари керакли қарорлар билан солишириб кўрилади (давлат хўжаликлар ва бошқа қишлоқ хўжалик давлат ташкилотлари ёки хўжаликлари бўйича бу ҳуқуқ юқори ташкилот ихтиёрига берилган, хўжаликлараро ташкилот ва бирлашмалар бўйича маҳаллий ҳокимиятлар регистрация қиласидаган қатнашувчи хўжаликларнинг йилиши ихтиёрига берилган).

Қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ташкилоти тўғрисида аниқланган камчиликлар тартибга солинади ҳамда тафтиш далолатномасининг ёки текшириш маълумотномасининг керакли бўлимида акс эттирилади.

### **Корхонада ички иш тартиб-қоидасига риоя қилинишини текшириш**

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани сингари, қишлоқ хўжалик корхона ва бирлашмалари ҳам ишлаб чиқариш-молия фаолиятини қаттиқ режа асосида юргизадилар. Бу режалаштиришнинг асосий элементларидан бири бўлиб, ички хўжалик иш тартибини тўғри ташкил қилиш ҳисобланади.

Ҳар бир Намунавий Устав ва амалдаги қонун ҳамда давлат корхоналаридаги ички иш тартиб-қоидасини ишлаб чиқадилар.

Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ишчи ҳамда хизматчилар учун ички хўжалик иш тартибининг асосий қоидаларига таяниб иш олиб борилади.

Текшириш вақтида назорат ушбу қоидаларнинг мавжудлигига, тўғри ишлаб чиқилганлиги ва белгиланган тартибда тасдиқланганлигига эътибор бериши лозим. Сўнгра ушбу қоидалар хўжаликдаги ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимига етказиб берилганлиги, ҳар бир ишчи танишиб чиққанлиги ва, ниҳоят, хўжаликнинг ишлаб чиқариш молия фаолиятида ушбу қоидаларга тўлиқ амал қилиниши текширилади.

Ишчи хўжалик иш тартиб-қоидаларининг тўғри қабул қилинганлигини аниқлаш учун улар намунавий қоидат кўрсаткичлари ҳамда амалдаги қонунлар билан солишириб кўрилади. Сўнгра хўжаликнинг конкрет иқтисодий ривожланишини, ишлаб чиқаришда жойлашган ўрнини ҳисобга олган ўёки бу қоиданинг қонуний қабул қилинганлиги текширилади.

Ички хўжалик иш тартиби ва қоидаларида ҳар қандай шароитларда ҳам кўйидаги умумий нормалар, яъни ишчиларга ҳар ҳафтада дам олиш кунлари, навбатдаги

мехнат таътили кунлари, ёш болали оналарга бериладиган енгилликлар ўрин олган бўлиши лозим.

Текширишнинг муҳим қисмларидан бири кўрсатилган қоидаларнинг ҳар бир бўлимига амал қилинишини текширишдир. Бунда ишлаб чиқариш кенгашлари материаллари, умумий ёки вакиллар йиғилишининг қарорларини қайд қилиш китоби ва корхона бошқарувининг мажлиси, бажарилган иш кунлари тўғрисидаги маълумот, меҳнат таътили кунларининг давомийлиги ва унга тўланган ҳақ, берилган енгиллик соатлари учун тўланган ҳақ, айрим ишчиларнинг ишга қатнашмаган кунлари кўрсатилади.

Бунда «Меҳнатга ҳақ тўлаш» счёти маълумотлари асос қилиб олинади. Асосий зътиборни хўжаликда меҳнат интизомига риоя қилишга қаратиш керак. Иш куни давомида ҳар бир бекор кетган вақтнинг сабаби, бунда жавобгар шахснинг (бригадир, ферма мудири ва бошқалар) айби бор-йўқлиги чукур текшириб кўрилади. Ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги фақат иш вақтининг узайтирилиши билангина боғлиқ эмас, балки сменада, иш кунида, мавсумда бажариладиган иш миқдорининг оширилиши билан ҳам белгиланади, шунинг учун ҳар бир ишчи гурӯҳлари ва категориялари бўйича керакли анализ талаб қилинади.

Амалдаги қоидага риоя қилмаётган айрим шахсларнинг ишдан озод қилинганлиги ёки сабабсиз келмай қолганлиги ишга яроқсизлиги тўғрисидаги касаллик ва-рақаси, тиббиёт муассасасининг касаллиги тўғрисида берган маълумотномаси (бюллетени) хўжалик ёки ишлаб чиқариш бўлим раҳбарининг берган рухсати каби хўжжатлар асосида аниқланади. Текширувчи ушбу далил ҳўжжатлари бўлмаган ишчининг ишга сабабсиз қатнашмаган кунларини ички хўжалик иш тартиби қоидаларига хилоф деб кўрсатиб, хўжалик раҳбаридан унга нисбатан чора кўришни белгилайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича алоҳида текшириш ўтказилиши талаб қилинади. Бунда ишлаб чиқаришдаги ҳар бир жароҳатланиш сабаби чукур ўрганилади. Хўжалик ёки бирлашмада кишиларнинг ишлаши учун қулай шароит яратилганлиги, ишларни бажариш учун техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилганлиги текшириб кўрилади. Маълумки, ушбу ишлар учун ажратилган сарфлар, ишлаб чиқариш харажатларининг анчагина қисмини ташкил этади, шунинг учун назоратчи куйидагиларга ало-

ҳида эътибор бериши лозим: ишлаб чиқариш молия режасида ушбу мақсадларга етарли микдорда маблағ ажратилганлиги, ушбу маблағлар сарфланиш каналлари бўйича тўлиқ асослангани, ишчилар иш шароитининг хавфсизлиги учун керакли қўлланмалар билан таъминлангани, ишлаб чиқариш, санитария қоидаларига риоя қилиниши, техника хавфсизлиги бўйича белгиланган инструктаж ўтказилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида ташвиқот ишлари олиб борилиши чуқур ўрганилади.

Текширишнинг яна бир муҳим объектларидан бири ишчиларни қабул қилиш ва бўшатиш тартибини амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда ўтказишидир. Бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади: ишчилар билан маъмурият ўртасида тузилган шартноманинг мавжудлиги, меҳнат дафтарчасининг юргизилиши тўғрисида кадрлар бўлимидаги ҳисоб-китоб ишлари, қайси ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломдан кўчирма, охирги ишлаган иш жойи ва касби тўғрисида маҳалла қўмитасидан маълумотнома ҳамда айрим шахсларнинг керакли лавозимларга қабул қилишда уларнинг маълумоти, малакаси тўғрисидаги ҳужжатлар, бу ҳужжатларнинг кадрлар бўлимида тўғри расмийлаштирилганлиги кўрилади. Булардан ташқари бош мутахассисларни таъсисчиларнинг умумий йигилишида, қатнашувчи ҳўжалик вакилларининг йигилишида ҳамда юқори ташкилот томонидан тасдиқланганлиги аниқланади. Айрим лавозимларга илгари ўз обрўсини тўккан шахсларни қабул қилишга йўл қўйилмайди (хазиначи, бухгалтер, омбор мудири ва ҳоказолар). Шунинг учун бундай маълумотларни аниқлаш учун унинг илгариги иш жойидан ёзма равишда расмий жавоб олинади. Бу тартибда маълумоти тўғрисида ҳужжатни керакли ўқув ютидан ҳам олиш мумкин. Текширувчилар, шунингдек, шахсларнинг маънавий ва ишчанлик сифатларига ҳам эътибор бериши лозим. Бу кўрсаткичлар ушбу корхонада шу шахс билан биргаликда ишлаётган кишилар билан савол-жавоб ўтказиш, иш жойида текшириш ўтказиш ва унинг текшириш вақтидаги ҳолати кабиларни ўрганиш орқали аниқланади.

Керакли ҳужжатларсиз (паспорт ёки унинг ўрнига ўтадиган ҳужжат, меҳнат дафтарчаси ёки, у бўлмаганда, ёки маҳалла қўмитасидан, охирги иш жойи тўғрисида маълумотнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат) шахсларни ишга қабул қилиш ички ҳўжалик иш тартиби ва

қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳисобланади. Бундай ҳолатларда текширувчи дарҳол керакли ҳужжатларни келтиришни талаб қилиши лозим. Зарур ҳолларда эса шахслар билан маъмурият ўртасида тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Бирор шахс ишдан бўшаганида ёки бир лавозимдан бошқасига ўtkазилганда унинг меҳнат дафтарчасидаги ёзув амалдаги меҳнат қонунлари билан солиштириб кўрилади, ишдан бўшаганлигининг ёки алмаштирилганлигининг ҳақиқий сабаби аниқланади.

У ёки бу шахснинг моддий зарар келтириб, уни тўламасдан, ишдан бўшаган ҳоллари аниқланганда, текширувчи бу камомадларни жавобгар шахслар томонидан тўлатиб олишни ҳўжалик маъмуриятига ёки суд тергов органларига ошириш тўғрисида таклиф киритилади. Шунингдек, ички ҳўжалик иш тартиби ва қонунларига ҳўжалик маъмурияти, ишлаб чиқариш бўлим раҳбарлари томонидан тўлиқ амал қилишига эътибор берилади. Борди-ю ушбу қоидаларга амал қилишда бирон-бир камчилик аниқланганда унинг сабаблари ҳамда тузатиш йўллари ҳақида тафтиш далолатномасида ёки текшириш маълумотномасида қайд этилади.

### **Жамоа ҳўжалиги тафтиш комиссиясининг йиллик ҳисоботи бўйича ва жамоа ҳўжалиги бошқарувининг аъзолар умумий йигилишига хulosса ёзиш тартиби**

Назорат ишларини ташкил қилишнинг ўзига хос характеристли хусусиятларидан бири жамоа ҳўжалигининг йиллик ҳисоботи бўйича тафтиш комиссиясининг тузадиган хулосаси ҳисобланади. Тафтиш комиссиясининг бу хулосасида ҳўжалик-ишлаб чиқариш, молия режаси кўрсаткичларини бажариш, мавжуд маблағлардан қандай фойдаланилганлиги, йиллик ҳисоботдаги муҳим кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги баён этилади. Бундай хулосанинг асосий манбаи ҳисобот, ҳисобот йилидаги ишлаб чиқариш-молия режасининг кўрсаткичлари, бухгалтерия счётидаги ёзувлар, йиллик ҳисоботининг жадваллардаги маълумотлар ҳамда жорий ва йиллик тафтиш, текшириш ишларининг материаллари ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси ходимларининг умумий йигилиши (вакиллар мажлиси)да маъруза қиласи. Одатда, бундай докладни тайёрлаш учун тафтиш комиссиясининг маҳсус йиғилиши чақирилади, бунда комиссияси-

нинг ҳар бир аъзоларига алоҳида-алоҳида иш режаси тақсимлаб берилади. Сўнгра комиссия аъзолари текширган соҳаси бўйича маълумотнома тайёрлайди ва шу маълумотлар асосида тафтиш комиссиясининг умумий доклади тайёрланади. Бунда қўйидагилар, яъни ҳўжалик субъектиning ишлаб чиқариш, молиявий режаларнинг бажарилиши, қишлоқ ҳўжалигида маҳсулотларга давлат буюртмасининг бажарилиши, экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллар маҳсулдорлиги, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш кабиларга алоҳида эътибор берилади. Докладда молиявий, ишлаб чиқариш, давр харажат ва даромадлари, фавқулотдаги фаолият, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фоалиятларига объектив баҳолар кўрсатилиши, айниқса Устав фонди, қўшилган, резерв капиталлар ҳолатига аниқлик билан ёндошиш лозим бўлади.

Докладда тафтиш комиссияси, ёки ички сайланган аудит текширув режаларида кўзда тутилган ишлар қай даражада бажарилганигини, уларнинг корхона фаoliyati учун қанчалик самарали бўлганигини ишончи рақам кўрсаткичлар асосида ёритиб бериш лозим.

Корхонадаги фойдаланилмаётган резервлар улардан фойдаланиш йўллари, корхона истиқболи учун қўлланилиши лозим бўлган таклифлар ҳам киритилиши лозим. Корхонанинг молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти, унинг салмоғи ҳақида объектив кафолат фикрлари билан тутатилиши лозим. Кафолат бўлмаса сабаблари ва аниқ унга салбий таъсир қилувчи омиллар субъектив шахсларнинг айблари билан очиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Бозор иқтисодиёти соҳалари структураларида аудит текширувини ўтказиш**

Маълумки, аудиторлар ҳар бир ҳўжалик субъектини технологияси, халқ ҳўжалигидаги ўрни, роли, аҳамияти жиҳатидан малакали мутахассис сифатида хulosha бериши, таваккалчиликнинг ишончлигига қараб бозор шароитида барқарор ривожланишига таклифлар бериши лозим. Аммо бу анча меҳнат талаб қиласидиган ишдир: Шу сабабли турли тармоқ ва ҳўжалик субъектларининг муркий, ташкилий тузилиши, уларнинг турлари, соҳаларига қараб аудит текширувини ўтказиши лозим. Шу маънода тармоқ ва корхоналарда аудит текширув хусусиятларини ёритишини лозим деб ҳисоблаймиз.

## **Тижорат банклари фаолияти аудитининг ўзига хос хусусиятлари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклар системасининг роли каттадир. Маълумки, республикамизда давлат-акционерлик тижорат банклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Паҳтабанк, Фаллабанк, Савдогарбанк, Саноатқурилишбанк, Заминбанк ва булардан ташқари Миллий банк ҳамда бир неча хусусий банклар «Умарбанк», «Парвинабанк» қабилардир. Мазкур банклар республикамизда қабул қилинган «Банклар ҳақидаги қонунларга» ҳамда улар регулятор ҳисобланган Марказий банк томонидан чиқарилган йўриқномалар асосида фаолият кўрсатадилар.

Шу каби бошқа молия, пул кредит органлари ҳам хўжалик субъектларига турлича фаолият кўрсатадилар, жумладан суғурта компаниялари, биржалар, бюджетта солиқсиз тўловлар билан шугуулланадиган муассасалар, жамғарма фондларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган фаолиятлар ичida бугун Ўзбекистон Республикаси учун лизинг ва факторини операцияларини амалга ошириш, ҳалқ хўжалик тармоқларида ишлаб чиқариш соҳасига узоқ ва қисқа, ўрта мuddатли кредитларни бериш, ўрта ва кичик бизнес тадбиркорлик хўжалик субъектларига қаратиш кўзда тутилаётганлиги бежиз эмас.

Банклар тизимида аудит текшируванинг натижалари, аввало банк муассасаларининг ишига баҳо бериш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларни тасдиқлаш ва уларнинг балансини матбуотда эълон қилишга қаратилгандир.

Банклар фаолиятини аудит текшируви қуйидаги йўналишларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб уйлаймиз:

1) банк ишларининг мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларига, белгиланган устувор йўналишларга, банклар фаолиятига тегишли меъёрий хужжатларга риоя қилиниши;

2) банк муассасасининг ички меъёрий ва бошқарув қарорларининг мақсадли ва самарадорлиги;

3) умуман олганда банк фаолиятининг иқтисодий мақсадлилиги ва зарур капиталнинг ташкил топиши ҳамда унинг жойланиши;

4) банк кредит ресурсларининг ташкил топиши, улардан ҳалқ хўжалик субъектларига, кўпроқ ўрта, кичик тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришга янги технологияларга сарфланиш нуқтаи назарини ўрганиш;

- 5) моддий, номоддий ва меҳнат, интеллектуал қувватлардан фойдаланишнинг аҳволи;
- 6) банк муассасининг истиқбол ривожланиш соҳалини қамраб олиниши;
- 7) банк муассасининг рақобатбардошлиги, молиявий бақувватлилик даражасини;
- 8) банк балансининг тутатиш коэффициентининг мезонликка (оптималликка) якунлик даражасини;
- 9) банк рентабеллик даражаси ва унга боғлиқ операцияларни;
- 10) банк мулкининг сақланиши кабиларни аудит текширувидан ўтказишга қаратилади.

Аудиторлар учун энг муҳим масала аудит текширувининг мақсад, дастур тартибларини белгилаб олиш зарур бўлади. Аудитор банк балансининг ишончи ва реаллигини кўришдан бошлаши, унда синтетик ва аналитик учёт маълумотлари тўғри акс эттирилганлиги ва баланс маълумотларига мос келиши, активлар қолдиқларининг баланс маълумотларига мос келиши ўрганилади. Айниқса, банк активларининг барқарорлиги ва активларининг сифат кўрсаткичлари ўрганилади. Шунингдек, банк активларининг ва акционерлик капиталининг миқдорларини шуҳбали дебиторлик қарзларини аниқлаш, активларининг тўлиқ сақланаётганлигини таъминлашда ички назоратнинг аҳволини ўрганиш.

Шундан сўнг аудитор қўйидаги тартибни кўлласа яхши натижаларга эришиши мумкин:

- 1) касса ва касса бўйича хўжалик операцияларини аудит текшириш;
- 2) банк устав фондининг ташкил топишининг тўғрилигини назорат қилишнинг аҳволи;
- 3) бухгалтерия счёtlар корреспонденция (алоқасиёни) ва бухгалтерия ҳисоботларини ўрганиш;
- 4) банк ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини назорат қилиш;
- 5) банк даромади ва харажатларининг ҳажмини белгилаш;
- 6) банк муассасаларининг давлат ва маҳаллий солиқларининг ҳисобланиши ва тўланишини миқдор ҳамда муддатлари бўйича текшириш кабиларни амалга ошириш фойдали бўлади.

Албатта, ўзларининг банк бўлимидаги хўжалик субъектларининг ҳисоб-рақам счёtlаридағи маълумотлари, ўзаро маълумотлар таққосланиши лозим бўлади. Шунингдек, банкда баязи ҳолларда салбий қолдиқ ҳол-

лари ҳам учраб туралди, унинг сабаблари ўрганилиши лозим. Мулк, касса, устав фонди резервлар активларнинг сақланишини, самарали фойдаланишини аудит текшируванинг умумий мақсад, дастур ва тартиб қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

Банклар фаолиятини чукур таҳлил қилишда брутто балансни ўрганиш лозим. Банк самарадорлигини ўрганишда баланс фойдасининг, суғурта соғф фойданинг устав капиталига нисбатини ўрганиш таклиф қилинади. Куйидаги молиявий таҳлил коэффициентларини ҳисоблаш услубларини кўришда қуйидагиларни эътиборга олишни тавсия қиласиз.

**Банк мусассаларининг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил услублари коэффициентлари**

Кўрсаткич ва коэффициентларнинг номлари, мазмуни	Кўрсаткич ва коэффициентларни ҳисоблаш услублари
1	2
<b>1. Умумий коэффициентти</b>	
1. Тугатиш коэффициент кўрсаткичи мавжуд депозитларни, банк активлари билан қопланишини кўрсатади.	$1 = \frac{\text{ўртача касса қолдиги}}{\text{талаб қилинган давргача ўртача депозитлар қолдиги}}$ $2 = \frac{\text{ўртача касса активлар қолдиги}}{\text{барча депозит суммаларнинг ўртача қолдиги}}$
<b>I. Банк актив хўжалик операцияларини тавсифловчи кўрсаткич ва коэффициентлар</b>	
2. Активлардан самарали фойдаланиш коэффициенти, барча активлардан қанчаси даромад келтираётганлиги кўрсатилади.	Даромадлар келтирувчи ўртача активлар счёtlардаги қолдиги: Барча активларинг счёtlардаги қолдиги
3. Депозитлардан фойдаланиш коэффициенти, бу барча мавжуд депозитлардан қанча салмоғи ва кредитлар таркибига жойлаштирилганлигини кўрсатади, унинг салмоғи, агар у 75%дан юқори бўлса банкнинг агрессив кредит сиёсатини билдиради, агарда у 65% тенг бўлса тескари ҳолатини билдиради.	
4. Жалб қилинган маблаглардан фойдаланиш коэффициенти, бу	Ўртача кредитлар бўйича қарзлар

жалб қилинган маблағларнинг қанчаси кредитга жойлаштирилганлигини кўрсатади.	$=$ ўртача барча жалб қилинган маблағлар миқдори
5. Инвестиция таркиби бўйича банк папкасидаги қимматбаҳо қоғозлар турларига қараб салмогининг кўрсаткичи, агарда унда давлат қимматбаҳо қоғозлари катта бўлса, банк муассасасини тутатиш коэффициенти паст ва банк барқарор бўлади.	<p>Барча турдаги қимматбаҳо  <math>=</math> қоғозларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги салмоғи (%)</p>
6. Қимматбаҳо қоғозларнинг муддатлари бўйича тақсимланиш кўрсаткичи, бу умумий инвестициянинг ўзгаришида қандай таъсири кўрсатишини белгилайди.	Қимматбаҳо қоғозларнинг тўлаш муддатларига қараб тақсимланиши
7. Кредит олувчилар бўйича тасифловчи кўрсаткич, бу банк кредит сиёсатининг аҳволини ўрганиш имкониятини беради, унда қарздорлар рентабеллиги, тўлов қобилияти ва бошقا кўрсаткичлар ўрганилади.	Умумий кредит ҳажмида кредит олувчилар, тармоқлар бўйича салмоғи кабилар ўрганилади. Республикаизда ишлаб чиқариш, янги технология, ўрта ва кичик бизнесга улар қаратилиши лозим.
8. Кредит олувчиларнинг категория ва тармоқлари бўйича муддатидан олдин тўлаш кўрсаткичлари, банк кредит сиёсатининг истиқболини белгилашда муҳим ҳисобланади.	Кредитнинг бундай қайтарилиши категориялар бўйича ўрганилади.
<b>III. Банкинг ўз капитали ва депозитлар базасини тасифловчи кўрсаткич ва коэффициентлар</b>	
9. Барча депозитлар турлари бўйича гуруҳлаш	Депозитлар умумий таркибидаги ҳар бир депозитнинг салмоғи аниқланади (халқ банки, талаб қилинганга қадар қўйилмалари, муддатли депозитлар)
10. Депозитларни гуруҳлаш (омонат қўйилган муддатга) муддатлари бўйича, банк аҳволининг истиқболи ривожланишини белгилашда катта аҳамиятта этадир.	Муддатли, омонатли депозитлар гуруҳларга бўлинниб 1 йил, 3 йил, 5 йил кабиларга ўрганилади.
11. «Ричаг» коэффициенти, бу кўрсаткич маълум муддатга банк капиталининг жалб қилинган маблағларга нисбатини кўрсатади.	<p>Ўртача депозит сумма қолдиклари</p> $1 =$ ўртача банк капитални миқдорига Қарзга олинган маблағлар $2 =$ ўртача банк капитал миқдорига

12. Банк ўз капиталининг етарилик даражада коэффициенти, бу ҳисобот даврининг охирига банк ўз капиталининг барча активларга нисбатини кўрсатади. Кўрсаткич кўпчилик банклар учун 7% кам, регионал худудларда 5–6% бўлиши мумкин.	<p>таваккал қилинган активлар суммаси</p> <p><math>1 = \frac{\text{банк ўз капитали}}{\text{барча активлар суммаси}}</math></p> <p><math>2 = \frac{\text{банк ўз капитали}}{\text{барча активлар суммаси}}</math></p>
<b>IV. Даромадлилик ва чиқимлар устидан назорат кўрсаткичлари</b>	
13. Банк даромадига таъсир қилувчи омиллар, бу факат активларга тегишли, актив операцияларининг қанчалик кўп бўлаётганлигини кўрсатади. Бундай кўрсаткичлар бошқа банк кўрсаткичлари билан ҳам тақдосланishi мумкин.	<p><math>1 = \frac{\text{олинган фоиз суммалари}}{\text{ўртача активлар қолдиқлари}} = \frac{\text{тўланган фоизлар}}{\text{ўртача активлар қолдиғи}}</math></p> <p><math>2 = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғи}}{\text{олинган фоизлар}} = \frac{\text{олинган фоизлар суммалари}}{\text{ўртача активлар қолдиғига}}</math></p> <p><math>3 = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғига}}{\text{кредитларни балансдан чиқариш суммалари}} = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғига}}{\text{банк фойдаси}}</math></p> <p><math>4 = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғига}}{\text{ўртача активлар қолдиғи}} = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғи}}{\text{ўртача активлар қолдиғи}}</math></p> <p><math>5 = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғи}}{\text{ўртача активлар қолдиғи}} = \frac{\text{ўртача активлар қолдиғи}}{\text{ўртача активлар қолдиғи}}</math></p>
14. Олингандаромад ва харажатлар, бу олингандаромадларнинг активларга нисбатан, марис даромадликни ҳисоблаш. Бу масалада депозитларни паст фоиз билан жалб қилиши муҳим ўрин тулади, таваккатчиликка асосланган юқори даражада фойда операциялари ҳам муҳим	<p><math>1 = \frac{\text{олинган фоиз суммалари}}{\text{ўртача даромад олиб келувчи активлар суммасига}} = \frac{\text{тўланган фоизлар суммаси}}{\text{даромад келтирувчи активлар ўртача қолдиғига}}</math></p> <p><math>2 = \frac{\text{даромад келтирувчи активларни ҳисобга олувчи ўртача қолдиқ суммасига}}{\text{олинган фоизлар — тўланган фоизлар суммаси}}</math></p> <p><math>3 = \frac{\text{даромад келтирувчи активларни ҳисобга олувчи ўртача қолдиқ суммасига}}{\text{даромад келтирувчи активларни ҳисобга олувчи ўртача қолдиқ суммасига}}</math></p>
15. Рентабеллик даражада, банк ўз капиталининг қайтимини кўрсатувчи омиллар. Банкларда бу даражада оптимали 13–16% бўлиши лозим.	<p><math>1 = \frac{\text{банк фойда суммаси}}{\text{ўртача банк ўз капитали суммаси}}</math></p>
16. Кредиторларнинг балансдан чиқиши, бу коэффициент йўқотувлар нормасининг ахволини кўрсатади, шу каби кредит папкаларининг сифати ўрганилади.	<p><math>1 = \frac{\text{кредит суммаларини балансдан чиқарилгач қайтган маблаглар}}{\text{ҳисобот даври охирига ссудалар суммаси}} = \frac{\text{ҳақиқатда ҳисобдан чиқарилган кредитлар}}{\text{ссудалар ўртача қолдиқ суммасига}}</math></p> <p><math>2 = \frac{\text{кредит суммаларини балансдан чиқарилгач қайтган маблаглар}}{\text{ҳисобот даври охирига ссудалар суммаси}} = \frac{\text{ҳақиқатда ҳисобдан чиқарилган кредитлар}}{\text{ссудалар ўртача қолдиқ суммасига}}</math></p>

<p>17. Дивидентлар, акцияларга банк фойдасининг қанча миқдорини билдиради.</p> <p>Америка банкларида намуна тартибида бу миқдор 30—40% ни ташкил қилади.</p>	$1 = \frac{\text{дивидентларга тўланган суммалар}}{\text{банк фойдаси}}$
--	--

Аудит текшируви режасини, дастурини тузишда, аудиторлик текширувани якунлашда, яъни хулоса ва таклифларни ёзишда бошқа кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиб фойдаланиш мумкин. Банклардаги аудит текширувининг меъёрий йўлланмаларини Марказий банк белгилайди.

Шу каби юқоридаги умумий тартибда аудитнинг назарий, амалий, хўжалик субъектлари маблағлари, маблағлари манбаларини, ишлаб чиқариш, хўжалик ташкил қилиш, юритиш кабиларни аудит текширув принцип, тартиблари, аудитор стандартларига риоя қилиш зарур.

### **Акционерлик ва пайчилик корхоналар аудитининг хусусиятлари**

Акционерлик корхоналари — устав фонди бир хил қиймат миқдорда акциялар сонига бўлинган бўлиб, мулкий жиҳатидан жавобгар корхоналар тушунилади. Улар ёпиқ ва очиқ турдаги корхоналар бўлиши мумкин. Акциялар турлари эса оддий, имтиёзли, номли-эгали ёки эгасиз бўлиши мумкин. Бундай корхоналар таъсис шарномалари асосида ташкил топади. Акциялар эълон қилинган, ёзилган ва тўланган бўлишига қараб устав фондининг ташкил топиши, муддати ва тўлови ташкил топиши мумкин. Аудиторлар текшириш жараёнида мамлакатимизда амал қилинаётган қиммат баҳо қоғозлар ҳақидаги маданий ҳужжатларга ва акционерлик жамиятларининг ички назарий ҳужжатларига, ниҳоят корхоналар, мулк, ер каби ҳужжатларга асосланиши мумкин. Акционерлик жамиятлари фаолиятини текширишда улар қонун билан таъқиқланган фаолиятлардан бошқа барча фаолиятлар билан шугууллаши, мумкин. Бу албатта уларнинг уставида кўрсатилганлари билан белгиланади.

Бу жамиятлар республикамиздаги турли шаклдаги хўжалик субъектлари сингари давлат қайдидан ўтиши лозим. Аудитор текшируvida акция капиталининг ҳақиқий ва реаллигини кўрсатиш лозим. Мавжуд катта ссудалар ҳисобига ҳам кўпайиши мумкин. Бунда мулк капиталининг ссуда ҳисобига жамиятда сохта капитал вужудга келтирилишини унутмаслик керак. Акциялар турлари, фаолияти ва жамиятнинг ҳал қилувчи муаммолари акционерлар умумий йиғилиши қарори билан ҳал қилинади.

Устав фонди ҳисобига жамғармалар: мулк шаклларида, нақд пул, асосий восита, қимматбаҳо қоғоз, лицензия, брокерлик жойи, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк («ноу-хау») ва бошқа моддий ёки номоддий активлар бўлиши мумкин.

Акционерлик жамиятларининг устав фондини эгалик нуқтаи назаридан таркибий, тўланиши, мамлакат фуқаролиги жиҳатидан ҳам ўрганилиши лозим бўлади. Жамият мулки, активлар, жорий қиймат ва бозордаги қиймат жиҳатидан ҳам ўрганилиши лозим. Устав қайси корхона, мулк базасида ташкил топаётган бўлса, мулкни арzon қилишга интилиш, агарда ҳусусий мулк ёки бошқа мулклар ҳисобига актив қиймат баҳоланишига уринишлар бўлади. Бундай ҳолатнинг иккаласи ҳам корхона молия фаолиятини нотўғри, нообъектив баҳоланишига олиб келади. Шу сабабли аудиторлар корхона балансини ташкил топиши, мулкларнинг корхона ихтиёрига ўтиш муддатлари ва реаллигини ўрганиши лозим.

Акциялар ҳисобли бланкалар сифатида ҳисобга олинишини, «Акциялар ҳаракати ва акциялар бўйича дивидент тўлаш» журналининг юритилишини синчилаб ўрганиши лозим. Бухгалтерияда мулк ва устав фонди, захира фонди ва бошқа фондларга тегишли хўжалик операциялари умумий йиғилиш қарорига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Аудитор акция миқдори ва устав фондини таққослаб кўриши ва акциялар номинал қийматининг пасайишига йўл қўйилмаслиги лозим. Шунингдек, дивидентларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида тўланиши, акцияларнинг қимматбаҳо қоғозлар бирламчи ва иккиласмчи бозорига қандай боғлиқлигини кўриши лозим.

Акционерлик жамиятларининг ташкил топишида ташкил қилиш харажатларининг келгуси давр харатлари таркибида ҳисобга олиниши, уларнинг 5 йил

давомида смета-лойиҳа харажатлари сифатида харажатга чиқарилишини ҳисобга олиши лозим. Дивидентлар ҳисобланиши, тўланишини текшириш билан, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ солиқ ва солиқсиз тўловларга тўғри ҳисобланиши, вақтида тўланишини алоҳида ўрганиб, хуласа қилиши лозим.

Ўзларининг ташкилий ва фаолият ҳамда даромадларини тақсимлаш жиҳатидан пайчилик хўжалик субъектларининг хусусиятлари ўхшашидир.

Маълумки, республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳ қилиш, мулкдорлар синфини ташкил қилиш борасида кооператив ширкат, қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат) хўжаликлари жамоа хўжаликлари базасида ташкил топмоқда. Аудиторлар уларнинг ташкилий, бошқарув, иш юритиш, Устав фонди, бўлинмас фонди, пай, жамгарма фондларининг ташкил топиши, улардан фойдаланишни ички ва мамлакатимиздаги меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқиши, хуласа бериши лозим. Уларда ҳам аъзоларнинг ташкил топиши, ички, оиласвий ижара пудратини ташкил қилиш, молия маркази фаолияти, шартнома муносабатларининг ташкил топиши, даромадларни тақсимлашда лимит-технология харажатлари дивидент тақсимоти ва бошқа масалаларни чукур ўрганиши лозим. Бунда барча ресурслардан (мавжуд қувватлардан) самарали фойдаланиш йўллари илфор технологиялар жорий қилинишига алоҳида эътибор берилиши керак.

### **Ижара хўжаликларини аудит қилиш**

Ижара деганда маълум юридик ёки жисмоний шахс ишлаб чиқариш воситаларини шартнома асосида қайтариб бериш ёки узоқ муддатдан сўнг қайтариб бермаслик шарти билан кўрсатиши учун мулкдан фойдаланишини билдиради.

Ижара муносабат корхоналари қонунда ман қилинмаган барча фаолият, ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида ташкил қилиниши мумкин. Ижарачининг асосий вазифаси ижарага муносабат шартномаларининг асослилигини ва тўғри тузилишини, шартларнинг баҳарилишини, ижарага олинган мулклар қийматини, ижара ҳақини тўлашни, муддатларнинг кўрсатилганигини билиши лозим. Шунингдек, ижарага берувчилар ҳуқуқлари, ижара мулкининг қайтарилиш сарфла-

рини аниқ кўрсатиши лозим. Хўжалик операцияларининг ишлаб чиқаришнинг ривожланишга таъсири, ижара турлари белгилаб қўйилишини кўриб чиқадилар. Маълумки, ижаранинг учта шакли бор: узоқ муддатли, лизинг—3 йилдан кўп, қисқа муддатли (рейтинг ёки чертер), яъни бир йилга; ўрта муддатли (хайринг) — бир йилдан уч йилгача. Ижаранинг моҳиятига кўра икки хил: молиявий аренда (ижара) ва жорий арендага бўлинишини кўзда тутиши лозим. Ижара ҳақи умумий суммасининг мулк қийматига tengлиги ёки ошиб кетиши ҳоллари ўрганилади. Жорий арендада эса ижарачининг вақтинчалик фойдаланиши кўзда тутилади. Ижара корхона фаолияти шартнома тузилиши ва давлат регитсрациясидан сўнг бошланади. Бунда инвентаризация комиссия кўргач ва ижарага олинган мулк ҳақидаги далолатнома бўлиши шарт.

Ижара ҳақи олинган даромад ва фойда суммасидан фоиз сифатида ёки қиймат миқдорида белгиланиши мумкин. Улар албатта бухгалтерия учётида акс эттирилишига эътиборни қаратиш лозим.

Ижара хўжаликлари субъектларининг актив ва пассив қисми балансда акс эттирилишини ҳам эсдан чиқармасликлари лозим. Асосий воситалар учун келишилган шартнома муносабатларга мувофиқ ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини кўриб чиқадилар. Ижара муддатидан кейин қисман ёки тўла қийматини қайтарилишини ҳам текшириши керак.

Ижара корхоналарининг бюджет корхоналари билан солиқ ва солиқлар тўловлар юзасидан ҳам ҳисобкитоблар ҳам ўрганиб чиқилади. Маълумки, жорий ижара муносабатларида асосий воситалар балансдан ташқари счётда олиб борилса, узоқ ва ўрта муддатли ижара муносабатларида балансда акс эттирилиши лозим.

Аудитор томонидан мулк, ижара мажбуриятлари, харажат ва даромадларни бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия счёtlарининг регистрларида ва ҳисоботларда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари асосида объектив акс эттирилишини албатта, эътибор ва синчковлик билан акс эттирилишини кўриб чиқади. Ижара хўжалигига даромад, харажатлар, фойданинг тўғри аниқланиши, тақсимланишини бирма-бир кўриб чиқади. Текширув охирида аудитор ҳисоботи ва хулоаси билан бошқа хўжалик субъектларидаги сингари молиявий самарадорликни белгилаб расмийлаштиради ва реализация қиласди.

## **КИЧИК, ЎРТА ВА КООПЕРАТИВ ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АУДИТ ТЕКШИРУВИ**

### **Кичик ва ўрта корхоналар фаолияти аудити**

Мамлакатимизда тезкорлик асосида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, мулкдорлар синфини ташкил қилиш, уларнинг хўжалик юритишида иқтисодий эркинлигини таъминлаш борасида кўпгина меъёрий ҳужжатлар яратилди. Тўғридан-тўғри чет эл инвесторлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш имкониятлари яратилди. Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришга янги, илфор технология ва агросонаат интеграцияси жараёнини вужудга келтириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиши, лизинг муносабатларининг ташкил қилиниши, бухгалтерия ҳисоботларини соддалаشتариши, назорат органлари томонидан барча текширувларни тартибга солиши борасида Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида назорат-координацион қенгашнинг фаолият кўрсатиши, Республика Адлия вазирлигининг текширув журналини ташкил қилиши, тадбиркорлар палатасининг ташкил қилиши сервис хизматини кўрсатиш мумкин. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта корхоналар фаолият кўрсатиши улардаги ходимлар сонига қараб белгиланиши, ягона солиқ, ер солигининг улар ўзлари тандаб олиш имконияти асосида тўловларнинг жорий қилиниши ҳам улар учун катта имкониятлардир. Булардан ташқари, қисқа, ўрта микрокредит ва узоқ муддатли кредитларнинг ташкил қилиниши ҳам ўрта ва кичик бизнесни иқтисодиётнинг истиқболли ривожланиш соҳаси деб қаралмоқда. Чунки улар фан-техника ютуқларини жорий қилишга, тезкорлик билан бозор талабларига мос товарлар ишлаб чиқариш, сервис хизматларини ўзгартириш маниврига эга бўлган, булар учун катта капитал сарфлар талаб қилинмайдиган, кўпроқ интеллектуал кучларга асосланган корхоналар эканлигини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси исботлаб турганлиги, Ўзбекистонда эса бундай интеллектуал кучлар, ҳунармандлар қадим-қадимдан ривожланганлигини эътиборга олиб, ҳукуматимиз булар учун катта имкониятлар яратмоқда. Бу корхоналар фаолияти аудит текшируви амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос эканлигини, таъсис шартномаларга риоя қилинганлигини, мулклар ва бошқа мавжуд қувват-

лардан самарали фойдаланишга қаратилганлигини, уларнинг бухгалтерия жорий ҳисоби, регистрларида ва ҳисботларида аниқ ва ўз вақтида акс эттирилганлигини кўриб чиқишдан иборатдир. Шунингдек, бюджет тўловлари, бошқа бюджетсиз тўловларни ҳисобланиши ва тўланиш муддатларига риоя қилинаётган ўрганиб, хуоса қилиш, ҳисбот бериши лозим. Аудиторлар кичик ва ўрта корхона фаолиятини ўрганишда, унинг тўлов қобилиятини, молиявий барқаролигини ўрганиб чиқиши биринчи ўриндаги ишлардан ҳисобланади. Бизнес-режа, кредитларнинг мақсадли фойдаланиши, ўз вақтида моддий базага эга бўлиши, ўз вақтида қайтарилиши ҳам аудитнинг муҳим жиҳатларини ташкил қиласди. Ҳисоб-китоб операцияларининг меҳнат ҳақи юзасидан таъминотчи ва харидор ташкилотлар билан бўлган дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволи сугурта органлари билан ҳисоб-китоблар, фойда ва иқтисодий самарадорлик масалаларига эътибор берилади.

### **Кооператив корхоналар аудити**

Маълумки, кооператив корхоналар бизнинг мамлакатимизда жамоа корхоналар базасида бўлинниш ва хусусийлаштириш, жисмоний шахсларнинг пай улушлари асосида ташкил қилинмоқда.

Кооператив корхоналар фаолиятини текширища ҳам амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида устави, Устав фондининг ташкил топиши, хўжалик юритилиши масалалари ҳам ўрганилиб чиқилади. Бу борада таъсис шартномалари, уларга риоя қилиниши ҳам чукур ўрганилади. Хўжалик юритищда жорий бухгалтерия ҳисоби, ҳисботларидағи маълумотларнинг реаллигига, мавжудлигига катта эътибор берилади. Агарда кооперативлар ёлланма ишчиларга жалб қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам алоҳида ўрганиб чиқади. Солиқ ва солиқсиз тўловларга қандай риоя қилишни ҳам синчиклаб ўрганиб чиқадилар.

Умуман олганда, кооператив корхоналар фаолиятини аудит қилишда унинг ички меъёрий ҳужжатлари умумий меъёрий ҳужжатларига атноганистик бўлмаган тақдирдагилигини ҳисобга олиб, кўпроқ уларнинг баҳарилишига эътиборни кучайтирадилар.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ўрта ва кичик бизнес ривожланиши тимсоли деб қарашни мақ-

садга мувофиқ деб қараймиз. Улар жуда самарали иш юритмоқдалар.

### **Қўшма корхоналар фаолиятининг аудити**

Қўшма корхоналар фаолиятида турли давлат фуқаролари мулкдор сифатида қатнашаётганлиги туфайли ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улардан шундан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳам ўз хусусиятларини талаб қиласди. Бу корхоналар хўжалик субъектларида фойдаланадиган счёtlар режасига қўшимча бир неча синтетик ва суб счёtlарини юргизишлари мумкин. Худди шунингдек, бухгалтерия молиявий ҳисобларга ҳам айрим давлатлар ўртасидаги шартнома мунносабатларидан келиб чиқиб, айрим ўзгартиришлар киритиши мумкин. Аудит текшируви даврида таъсис ҳужжатларининг ижрочилиги, уларда бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини юритиш масалаларининг киритилишига ҳам эътиборни қаратадилар. Шунингдек, таъсис ҳужжатларида (амортизация ажратмалари) асосий воситаларга эскириш, ҳисоблаш тартибларни қоплаш, устав фондини тўлдириш, даромад ва фойданинг тақсимот масалаларининг қандай ечилганлигини, риоя қилинганлигини кўриш лозим. Корхонада ҳисоб миллий валюта ва қаттиқ валюта, чет эл валютаси асосида юритилиши унинг бошқарув кенгашининг вазифалари айниқса, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши фондининг ташкил топиши ва ундан фойдаланиши қандай ҳолатда эканлигига эътибор қилиш лозим.

Қўшма корхона меъёрий ҳужжатларида тармоқса хос хусусиятлари қай тартибда амалга оширилишини ҳам эътиборга олиш лозим. Давр ва давлатларнинг мунносабат талабларига мос равишда қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ташкил қилиниб борилиши лозим. Қўшма корхоналарда устав фондининг шаклланиши, улардан фойдаланиш, бухгалтерия ҳисоби, регистларда ва ҳисоботларда қай даражада акс эттирилиши чуқур ўрганиб чиқилиши лозим. Бош дафтар билан корхона балансининг аҳволи солиштириб ўрганилади. Бунда чет эл инвестициясининг ўз вақтида берилиши, унда баҳоланиш жаҳон бозор баҳосида, мамлакат ичидаги-си эса Марказий банк белгилаган курсларга қараб олиб борилиши лозим. Томонлар жамғармасини ҳисобга олишда асосий воситалар, айланма маблағлар баҳоларига қараши бунда асосан текшириш дастлабки ҳуж-

жатлар банк кўчирмаларига асосланишига алоҳида эътибор кучайтирилиши лозим. Бунда далолатнома, товартранспорт накладной (юк хатларига) қараси лозим. Булардан ташқари, номоддий актив «ноу-хау» ишланмалири, уларнинг қиймати, қандай тартибда харажатга эскириши чиқарилишини текшириши лозим. Бунда уларнинг иқтисодий самарадорлик натижаларига қараси лозим.

Меъёрий ҳужжатларга мувофиқ таъсисчилар ўз жамғармаларининг 50 фоизини тўлаши, тўламаган тақдирда жаримага тортилиши каби масалаларга жавоб бериши лозим.

Маҳсулот, хизмат, ишлар таннархи, харажатлар таркиби Низомига риоя қилиш кабиларга ҳам эътиборни кучайтириш керак. Низомдаги фаолият турлари, уларда даромад, харажатлар, фойда ва заарларнинг шаклланиши фойда тақсимотига алоҳида эътибор берилади.

Қўшма корхоналарда тижорат-реализация ташқи иқтисодий алоқалар муҳим эканлигини ҳисобга олиб, бу фаолиятдаги сарфлар, даромадлар алоҳида ўрганилади. Бунда биржа харажатларига қаралиши лозим. Аудиторларга текширув фаолиятида бошқарув харажатлари фойда ва заарга олиб бориладиган чиқимларга синчковлик талаби қўйилади. Фойда тақсимоти таъсисчилар жамгармасига мутаносиблиги (албатта таъсис шартномасига мувофиқ) корхонани истиқболли ривожланиш жамгармаси билан фойданинг тақсимот қисми ўртасидаги нисбий мутаносибликка ҳам катта эътибор берилиши лозим.

Фойданинг тўғри аниқланиши, валюта даромад тўлови, бошқа солиқ ва солиқсиз тўловларнинг ўз вақтида ҳисобланиши, тўланиши, барча меъёрий стандартлар (товарлар сифат стандарти, бухгалтерия ва аудит стандартлари) мамлакатимиздаги чет эл инвестициясининг қиймат миқдорларига қараб солиқ енгилликларининг қўлланилиши ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан биргаликда молиявий барқарорлик ва тўлов қобилияти, корхонанинг молиявий фаолият нисбий коэффициент кўрсаткичларига катта эътибор берилиши керак. Чунки таъминотчи, таъсисчи харидорларга кафолат бериш жиҳатидан қаралса, аудитор масъулияти катталигини эътиборга олиш керак. Шунингдек, балансни матбуотда эълон қилинаётганлигига ҳам аудитор кафолати муҳимлигини эсдан чиқармаслик керак.

## **Корхоналарни хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан бөглиқ операцияларни аудит текшируви**

Хусусийлаштириш—юридик ва жисмоний шахсларга давлатга тегишли мулкларнинг эгаси сифатида мулк қилиб беришдир. Бунга асосан, уй-жойлар, корхоналар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликларни киритиш мумкин.

Хусусийлаштиришдан асосий мақсад—ишилаб чиқариш самарадорлигини ошириш, товар ишилаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашини кучайтириш, бошқаришни ўта марказлашувидан қутулиши ҳамда бозорнинг таркибий жиҳатларини ташкил қилишдан иборатdir.

Республикамизда мустақилликка эришилгач, умумий овқатланиш, майший хизмат, коммунал, қишлоқ хўжалигида, чорвачиликни хусусийлаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусийлаштириш фондлари ташкил қилинди, ҳозир ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг акциялари биржалар орқали сотилмоқда ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Аудиторлар хусусийлаштириладиган корхоналарни молия-хўжалик фаолиятларининг истиқболини белгилашда, мулкларнинг қайта баҳоланиши иқтисодий экспертиза қилинишида қатнашиши мумкин. Хусусийлаштирилаётган корхоналар аукцион орқали сотилиши, акционерлик, жамоа корхоналарига айлантирилиши мумкин. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик тармоғида чорва моллари ва бинолар 10 йил муддат билан 10% (фоиз) тўлаш шарти билан хусусийлаштирилади. Натижалари биз кутган самарадорликни бермади. Бунга объектив ва субъектив сабаблар кўп. Аммо Самарқанд вилояти Самарқанд туманида бу масалага эътибор билан қаралиб, зарар билан ишлаётганлари хусусийлаштирилди. Самарали ишлаётганлари хусусийлаштирилмай, жамоа хўжаликлар мулки, тармоқ, ишилаб чиқариш бўлинмаси сифатида қолди. Натижа бугунги кунда жуда юқори дараҷадаги самарадорликни кўрсатмоқда. Бунда оила ижара пуррати қўл келмоқда.

Хусусийлаштирилган хўжаликлар мулкни тасарруфга бериш нуқтаи назаридан: тўла сотилган, майдум муддат қийматининг бир қисмини тўлаш шарти билан (Узбекистонда 10 йилда 10% билан чорвачилик тармоғида хусусийлаштирилди) ёки базасида акционерлик

жамиятларини ташкил қилиш, ижарага бериш асосида ижара корхоналар ташкил қилиш каби йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Шундай ҳолларда аудиторлар олдида турган мақсад—хусусийлаштиришнинг меъёрий ҳужжатлардаги қоидаларга мос бўлганлиги, инвентаризация комиссиясининг барча мулкларни объектив баҳолаганлиги унинг бошланғич баҳо (стартовая цена) тўғри белгиланганлигини ўрганишдан иборат. Бундай ҳолатда маънавий эскиришда коэффициентлар кўллаш мұхимдир. Агарда асосий восита, асбобускуна 50% бошланғич қийматидан эскирмаган бўлса, коэффициентлар қўлланилмайди. Буарнинг ҳаммаси хусусийлаштириладиган корхона ёки объектнинг но-объектив баҳоланишига олиб келади. Улар баҳосининг юқори ёки паст баҳоланиши иқтисодиётга салбий таъсир қиласи. Аудитор хусусийлаштирилётган операцияларни ўрганишда мулк структураси (таркибий) қисмларига эътиборни кучайтиришлари лозим. Шу каби аукцион взнос тўлови, сотилган моддий қийматликларнинг нақд пул ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан амалга оширилишини ҳисобга олиб, даромадларнинг тўла кирим қилинганлигини тўла ҳужжатлар асосида таҳлил қилиб ўрганиши лозим.

Хусусийлаштирилган операциялар бўйича мулкларнинг тўла-тўқис сақланиши, ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиш, иқтисодий самарадорлик даражалари қандай амалга оширилганлигининг иқтисодий, молиявий эгалик мулкий жиҳатидан амалдаги қонунларга таққослаб, ўрганиб, таҳлил қилиб, аудиторлик ҳисботини (кенг маънода мулклар гуруҳи ишлаб чиқариш, ҳисоб-китоб, молиявий натижалар бўйича) шундан сўнг аудиторлик хulosasi ёзиш билан якунланиши лозим. Бу масалалар хусусийлаштириш операциялар аудитнинг ўзига хос хусусиятларидир. Аммо корхона молия ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятлари аудит текшириладиган бўлса, умумий аудиторлик принциплари асосида амалга оширилишини эслатиб қўямиз.

### **Ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар фаолиятларини аудит текшируванинг хусусиятлари**

Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан корхоналар давлат қайдидан ўтгач, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланиш имконияти ва ҳуқуқига эга бўладилар.

Мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, ўрта ва кичик бизнес хўжалик субъектларини ривожлантиришга қаратилган барча хуқуқий базаларда, белгиланаётган тадбирларда катта имкониятлар берилмоқда. Жумладан, чет эл инвестицияларини киритиш, сўнгра эса тўғридан-тўғри тайёр маҳсулотларни реализация қилишга ундалмоқда. Республика изда бу масала бўйича имконият яратиш ташқи иқтисодий алоқалар, молия, юстиция вазирликла-ри ҳамда солиқ ва божхона қўмиталарига юклатилган. Шунингдек, сабзавот, мева, тез бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича маҳаллий органлар, худу-дий божхона органларига ҳам лицензия беришни қисқа муддатларда амалга ошириш юклатилган. Аудитор олдида ташқи иқтисодий алоқа импорт ва экспорт опе-рацияларини амалга ошириш имкониятини берадиган меъерий ҳужжатларга риоя қилинишини, малака ва бошқа сифатларини кўриш, имконият бўлмаса, ауди-торлик фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ мута-садди орган ҳодимларидан ёрдамчи аудитор сифатида фойдаланишлари мумкинлигини эътиборга олиши ло-зим. Айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари учун трак-тор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига бартер қилишга имкониятлар яратилиши ташқи иқтисодий алоқа қилувчи корхоналар техника жиҳатидан юқори даражада таъминланиши, куролланиши ва ривожлани-ши учун катта имкониятдир.

Импорт ва экспорт товарларининг номларига, аҳамиятига ҳамда давлат томонидан техникалар миқ-дорини белгилашда, товар қийматини белгилашда гу-руҳларга бўлиб кодланишини, сертификати бўлиши-ни, ветеринария-медик ва эпидеологик кўрикдан ўти-шига алоҳида эътибор зарур бўлади. Шунингдек, то-варлар сифат кўрсаткичлари, ички бозор талаби, таш-қарига чиқарилаётган товарларнинг, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича эса ички бозор таъминот даражаси ҳам четда қолинмай эътиборга олиши лозим.

Товарларнинг шартнома баҳоланиши, ташқи ва ички бозор баҳоларини ҳам текширув жараёни қамраб олиши керак. Шартномалардаги томонларга белгиланган мажбуриятларнинг тўла-тўқис ўз вақтида бажарилишига ҳам эътибор берилиши керак. Бундай алоқаларда ташқи, ички фирмалар, банклар ва бюджет органла-рининг иштироки ўрганилмасдан қолмаслиги лозим.

Бу корхоналарда жорий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисо-

ботлар «Бухгалтерия ҳисоби қонуни» миллий бухгалтерия ҳисоби андозалари талабларига мос равища юритилиши текширилишига алоҳида аҳамият зарур бўлади. Шулардан келиб чиқиб, аудиторлар олдига қўйидаги вазифалар қўйилади:

- экспорт ва импорт товарларнинг сақланиши ва ҳаракати устидан ҳақиқий ички назоратнинг яхши даражада бўлишини текшириш;
- ташқи иқтисодий хўжалик операциялари юзасидан ҳисоб-китобларнинг аниқлигига, ажратилган ресурслардан (кувватлардан) унумли фойдаланиш даржаси ташқи савдо оборотининг самаралилигига;
- ташқи иқтисодий хўжалик операцияларининг резалаштирилишини, аниқ бажарилишини, улар бўйича томонлар мажбуриятининг бажарилишини;
- ташқи иқтисодий алоқалар самараадорлигини аниқлаш, мақсад жиҳатидан уларнинг натижалилигиги таҳтил қилиш;
- корхонада ташқи иқтисодий алоқа операцияларда фойдаланилмаётган резервларни топиш, бу алоқалар учун қандай истиқболли муаммоларни белгилаш;
- корхона ишини, фаолиятини баҳолашда бизнес-режа, мамлакатимиздаги устивор ривожланиш тамоилиларга тегишли чуқур иқтисодий, молиявий, маънавий экспорт ва импорт кўрсаткичларини таҳтили кабиларга алоҳида эътиборни қартиши лозим. Бундай таҳтиллар мамлакатлар, тармоқлар ва соҳалар бўйича динамик ва вертикал амалга оширилиши керак.

Анализларда чет эл компанияларига мажбуриятларни бажармаганликлари учун (санкция) жавобгарлик масалалари; иқтисодий, молиявий ва бошқа жиҳатларидан қандай кўрилаётганлиги алоҳида ўрин тутади. Товарлар, улар сифатига қараб ҳажми, устама чегирмалари (рефакция) ёки устама суммалар (бонификация)нинг белгиланиши, эътиrozлар билдирилиши, контракт шартномаларда белгиланиш ва амалда қўлланилишини кўриб чиқишилари лозим. Ўзаро алоқага кираётган корхоналарнинг тўлов қобилияти молиявий барқарор ривожланиши ҳам чуқур ўрганилиши лозим. Барча товарларга тегишли дастлабки, юридик йўл ҳужжатларининг ўз вақтида реаллигини сохта ҳужжатлар бўлишига йўл қўйилмаслиги жиҳатидан қаттиқ ўрганилиши муҳим ўрин тутади. Бунда шартномаларнинг ташқи алоқа вазирлиги ва божхона органлари рўйхатидан ўтишига, моддий бойликлар қиймати (жаҳон бозори ба-

ҳосида) мамлакат ичкарисидан чиқиб кетмаслиги эътиборга олиниши лозим. Тўловларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши, реал бўлиши, ўз вақтида жўнатилиши, бухгалтерия ҳисобида «жўнатилган товарлар» счётларида акс эттирилиши валюта тушумларидан тўловларнинг тўлик, аниқ, ўз вақтида амалга оширилиши чуқур ўрганилиб чиқилиши лозим.

Алоқа қилувчи корхоналар фаолиятини кафолат-лайдиган халқаро аудиторлик хулосаларининг мавжуд бўлиши, устама харажатларининг аниқ мавжуд харажатлар, молиявий натижалар шаклланиши низомларига мос келиши ўрганилади. Зарур ҳолларда чет эллардаги компанияларда солиштирма ҳисоб-китоблар қилинишига аҳамият берилиши лозим. Унда ўзаро ҳисоб-китоб формалари ҳам ўрганилиб чиқилиши лозим. Бундай корхоналар фаолиятида жорий бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботларда дебиторлик, кредиторлик қарзлари, ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари чуқур ўрганилиши, сабаблари, зарур ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳамма томонлама масъулияти ҳам кўриб чиқлади.

Кўпгина ҳолларда ташқи иқтисодий алоқалар қаттиқ валюта ҳисобига амалга оширилиши маълум. Шу жиҳатдан кредит операцияларининг мақсадлилиги, унинг барча принципларига риоя қилиниши, сугурта органлари томонидан бу хўжалик операцияларининг кафолатланишига ҳам жуда синчковлик билан ўрганилиши лозим.

Ташқарига чиқарилаётган товарлардан соғ фойда олиниши, ташқи ва ички баҳонинг қандай даражада, яъни ички бозор баҳосидан давр харажатлари кўшилгандан кам бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки самараదорлик даража шунга кўп жиҳатдан боғлиқ. Сабаби, мамлакат ичидаги жамиятимиз учун керакли ресурслардан самарасиз фойдаланишга йўл кўйилмаслиги кўзда тутилади. Сўнгра давлат, маҳаллий солиқлар, солиқсиз тўловлар, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири кенг ўрганилади. Бунда мамлакатимизда бундай корхоналарга берилаётган солиқ ва бошқа имтиёзлардан тўғри фойдаланиш каби масалалар ҳам чуқур ўрганиб чиқилиши лозим.

Аудиторлар бундай корхоналарни аудит текширувидаги кўрсатиб ўтилган хусусиятларидан ташқари, аудит текширувининг бошқа талабларини, барча корхоналардаги аудиторлик текшируви технологияси рас-

мийлаштирилиши, якунланишини, аудит текширув материалларининг реализация қилиниши каби амалга оширишлари кўзда тутилади.

### **Инвестиция фонди (жамғарма) корхоналари, сұфурта, биржа мұассасалари ҳамда брокерлик фаолиятларини аудит текширувинг хусусиятлари**

Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозор муносабатлари шароитида бўлганидек, сұфурта компаниялари ўртасида ҳам объектив ва субъектив баҳтсиз ҳодисалардан мулк эгаларини сақлаш, зарар кўрмаслик учун контракт шартномалар тузадилар. Булар ҳам рақобат курашига учрайдилар. Эълон қилинган маълумотларга қараганда республикамизда 35 дан ортиқ сұфурта компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ҳам нодавлат ташкилотлари бўлганилиги учун аудиторлик текширувига муҳтожидирлар.

Аудитор сұфурта корхоналар фаолиятини аудит текшириш жараёнида бухгалтерия ҳисоби шаклининг танланишига, бухгалтерия счёт регистр ва балансларда акс эттирилишига алоҳида эътибор берадилар. Бунда «Бош журнал», «Баланс» ва ёрдамчи регистрларни кўриб чиқиш лозим бўлади. Сұфурта компания кўрсаткичлар сұфурта тўлови қайтими, сұфурта папкасининг структураси, сұфурта хизмат турлари, ҳажми кабиларни динамик тарзда таҳлил қилиш зарурияти бўлади. Шунингдек, шартномалар сони, ўртача сұфурта тўлови, сұфурта тўлови тарифи, сұфурталанувчи учун чиқим ва бошқа кўрсаткичларни ўрганиш зарур.

Сұфурта компаниялар фаолияти аудит текширув ўғказища ҳисботлардаги асосий кўрсаткичлар натуранал ва нисбий миқдорларда таҳлил қилинади. Шундай кўрсаткичлар орасида сұфурта хўжалик операциялар таннарх кўрсаткичи мұҳим ҳисобланади. Яъни бир сўмлик сұфурта тўловига чиқим:

$$X = \frac{Ч}{T} ;$$

бунда: X—бир сўмлик сұфурта тўловига харажат; Ч — йил давомида сұфурта идорасининг барча чиқимлари; Т—шу давр давомида сұфурта тўловлар кирим суммаси.

Албатта, сұфурта органларининг рентабеллик даржасининг юқори бўлиши яхшиликка олиб бормайди.

Чунки қиймат яратилмайди, балки ялпи даромад қайта тақсимланади.

Суғурта органларини аудиторлик текшируви дастурини қўйидагича бўлиш мумкин:

1. Суғурта органларининг барча қонуний меъёрий хужжатлар билан таъминланганлиги, ҳуқуқий хужжатлар бўлиши, давлат идораларидан лицензияси қайд қилинган бўлиши.

2. Суғурта фаолиятининг лицензия ва қонуний хужжатларга мос юритилиши.

3. Бухгалтерия учёти қоидалари ва талаблари дарајасида бўлиши.

4. Суғурта резервлариниң тўғри ташкил топиши.

5. Молиявий натижаларнинг тўғри шаклланиши.

6. Бюджетта солиқ ва солиқсиз тўловлар ҳисоб-китобларининг тўғри ташкил қилиниши.

7. Мулк, ҳисоб-китоб, кредит, дебиторлик, кредиторлик қарзларининг аҳволи.

8. Бухгалтерия балансининг тўғри тузилганлиги.

9. Балансдаги актив ва пассив мутаносиблиги.

10. Суғурта резервлари, суғурта таваккалчилигига жавобгарлик асосида жойлаштирилиши.

11. Шартномалар тўғри, қонуний тузилиши улар юзасидан суғурта тўлов ва қайтимларининг ҳисобланиши ва амалга оширилиши.

12. Суғурталанувчи билан суғурта қилувчи хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатлар, улар юзасидан даъвогарлар ҳам айрим ҳодисалар бўйича назорат, тер-гов органларининг аралашувларини ўрганиб чиқадилар.

Шулар асосида аудиторлик ҳисботлари ва хулосалар аудит текширувининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг барча технологияларга риоя қилган ҳолда расмийлаштирилади.

### **Биржа ва брокерлик фаолиятларини аудит текшируви**

Бозор иқтисодиёти шароитида қимматбаҳо қоғозларининг бирламчи ва иккиламчи бозорларини, товар ва хизматлар кўтара бозорларини ташкил қилишда биржа фирмалар ва улардаги брокерлик жойлари мухим рол ўйнайди.

Бундай хўжалик субъектлари фаолиятини аудит текшируvida ҳам жорий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларига катта эътибор берилади.

Биржা фаолияти деганда товар, сотиш ва олишни, алмаштиришни амалга оширувчилар ўзаро келишув жараёни тушунилди. Брокерлик фаолияти эса сотувчи ва олувчи ўртасида воситачилик фаолиятидир. Бунда товарлар, қимматбаҳо қоғозлар сотилиши ва олиниши даврида воситачи бўлиши мумкин.

Фонд биржалари кўпроқ акционерлик жамиятларида амалга ошириладиган бўлса, товар биржалари турли корхоналарда ташкил қилиниши мумкин.

Қатнащувчилар ўз вакилларига эга бўлиб, унда воситачи брокерлик жойларини ташкил қиласди ва улар ўз қийматига эга бўлади. Қиймат 10 йилга ёки корхона фаолият кўрсатиш даврига тенг бўлиши мумкин. Малум чиқимлар бўлади. Шу воситачилик катта фойдага эга ҳам бўлиши мумкин. Аудиторлар барча сотиш ва олиш операцияларини чукур ўрганишлари лозим. Бошка соҳалар эса хўжалик субъектлари аудит текшируви жараёнлари сингари амалга оширилади.

### **Инвестиция фондлар (жамғармалар) фаолиятини аудит текширувинг хусусиятлари**

Республикамиз мустақилликка эришгач чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қонуний база ва имкониятлар яратилди. Натижада халқ хўжалик таркибий тузилишида катта имкониятлар вужудга келди. Узгаришлар рўй берди, барқарор ривожланиш давом этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси республикамизда турлича инвестиция фондларининг фаолият кўрсатиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли инвестиция фондлар фаолиятларини ҳам аудит текширувидан ўтказиш энг муҳим вазифалардан биридир. Улар фаолиятини аудит текшируви таъсис хўжжатлари, жорий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг меъёрий хўжжатларга мос равишда олиб борилаётганлигини ўрганишдан бошлиниди.

Сўнгра мулк сақланиши, балансдаги фондлар миқдори, бошқарувчи билан чиқимлар бўйича ҳисоб-китоблар, фондни ташкил қилувчи депозитларнинг ҳисоб-китоблари, қимматбаҳо қоғозлар, ҳисоб-китоблари чукур ўрганилади.

Фонднинг баланси бўйича актив, инвестицияларнинг мақсадли, қонунга мос жойлаштирилиши, пас-

сивларга мутаносиблиги, солиқ ва солиқсиз тўловларнинг ҳисоб-китоблари аниқ ўрганилади. Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш соҳасига, янги технологияларга, бугунги кунда долзарб ўрта ва кичик бизнесга, агросаноат комплекси соҳаларига жойлаштирилиш ҳажми ва таркибий тузилишига, ҳар бир соҳадан олинаётган самарадорлик, табиий ресурслардан унумли, тежамкорлик билан фойдаланишга тъсири ўрганилиши лозим. Мамлакатимизнинг валюта заҳираларига ва фуқаролар турмуш даражасининг ўсишига тъсири чукур таҳлил қилиниши лозим. Инвестицияларнинг моддий ва номоддий таркибий тузилишига ҳам эътибор қаратилади. Инвестициялардан олинган молиявий натижалар ҳам кенг ўрганилади.

Умуман олганда, бу хусусиятлардан ташқари бу хўжалик субъектлар фаолияти аудит текширув мақсад ва вазифаларига қараб белгиланган технологик жараёнлар асосида якунланади.

### **Аудиторлик ташкилотининг консультацион хизмати**

Бугунги кунда аудиторлик ташкилотларига фақат аудиторлик текшируви эмас, балки бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва тиклаш, молиявий ҳисботни ва даромадлар тўғрисида декларация тузиш, хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятларини таҳлил қилиш корхона актив ва пассивларини баҳолаш, консультация хизматларига ҳаётий муҳтоҷлик билан мурожаат қиласидар. Консультация хизматлари икки хил йўл билан амалга оширилади: жумладан, аниқ кўрсатмаларни ёзма ва оғзаки тартибда раҳбар, мутахассисларга, аудиторларга бериши мумкин. Иккинчи йўли эса жуда муҳим, масъулиятли, юқори малака талаб қиласидан ишларда туғилган муаммолар бўйича ўқиган, катта тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар, бошқача қилиб айтганда, муаллифлар ўзлари иштирокида консультация амалга оширадилар.

Катта масштабдаги аудиторлик фирмалари катта диапозонлар бўйича, молиявий ишларга умумий раҳбарлик, маркетинг ва таъминот бошқаруви, кадрларни бошқариш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, юридик ва бошқалар бўйича амалга оширилиши мумкин.

Агарда консультация жараёнига таъриф берадиган бўлсак, бу ечилиши лозим бўлиб турган бир мураккаб

масалани консультант билан мижознинг кўзда тутилган даражасига эришиш йўлидаги биргаликда кўрсатган фаолиятидир.

Консультация хизматининг энг кўп ишлатиладиган модулига ҳаётда кўпроқ мурожаат қилинади. Жумладан, маҳсус адабиётларда ҳам шулар кўсатилади. Буни биз қуидаги схемада кўришимиз мумкин.

### Консультация жараёнининг босқичлари

- |                     |  |
|---------------------|--|
| Тайёргарлик         | 1. Мижоз билан биринчи учрашув<br>2. Тахминий муаммога ташхис<br>3. Топшириқларни режалаштириш<br>4. Мижозга нисбий аниқланган режани тавсия қилиш<br>5. Консультация бўйича учрашув |
| Диагноз<br>(ташхис) | 1. Зарур далилларни аниқлаш<br>2. Далилларни таҳтил қилиш<br>3. Муаммони чукур ўрганиш<br>1. Танлов ечими  |
| Ҳаракатлар режаси   | 2. Альтернатив варианtlарни баҳолаш<br>3. Мижозга таклиф<br>4. Амалга ошириладиган ишлар режаси  |
| Жорий қилиш         | 1. Режани амалга оширишда ёрдам<br>2. Таклифларга айрим ўзгартришлар киритиш<br>3. Ходим ва кадрларни ўқитиш<br>1. Баҳолаш<br>2. Хотима ҳисоботи<br>3. Тўловлар бўйича мажбуриятлар  |
| Тамомланиши         | 4. Келгуси даврлар учун режалар<br>5. Хулоса мижоз билан учрашув.  |

Мазкур босқичлар катта ишга тайёргарлик ёки ўқиши асосида бир қасб эгасини ўргатиб, юқори малака эгаси сифатида фаолият кўрсатиш ва ҳаётга тадбиқ қилиб, самара олиш билан боғлиқ катта бир фаолиятдир.

Консультация ишида мижоз билан консультант ўртасида бир-бирини тушуниш, самимий, самара олишга қаратилган яқинлик ва ҳаракат, интилиш зарур ҳисобланади. Унда сидқидиллик, сабитқадамлик, содиқлик, ҳар бири ўзини турлича бошқа фикр-мулоҳазаларга бардош билан чеклаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

## **Аудитнинг тугалланиши ва унинг ҳақида умумий бўлган айрим хуносалар**

Дунёдаги энг нуфузли дарслик ва маҳсус адабиётларда аудит тугалланиши деган кенг тушунчалар маъно жиҳатидан турлича таърифланади. Агарда бу масалага фалсафий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, ҳар бир иш, ҳодиса, воқелик сабаблар натижасида оқибатга олиб келади. Улар маълум майдонда ҳамда маълум вақт бирлиги ичida юз беради. Шундай экан, кўрсатилган тушунчасини хўжалик субъекти фаолиятининг аудит текширувнинг тамомланиши ёки бир олинган ҳудудда аудиторлик ишларининг ниҳоясига етиши деб ҳам тушунса бўлади. Яна бир фикр вужудга келадики, барча маҳсус адабиётларда аудиторлик фаолиятининг объектив хўжалик субъектлар доираси деб тушунилади. Ваҳоланки, бу масала давлатни бошқарув жараёнида ахборот ва кафолатни айрим олинган ҳудуд, халқ хўжалигининг тармоғи, бутун тармоқлар, қолаверса, мамлакат доирасида, масалан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсади, республикамиизда яшаётган барча фуқаролар турмуш даражасининг аҳволи, истиқболи, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жабҳалари тўғрисида тўла маълумот бериладиган аудиторлик фаолиятини ташкил қилиниши ва ривожлантирилишини катта ишончи, таянчли воситаси деб қаралиши ҳеч қандай муболага бўлмайди. Иймонимиз комилки, келажакда шундай восита сифатида зарур эҳтиёжлардан келиб чиқиб фойдаланамиш.

Шу жиҳатдан олганда, аудитнинг тугалланишини икки маънода: 1) Айрим олинган бир хўжалик субъектида аудиторлик текширувининг тугалланиши бўлса; 2) Айрим олинган бир соҳа ҳудудда режалаштирилган аудиторик фаолиятининг тугалланиши деб тушуниш ҳам мумкин.

Масалалардан келиб чиқиб, айрим олинган бир хўжалик субъектида аудиторлик текширувининг тугалланишини тор маънода, конкрет тушунадиган бўлсак, у аввало аудит текшируви мақсадига эришиш, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, текширув якунланиб, расмийлаштирилиши, натижа бўйича материалларнинг реализация қилинишидир. Маълумки, аудит текширув икки муҳим хужжат: 1) аудиторнинг текширув якуни бўйича хуносасидан иборатdir. Шу ерда мисол тариқасида аудитор ҳисоботи, аудитор хуносаси-

дан катта, кўпроқ ахборот берувчи восита деб қаралмоғи лозим.

Агарда корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолияти аудит текширув мақсади деб олинган бўлса, унда унинг фаолият доирасида ҳар бир фаолият учта нуқтаи назардан а) ахборот; б) хulosasi; в) натижа-баҳо билан якунланиши лозим. Назорат ишларини режалацтириш мавзусида умумий далолатноманинг ўн бир бўлимдан иборат қилиб белгиланганлиги бежиз эмаслигини пайқаш қийин эмас. Бошқа бир жиҳатдан бозор иқтисодиёти объектив қонун ва жамият талаби нуқтаи назаридан қаралса, яна уч нарса; а) мавжуд ресурслардан тежамкорлик ва самара билан фойдаланиш; б) молиявий барқарорлик, тўлов қобилиятига эга жиҳатлари; в) мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллар ва устивор йўналишлар жиҳатидан социал-химия ҳамда социал-ижтимоий ривожланиш таҳдили, таклифи бўлиши лозимлиги жиҳатларини қамраб олган восита эканлиги яққол кўзга ташланади. Демак, аудитор ҳисботи мижоз, давлат бошқарув органдари, уни билан иқтисодий ўзаро алоқага кирувчи корхоналар, тўртинчи ҳокимият-матбуот учун, назорат, кафолат ва хulosaga келиб, ечим қарорига келиш воситасининг кенг баёнидир деб қараш тўғри бўлади.

Аудиторлик хulosаси уч қисм, яъни кириш, асосий қисм, хulosasi ва таклифлардан иборатdir. Унинг юқорида кўрсатилган 12 бўлим ҳақида аудитор ҳисботи таркибий тузилишининг биринчи қисмини ҳисботда акс эттириши жиҳатидан қаралса, бизнес-режа бажарилишига таъсир қиливчи омиллар динамик ва занжирили базис таҳлиллари асосида хўжалик муаммолари аввали, ишлаб чиқариш соҳалари, сўнгра иқтисодий мазмунларига қараб статистик таҳлил қилинса, аудитор малакаси ҳам бозор иқтисодиётининг талабларига кўра, ер, ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари миқдори, нисбий миқдорларни ҳисоблаб, таҳлил қилишга тўғри келади(ернинг ҳосилдорлиги, қиймат кўрсаткичларда маҳсулот олиш, асосий фонdlар билан таъминланиш, қуролланиш, фоиз сифими қайтими, смена коэффициенти каби юзлаб кўрсаткичлардан ҳисботнинг хulosasi қисмида иқтисодий база сифатида фойдаланиш кабилар). Бундай ўрганиш жараёнида хўжалик субъекти томонидан давлат статистик ҳисбот кўрсаткичларга «ёйилма бериш», бу тушунча аудитор ҳисботнинг бўлим, моддаларига

юқори малака эгаси сифатида нисбий кўрсаткичларни горизантал ва вертикал таҳлил асосида аниқ хуносага келишини кўрсатишнинг ўзи кифоя.

Молиявий натижалар қисмида тўлов қобилияти, айланма маблағлар айланиш муддати, коэффициентлардан фойдаланишни кўрсатиб ўтиш лозим. Мана шундай тартибда кенг ҳажмда ёзилиб, умумий хуноса ва таклифлар берилиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда, процессуал-жиноят кодексида хужжат статуси «далолатнома» сўзи «аудитор ҳисоботи» сўzlари билан алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аудитор хуносасининг таркиби ҳақида олдинги бобларда етарлича маълумот, мазмунларни берганлигиниз китобхонларга берилганлигини эътиборга олиб қўямиз.

Умумий бўлган айрим хуносалар ҳақида гап юритар эканмиз, корхона, хўжалик субъектлари, бошқарув, назорат органлари, қолаверса, фуқаролар мақсади, эл ободонлиги, халқ фаровонлиги эканлиги маълум бўлиб қолади. Шундай экан, бир мулоҳаза беихтиёр хаёлингизни ўзига тортади. Яъни барча қонун ва меъёрий хужжатларни амалга ошириш обьекти, аудит текшируви ўтказилаётган хўжалик субъекти ва аудит текширувини ўтказувчи нодавлат ташкилот аудиторлик фирмалари доирасида аҳамият жиҳатидан қаралиши тўғримикан?

Агарда тўғри деган фикрга келсак, унда аввало ҳудудни бошқараётган бошқарувчи (маълумки, бир неча тармоқ соҳа, мавжуд қувватлар бор) қолаверса, фуқаролар ўз ҳудудига, ватанига меҳр-муҳаббати билан қараши, уни эъзозлаши, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражаси, унинг истиқболли ривожланиши каби муаммолар юзасидан ечим қарорига умумлашган кўрсаткичиз қандай келади?

Демак, бу масалага битта аудиторлик нуқтаи назаридан эмас, балки умумийлик асосида барчанинг манфаатларига таъсир қилувчи муаммоларни ечиш учун маълум бир қарорга келишини тақозо қиласди. Шундай экан, 1) ҳудуддаги тармоқлар, тармоқ ичидаги хўжаликлар соҳаларни қамраб олган ҳисобот даври аудит тугалланиши зарур бўлади; 2) барча мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш мулкдор ёки хўжалик субъект раҳбарлари, ходимлари учун эмас, балки ҳудуддаги барча кишилар учун умумий кўрсаткичлар лозимлигини тан олиш лозим; 3) қонунга бўйсунган ҳолда аудитор ҳисоботида кўрсаткичлар миқдор ва мазмун

жиҳатдан ёйлиб, ҳисоботга қўшилиб, давлат ҳисоб органларига нисбий қўрсаткичлар билан берилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда республикамизда ҳукуқий демократик давлат қуриш тамойиллари кенг кўламда ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида юқоридаги масалалар юзасидан катта масъулликни талаб қиласди. Бунга аудиторлик фаолияти ҳам ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлади.

Демак, шундай услублар билан хўжалик субъектларининг тижорат сири сақланган ҳолда, иқтисодиёт, молия, ижтимоий ривожланиш борасида зарур маълумотларни олиш, ҳудуддаги ҳокимият органлари шу фолиятларга, тармоқ соҳаларга баҳо бериш ечимини кутаётган муаммоларни қўйидан то юқоригача объектив ечим-қарорига келиш имкониятини беради. Бу ўз навбатида текширувлар зарур бўлган ҳолатларда чукур ахборотлар олиш борасида жуда катта миқдордаги вақтни, малакали ишчи кучини тежа० имкониятини тўла беради.

Булардан ташқари, республикамизда қабул қилинаётган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан бирга, дунё тажрибаси билан уйғунлашаётган миллий аудиторлик стандарт(андоза) талабларига мос равишда тугалланишга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

## **ИЛОВАЛАР**

**I-ИЛОВА**

### **ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АУДИТОРЛИК СТАНДАРТИ**

Аудиторлик стандартлари (андозалари)-бу аудиторлик фаолиятини амалга оширишда, молия ҳисоботларини аудиторлик текширувни ўтказиш жараёнида, кўрсатилган тамойилларга асосланиб, умумий суюнучи материал сифатида фойдаланиши мумкин бўлган воситадир. Уларда мутахассислик малакаси, ваколати ва мустақиллиги, аудиторнинг ахборот маълумотлари хуносасига талаблар мужассамлашгандир. Уларнинг умумий сони 10 та. Бу 1947 йилда (Америкача қасамёдли) Бухгалтерлар институти томонидан тавсия қилинган. Бу бир неча бор ўзгарган бўлса-да, доимо асос бўлиб келмоқда.

#### **I. АУДИТНИНГ УМУМИЙ СТАНДАРТЛАРИ**

1. Аудит текширувни маълум тайёргарликка касб мутахассислигига эга бўлган шахс ўтказиши лозим.
2. Аудитор барча аудиторлик вазифаларини бажаришда ўз мустақиллигини сақлаши лозим.
3. Аудитор ўз хулоса ва ҳисботини ёзишда малака жиҳатидан энг юқори даражада аниқлик, чуқур билим, далилларнинг ишончлилигига масъулдир.

#### **II. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВНИИ ЎТКАЗУВЧИ ОБЪЕКТЛАРДА АУДИТОР ИШИННИНГ СТАНДАРТЛАРИ**

1. Иш аниқ режалаштирилган, тегишли асистент билан етарли даражада режа назоратдан ўтиши лозим.
2. Аудитор, энг аввало, ички хўжалик аудиторлик фаолияти тизимини чуқур ўрганиши натижасида аудит текширув ишининг ҳажмини аниқ билгандан сўнг текширувни режалаштирилиши лозим.
3. Ҳужжатларни текшириш, шахсий кузатиш, раҳбар, мутахассислардан сўраш асосида аудит текшируви ўтказилаётган корхонанинг молиявий ҳисботи бўйича тўлиқ маълумот, асосларга эга бўлишига эришиш.

### III. АУДИТОРЛИК ХУЛОСАНИНГ СТАНДАРТЛАРИ

1. Аудиторнинг хulosаси, корхоналарнинг хўжалик, молия, ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи умумий бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш лозим. Тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар иқтисодий кўрсаткичларнинг мазмуни ҳақидаги ахборотларни тўла қамраб олиши шарт.

2. Аудиторнинг хulosасида текширилаётган, ҳисобот берилаётган давр мобайнода хўжалик юритиш норматив хужжатлардаги риоя қилиниши лозим бўлган принципларнинг олдинги аудиторлик текшируvida бузилган деб топилганларидан қайсилари бўйича камайишга эришганлиги кўрсатилиши лозим.

#### Умумий қабул қилинган андозалар

Умумий малака ва феъл-авори Зарур тайёргарлик ва тажриба	Объектда аудит текшируви Тўғри режалаштириш ва назорат	Аудит текшируви натижалари ҳақида Ҳисобот принципларга мос келадими?
Йўналишнинг мустақиллиги	Ички назорат тизимини чуқур тушуниш	Ҳисоботнинг принципларга мос келмаслигига олиб келувчи ҳолатлар Ахборотларнинг тўла очилганлиги
Малакали зарар, чуқур эҳтиёткорлик, синчковлик	Етарли даражада ваколатли маълумотларга эга бўлиш	Умуман, молиявий ҳисобот ҳақида тўла фикрнинг баён қилиниши

3. Молия ҳисоботларидаги ахборотларнинг аудитор хulosасидаги ёзувлар билан айнанлигига эътибор қартилиб кўрсатиб берилиши лозим.

4. Аудиторнинг хulosасида молиявий ҳисобот тўғрисида мустақил бир бутун фикр ва малоҳаза ёзилиши лозим. Айрим тўла фикрларга эришиш имконияти бўлмай қолган бўлса, уларнинг сабаблари принципиал кўрсатилиши керак.

Аудиторлик фаолияти, ишчи объектлари ва аудиторлик хulosаларнинг ўнта схемаси 326-бетдагича бўлиши мумкин.

## АУДИТНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА АУДИТОРНИНГ ЁЗМА МАЖБУРИЯТНОМА-РОЗИЛИК ХАТИ

*Сизнинг... № Корхона раҳбарига*

*Бизнинг... корхонамизга молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги таклифингиз қабул қилинади.*

*Аудиторлик қонуни норматив-техник хужжатлар асосида аудиторлик текширувига: баланс, унга иловалар, ҳисобот, бухгалтерия регистрлари ва бошлангич хужжатлар қамраб олинади.*

*Аудитнинг мақсади... 200\_\_ йил учун берилган ҳисоботлардаги молия натижаси, тўлов қобилияти ҳақидаги маълумотларнинг тўла ишончлилигини, кўрсаткичларнинг тўғри ҳисобланганлигини тўғри баҳолашодир.*

*Уларни асослаш учун Сизнинг корхонангиз мутасадди ходимларининг қатнашувида текширув тест саволлари асосида аниқлаб олинади.*

*Айрим саволларни текширув жараёнида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-хужжатларга мос равишда таваккалчилликда танловга йўл қўйилиши сабабли, айрим хато ва камчилкларда ноаниқликлар бўлиши мумкин, аммо биз уларни энг минимумига келтиришга ҳаракат қиласиз. Чунки уларнинг бўлиши бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ахволидан келиб чиқади, шундай ҳолларда Сиз алоҳида ёзма баённома оласиз.*

*Аудит текширувини ўтказиш жараёнидаги зарур маълумотларнинг аниқ, ишончи, объективлиги ҳақида Сиздан бухгалтерия ва ички назорат юзасидан раҳбарнинг (маъмуриятнинг) жавобгарлигини ҳис қилган ҳолда ёзма ахборот беришингизни илтимос қиласиз. Шу билан биргаликда биз ишонамизки, Сизнинг ходимларингиз бизнинг ихтиёrimизга барча ёзма ва бошқа зарур ахборотларни беради.*

*Бизнинг гонорар (қалам ҳақи) ишни бажариш даврида тўланиб борилади. Сиздан ушбу хатни молиявий ҳисоботларнинг талабга жавоб бериши нуқтаи назаридан қараб тасдиқлашингизни сўраймиз.*

*Аудитор фирма  
Корхонадаги масъул ходим*

## ШАРТНОМА № \_\_\_\_\_

шашар(қишлоқ) \_\_\_\_\_ 200 й.  
 Бир томондан \_\_\_\_\_

Низомга  
 мувофиқ фирма (аудитор) номидан \_\_\_\_\_ ва  
 иккинчи томондан буюртмачи-корхона сифатида Низомга кўра, унинг номидан \_\_\_\_\_  
 куйидагиларни шартлашиб келишдик:

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. Корхонада аудиторлик текшируви биринчи босқичининг тавсиясини ўрганиб, аудиторлик фирмаси корхонанинг

хўжалик молия фаолиятини фирманинг режа графиги асосида комплекс аудиторлик хизматини бажаришни ўз зиммасига олади.

1.2. Аудиторлик текширувини бажарганлиги учун буюртмачи корхона график ва микдор бўйича томонларнинг келишувига мувофиқ кўшимча қиймат солигини кўшган ҳолда ( ) \_\_\_\_\_

сўмни  
 тўлашни ўз зиммасига олади.

Текшириш мурдати буюртмачи корхона томонидан пул тўланган кундан ҳисобланади. Олдиндан пул тўлаш 200 йил ойининг кунигача амалга оширилади.

Мазкур шартнома буюртмачи корхона билан аудит текширувани ўтказувчи корхона ўртасидаги ўзаро ҳисобкитоблар учун асос ҳисобланади.

Бажарувчи  
 \_\_\_\_\_ ( )  
 М. Ў.

Буюртмачи  
 \_\_\_\_\_ ( )  
 М. Ў.

**2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Буюртмачи-корхона адиторлик хизмати учун куйидагиларни ўз зиммасига олади:

2.2. Фирма ходимига шартномада бажариладиган ишлар учун барча зарур маълумотларни, хужжатлар-

ни, бухгалтерия регистрларини олиш, ўрганиш ҳуқуқини, имкониятини ва кафолатини беради.

2.3. Шартноманинг (V) иловасига мувофиқ буюртмачи-корхона аудиторга текширувни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни, бухгалтерия, молия-банк ҳужжатларини, ҳисоботларни, ходимларнинг тушунтириш хатларини ўз муддатида тўла равишда тақдим қиласди. Улар кечикиб тақдим қилиниши натижасида аудиторлик текширувининг чўзилиб кетишига жавобгардир.

2.4. Агарда аудит текшируви жарёнида бухгалтерия ҳисоботини қайта тиклаш, такомиллаштиришга тўғри келса, у аудиторлик фирмасининг қўшимча шартнома ёки ёзма розилик хатига мувофиқ амалга оширилади.

2.5. Аудиторлик фирмаси ўз зиммасига қуйидаги ларни олади:

2.5.1. Мазкур шартномага мувофиқ аудит текшируви жараёнида маълум бўлган буюртмачи-корхонанинг тижорат сирини ошкор қилмаслик.

2.5.2. Аудитор аудит текширувни ташкил қиласди ва унга раҳбарлик қиласди. Тартиб бўйича ва навбат билан ҳўжалик операциясини ўрганиш асосида уни бажариш услубларини белгилайди.

2.5.3. Аудиторлик текширувни аниқ тасдиқланган режа асосида амалга оширади, буни буюртмачи-корхона назорат қилиб боради. Буюртмачи-корхона аудиторнинг оператив фаoliyatига аралашибга ҳақли эмас, аммо белгилаб олинган ишлар юзасидан айрим кўрсатмалар беришга ҳақли, аудиторлик фирмаси уларни сўзсиз бажариши шарт эмас.

2.5.4. Агарда айрим ўринсиз ҳаракатлар натижасида режадаги ишларнинг амалга оширилишида сусткашлик сезилса, буюртмачи-корхонага маълум қиласди.

2.5.5. Режада белгиланган, бажариладиган ишлар ораглигидаги ҳам айрим ишлар бўйича муддатлар белгиланиши мумкин.

2.5.6. Шартноманинг предметидаги шартларни ўз вақтида бажариб топширишни ўз зиммасига олади.

2.5.7. Агарда бажарилган ишлар юзасидан буюртмачи корхонанинг эътиrozлари бўлмаса, тақдим қилинган аудиторлик материалларини амалга оширишга киришади.

2.5.8. Аудиторлик фирмасига (аудиторга) буюртмачи-корхона томонидан сифатсиз материал берилса, бу-

юртмачи-корхонадан ёзма розилик сўрашга ҳақли. Сифатсиз материал учун масъулият буюртмачи-корхонага юклатилади.

2.5.9. Аудиторлик фирмаси аудит текшируванинг ўтказишида зарур мутахассис, юридик шахсларни, айрим мутахассисларни бажариш учун субподрядчи сифатида шартнома асосида иш бажаришга таклиф қилиши мумкин.

### **3. Шартнома бекор қилинган ҳолларда томонлар жавобгарлиги**

3.1. Буюртмачи-корхонанинг аудит текширувига сифатсиз материал тақдим қилганлиги учун тўла жавобгардир.

3.2. Ушбу шартномага мувофиқ буюртмачи-корхона билан аудитор фирмаси ўртасидаги хизматнинг чўзишига ёки бошқа сабабларга кўра, форс-можар ҳаратларига мос чоралар кўриши мумкин. Бундай шароитда қайси томон айбдор бўлса, моддий зарар шундан ундирилади.

3.3. Агар буюртмачи-корхона фирманинг ёзма ахборотига эътибор бермаса, фирма шартномани бекор қилишга ҳақли.

3.4. Аудитор фирмаси (аудитор) ишларни ўз вақтида топширади, буюртмачи-корхона таклиф беради, моддий зарарга даъво билдиради.

### **4. Ишни топшириш тартиби**

4.1. Аудит текшируванинг обьекти вужудга келган куннинг эртасигаёқ иш тамомланганлигини буюртмачи-корхонага маълум қиласи.

4.2. Буюртмачи-корхона эса мазкур ишни 5 кун (беш кун) муддат ичida кўриб чиқиши лозим. Ундан сўнг иккала томонга «ишни топшириш — қабул қилиш далилатномаси» тушиб берилади.

4.3. Фирма ишни режада белгиланган муддатдан олдин топшириши мумкин.

### **5. Шартнома бўйича ҳисоб-китоблар**

5.1. Буюртмачи-корхона, ишни бажарувчига иш ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда шартномада келишилган пулни тўлайди. Бунда пул 100 фоиз олдиндан тўланиши мумкин.

5.2. Агарда аудиторлик фирмаси ишни муддатидан олдин бажарса буюртмачи-корхона \_\_\_\_\_ сўм миқдорида мукофот пулини тўлайди.

## 6. Шартноманинг қўшимча шартлари

6.1. Шартномадаги мажбуриятларни бажармаслик ҳоллари бўйича низолар вужудга келса, улар ваколатли адлия органлари томонидан ҳал этилади.

6.2. Агарда мазкур шартномага ўзгартиришлар киритиладиган бўлса, иккала томон ўзаро қелишиб, ёзма равишда имзо, муҳрлар билан амалга оширилади.

6.3. \_\_\_\_\_

## 7. Шартномада келишилган томонларнинг ва уларга хизмат қўрсатадиган банк реквизитлари

7.1. Буюртмачи-корхона \_\_\_\_\_

7.2. Аудиторлик фирмаси \_\_\_\_\_

## 8. Томонларнинг имзо ва муҳрлари

Буюртмачи-корхона

Аудиторлик фирмаси

\_\_\_\_\_ ( ) \_\_\_\_\_ ( )

М. Ў. « \_\_\_\_ » 200 \_\_\_\_ й. М. Ў. « \_\_\_\_ » 200 \_\_\_\_ й.

## **АУДИТ ЎҚУВ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЯКУНИЙ ТЕСТЛАРИ**

### **Молиявий ва бошқарув ҳисоби**

**1. Корхонанинг хусусий капиталига нималар киради?**

- а) устав капитали
- б) қўшилган капитал
- в) захира капитал
- г) тақсимланган фойда
- д) барча жавоблар тўғри

**2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда неча хил фоиз ставкасининг тури мавжуд?**

- а) уч хил
- б) тўрт хил
- в) беш хил
- г) олти хил
- д) тўғри жавоб йўқ

**3. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини тартибга солини қайси орталар зинмасига юклатилган?**

- а) Ижтимоий таъминот ва Меҳнат вазирлиги
- б) бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси
- в) Молия вазирлиги
- г) Солик қўмитаси
- д) Вазирлар Маҳкамаси

**4. Номоддий активлар кимошли савдосида қайси ташкилот орқали сотилади?**

- а) Молия ташкилоти
- б) Солик идораси
- в) Статистика бўлими
- г) Мулк қўмитаси бўлимлари
- д) Ҳаммаси тўғри

**5. Сотиб олинган асосий воситанинг шули ўтказиб берилди:**

- а) Д 01                    K 51
- б) Д 60                    K 51
- в) Д 62                    K 51
- г) Д 85                    K 51
- д) Д 47                    K 51

**6. Асосий воситага эскириш ҳисобланди (дон комбайни мисолида)**

- а) Д 02                    K 89
- б) Д 89                    K 02
- в) Д 20                    K 02/1
- г) Д 85                    K 02

д) Д 02 К 85

7. Асосий воситани сотишдан корхона зарап кўрди:

а) Д 91 К 99

б) Д 99 К 47

в) Д 26 К 47

г) Д 50 К 99

д) Ҳаммаси тўғри

8. Қуйидаги ёзув нимани англатади?

Дебет 58 қисмida муддатли молиявий қуйилмалар

Кредит 51 <Хисоб-китоб счёти>

а) акциялар бўйича фоизлар ҳисобланиши;

б) узоқ муддатли қимматбаҳо қофозларининг сотиб олиниши;

в) қисқа муддатли қимматбаҳо қофозларининг сотиб олиниши;

г) харидорлардан векселларнинг келиб тушиши;

д) тўғри жавоб йўқ.

9. «Мехнатта ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисобланашинлар» 70-счётнинг кредитида нима кўрсатилади?

а) турли ташкилотларга тўловлар;

б) иш ҳақининг ҳисобланиши;

в) иш ҳақининг тўланиши;

г) ходимлар билан ҳисоб-китоблар;

д) барча жавоблар тўғри;

10. Номоддий активларга эскириш ҳисобланади:

а) Д 20 К 05

б) Д 21 К 05

в) Д 23 К 05

г) Д 25 К 05

д) ҳаммаси тўғри.

11. Д 01 К 99 ёзуви қандай хўжалик муомалалари мазмунини акс эттиради?

а) асосий воситани ҳисобдан чиқаришни;

б) асосий воситани сотишдан олинган фойдани;

в) инвентаризация натижасида ошиқча чиққан асосий воситани қабул қилиш;

г) асосий воситани сотишдан кўрилган зарар суммасини;

12. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг жаддальтирилган усулига қуйидагилардан қайси бирлари киради?

а) ишлаб чиқариш усули, тенг улушда ҳисоблаш усули

б) кумулятив ва ишлаб чиқариш усуслари

в) кумулятив камайувчи қолдиқ қийматга нормани иккитарага кўп ҳисоблаш усуслари

г) тенг улуш ва кумулятив амортизация, ҳисоблаш усуслари

13. Асосий воситалар қандай баҳоларда баҳоланади?

а) бошлангич, жорий, қолдиқ, тугатиш ва қоплов қийматларида

б) баланс, тиклаш, қолдиқ, эскириш ва бозор қийматларида

в) бошланғич, тиклаш, тугатиш, қолдиқ, жорий ва қоплов қийматларида

г) баланс, жорий, қолдиқ, тиклаш ва жорий қийматларида

**14. Құшма корхоналар устав капиталига ҳисса тариқасида берилған асосий воситалар қандай баҳоларда баҳоланади?**

а) баланс қиймати бүйіча

б) қолдиқ қиймати бүйіча

в) жорий қиймати бүйіча

г) тугатиш қиймати бүйіча

**15. «Олға» фирмаси 6200 сүмға машина сотиб олды. Машинанинг хизмат муддаты 5 йил, тугатищдаги қолдиқ қиймати 9200 сүм. Тенг улушда 1 йиллик амортизация суммаси қандай бўлади?**

а) 106600

б) 115600

в) 105600

г) 150600

**16. Д 01 К 75 бухгалтерия ёзуви қандай маънони англатади?**

а) муассислар томонидан пул маблагининг устав капиталига қўйилишини;

б) муассислар томонидан асосий воситаларнинг устав капиталига қўйилишини;

в) мол етказиб берувчилардан асосий восита қабул қилишини;

г) инвентаризация натижасида ошиқча чиқдан асосий воситани қабул қилишини;

**17. «Кейс» комбайнни узоқ муддатли молиявий лизингта берилса лизингта берувчи корхонада қандай бухгалтерия ёзуви амалга оширилади?**

а) Д 94                    К 01;                    Д 09                    К 94;

б) Д 09                    К 91;                    Д 01                    К 09;

в) Д 51                    К 09;                    Д 91                    К 83;

г) Д 94                    К 64;                    Д 08                    К 51;

**18. «Кейс» комбайнни учун асосий тўлов ва фоизлар ҳисоблансанда лизингта берувчи корхоналарда қандай счёtlар ўзаро боғланади?**

а) Д 76                    К 09\1;                    Д 51                    К 76;

б) Д 51                    К 76;                    Д 09\2                    К 99;

в) Д 09\2                    К 99;                    Д 76                    К 09\1;

г) Д 51                    К 09\2;                    Д 83                    К 99;

**19. «Кейс» комбайнни узоқ муддатли молиявий лизингта берилганда комбайннинг баланс қийматига лизингта окувчи корхонада қандай проводкалар берилади?**

а) Д 76 К 51;

б) Д 97 К 51;

в) Д 03 К 97\1;

г) Д 99 К 97\2;

20. «Кейс» комбайни учун асосий тўлов ва фоизлар ҳисобланганда лизининг олувчи корхона счётларида қандай ўзгаришлар юз беради?

- |           |         |        |         |
|-----------|---------|--------|---------|
| а) Д 03   | К 97\1; | Д 97\1 | К 96;   |
| б) Д 97\1 | К 76;   | Д 99   | К 97\2; |
| в) Д 76   | К 51;   | Д 03   | К 97\1; |
| г) Д 09   | К 76;   | Д 03   | К 01;   |

21. Ҳисоб сиёсати нима?

а) ҳисоб сиёсати бу амалдаги қонунлардан фойдаланиб корхонанинг молиявий фаолиятини тўғри аниқлаштириш;

б) корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни тўғри олиш;

в) ишлаб чиқариш, сотиш ва таъминот жараёнлари харажатларини ҳисобга олиш тартиби;

г) корхоналар фаолиятини тартибга солувчи, қонуний ва норматив ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг альтернатив шакллари ва усулларидан танлаб олган ва эълон қилган шакл ва усулларининг йигиндиси.

22. Ҳисоб сиёсати нималарни ўз ичига олади?

а) ҳисоб сиёсати услубий, ташкилий ва техник томондан ўз ичига олади;

б) ҳисоб сиёсати харажатларни тақсимлаш ва маҳсулотларни баҳолаш усулларини ўз ичига олади;

в) ҳисоб сиёсати ташкилий ва услубий томонларни, харажатларни тақсимлаш усулларини ўз ичига олади;

г) ҳисоб сиёсати услубий ва техник томонларни, маҳсулотни ва баҳолашни ўз ичига олади.

23. Моддий қийматликларни ишлаб чиқаришга сарфлашнинг ФИФО усулининг мазмунин кўйидагилардан қайсларида акс этган?

а) моддий қийматликлар учёт баҳоларида сарфланади;

б) моддий қийматликлар сотиб олиш баҳоларида сарфланади;

в) моддий қийматликлар биринчи партияларда келиб тушган баҳода баҳоланади;

г) биринчи келиб тушган партиядагилар биринчи сарфланади;

24. Ҳисоб сиёсати ташкилий шакллари томонидан нималарни акс эттиради?

а) харажатлар ҳисобини ташкил қилишни;

б) бухгалтерлар ишини ташкил қилишни;

в) бухгалтерия ҳисобини юритиш шаклларини танлашни;

г) бухгалтерия хизматининг ташкилий шаклларини, бухгалтерия хизмати структураси ва ҳисобни марказлаштириш; шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариши бўлинмаларини алоҳида балансга ажратишни.

25. Бизда моддий қийматликларни ишлаб чиқаришга сарфлашнинг қайси усули кўлланилади?

- а) ЛИФО ва ўртача қиймати бўйича баҳолаш усули;
- б) ФИФО ва ўртача қиймати бўйича баҳолаш усули;
- в) ФИФИ ва ЛИФО усули қўлланилади;
- г) ўртача қиймати бўйича баҳолаш;

**26. Кўйида келтирилган баланс моддаларидан қайсилари инвентаризация усулида текширилади?**

- а) устав капитали;
  - б) асосий воситалар;
  - в) пул маблағлари;
  - г) фойда;
  - д) дебиторлар;
- 1. А, Б, В;
  - 2. А, Б, Г;
  - 3. Б, В, Г;
  - 4. В, Г, Д;
  - 5. Б, В, Д;

**1. Аудит ҳақида тушунча**

- а) Аудит «эшитаман» деган маънони билдиради
- б) Аудит — бу иқтисодий таҳлил якунидир
- в) Аудит — бу молиявий таҳлил якунидир
- г) Аудит бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг бар-қарорлигини билдирадиган фойда

д) Аудит корхона фаолияти шароитида рақобатбардош фаолият кўрсатишни яратишга қаратилган тадбирлар мажмуидир

**2. Аудитнинг моҳиятини белгиланг**

- а) корхонадаги мулк шаклига қараб рақамга тушадиган маълумотларга асосланади, хulosса беради
- б) фаолияти рақамларда ифода этилганлигини текширади, қонунга тақдослайди
- в) фаолияти рақамларда ифода қилинганлигини текширади
- г) фаолиятга рақамлар ифода акс этганлигини кўради, барча кўжжатларга тақдослайди, хulosса беради
- д) фаолият мулк формасига қараб, тақдослаб текширади, хulosса беради

**3. Аудит объектлари**

- а) хўжалик маблағ ва фаолияти, юридик шахслар
- б) хўжалик маблағлари, манбалари, юридик шахслар
- в) юридик ва жисмоний шахслар
- г) юридик ва хусусий корхоналар, жисмоний шахслар, уларнинг фаолияти

д) юқоридагиларнинг фаолияти ва текширувлар

**4. Аудит текшируванинг объектлари**

- а) хўжалик маблағи ва хўжалик жараёнлари
- б) хўжалик маблағ манбалари ва хўжалик жараёнлари
- в) молиявий натижалар хўжалик маблағлари ва манбалари
- г) ҳисоботлар регистрлари
- д) дастлабки ва жорий бухгалтерия учёти ва ҳисоботлар

**5. Аудит текшируванинг объектлари, манбалари**

- а) дастлабки ва бухгалтерия учёти
- б) барча хўжалик учёти турлари ва ҳисоботлари
- в) молиявий ва бошқарув учёт маълумотлари
- г) статистик ва оператив техника учёти маълумотлари
- д) молиявий ва бухгалтерия ҳисоботлари

**6. Аудит фанининг предмети**

- а) хўжаликнинг барча жараёнларида ҳукуматнинг хўжалик қурилишлари бўйича қонун ва қарорларнинг бажарилишини текширишдан иборат
- б) хўжаликнинг таъминлаш, реализация ва молия натижаларини ҳукумат қонунлари ва қарорларининг бажарилишини текшириш;
- в) хўжаликнинг таъминот ишлаб чиқариш, тақсимот ва молия якунларини қонун ва қоидалар асосида бўлишини текшириш

- г) хўжаликнинг барча жараёни ва бошқаруви бўйича фамилияни қонун ва қарор асосида текширишдан иборат;
- д) хўжаликнинг барча жараёнларини тартибга солувчи қонун ва қарорларнинг бажарилишини текшириш

**7. Аудитнинг мазмуни**

- а) корхоналарнинг ҳисоботларини ва бухгалтерия ҳисобини текширади
- б) бухгалтерия жорий ҳисоби ва молия ҳисоботларини текширади
- в) юқоридагиларни текширади ва хulosса беради
- г) юқоридагиларни текширади ва тақлиф беради
- д) юқоридагиларни текширудан ўтказади ва хulosса ҳамда тақлиф қиласди

- 8. Аудит фанининг методлари** (умумий билиш методлари ни қўлаш бўйича)
- а) ижтимоий-иктисодий ҳодисаларнинг боғлиқлиги
  - б) ижтимоий-иктисодий воқеаларнинг боғлиқлиги ривожлантирилиши
  - в) ижтимоий-иктисодий ҳодисаларнинг боғлиқлигини ҳисобга олиб фикрлаш
  - г) юқоридагиларнинг оддийликдан мураккабликка қараб бориши

- д) диалог ва абстракция

**9. Аудит фанининг ўзига хос методлари**

- а) таҳдил ва хulosса қилиш
- б) миллый, халқаро ҳисоботларда компьютерлардан фойдаланиш
- в) миллый ҳисоб тизими, ҳисоботлар, компьютерлар, бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш
- г) бухгалтерия ҳисоби, инвентаризация ва мутахассислар фикридан фойдаланиб меъёрларга таққослаб ўрганиш
- д) лаборатория, бухгалтерия таҳдилидан фойдаланиб ўрганиш

**10. Аудит фани қайси фанлар билан чамбарчас боғлиқ?**

- а) бухгалтерия ҳисоби, таҳдил, молия

- б) бухгалтерия ҳисоби, молия, юридик фанлар
- в) бухгалтерия ҳисоби, юридик ва технологик фанлар
- г) бухгалетрия ҳисоби, солиқ, сугурта, юридик фанлар
- д) бухгалетрия ҳисоби мутахассисликка таалуқли ва ўрганилаётган тармоқ технологияси фанлари

**11. Омбор мудири Абдуллаев Р. жавобгарлигидаги 5 тония ёқилги 12 литр 30—00 сүмлик бажаргандай камомад йўқламаси ўтказилганда аниқланди. Тафтишчи қандай қарор қабул қила-ди?**

- а) камомаддан ундиришга ёзади
- б) корхонанинг «фойда ва заарлари ҳисобига»
- в) табиий йўқолишга
- г) ҳисобдан чиқарилиб юборилади
- д) умумий далолатнома ёзади

**12. Аудиторлик қонуни ичча бўлимдан иборат?**

- а) 5 бўлим 16 модда
- б) 5 бўлим 15 модда
- в) 5 бўлим 18 модда
- г) 5 бўлим 15 модда
- д) 5 бўлим 17 модда

**13. Аудиторлик қайси хўжалик субъектларида фаолият кўрсатади?**

- а) нодавлат хўжалик субъектларида
- б) барча хўжалик субъектларида
- в) хусусий ва кооператив ҳамда акционер хўжалик субъектларида
- г) давлат ва кооператив хўжалик субъектларида
- д) кооператив давлат ва акционерлик корхоналарда

**14. Аудиторлик фаолиятини юритиш буйича ижро органи-лари томонидан қабул қилинган низомлар нечта?**

- а) Вазирлар Маҳкамасининг 3/X/93 йил №198-сон қарори ва (иловалар)
- б) Вазирлар Маҳкамасининг 3/X/93 йил №198-сон қарори ва (1,2 иловалар)
- в) Юқоридалигалар ва Вазирлар Маҳкамасининг 17/X/93 йил 239-сон қарори, давлат қайди ҳақидаги низом
- г) Юқоридалигалар ва Молия вазирлигининг қоидаси № 41
- д) Юқоридалигалар ва Молия вазирлигининг қоидаси № 41, № 42 қоидалари

**15. Аудитнинг ривожланишига қараб аудит турлари**

- а) тасдиқловчи, операцион аудит
- б) мос келиш ёки системали аудит
- в) мос келмаслик ёки таваккал аудит
- г) операцион ёки системага солинган аудит
- д) тасдиқловчи, мос келиш ёки келмаслик ҳамда тизими-ли, таваккал аудит

**16. Аудитнинг фойдаланиши манбаларига қараб аудит тур-лари**

- а) операцион аудит
- б) молиявий аудит

- в) мос келиш ёки келмаслик аудит
- г) системали таваккал аудит

д) операцион, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари аудити

**17. Аудитнинг шаклларини аниқланг**

а) корхонанинг ташкил топишига қараб бўлинишини айтиш мумкин

б) хўжалик субъектларининг иш юритиш шаклларига қараб бўлиниши

в) нодавлат ва давлат, аралаш аудити

г) нодавлат, хусусий, жамоа, аралаш

д) шахсий, нодавлат, пайчилик акционерлик корхоналар аудити

**18. Ўтказиладиган манзилларга қараб аудитнинг турларга бўлиниши ва умумий фарқланиши нималардан иборат?**

а) ташқи ва ички аудит мақсади билан фарқланади

б) ташқи ва ички аудит мақсади умумий тавсифномаси ҳисботлари билан фарқланади.

в) ташқи ва ички аудит бошқаруви билан фарқланади

г) ташқи ва ички аудит молиялаштирилиши ҳисботи, хулосаси билан фарқланади

д) ташқи ва ички аудит материалларини реализация қилиш билан фарқланади

**19. Аудитнинг умумий принциплари нималардан иборат**

а) аудиторлик текширувининг сифати бўлиши

б) илмий-тадқиқот натижалари жорий қилиш ва тушунарли бўлиши

в) аудиторлик касбини алмаштириш малакаси бўлиши

г) аудиторлик бошқаруви жараёнларининг боғлиқлиги ва халқаро андозалар

д) объективлик, малакали ва юқоридагиларнинг барчаси

**20. Аудиторликнинг халқаро гурӯҳи ва андозалари нечта**

а) 4 гурӯҳ ва 35 стандартлар

б) 3 гурӯҳ ва 30 стандартлар

в) 5 гурӯҳ ва 32 стандартлар

г) 6 гурӯҳ ва 31 стандартлар

д) 3 гурӯҳ ва 31 стандартлар

**21. Нима сабабдан аудиторлик фаолияти худуд ва мамлакат ҳақида хўжалик субъектларида режалаштирилади?**

а) бозор иқтисодиётининг рақобатли курашида корхоналар ғалабаси учун барча хўжалик субъектларини қамраб олиш ва аудиторлар бюджет вақтидан самарали фойдаланиш учун

б) барча хўжалик субъектларини қамраб олиш, барқарор ривожланишини таъминлаш ва аудиторлардан йил давомида самарали фойдаланиш учун

в) хўжаликлар барқарор ривожланишида таклифлар бериш учун

г) хўжаликларнинг иқтисодий таҳдил ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун

**22. Аудитнинг мақсади ва дастури ўртасида қандай фарқлар бор?**

а) дастурдан ундан мақсад аниқланиб олинади, муаммоларни қамраб олиш бўйича мақсад катта

б) мақсад белгиланиб, ундан бажариладиган ишлар рўйхати дастурда кўрсатилади, дастур каттадир

в) мақсад аниқланиб, дастурнинг таркибий қисмларида акс эттирилади

г) дастур бўлакларга бўлинган бўлиб, мақсад биттадир

д) дастур ва мақсадлар бўлакларга бўлинади

**23. Аудитнинг фаолиятини дастурлаша ва уни ўтказишида сегментлар тушунчаси, унинг аҳамияти нималардан иборат?**

а) аудит текширувининг сегметлари дейилганда молия ҳисобот ёки дастурларни айрим муҳим элементларга ажратиб ўзаро боғлиқлигини умумлаштирувчи восита ролини ўйнайди

б) сегментлар дастур ва аудит текширувининг қисмлари

в) сегментлар дастурни ташкил қилувчи бўлаклар

г) аудит текширувининг айрим муҳим элементлари

д) дастур ва текширишнинг бўлимлари бўлиб хулоса учун зарурдир

**24. Аудит текширувининг босқичларини белгиланг**

а) аудит текширувининг тўртта босқичи бор

б) аудит текширувининг саккизта босқичи бор

в) аудит текширувининг учта босқичи бор

г) аудит текширувининг иккита босқичи бор

д) аудит текширувининг олтита босқичи бор

**25. Аудит текширувини якунлаш ва расмийлаштириши**

а) далолатнома, бўйруқ ва бошқалар

б) бўйруқ, дастур сегментлар

в) бўйруқ, «досье», хулоса ва ҳисобот

г) бўйруқ, далолатномалар ва хулоса

д) хулоса ва ҳисоботлар

**26. Ташқи ва ички аудитнинг фарқлари**

а) қамраб олган обьекти ва малакаси жиҳатидан

б) обьекти, малакаси, мақсади, услуби

в) обьекти, малакаси, мақсади, услуби, ҳисобот

г) обьекти, объективлиги, чегараси, расмийлаштирилиши

д) обьекти, мақсади, ҳисоботи, хулоаси

**27. Аудит ва тафтишнинг фарқлари нималардан иборат?**

а) мақсади, ҳукуқчилиги, билиш малакаси, объективлиги, бошқарув

б) функцияси, меҳнат ҳақи, амалий топшириқлар, характерат ва натижалар

в) мақсади, ҳукуқий малакаси, бошқарув функцияси, ҳисоботи

г) объективлиги, ҳукуқи, малакаси, ҳақ тўлаш принципи

д) объективлиги, ҳукуқи объектлари, расмийлаштириш даражаси

е) объективлиги, ҳукуқий объектлари, далолатнома, хулоса

**28. Қошлиш коэффиценти нима?**

а) жорий активларнинг жорий маблағларга нисбати

**6) пул маблағлар ва товар моддий бойликларининг нисбати**

- в) дебиторлар ва пул маблағларининг нисбати
- г) дебиторларнинг кредиторларга нисбати
- д) барча активларнинг пассивларга нисбати

**29. Аудит фанининг зарурлигини қандай исботлайсиз?**

- а) бозорли иқтисодиётда мулк формасининг кўплиги
- б) рақобатли бозор бўлиши сабабли
- в) тайёр маҳсулотлар бозорида рақобатлар борлиги
- г) турлича мулк ва хўжалик шаклларнинг рақобатда бўлиши

**30. Моддий-товар бойликларининг ўртача айланниш коэффициенти нимага teng?**

сотилган маҳсулот қийматининг ўртача моддий товар қийматларининг ўртача даражасига

сотилган маҳсулотлар қийматининг айланма маблағлар нисбатига

сотилган маҳсулотлар қийматининг дебитор қиймати нисбатига

сотилган маҳсулотлар қийматининг кредитор қарзлар нисбатига

сотилган маҳсулотлар қийматининг асосий воситалар қийматининг нисбатига

**31. Ўртача маҳсулот (юқ) жўнатиш кунлар сони қандай аниқланади?**

сотилган маҳсулотлар қийматини моддий товар бойликлари заҳираларига бўлинади

моддий товар бойликлари заҳиралари сотилган маҳсулот қийматига бўлинади

сотилган маҳсулотлар қийматини айланма маблағлар қиймати нисбатига

сотилган маҳсулотлар қийматини ўртача асосий воситалар нисбатига

сотилган маҳсулотлар қийматини кредит суммасига бўлинади

**32. Аудитнинг турларини туркумланг ва белгиланг**  
тасдиқловчи, исботловчи, мос келувчи ва таваккал аудит тасдиқловчи, системага солинган, мос келувчи аудит тасдиқловчи, мос келувчи, таваккал аудит таққословчи, мос ва тасдиқловчи, олдиндан фаолият белгиловчи

тасдиқловчи, мос келишини ва системага солинган аудит

**33. Аудитнинг вазифалари**  
фаолият, маблағ ва манбани текширади ва хулоса беради  
фаолият жараёнларини текширади, хулоса беради  
ишлаб чиқариш реализация ва молиявий текширув ўтказади

хўжалик жараёнларини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини текшириб хулоса беради

юқоридаги масалаларни текширади, натижасини мулодатта беради

**34. Аудитнинг моҳияти**

корхонадаги мулк шаклига қараб рақамга тушадиган маълумотларга асосланади, хулоса беради

фаолиятини рақамлар ифода этганлигини текширади, қонунга таққослади

фаолиятини рақамлар ифода қилинлигини текширади

фаолиятида рақамлар ифода этганлигини кўради, барча хужжатларга таққослади, хулоса беради

фаолият, мулк формасига қараб, таққослаб текширади, хулоса беради

**35. Аудитнинг ўтказиш мазмунлари бўйича турлари**

ташқи ва ички аудит

молиявий ҳисобот, операцион мос келмаслик аудити

операцион, молиявий ҳисобот, солиқ аудити

операцион, молия ҳисобот, жорий бухгалтерия ҳисоби аудити

бюджет, бюджетсиз тўловлар, операцион ва молиявий ҳисобот аудити

**36. Аудит ҳозирги кунда қанча мамлакатда фаолият кўрсатади?**

XVIII асрда пайдо бўлган, 4,2 минг фирма, 147 мамлакатда

XVIII асрда пайдо бўлган, 147 мамлакатда 4,2 фирма бор

XVIII асрда пайдо бўлган, 100 дан ортиқ мамлакатда 4,2 фирма мавжуд, улар 100 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатади

XVIII асрда Буюк Британияда пайдо бўлган, 147 мамлакатда ташкил бўлган

VIII асрда пайдо бўлган, 147 мамлакатда фаолият кўрсатади

**37. Кассадан чиқим қайдномасига мувофиқ 350 сўз ошиқ чиқимга чиқарилган, расмийлаштиришни белгиланг**

чиқим ордери билан эгасига берилди

камомад қилиб ёзилди

камомад далолатномада кўрсатилди

касса кирим ордери билан кассага кирим қисми

банк муассасасига топширилди

**38. Омбор мудири Абдуллаев Р. жавобгарлигидаги 5 тонна ёқилги 12 литр 30—00 сўмлик бажарганда камомад йўқламаси ўтказилганда аниқланди. Тафтишчи қандай қарор қабул қиласди?**

камомаддан ундиришга ёзади

корхонанинг «Фойда ва зарарлари ҳисобига»

табиий йўқолишига

ҳисобдан чиқарилиб юборилади

умумий далолатнома ёзади

**39. Ҳисоб-китоб счётидан кассага 30000 сўмлик пул ўтказилди ва хизматчилар шахсий счётига ўтказилмаган**

далолатнома  
чек каришоги  
хисоб тўлов ведомости  
эълон қофози

касса чиқим ордери

**40. Оддий акциялар тўлов коэффициенти қандай топилади?**

пул даромади акция капиталига бўлинади

пул даромади барча акциялар сонига бўлинади

хўжалик операцияларидан олинган даромадни oddiy акциялар учун диведендлар суммасига бўлинади

хўжалик операцияларидан олинган даромадни oddiy акциялар сонига бўлинади

хўжалик операцияларидан олинган даромад айланма капитал акцияларига бўлинади

**41. Оддий ва имтиёзли акцияларнинг тўлов коэффициенти қандай топилади?**

Суратда хўжалик операцияларидан даромадни ва маҳражда oddiy акция диведендига имтиёзли акциялар диведенти кўшилади, суммасини иккинчи маҳражда бир минус солиқ ставкасига бўлиб топилади

хўжалик даромади oddiy ва имтиёзли акциялар диведендига бўлинади

хўжалик даромади акциялар суммасига бўлинади

хўжалик даромади oddiy акция диведендига бўлинади

хўжалик даромади имтиёзли акция диведендига бўлинади

**42. Хўжаликнинг самарадорлик коэффициенти қандай топилади?**

сотилган маҳсулот ҳажми айланма моддий активлар қийматига бўлинади

сотилган маҳсулот қиймати барча диведенд суммасига бўлинади

сотилган маҳсулот қиймати акциялар қийматига бўлинади

сотилган маҳсулот қиймати фондлар ҳажмига бўлинади

**43. Маҳсулот сотиш рентабеллик даражаси қандай аниқланади?**

хўжалик операциялари даромади сотилган маҳсулот қийматига бўлинади

хўжалик операциялари даромади фондлар қийматига бўлинади

хўжалик операциялари даромади айланма фондларга бўлинади

хўжалик операциялари даромади асосий фондларга бўлинади

хўжалик операциялари даромади сотиш харажатларига бўлинади

**44. Моддий активларнинг рентабеллик даражаси қандай аниқланади?**

хўжалик операциялари даромади баланснинг умумий суммасига бўлинади

хўжалик операциялари даромади айланма материал активларга нисбати

хўжалик операциялари даромади асосий моддий активларга нисбати

хўжалик операциялари даромади қарзлар суммасига нисбати

хўжалик опрациялари даромади дебитор қарзлар суммасига нисбати

**45. Барча мулкларнинг рентабеллик даражаси қандай аниқланади?**

барча даромадлардан диведенд тўлагунча миқдори барча мулклар қийматига бўлинади

барча даромадлардан диведенд тўлагунча миқдори асосий ва қарз суммаларига нисбати

барча даромадлардан диведенд тўлагунча суммасига плюс солиқ суммалари қўшилиб барча мулклар қийматига бўлинади

барча даромадлардан диведенд тўлагунча суммасига плюс солиқ суммаси қарзлар суммасига нисбати

барча даромадлардан диведенд тўлагунча суммаси дебитор қарзларга нисбати

**46. Барча акция капиталининг даромадлилик даражаси қандай аниқланади?**

солиқ олингунча даромад суммаси минус каср имтиёзли диведенд биринчи маҳражда бир минус солиқ ставкаси тақсим қилинади умумий акция капиталига

солиқ тўлагунча даромадлар бўлинади акция капиталига

солиқ тўлагунча даромад бўлинади имтиёзли акция капиталига

солиқ тўлагунча даромад бўлинади оддий акция капиталига

солиқ тўлагунча даромад бўлинади диведендлар суммасига

**47. Аудиторлик фаолият қонуни билан аудиторлик фаолияти низомининг мазмунини белгиланг**

аудиторлик қонунини тартибга солувчи ва низом кўрсатиб йўриқ берувчи

қонунни тартибга солувчи, йўриқ берувчи, низом йўриқ берувчи

қонун тартиб солиб, йўлни белгилайди, низом эса амалиётда қўллашда фойдаланилади

низом йўриқнома амалиётда қўлланилади, қонун ўрганилади

низом ўрганилиб, йўриқнома, қонун эса ўрганилиши мажбурий

**48. Аудиторлик қонуни ким томонидан қабул қилинади ва назорат қилинади?**

Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги  
Молия вазирлиги

Вазирлар Маҳкамаси

Юстиция вазирлиги

прокуратура ва суд органлари

**49. Аудиторлик фаолияти бўйича низом қачон қабул қилингани ва неча банддан иборат?**

20 банд 10 бўлимдан иборат, 1993 йил 10 июнь

10 банд 1993 йил, № 41 сон Молия вазирлиги

10 банд 1993 йил, № 41 сон Молия вазирлиги ва Юстиция вазирлиги

10 банд 1993 йил, № 41 Вазирлар Маҳкамаси

10 банд 1993 йил, № 41 Солиқ қўмитаси

**50. Аудиторлик ва аудиторлик фирмаларни қаерларда текширув ўтказиш ҳақидаги қарор қачон ким томонидан қабул қилингани?**

Олий Мажлис, 1992 йил 9 декабр

Юстиция вазирлиги

Вазирлар Маҳкамаси, 198 сон 3 май 1993 йил

Вазирлар Маҳкамаси ва Юстиция Вазирлиги, 3 май 1993 йил, 198 сон

Олий Мажлис, 3 май 1993 йил

**51. Аудиторлик фаолиятини юргизиш ва тартибга солиши бўйича республикамизда нечта норматив хужжатлар қабул қилингани?**

8 та

10 та

9 та

11 та

12 та

**52. Мазкур норматив хужжатларда такрорлашлар борми?**

бор

йўқ

асосан 8 банд ва моддаларда такрорланади

10 та банд такрорланади

4 бўлим ва 8 модда такрорланади

**53. Аудиторлик фаолияти ҳақидаги қонун неча бўлимдан иборат?**

7

5

8

6

4

**54. Аудиторлик фаолияти ҳақидаги қонун неча моддадан иборат?**

20

19

18

17

15

**55. Иқтисодий назариянинг умумий тушунчаси назорат, аудит, тафтиш, текшириш**

назорат, аудит, тафтиш, текшириш, хўжалик тортишуви  
назорат, аудит, текшириш, хўжалик тортишуви  
назорат, аудит, текшириш, хўжалик тортишуви, суриш-  
тирув  
текшириш, тафтиш, аудит, хўжалик тортишуви, суриш-  
тирув

**56. Назорат органининг вазифалари нималардан иборат?**  
мулкни сақланиши ва самарали фойдаланишини таъмин-  
лаш

мулкни сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш,  
давлат қонунларининг бажарилишини текшириш

мулкни сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш,  
давлат хўжалик масалалари бўйича қонунларнинг бажарили-  
шини текшириш

мулкни сақланиши ва ресурслардан самарали фойдала-  
нишини давлат қонунларини бажарилишини таъминлаш

мулкни сақланиши, ресурслардан унумли фойдаланиш,  
хўжалик курилиши, қонунларнинг бажарилишини таъмин-  
лаш

**57. Назоратни амалга оширувчи органлар кимлар?**  
солиқ инспекцияси, марказий банк, статистика-истиқ-  
бол органлари сайлаган ва бошқа жамоалар

солиқ инспекцияси, молиявий раҳбар органлари, жамо-  
ат ташкилотлари, ички ишлар вазирлиги

солиқ инспекцияси, давлат юстиция органлари, молия  
органлари, жамоат ташкилотлари, банк

солиқ инспекцияси, давлат юстиция органлари, сайлан-  
ган жамоат органлари, молия, банк, статистика-истиқбол  
органлари

солиқ инспекцияси, молия, банк, статистика, туман аг-  
росаноат уюшмалари, давлат юстиция органлари

**58. Назоратнинг номларига қараб туркумланиши**  
ревизия, текшириш ва инвентаризация  
ревизия, хўжалик тортишуви, текшириш ва инвентари-  
зация

ревизия, аудит, текшириш ва инвентаризация  
ревизия, хўжалик тортишуви, аудит ва текшириш  
ревизия, тергов, аудит ва текшириш, таҳлил бозорига  
боғлиқ

**59. Кредитдан фойдаланиш коэффициенти қандай аниқла-  
нади?**

каср суратида мулклар рентабеллик даражасига кўпайти-  
рилади, манбалар ҳажми минус манбаларни жалб қилиш  
харажатлари барча акция капиталига бўлинади

каср суратида мулклар рентабеллик даражасига кўпайти-  
рилади, кредитлар суммасига бўлинади акция капиталига

каср суратида мулклар рентабеллик даражасига кўпайти-  
рилади, акция капитали бўлинади фондлар қийматига

каср суратида мулклар рентабеллик даражасига кўпайти-  
рилади, диведенд суммасига бўлинади мулклар қийматига

каср суратда фойда маҳражда ссуда миқдори

**60. Аудитор таваккалчиллик модели бўйича қайси формула тўғри?**

$$DAR=IR*CR*DR$$

$$DAR=CR+IR-DR$$

$$DAR=CR*JR+DR$$

$$DAR=IR-CR=DR$$

$$DAR=CR+(IR=DR)$$

**61. Аудитор таваккалчилгининг самарадорлик коэффициенти формуласини аниқланг?**

$$DR=(IR=CR)/DAR$$

$$DR=(IR*CR)/DAR$$

$$DR=DAR/CR$$

$$DR=DAR/IR$$

$$DR=DAR/(IR*CR)$$

**62. Қайси бир корхона тўлов коэффициенти аниқлаш формуласи тўғри?**

$$КПС=(Сд+Г-Дз-ОпУп)/(Зд-Кз+Ун)$$

$$КПС=(Сд+Гп-Дз+Оп+Уп)/(ЗПк+КзУн)$$

$$КПС=(Сд+Дз+Гп)/(ЗПк+Кз)$$

$$КПС=(Сд+ун+Гп)/(ЗПк+Ун)$$

$$КПС=(Сл+Оп+Гп)/(ЗП+Кз)$$

**63. Корхона ишлаб чиқариш самарадорлик коэффициентини аниқлаш формуласининг қайси бири тўғри?**

$$Кэ=Rк*Кпс$$

$$Кэ=Кпс+(1-0,5)*Rк$$

$$Кэ=Rк+(0,5*1,5)*Кпс$$

$$Кэ=Rк-(1-0,25):Кпс$$

$$Кэ=Rк*(2-0,5)*Кпс$$

**64. Ўтказиш таркибига кўра инвентаризация турлари?**  
режали инвентаризация, режасиз инвентаризация  
навбатдаги тафтиш, навбатдан ташқари тафтиш  
юқори ташкилотнинг топшириги билан ўтказиладиган

тафтиш режали тафтиш

раҳбарларнинг топшириги билан ўтказиладиган тафтиш  
режасиз тафтиш

молия органлари ўтказадиган тафтиш банк бўлими ўтказадиган тафтиш

**65. Объекти қамраб олишига кўра инвентаризация турлари?**

тўлиқ инвентаризация, қоплама инвентаризация  
тўлиқ инвентаризация, навбатдан ташқари инвентаризация

танланма инвентаризация, рёжали инвентаризация

ресурслар инвенцияси, режасиз инвенция

жараёнлар инвенцияси, навбатли инвенция

**66. Мазмунига кўра инвентаризация турлари**

ресурслар инвенцияси, жараёнлар инвенцияси

ресурслар инвенцияси, тўлиқ инвенция

жараёнлар инвенцияси, қопланма инвенцияси

режали инвенция, тўлиқ инвенция  
режасиз инвенция, қотланма инвенция

**67. Тафтиш назорат ишлари қандай режалар асосида амалга оширилади?**

истиқбол режалар, жорий режалар, индивидуал режалар  
истиқбол режалар, индивидуал режалар  
кварталлик режалар, жорий режалар  
беш йиллик режалар, истиқбол режалар  
иш режалари, ойлик режалар

**68. Назорат ишларини ташкил қилиш шакллари**

марказлаштирилган, марказлаштирилмаган  
режалаштирилган, режалаштирилмаган колектив инди-  
видуал, аралаш, аралаш бўлмаган

марказлаштирилган, марказлаштирилмаган навбатдаги,  
навбатдан ташқари, аралаш, аралаш бўлмаган

марказлаштирилган, марказлаштирилмаган коллектив,  
индивидуал, хусусий умумий

хужжатли, ҳақиқий режалаштирилган, режалаштирилма-  
ган, аралаш бўлмаган, аралаш

**69. Тафтиш ўтказиш тартиби қандай бўлади?**

алоқа ўрнатиш, тафтиш қилиш, далолатнома тузиш,  
қарор қабул қилишга таёrlаш

инвентаризация тафтиш қилиш, далолатнома тузиш, ҳисо-  
ботда акс эттириш

алоқа ўрнатиш, мулкни кўриб чиқиш, баённома тузиш,  
журнал-ордерда акс эттириш

объектлар билан танишиш, инвентаризация қарор қабул  
қилиш, рапорт ёзиш

алоқа ўрнатиш, далолатнома тузиш, қарор қабул қилиш,  
бухгалтерия регистрларида, акс эттириш

**70. Тафтиш акти қайси бўлимлардан иборат бўлади?**

кириш, асосий қисм, холоса  
умумий қисм, холоса, таклиф  
бошлангич қисм, асосий қисм, якуний қисм  
бошлангич қисм, умумий қисм, таклиф  
кириш, умумий қисм, таклиф

**71. Тафтиш далолатнома неча кун ичida имзоланиши ке-  
рак?**

3 кун ичida  
5 кун ичida  
1 ой ичida  
дарҳол имзоланиши керак  
1 ҳафта ичida

**72. Касса операцияларини тафтиш қилиш даврида молия  
ва касса интизомининг бузилиш дамлари қандай расмийлаш-  
тирилади?**

барча молия ва касса операцияларнинг бузилиши ўрга-  
нилиб, турӯҳлашиб умумлаштирилади, оралиқ акти ва маъ-  
лумотларида кўрсатилади

барча юқоридаги бузилиш гуруҳлаши умумлаштирилади, юқори органларга юборилади

кассирни ишдан олиш ҳақида билдириш ёзилади

кассир фаолият бўйича тузилган далолатнома суд-тергов органларига юборилади

«г» пунктда кўшимча кассирни ишдан бўшатиш тўғрисида қарз лойиҳаси тайёрланади

**73. Кассадан тафтиш натижасида 1500 сўм кам чиқса қандай расмийлаштирилади?**

инвенция ва тафтиш далолатномаси тузилади

«а» пунктта кўшимча чиқим ордери ёзилади

«а» ва «б» пунктта кўшимча маъмурият билдириги ёзилади

«а» ва «б», «в» пунктларга кўшимча материаллар тергов органларига ўтказилади, коллективга ҳавола қилинади

**74. Қисқа муддатли қарзларни тугатиш кофициенти қандай белгиланади?**

қимматбаҳо қофозлар ва реал дебиторларнинг жорий мажбуриятларга нисбати

қимматбаҳо қофозлар ва барча дебиторларнинг кредиторларга нисбати

қимматбаҳо қофозлар, пул маблағлари, асосий воситалар қийматининг барча кредиторларга нисбати

**75. Абсолют тугатиш кофициенти қандай аниқланади?**

пул маблағлари ва қимматбаҳо қофозларнинг жорий мажбуриятларга нисбати

пул маблағларининг дебитор қарзларга нисбати

пул маблағлари, кредиторларнинг дебиторларга нисбати

пул маблағлари, айланма маблағларни кредитор қарзларга нисбати

асосий восита ва айланма маблағлари нисбати

**76. Кассада соҳта хужжат аниқланди, суммаси 2000 сўм натижага қандай чиқарилади?**

хужжат олинади

далолатнома тузилади

тафтиш якунига кўшиб далолатнома тузилади

хужжат тергов органларига юборилади

далолатнома, хужжатлар олинниб коллектив ҳавола қилинади

**77. Касса операцияларининг суммаси бир кунда 50 сўмга-ча бўлган ҳолда кассир неча кунда ҳисобот топширади?**

3—5 кунда

10—15 кунда

1 ҳафтада

20—30 кунда

**78. Кассадаги кирим ҳумокатларини тафтиш қилиш**

касса кириш ордери, чек корешоклари, банк кўчирмаси

ҳисоб тўлов ведомостлари, тўлов топшириклари

эълон қоғози, чек корешоклари, банк кўчирмалари

касса чиқим ордери, тўлов талабномаси

чек, ҳисоб тўлов ведомостлари, банк кўчирмалари

**79. Кассадаги чиқим ҳужжатларини тафтиш қилиш**

ҳисобот тўлов ведомостлари, касса чиқим ордерлари

касса кирим ордери, чек корешоклари, касса чиқим ор-  
дери

эълон қоғози, чек корешоклари, ҳисоб-тўлов ведомости

аванс ҳисоботи, касса кирим ордери

карточкалар, ҳисоб-тўлов ведомостлари

**80. Ҳисоб-китоб операцияларини иқтисодий анализ усули-  
дан фойдаланиб тафтиш қилганда қандай ҳужжатдан фойда-  
ланилади?**

жадвал, маълумотлар

маълумотнома, баённомалар

баённома, тилхат

тилхат, инвенция, далолатома

далолатнома, сўров хати

**81. Моддий бойликларни тафтиш қилиши тартиби нима-  
лардан иборат?**

омборда ишларни, дастлабки учёт, инвенция ва унинг  
натижаларини счётларга таққослаш, кирим ва чиқим ҳуж-  
жатларини ўрганиб далолатнома тузилади

омбордаги ишлар дастлабки ва бухгалтерия учёти маълумотлари  
инвенция ва ҳаракати ўрганилиб далолатнома тузилади

«а», «б» пунктларга кўшимча моддий заарлар аниқланади

«а», «б», «в» пунктлардаги ишларга далолатнома тузила-  
ди

«а», «б», «в», ва «г» пунктларга заар ундирилган

**82. Моддий бойликларни тафтиш қандай ҳужжатлар би-  
лан якунланади?**

бўйруқ, инвенция рўйхати, солиштирма қайднома

бўйруқ тилхат, инвенция рўйхати, солиштирма қайдно-  
ма, далолатнома

бўйруқ, солиштирма ведомост, оралиқ далолатнома

бўйруқ, инвенция рўйхати, оралиқ далолатнома, тушун-  
тириш хати

«г» пунктта ундирилганлиги ҳақида далолатнома тузила-  
ди

**83. Чорва моллари бош сонининг кам ёки ортиқча чиқ-  
канлигини қайси ҳужжат орқали аниқлаш мумкин?**

солиштирма, қайднома

йиллик ҳисобот

ишлаб чиқариш молия плани

9-журнал ордер

моддий жавобгар шахс ҳисоботи

**84. Технология жараёнини тафтиш қилишда қайси ҳуж-  
жатлардан фойдаланилади?**

нормативлар, ҳақиқий бажарилган ишни кўрсатувчи ҳуж-  
жатлар

норматив ва бажарилган ишлар, ҳисоб ва рақаси технологик карта ва статистик ҳисоботлар технологик карта, статистик оператив ҳисоблар технологик карта ва бухгалтерия ҳамда дастлабки учёт маълумотлари

**85. Реализация жараёнини тафтиш қилинча қандай тартибга амал қилинади?**

- а) шартнома, давлат ташкилот, шартнома, квитанция
- б) давлат шартнома, шартнома квитанция, товар транспорт хужжатлар ўрганилади
- в) «а», «б» пункт ва зарар аниқланади
- г) давлат шартномаси, шартнома квитанция, транспорт хужжатлари ҳисоботи ўрганилади
- д) «г» пункт ва маҳсулот даромади

**86. Фойда ва зарарни тафтиш қандай тартибда амалга оширилади?**

- маҳсулот сотишдан фойда ўрганилади
- маҳсулот сотишдан зарар ўрганилади
- ҳар бир фойда ва зарар операцияси ўрганилади
- хизмат кўрсатиш, иш бажаришдан фойда ва зарарлар ўрганилади

жарима, пениялар текширилиб ўрганилади

**87. Аудит ва тафтиш даврида корхона самарадорлигининг умумий кўрсаткичининг аҳамияти**

рентабеллик даражаси

фойда нормаси

молиявий аҳвол

тўлов қобилияти

самарадорлик умумий кўрсаткичи, бозор муносабатлари

**88. Капитал қуйилмаларни тафтиш қилинча фойдаланиладиган усуслар**

шартномаларни ўрганиш

ишларни қабул қилиш ва смета

ишлар лойиҳаси бажариладиган смета

ишлар лойиҳаси, контрол ўлчов смета

ишлар қабул далолатномаси, лойиҳа, смета

**89. Моддий зарар аниқланган ҳолатда жавобгар шахснинг ишдан бўша什 тўғрисидаги аризаси қандай ҳолда ҳисботга олинади?**

моддий зарар ундирилган ҳолда

кам миқдорда бўлса

корхона раҳбарларининг розилиги билан

корхона маъмуриятининг розилиги билан

юқори ташкилоқ розилиги билан

**90. Устав фонди қандай тафтиш қилинади?**

кирим қисми кўрилади

фондга эҳтиёж кирим қисми ўрганилади

чиқим қисми

эҳтиёжга кирим таққосланади

эҳтиёжга кирим ва чиқим таққосланади

**91. «ЭКСТ-ЗИД» ва «ПРАЙС УСТЕРХАУЗ», Арбур Андерсон аудиторлик фирмалари неча мамлакатда фаолият кўрса-тади?**

- мутаносиб равишда 179, 110, 100
- 110, 175, 80
- 179, 100, 110
- 100, 120, 178
- 179, 96, 85

**92. Аудит ҳақида қонун ва низомларнинг қабул қилинган вақти?**

ҳамдўстлик мамлакатлари ичida биринчи, 1992 йил  
ҳамдўстлик мамлакатлари ичida олдинда, 1992, 1993 йил  
ҳамдўстлик мамлакатлари ичida энг аввал, 1992, 1994 йил

ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи қабул қилинган, 1993 йил

ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи, 1994 йил

**93. Айланма маблағларнинг ўртача айланиш козфициен-ти**

маҳсулот сотиши ҳажмининг ўртача дебитор қарзларга нис-бати

айланма маблағларнинг дебиторларга нисбати

айланма маблағларнинг маҳсулот ҳажмига нисбати

айланма маблағларнинг кредитор қарзларга нисбати

айланма ва пул маблағларнинг кредитор қарзларга нис-бати

**94. Ўртача товар захираларнинг нақд пулга айланishi кун-лар сони қандай топилади?**

юк жўнатиш кунларини сотилган маҳсулот қийматига бўлиш асосида

юк жўнатиш кунлари кредит олинган кунларга кўшилади ўртача сотилган маҳсулот қиймати тўлаш кунларига, ўрта-ча юк жўнатиш кунларига кўшилади

ўртача тўлаш кунларига кредит олинган кунлар кўшилади ўртача тўлаш кунларига маҳсулот қиймати кўшилади

**95. Акционерлар ҳиссасининг қарзларга нисбати қандай топилади?**

барча кредиторлик мажбуриятлари акция капиталига бўли-нади

акция капитали барча кредиторлик қарзларга бўлинади

акция капитали дебиторлик қарзларга бўлинади

акция капитали ссуда микдорига бўлинади

акция капитали айланма маблағларга бўлинади

**96. Мавжуд материал активларнинг акционерлар ҳиссаси-га нисбати қандай топилади?**

номоддий активларнинг акциялар қийматининг акция ка-питалига нисбати

номоддий активлар ва айланма маблағлар қийматининг акция капиталига нисбати

номоддий активларнинг ссуда капиталига нисбати

номоддий активларнинг кредити қарзларига нисбати  
акция капитали+номоддий активларнинг акция капитала-  
лига нисбати

**97. Назорат турлари ва улар натижаларининг расмийлаши-  
тирилиши**

ревизия-маълумотнома, текшириш-акт, текширув-маълумотнома,  
суриштирув-баённома

ревизия-далолатнома, текшириш-маълумотнома, суриштирув-протокол

ревизия-далолатнома, справка, текшириш маълумотнома,  
тергов баённома, хўжалик тортишуви, баённома, маълумотнома

ревизия-далолатнома, текшириш маълумотнома, суриштирув баённомаси

ревизия-далолатнома, справка, текшириш маълумотномаси, хўжалик тортишуви, маълумотнома, таҳлил жадвали

**98. Назоратни ўтказиши фойдаланилаётган манбаларга  
қараб унинг туркумланиши**

ҳақиқий, текширув назорат, суриштирув,

ҳақиқий, текширув назорат, хўжжатли назорат

ҳақиқий, суриштирув назорати ва хўжжатли назорат

ҳақиқий ва хўжжатли назорат

ҳақиқий ва хўжжатли назоратлар ва инвентаризация

**99. Назоратни ўтказиши усулига қараб туркумланиши**

тергов назорати, текшириш назорати, суриштирув, иқтисодий таҳлил

тергов назорати, тафтиш, инвентаризация

хўжалик тортишуви, иқтисодий таҳлил

тергов назорати, аудит, тафтиш, хўжалик тортишуви,  
текшириш, иқтисодий таҳлил

тергов назорати, аудит, тафтиш, иқтисодий таҳлил

**100. Муддатларга қараб назоратнинг туркумланиши**

йиллик, ойлик, ярим йиллик назоратлар

ҳафталик, ойлик, кунлик, ярим йиллик ва кварталлик  
назоратлар

кунлик, ҳафталик, ойлик, кварталлик, ярим йиллик ва  
йиллик назоратлар

кунлик, ҳафталик, декадалик, ойлик, кварталлик, ярим  
йиллик ва йиллик доимий назоратлар

кунлик, ойлик ва кварталлик, декадалик, ярим йиллик  
ва йиллик назоратлар

**101. Назоратни ўтказувчи органларга қараб назоратнинг  
туркумланиши**

ташқи ва ички назорат

ташқи юстиция органлари, банк муассасалари, статистика  
органлари ва ички назорат

ташқи ва ички назорат бухгалтерия ва тафтиш ҳайъати  
назорати

ташқи ва ички назорат маъмурияти ва тафтиш ҳайъати  
касаба ўюшмалари назорати

ташқи назорат, молиявий қарам бўлган юқори ташкилотлар ва ички назорат

**102. Иқтисодий назоратда фойдаланадиган ҳужжатли манбалар**

хужжатлар, регистлар ва ҳисоботлар, олдинги ўтказиладиган назорат якуний ҳужжатлари

хужжатлар, бухгалтерия дафтари, ҳисобот ревизия далолатномалари

хужжатлар, ҳисобдор шахс, ҳисоб китоб дафтарлари, ҳисоботлар, бухгалтерия регистлари, текширув маълумотномалари, ревизия далолатномалари

хужжатлар журнал ордерлар ҳисоботлар олдинга ўтказилган назорат якунлари

хужжатлар ҳисобдор шахслар дафтарлари, журнал ордерлари олдинги назорат якунлари

**103. Жамоа корхоналари тафтиш ҳайъатининг фаолият курсатилиш муддатларини аниқланг**

уставда белгиланган муддатта

уч йилга

икки йилга

бир йилга

беш йилга

**104. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун қаҷон қабул қилинган?**

2000 йил 28 майда эълон қилинган

2000 йил 25 майда сълон қилинган

2000 йил 26 майда эълон қилинган

2000 йил 26 майда эълон қилинган

2000 йил 26 майда эълон қилинган

**105. Янги қонун неча маддадан иборат**

30 маддадан

31 маддадан

29 маддадан

25 маддадан

32 маддадан

**106. Аудиторлик фаолияти ҳақида нечта низом қабул қилинган?**

4 та

5 та

3 та

6 та

2 та

**107. Янги қонунга мувофиқ ёрдамчи аудитор маддаси нима учун киритилган?**

аудиторлик текширувлари комплекслиги учун

такомиллаштириш учун

тўлиқ бўлиш учун

барча фаолиятларни қамраб олиш учун

зарур мутахассисларни жалб қилиш учун

**108. Аудиторлик фирмасига ҳуқуқни қайси ҳужжат беради?**

- сертификат
- лицензия
- сертификат ва лицензия
- лицензия ва сертификат
- гувоҳнома

**109. Аудиторлик фирмаси устав жамғармасининг миқдори қанча?**

- 1000=энг кам иш ҳаки
- 2250 минг сўм
- 1050=энг кам иш ҳаки
- 1200=энг кам иш ҳаки
- 1250=энг кам иш ҳаки

**110. Аудиторлик текшируванин ўтказиш тартиблари:**

- ташаббус билан
- мажбурий равища
- мажбурий ва ташаббус асосида
- мълум сўроқ хати билан
- солик органлари хати билан

**111. Аудиторга текшириш учун ҳуқуқ берадиган ҳужжат?**

- сертификат
- лицензия
- диплом
- диплом ва сертификат
- гувоҳнома ва сертификат

**Аудиторлик ишлари бажарыладиган даврда зарур  
бўладиган халқдро аудиторлик мезёrlари**

т/т р	Мезёрий ҳужжатнинг номи	Мезёрий ҳужжатнинг мазмуни
I	2	3
1.	Аудит мақсади ва асосий принциплари	Мустақил аудитор томонидан қамраб олинадиган соҳа (доира) ва вазифалар ёзилади.
2.	Аудиторнинг мижоз олдиаги ёзма мажбурият каби	Аудитор томонидан мажбурият ёзма хатда, аудиторлик ишининг ҳажми белгиланади, унинг жавобгарлиги кўрсатилади ва ҳисобот формаси (шакли келишилади).
3.	Аудитни тартибга солувчи асосий принциплар	Унда аудитнинг асосий принциплари белгилаб олинади: бутунлик, объективлик (холислик), иш ва хуносада мустақиллик, конфидиальность, билим-малака, компититенсийлик ( ), ҳужжат билан расмийлаштириш, режалаштириш, аудиторлик исбот далилларини олиш, корхонада ҳисоб тизимини текшириш, ички назорат тизимини текшириш, ички назорат тизимини, олинган ахборот ва хуносаларни таҳлил қилиш, ниҳоят ҳисобот тузиш кабилар.
4.	Режалаштириш	Бунда режалаштириш жараёнларининг элементлари, амалий бажариладиган ишлар рўйхати кўрсатилади.
5.	Бошқа аудиторлар хуносаларидан, материалларидан фойдаланиш	Молиявий ҳисобот бўйича олдинги мустақил аудиторнинг фикрларини баён қиласди ва хуносаларида .... мулоҳазаларини билдиради.
6.	Ички аудит назоратнинг таваккалчилигини ва ишнатајасини баҳолаш	Ички назорат тизими, учёт системаси элементлари, аудиторлик текширув жараёнлари кенг ёритилиши лозим.
7.	Аудиторлик фаолият (иш) сифатини назорат	Ҳар бир аудитор, аудиторлик фирмаси текширув жараёни операцияларини мазмунни, сифат жиҳатидан ўрганилади.
8	Аудиторлик исбот далиллари	Далилларни олиш тартиби, далилларни характерлаш (изоҳлаш).

1	2	3
9.	Кўшимчалар	Ҳақиқий, қонуний, ишончли аудиторлик далилларини олиш тартиби, улардан аудиторлик текширув жараёнларида кўллаш.
10.	Хужжатлаштириш	Аудитор томонидан тузиладиган зарур ёритувчи форма (жадвал) шакли ва мазмuni баён қилинади.
11.	Ички аудит текширув натижаларидан фойдаланиш	Ички аудиторлик текшируви жараёнлари, унинг ишини баҳолашни мустақил аудитор амалга ошириши кўрсатилган.
12.	Аналитик жараёнлар	Аналитик таҳлил жараёнларининг моҳиятини ёритиш кўрсатилган.
13.	Аудиторнинг текширган молиявий ҳисботлари ҳақидаги ҳисботи	Аудитор томонидан текширилган молиявий ҳисботнинг шакли, мазмуни кенг ёритилади, ҳисботи мос ёки четланишлари ёритилган.
14.	Текширилган молиявий ҳисбот ҳақида бошқа ахборотлар	Молиявий ҳисбот жадвалларига таъсир кўрсатувчи молиявий бўлмаган, аммо аудиторнинг расмийлаштирган хужжатларига киритилган хужжатли ахборотлар.
15.	Аудиторлик текширув жараёнида ахборотларни электрон машиналарда ишлаш	Бугунги кун талаби, аудитор томонидан олинган материаллар, ахборотлар ҳисобланадиган коэффицентлардир.
16.	Аудиторлик текширувни техник восита компьютерлардан фойдаланиб текшириш	Аудиторлик текшируvida тайёр дастурлардан фойдаланиш (СААТ кабилалар).
17.	Боғлиқ томонлар	Аудиторлик исбот далилларини олишда, уларга тегишли томонлардан зарур маълумотларни олиш.
18.	Аудиторлик текширув жараёнида эксперимент ҳисоб-китоблардан фойдаланиш	Текшируv жараёнида эксперимент ҳисоб-китоб сифатида мутахассисларнинг баҳолаш фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланиш.
19.	Аудиторлик талаби	Текшируvни амалга оширишда иш ҳажми, тури, мазмунидан келиб чиқиб, объект ва аудит текшируv турларини танлаши ёритилган.

I	2	3
20.	Учёт ишларини ва ички назорат тизимларини баҳолашда электрон ишловларнинг таъсирини билиш	Учёт ва ички назорат тизимида электрон ҳолда мазъумотларни ишлаш қандай роль ўйнаганлигини ўрганиш кўрсатилган.
21.	Аудиторлик ҳисоботининг санаси; Молиявий ҳисббот эълон қилингандан кейинги ҳолатлар	Аудитор ҳисббот санаси, аудитор жавобгарлиги, мажбуриятлар ва баланснинг тузилган вақти.
22.	Аудиторлик фирма раҳбарига аудитор томонидан ахборотнома	Аудитор текширув якунлари бўйича ахборот, исботловчи далиллар кўрсатилади.
23.	Корхонанинг доимий фаолият кўрсатиши жиҳатидан баҳоланиши	Турлича вазиятларда аудитор томонидан корхона молиявий ҳисбботининг маълумотларига қараб турган муаммаларга жавоби кўрсатилади.
24.	Аудиторнинг махсус тайинланган хуносаси	Аудитор текширув мақсадидан келиб чиқсан ҳисбботни тузиш, унда ёзма мажбурият ва шартномада кўрсатилган масалаларнинг ўз аксини толиши.
25.	Аудиторлик таваккалчилги ва жавобгарлиги	Бунда аудиторнинг жавобгарлиги, аудиторлик таваккалчилги, уларнинг режалаштирилиши, қўлланилиши, аудит текширувида фойдаланиш текширув жараёнларининг ўтиши ва баҳоланиши.
26.	Аудит ҳисобининг баҳоланиши	Аудиторлар текширув жараёнларида ўзига ишончли бўлиши учун молиявий кўрсаткичларни мазмунларига қараб баҳолаши лозим.
27.	Корхонанинг истиқболли ривожланиш молиявий ахборот кўрсаткичлари	Аудиторлик текшируви жараённада истиқболли молиявий кўрсаткичлар ҳақида ўрганилади.
28.	Аудиторнинг биринчи текширув молиявий ҳисботлардаги бошлангич қолдиқлар бўйича жавобгарлиги	Аудитор биринчи текширув жараённада молиявий ҳисботлардаги қолдиқларга моддий жавобгарлиги кўрсатилади.
29.	Мустақил аудиторлик текширув жараённада аудитор танлаган таваккалчиликни баҳолаш	Аудитор малакасида фойдаланилаётган таваккалчилик, уларнинг моҳиятини қўллаш ҳажми, вақти ва бошқалар ҳақида ёзилади.

## **Божхона тўловларини аудит текшируви ўтказилишининг умумий тамойиллари**

Республикамиз ўтган ўн йиллик қисқа тарихий даврда иқтисодий мустақиллик погоналарида ҳажм жиҳатидан катта иқтисодий йўлни босиб ўтди. Бу даврда мамлакат иқтисодиётига молиявий ва назорат органлари билан бир қаторда республикамиз божхона ташкилоти ҳам ўзининг муносаб ҳиссаларини кўшиш билан бирга ривожланиш, мустаҳкамланиш йўлини босиб ўтди ва ўтмоқда.

Айниқса, Ўзбекистоннинг кўпгина дунё ҳамжамиятлари фаолиятига интеграциялашувини кўриш мумкин. Республикализм божхона ташкилоти 1992 йилдаётк жаҳон божхона ташкилотига кирган бўлса, 1995 йилда унинг сиёсий комиссиясига аъзо қилиб сайланди, сўнгра 2000 йилда эса у ташкилотнинг молиявий кўмитасига ҳам сайланди.

Матлумки, божхоначилар республикамиздан чиқарилаётган мамлакатимизга киритилаётган товарлар, маҳсулотларни назорат қиласди. Бу мураккаб ишда улар юридик ва жисмоний шахслар билан мулклар тури, уларнинг сертификати, жаҳон ва давлат стандартларига мос келишига, мамлакат учун зарурлиги, аҳамияти ва қиймати кабиларни ўzlари ҳақиқий назоратдан ўтказиб қонунарда белгиланган тариф ставкаларда мувофиқ равишда бож тўловларини белгилайди ва ўз вақтида ундирадилар.

Аудит инфратузилмаси 1) юридик ва жисмоний шахслар билан давлатимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатни тартибга солишга қаратилган бўлса, 2) ўзаро алоқага киравчи чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ҳам ўз фаолияти билан таъсир кўрсатади.

Бундай иқтисодий алоқаларни аудит назорати, фикримизча, қуйидаги ишларни ўз ичига олади: 1) импорт қилинадиган моддий бойликларнинг баҳосини, миқдорини, қийматини аниқлаш; 2) экспорт қилинадиган товарлар ҳажми, баҳоси ва қийматини аниқлаш; 3) давлат бюджетига тушадиган бош тўловлар миқдорини белгилаш; 4) Республикализм божхона қути органларининг ҳисоб-китоб, ҳисбот ишларининг реаллиги ва бошқа масалаларини ҳам кўриш лозим.

Бундай текширувларни амалга оширишда юридик ёки жисмоний шахс эълон қилган декларацияда товар қиймати, божхона тўловининг тўғрилиги аниқланиши

муҳим. Маълумки, бу жуда муҳим иш, сабаби товарнинг ҳаракати белгиловчи хужжатлар, ўзаро алоқадаги хўжалик субъектлари, уларнинг қонуний статуси, фаолият турлари (уставга кўра) кабиларни ўз ичига олади. Булардан ташқари ҳар бир товарнинг зарур лаборатория таҳлиллари (биологик, сифат, сертификат ва бошқалар) қилинишини олади.

Ҳар бир операциянинг амалга ошишида маълум низолар ҳам учраб туриши муқаррардир, уларнинг ҳам оптималь ечимларида аудиторлик текширувлари муҳим рол ўйнайди.

Демак, аудит текширувларини кўз олдимишга келтирадиган бўлсак, бошқа аудит текширувларидан фарқли божхона аудит текшируви ҳақиқий назоратдан бошланниб, кеинчалик хужжатли текширувларни ўз ичига олади.

Албатта, бунда мутахассислар мәлакаси жуда муҳим рол ўйнайди, булардан ташқари уларнинг таркибий тузилишида, турли жинс шахслар иштироки, барча турдаги технологик, эпидемиология, ветеринария врачи, биологик ва техник инженерлар, ҳатто ҳарбий мутахассислар қатнашиши зарурлигини тақозо қиласди.

Божхона фаолиятида бебаҳо маданий бойликлар — авлод-аждодларимиздан қолган меросни сақлаш ва келажак авлодлар олдиаги масъуллигимиз бўлганлиги сабабли, божхона ходимлари таркибida ёки аудит текшируvida олимлар иштироки таъминланиши ҳам тарихий ва зарурний омилдир.

Бугунги мураккаб аудит текшируви ўзига хос усулларни тақозо қиласди. Улар жумласига қўйидагилар киради: 1) амалий усуллар, 2) маҳсус усуллар, 3) божхона қиймати бўйича мижоз қарорларининг назорати. Булар божхона аудит режалаштиришда бошланғич нуқта ҳисобланади. Божхона қийматини аниқлашда текшириладиган элементларни белгилаш текшириш йўлларини белгилаб олишдан иборат.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, асосий ва маҳсус усуллар инвентаризация, тижорат фаолиятидаги турли муносабатлар даражасини аниқлаш, статистик маълумотларни тақослаш (счёт, счёт фактура) ва товарлар бир вақтда келиб тушмаган ҳолда умумий тўловномаларни, регистрларни текшириш, бошланғич қолдигини топшириш ва шу каби юзлаштириш, сўроқ қилиш, агрехимик, биологик, техник таҳлиллар, мутахассис хуносалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу усуллар божхона аудит текшируви иқтисодий самарадорлигини оширади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституяси. «Ўзбекистон», 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Конуни. «Ўзбекистон», 1992 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Конуни. «Ўзбекистон», 1992 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Конуни. «Ўзбекистон», 1992 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуни. «Адолат», 1994, 42—49-бетлар.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрирдагиси) Конуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги аудиторлик фаолиятини тартибига солиш ҳақидаги 365-сонли қарори ва 4 та иловалари билан.
8. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Конун. «Халқ сўзи», 1996 йил, 12 сентябрь.
9. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил, 26 март, 164-сонли қарорига илова.
10. «Ўзбекистон Республикаси Миллий аудит стандартлари». 2000 й. № 3, 4, 5, , 14, 16.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркибий ҳамда молиявий натижаларни шаклланиши тартиблари тўғрисида» Низом. 1995 йил.
12. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил.
13. И. А. Каримов. «Ўзбекистон Республикаси XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». 1997 йил.
14. И. А. Каримов. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз». 7-жилд, Ўзбекистон, 1999 йил.
15. И. А. Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз». 8-жилд. Ўзбекистон, 2000 йил.
16. В. Д. Андреев. «Практический аудит (справочное пособие)». М. Экономика. 1994 г.
17. Арнес Э. А. Лоббек Дж. К. Аудит. М: Финансы и статистика, 1995 г.
18. Т. Абдукаримов. «Бухгалтерия ҳисоботларини ўқиши ва таҳлил қилиши». Т. 1999 й.
19. Актуальные проблемы учета, аудита ва совершенствования финансово-кредитной системы в условиях рыночных отношений (14—16 декабря, 1993 г). Самарканд, СКИ—1993.
20. «Банковский надзор и аудит». «Инфа—1995 г.
21. Белов Н. Г. Контроль и ревизия в сельском хозяйстве. М. ВО «Агропромиздат», 1988 й.

22. Бутинец Ф. Р. и др. Контрольно-ревизионная служба на селе. Вопросы и ответы. М. «Агропромиздат», 1986.
23. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Пер., С англ. предисл. Стукова С. А. М., Финансы и статистика, 1992 г.
24. Данилевский Ю. А. Аудит: Вопросы и отчеты. М., Библиотека журнала «Бухгалтерский учёт». 1993. С. 110.
25. Дж. К. Ван Хорн. «Значение финансового менеджмента». Финансы и статистики. 2000 г. С. 788.
26. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Финансы и статистика. ЮНИТИ, 1992. С. 240.
27. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Финансы и статистика. ЮНИТИ, 1992. С. 192.
28. К. Дюри. «Введение в управленческий учет» М.: аудит 1998 г стр 582.
29. Дж. К. Ван Хорн. «Значение финансового менеджмента» М., Финансы и статистика. 2000 г. С. 788.
30. Иткин Ю. М. Проблемы становления аудита. М.: Финансы и статистика, 1991 г.
31. А. Ибрахимов. «Ижара ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий назоратни ташкил этиши». Т., 1992.
32. А. Ибрагимов, Каримов. «Хориж сармоялари — бухгалтерия ҳисоби». Т. 3-н 1999 й. С. 142.
33. Камышанов П. М. Знакомтесь: Аудит (организация и методика проверок). М., Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 1994.
34. Н. Каримов. «Сұхбатта чорлаймиз», СБХ 15-сон, 29 январ 2001 йил.
35. З. Н. Курбонов, М. К. Турдиеев. Аудит ва аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш. Самарқанд: «Матбуот уйи». 1994 йил.
36. Х. Н. Мусаев. Истоҳотлар ва муаммолар (ёки бозор муносабатлари шароитида мутахассислар тайёрлаш). Иқтисод ва ҳисобот журнали, 1995. 1—2-сон. 6—8-бет.
37. Х. Н. Мусаев, М. У. Мусаева. Проблемы организации учета и аудита в условиях перехода к международным стандартам. Материалы международной науч-прак. Конференции: «Актуальные проблемы учета аудита и совершенствования финансово-кредитной системы в условиях рыночных отношений». Самарқанд, 1994 г.
38. Х. Н. Мусаев. Аудит услубиети ва ташкил қилиниши муаммолари. «Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб, аудит ва таҳдил мунаммоля». Самарқанд, 1995 йил.
39. М. М. Тұнажұжаева. Аудит финансового состояния предприятия. Ташкент, 1994 г.
40. Ф. Э. Гадеев, Д. П. Юсей. «Рекомендации по применению плана счетов с типовыми бухгалтерскими проводками». Т. 1997 г. «Мир экономики и право». С. 294.
41. Иткин Ю. М, Сотиболдиев А, Гадеев Э. Ф, Пулатходжаева М. «Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана». Т. 1999 г. I-II часть.
42. Егоров В. С, Санников А. А. Практикум по контролю и ревизии в сельском хозяйстве, 1985 г.
43. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан НСБУ — 21. План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и инструкция

- цию его применению. Т. Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана. С. 216.
44. Ризакулов А., Ибрагимов А., Хасанов Б., Усанов, Маматов З. Г. «Бухгалтерия ҳисоботларининг ҳалқаро стандартлари». Т. 1994 й.
  45. Ризакулов А., Нарзиев Р. «Аудит». Т. 1999. г. С. 211.
  46. Гатаулин Ш. К., Гадеев Э. Ф., Югай Л. П. «Рекомендации по применению журнально-ордерной форму бухгалтерской отчетности». 1999 г.
  47. Н. С. Санаев. «Аудит ва тағтиш». Т.: «Фан». 1996 й.
  48. Раджабов, Р. Д. Дўстмуродов. «Қишлоқ хўжалик корхонала-рида бухгалтерия ҳисоби». Нукус: «Билим», 1995 й.
  49. Спецвыпуск 2. «Национальные стандарты бухгалтерского учёта Республика Узбекистан». Т. 2000 г.
  50. Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана. С. 194.
  51. Н. Б. Үразов, С. Н. Тошназаров. Ҳалқаро учёт асослари. Самарқанд: СКИ, 1995 йил.
  52. Б. Ҳамдамов. Молиявий назорат ва аудит. Иқтисод ва ҳисобот журнали. 1993 йил. 4-сон.
  53. Ҳалимов А. Ҳ. Современная методика приведения аудита на предприятиях Республики Узбекистан. 1995 г.
  54. Шеремет А. Д. «Аудит» М., 1994 г.
  55. Лойиха: «Ўзбекистон Аудиторларининг касбий этикаси кодекси». БСХ № 5, 29 январ 2001 йил.

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш . . . . .</i>	3
Бозор иқтисодиёти шароитида аудит ва аудиторлик фаолиятининг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши . . . . .	12
Аудит фанининг предмети ва методлари . . . . .	25
Аудитнинг моҳияти ва мазмуни. Аудит ва аудиторнинг турлари ва типлари . . . . .	32
Аудит ўтказишнинг методологик муаммолари .	47
Аудитнинг умумий технологияси . . . . .	57
Аудитни режалаштириш ва ташкил қилиш . .	64
Аудитни ўтказиш жараёнида жиддийлик ва аудитда таваккалчилик . . . . .	69
Аудиторлик хуносаси ва таркибий қисмлари .	76
Бухгалтерия ҳисоботларини аудит текширувани ўтказишдаги услублар . . . . .	79
Операциявий аудит . . . . .	82
Аудиторлик текширувининг тамомланиши . .	88
Иқтисодий назоратнинг предмети ва методи. Назоратнинг предмети ва объектлари . . . . .	100
Инвентаризация — иқтисодий назоратнинг ажралмас қисми . . . . .	111
Аудит ва тафтиш ишларини режалаштириш ва ташкил қилиш шакллари . . . . .	123
Агросаноат корхоналари ва бирлашмаларининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молия фаолиятини тафтиш қилиш . . . . .	142
Ҳисоб-китоб ва кредитлар бўйича хўжалик операцияларини аудит ва тафтиш қилиш. . . . .	156
Товар-моддий бойликларни аудит қилиш. . . . .	171
Асосий воситаларни аудит ва тафтиш қилиш . . . . .	183
Мавжуд чорва молларининг бош сонини ва ҳаракатини аудит ва тафтиш қилиш . . . . .	194

Корхонада меҳнат сарфи ҳамда унга ҳақ тўланишини аудит ва тафтиш қилиш . . . . .	204
Маҳсулотларни, хизмат ва бажарилган ишларни реализация қилишини аудит текшируви . . . . .	207
Корхоналарнинг молия натижаларини, жамгармалар ҳамда резервларни аудит текшириш .	235
Капитал қўймаларни аудит қилиш . . . . .	242
Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва давлат ҳисботларининг аҳволини аудит қилиш . . . . .	251
Корхоналарда иш юритиш ва ижарачилик интизомининг аҳволини аудит қилиш . . . . .	255
Корхоналар ва бирлашмаларда низом қоидаларига амал қилишини аудит қилиш . . . . .	258
Кичик, ўрта ва кооператив хўжалик субъектларининг аудит текшируви . . . . .	276
Иловалар . . . . .	294
Халқаро майдонда қабул қилинган аудиторлик стандартлари . . . . .	294
Аудиторнинг умумий стандартлари . . . . .	294
Аудиторлик текширувини ўтказувчи обьектларда аудитор ишининг стандартлари . . . . .	294
Аудиторлик хulosанинг стандартлари . . . . .	295
Умумий қабул қилинган андозалар . . . . .	295
Аудитни ўтказиш бўйича аудиторнинг ёзма мажбуриятнома-розилик хати . . . . .	296
Аудит ўқув консалтинг маркази якуний тестлари . . . . .	301
Аудиторлик ишлари бажариладиган даврда бўладиган халқаро аудиторлик меъёрлари . . . . .	325
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати . . . . .	330

**НУРИЛЛА САНАЕВ, РАВШАН НАРЗИЕВ**

**АУДИТ**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001**

**Мұхаррирлар *А. Бобониёзов, Д. Исломова*  
Рассом *К. Акчулаков*  
Бадий мұхаррир *Ф. Башарова*  
Техник мұхаррир *Д. Габдрахмонова*  
Мусаҳиҳ *Ж. Тоиррова***

Теришга берилди 4.09.2001. Босишга рухсат этилди 31.10.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/2</sup>, Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоги 16,8. Нашриёт-хисоб табоги 18,5. Адади 5000 нұсха. Буюртма  
№ 2461. Бағоси келишув асосида

**«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**

C30

**Санаев Н., Нарзиев Р.**

Аудит: Олий ўқув юртлари учун дарслик.—Т.:  
«Шарқ», 2001. 336 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги, Самарқанд қишлоқ хўжалик  
институти.

I. Муаллифдош.

**ББК 65.053#73**